

566

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 1/2011



5

70



*Ореун шул, ўчмасин ёлган чароғинг,
Юлдуздай нур сочсин чашминг, қароғинг.
Магар чинор бўлсанг, чинордай аша,
Бесақт узилмасин бирор япроғинг.*

Ҳидойат

Алишер НАВОИЙ



Кўнгул ичра гам камлиги асру гамдур,
Алам йўқлуги даги қаттиқ аламдур.

Ема дарду андуҳдин гамки истаб,
Топилмас будур бўлса бу мугтанамдур.

Хуш ул дардким юзланур лаҳза-лаҳза,
Хуш ул гамки хотир аро дам-бадамдур.

Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса тонг йўқ,
Ки бедард кўп, лек дард аҳли камдур.

Манга шиқ дарди эмас муҳлику бас,
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур.

Харобот аро, эй хуш, ул ринди сармаст
Ки, олинда олам вужуди адамдур.

Мақом этса туфроқ уза тахти Жамшид,
Сафолики, ул май ичар, жоми Жамдур.

Қадаҳ ваяҳи гар шайхдин ҳосил эрмас,
Не гам дайр пири чу соҳибкарамдур.

Навоий ичар бода ул шўх тутқоч,
Неча гарчи тақво била муттаҳамдур.





ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан неча бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Таърифи:

Давлат ЖУМАҚУЛ
(наъсуп хотаб)
Муҳаммад РАҲИМ
(буғлам муҳаррир)
ШОҲСАНАМ
(буғлам муҳаррир)
Ольга ЖОЛДАСОВА
(буғлам муҳаррир)
Наргиса УСМОНОВА
(саҳифабанд)
Гушора ФАТТХОНОВА
(муҳаррир)
Маъраб НУРИНБОЕВ
(фотомуҳаррир)

Жамоат каттаби:

Дилором АЛИМОНА
Абдулло АЪЗАМ
Хуршид ДАВРОН
Нуриддин ЗАЙНОВ
Бахтиёр ЗОКИР
Навоқилдин КОМИЛ
Султонмурод ОЛИМ
Шухрат РИЗО
Хайриддин СУЛҲОН
Нурислом ТУҲЛИЕВ
Абдурахим ЭРҲАЕВ
Мурғазо ҚАРШИБОВ
Фарход ХАМРОЕВ
Ниброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассиси — Республика Маънавият ва маърифат вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-релиф билан рўйхатга олинган. Матбуотда фойдаланишдан мундқи, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба ҳақида айтилиши шарт.

Шеърли асарлар журналга ўз ташкибин билан чоп этилади.

Маълумлими: 100047, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 6-уй

233-10-68
238-46-16
238-05-19



Журнал андосаси таъдирнинг компьютер бўлимида тайёрланади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа ширкатидаги компютери бошқарувчиси, 100029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2010 йил 30 декабрь кунин бошқарувчига топширилган. Қўсма босими 70х100 1/4, 8 босма тобон, 1388-буғуртма. Нашр адида 3000 нуска. ISSN 2010-849

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Инсон толе юлдузини излаб яшайди. Профессор Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ билан суҳбат..... 4



Манабаник обсерваторияси

ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Элбек ХОЛИҚОВ. "Ойна" ортидаги ёлгон дунё..... 14

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Аброр ЮСУПОВ. "Юмшоқ куч" стратегияси..... 22

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ. Фалсафадан нима наф?.....30

БИЛПУР ҚАТРАЛАР

Абдулла ОРИПОВ. Энг олий бахтим менинг — онажоним шеърят!38

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Оноре де БАЛЬЗАК. Ғойиб бўлган дурдона.....46

НАВОИЙ СОҒИНЧИ

Сиражиддин САЙИИД. Уч мухаммас.....66

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

ИБРАТНОМА

Фарход ҲАМРОЕВ. Устозим.....70

Тура АЛИҲАЕВ



БУЮК ФАЗИЛАТЛАР

Шавкат ҲАЙИТОВ. Қалб зийнати.....76

БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Михли САФАРОВ. Ўн минг авлод муаллими.....80

Қушифтабий



СИРЛИ САРҲАДЛАР

Хушбоқ РАҲИМОВ. Машрафа жумбоқлари.....88

МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Сайфиддин ЖАЛИЛОВ. Йиққан-терганларим.....92

ТАФАККУР ТАБАССУМИ

Ҳазиломуз ҳикматлар.....96

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Нурбой ЖАББОР. Китоб – руҳ малҳами.....98

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Ойбек АБДИМЎМИНОВ. Ўзбекистон ва БМТ муносабатлари.....106

Аслиддин АБДАНОВ. Янги давр ва инсоният истиқболи.....107

Бахтиёр ҲАСАНОВ. Ўзбекистон матбуоти ва глобал ахборот макони.....109

Анвар ШИРИНОВ. Юксак технологиялар ва инсон ривожи.....111

Умид ҚУРОНОВ. Жаҳон экологик ҳаракати ва Ўзбекистон.....113

Мағлуба ҚАҲҲОРОВА. Демократик жамият ва шахс ҳуқуқлари.....114

Суннатилло ИСМОИЛОВ. Юксалиш йўлидаги мустаҳкам асос.....116

Гулчеҳра АБДУЛЛАЕВА. Демократия – узоқ муддатли жараён.....118

Нодира ЭРКАЕВА. Маданий тараққиёт ва тарихий ҳақиқат.....119

Гулчеҳра ҚУРБОНОВА. Ғузаллик – ижтимоий эҳтиёж.....121

Муҳаммадҷон АЛИҲОЖИЕВ. Қўқон хонлиги: вақф ва таълим.....122

Комилжон РАҲИМОВ. Улуғ бухорийлардан бири.....124

Санжар МУРОДОВ. Фаридуддин Атторнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари.....125

Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....127



INSON TOLE YULDUZINI IZLAB YASHAYDI

**ЎЗР ФА Астрономия институти директори,
физика-математика фанлари доктори,
профессор Шухрат ЭГАМБЕРДИЕВ
билан суҳбат**

— Одамзот жуда қадим замонлардан буён фалакка талпиниб, унинг бағридаги сон-саноксиз юлдуз ва сайёраларнинг сир-синаотини билишга қизиқиб келади. Ана шундай интилишлар туфайли юзага келган астрономия фанини XIV асрда юксак чўққига кўтарган буюк аجدодимиз Мирзо Улуғбек аъналарини бузун — орадан олти аср ўтиб унинг муносиб ворислари томонидан қайтадан тикланиб, жадал ривожлантирилмоқда.

Яқинда мамлакатимиз олимлари кашф этган кичик сайёрага “Самарқанд” номи берилди. Бу ҳақда юртимиз оммавий ахборот воситалари орқали етарли маълумот тарқатилди. Бизни қизиқтираётган савол шуки, бу сайёра хорижлик олимлар эмас, нега айнан бизнинг олимлар томонидан кашф этилди? Ёки сайёрамизнинг бир нуқтасидан, дейлик, мамлакатимиздаги Майданак обсерваториясидан туриб кузатилган осмон jismlari рўйи заминнинг бошқа ўлкаларида кўзга ташланиши қийинми? Бунинг сирини нимада?

— Авваламбор шуни таъкидламоқчиманки, “Самарқанд” сайёрасининг очилиши, фандаги аксарият кашфиётлар сингари, тасодифан рўй берди. Албатта, фан оламида бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради. Баъзан кундалик ҳаётдаги оддий, бир қарашда арзimasдек кўринадиган ҳодисалар ҳам кутилмаганда катта бир кашфиётга сабаб бўлиши мумкин. Узоққа бормасдан, 2010 йили физика соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган шундай бир кашфиётни олайлик. Бу ўринда Буюк Британиядаги Манчестер университети илмий ходимлари — россиялик олимлар Константин Новосёлов ва Андрей Гейм графен деб аталадиган материалнинг ўзига хос хусусиятларини кашф этгани ҳақида сўз бормоқда. Графеннинг ноёб

хусусиятлари унинг ўта юққалиги билан боғлиқ. Шунга кўра, графеннинг хусусиятларини ўрганишдан аввал бир атом қалинлигидаги ғоят нозик бу материални тайёрлаб олиш зарур эди. Бунга эришиш учун жаҳоннинг етакчи лабораторияларида қанчадан-қанча олимлар кечаю кундуз тиним билмай тер тўккан. Новосёлов ва Геймга ҳам ошон бўлмаган – улар чанг зарраси қадар кўз илғамас ана шу моддага эга бўлиш учун тонналаб қимматбаҳо материални сарф қилган. Россиялик олимлар ўзлари қўллаётган графитга ишлов беришдан олдин уни тозалаш усули ҳақида ўйлаб қолишади. Буни қаранглик, графитни тозалаш жараёни оддий “деҳқонча” усул, яъни материалга скоч (елимли лента) ёпиштириб, сўнг уни кўчириб олиш йўли билан амалга оширилар эди. Новосёлов ва Гейм бир кун аввал ўтказилган экспериментнинг чиқиндиси – ахлат челагига улоқтирилган скочни текшириб кўрганида нима бўлади деген? Юқори сифатли тайёр графен материални “олиш” усули аллақачон топилгани маълум бўлади!

Журналхонда Нобель мукофотидек нуфузли соврин оддий бир ишга берилибди-да, деган фикр туғилмаслиги учун таъкидлаб ўтмоқчимизки, бу икки олим техникада кенг кўламда қўлланиши мумкин бўлган янги материалнинг хусусиятларини кашф этиб, уларнинг илмий-физикавий талқинини асослаб бергани учун бу мукофотга сазовор бўлди.

Бевосита бизнинг юртимизга, миллий кадриятларимизга дахлдор бўлган яна бир кашфиёт. Жаҳондаги энг нуфузли журналлардан бири бўлмиш “Сайенс”да 2007 йил Гарвард университетининг аспиранти Питер Лунинг катта шов-шувга сабаб бўлган мақоласи чоп этилди. Унда ҳикоя қилинишича, Питер Лу Ўзбекистонга сайёҳ сифатида келиб, Бухоро ва Самарқандга боради. Бу шаҳарлардаги қадимий меъморий обидаларни синчиклаб томоша қилади. Дафъатан улардаги нақшкор шаклларда Ғарб олимлари ўтган асрда кашф этган геометрик қонуният мавжудлигини пайқаб қолади. Ажабки, XX асрдаги геометрия фанининг муҳим ютуқларидан бири бўлган, илм-фанда Пенроуз тасвирлари деб ном олган қонуниятни аждодларимиз бундан беш-олти юз йил бурун кашф этиб, кўҳна обидаларимизга бетакрор нақшлар сифатида муҳрлаб кетган экан. Бу ҳақда 2007 йили “Халқ сўзи” газетасида каминанинг мақоласи чоп этилган, кўпчилик “Нега энди бу янгилigni ўзимизнинг олимлар эмас, четдан келган бир йигитча кашф этди?” деган савол билан мурожаат қилган эди.

Дарҳақиқат, биз бу нақшларни неча марта кўрганмиз, уларнинг жозибадор шаклига ҳайрат билан тикилганмиз. Ҳатто атоқли меъмор олимларимиз ушбу нақшлар асосида ётган геометрик қонуниятлар ҳақида монографиялар ҳам ёзган. Лекин улар англиялик профессор Пенроузнинг 1974 йил геометрия соҳасида амалга оширган кашфиётидан беҳабар эди. Бу ютуқдан кейинчалик – ўтган асрнинг 80-йилларида кашф этилган квазикристаллар хусусиятларини талқин қилишда ҳам кенг фойдаланилган. Питер Лу эса айнан квазикристаллар бўйича мутахассис. Бундай шаклларни кўравериш унинг кўзи пишиб кетган, бинобарин, шарқона меъморчи нақшлар замирида илмий қонуният борлигини англашга энг тайёр тадқиқотчи айнан шу олим эди. Шунинг учун у Бухородаги Абдуллаҳон мақбарасидаги нақшларга кўзи тушиши билан шаклларда Пенроуз тасвирлари мавжудлигини пайқаган.



“Самарқанд” сайёрасининг кашф этилишига келсак, аввало шуни таъкидлаш керакки, Астрономия институтининг Майданак тоғида жойлашган обсерваториясида бир неча йиллардан буён кичик сайёралар – астероидларни кузатиш дастури амалга ошириб келинади. Бу мавзу ўзининг нафақат илмий, балки амалий аҳамияти билан ҳам замонавий астрономиянинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Кези келганда айтиш жоизки, сўнги йилларда омвий ахборот воситаларида астероидларнинг ерга келиб урилиши эҳтимоли ниҳоятда бўрттириб юборилган. Аслида бундай тўқнашув хавфи унча катта бўлмаса-да, бу улкан самовий тошлар Қуёшнинг фаоллиги, иқлим ўзгариши, ер магнит майдонларининг ўрин алмашиши каби Ердаги ҳаётга таҳдид соладиган хатарли омиллар сирасига киради. Бугунги кунда орбитаси аниқланган кичик сайёралардан 7 минггаси Ерга нисбатан хавф туғдирадиган астероидлар ҳисобланади. Ушбу потенциал хавфнинг олдини олиш мақсадида жаҳоннинг йирик астрономия марказлари томонидан кичик сайёраларнинг орбиталарини узлуксиз мониторинг қилиб бориш халқаро хизматлари тузилган. Бу ишни қўллаб-қувватлаш бўйича БМТнинг махсус қарори ҳам қабул қилинган. Бизнинг олимлар бу борада Майданак обсерваториясида Япониянинг миллий астрономия обсерваторияси билан биргаликда тадқиқот олиб боради. Гарчи бизнинг кашфиётимиз ана шу дастур туфайли юз берган бўлса-да, бироқ “Самарқанд” сайёраси Ерга таҳдид соладиган астероидлардан эмас.

Тўғри, “Самарқанд” сайёраси дунёдаги бошқа бир обсерваториядан туриб кашф этилиши ҳам мумкин эди. Лекин бу бахт бизнинг олимларимиз Баҳодир Ҳафизов ва Алексей Сергеевга насиб этди. Улар 2007 йил Майданак обсерваториясининг АЗТ-22 русумли бош телескопи мониторингида турғун юлдузлар фониди тез ҳаракат қилаётган бир объект борлигини пайқаб қолишди. Бу объектнинг координаталари ва тахминий орбитаси элементлари аниқланиб, АҚШдаги Гарвард Кичик сайёралар марказига юборилди. Тез кунда у ердан ушбу объект халқаро каталогларда қайд этилмагани ва унга дастлабки 2007 TU2 рақами берилгани тўғрисида қувончли хабар келди. Илк ҳисоб-китобларга кўра, кичик сайёранинг Қуёш атрофида айланиш даври, тахминан, тўрт йилни ташкил этарди. Бу эса сайёра орбитасини тўлиқ аниқлаш узоқ кузатишларни тақозо этишини билдиради. Шу тариқа сайёранинг ҳаракати яна икки йил узлуксиз кузатиб борилди ва унинг орбитаси элементлари юқори аниқликда белгилаб олинди. Ниҳоят, 2009 йил Гарварддаги Халқаро кичик сайёралар марказидан ушбу самовий мўъжиза ҳақиқатдан ҳам ҳали фанга маълум бўлмаган янги кичик сайёра экани ва у энди халқаро каталогларда 210271 рақами билан қатъий қайд этилгани тўғрисида хабар келди.

Бу кашфиётни амалга оширишда соҳани пухта эгаллаган малакали мутахассислар ва замонавий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги ҳамда Майданак обсерваториясининг астроклими (осмон jisимларини кузатишга қўлай атмосфера шароити), бир сўз билан айтганда, зарур барча омиллар бир вақтнинг ўзида мужассам бўлгани беқиёс ўрин тутди. Яъни, “Самарқанд” сайёрасининг кашф этилиши суҳбатимиз аввалида зикр этилган кашфиётлар сингари мутлақо қутилмаган – “100 фоиз тасодифий” ҳодиса эмас.

Таъкидлаш керакки, бу кашфиёт мустақиллик йилларида мамлакатимизда астрономия фани жаҳон андозалари даражасига кўтарилганининг амалий тасдиғидир. Янги сайёрага Президентимиз Ислам Каримов томонидан “Самарқанд” деб ном берилиши, авваламбор, астроном олимларимиз меҳнатига

бўлган юксак эътибор, шу билан бирга, маънавиятимиз ривожига қанчалик катта аҳамият қаратилаётганининг ёрқин ифодасидир. Бу мавзу матбуотимизда кенг ёритилгани боис кўп гапиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

– Юртимиз тарихида ўтган юксак ақл-заковат ва тафаккур соҳиблари, жумладан, буюк мунажжим Мирзо Улуғбекнинг осмон жисмларига оид илмий кашфиётлари ўрта асрлардаёқ Ғарб оламида муносиб баҳоланган. Атоқли поляк астрономи Ян Гевелий яратган гравюрада Мирзо Улуғбек сиймоси астрономия маъбудаси Ураниянинг ўнг томонида тасвирлангани ҳам шундан далолат беради. Сизнингча, бу гравюранинг маъно-мазмуни, оддий одам илғаб олиши қийин бўлган илмий-фалсафий жиҳатлари ҳақида нима дейиш мумкин?

– Мирзо Улуғбекнинг юлдузлар каталогини илк бор 1648 йили Европанинг машхур илм-фан марказларидан бўлган Оксфорд шаҳрида машхур олим Жон Гривс нашр эттирган. Шундан сўнг буюк алломанинг илмий асарлари Европада кетма-кет чоп этилди. Бу нашрлар орасида 1690 йил Польшанинг Гданск шаҳрида босилган машхур поляк олими Ян Гевелийнинг (1611–87) “Prodrum Astronomiae” (Астрономия даракчиси) асари алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу асарда Мирзо Улуғбек каталоги ўша даврда маълум бўлган европалик беш астроном – машхур юнон донишманди Птолемей, даниялик Тихо Браге, италиялик роҳиб ва астроном Жан Батист Риччиоли, Гессен шаҳодаси Вильгельм Тўртинчи ва Ян Гевелий юлдузлар каталоглари билан бирга нашр этилиши уларни бир-бирига таққослаш имконини берди. Асарни Ян Гевелий вафотидан уч йил ўтгач, умр бўйи у билан бирга илмий кузатувлар олиб борган рафиқаси Эльжбета (1647–93) нашр эттирган.

Ян Гевелийнинг атласи нафақат илмий, айни вақтда катта бадиий қимматга ҳам эгадир. У ноёб расмлар, жумладан, моҳирона ишланган иккита гравюра билан безатилган. Маълумотларга қараганда, баъзи расмларни Ян Гевелийнинг ўзи чизган. У юксак бадиий дид соҳиби ва моҳир гравюрочи ҳам бўлган. Гравюраларнинг биринчисида Мирзо Улуғбек боя тилга олинган беш буюк астроном билан тўгарак стол атрофида ўтирибди. Даврага астрономия маъбудаси Урания бошчилик қилган. Бундан ташқари, Ян Гевелий ҳар бир аллома айтган ибратли фикрларни ҳам ушбу тасвирларга муҳрлаб қўйган. Айниқса, Мирзо Улуғбек тилидан битилган куйидаги сўзлар аллома бобомизнинг буюк шаъну шавкати-га бениҳоя муносибдир: “Ўз ишимни муносиб авлодларимга қолдирдим”. Ғарб илмий жамоатчилиги Мирзо Улуғбекни илмий жасорати, ёрқин даҳоси, тенгсиз шону шуҳрати билан асл ҳолида қабул қилган ва унга ҳақли равишда тан берган. Турли замонларда яшаб ўтган буюк астрономларни рамзий ҳолатда бирлаштирган бу гравюрада Мирзо Улуғбек Ураниянинг ўнг ёнидан жой олгани ҳам шундай хулоса чиқаришга асос беради.

Бу ўринда яна бир муҳим фикрга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Президентимиз Ислоҳ Каримов Мирзо Улуғбек яратган илмий мактабнинг дунё микёсида бу қадар кенг шуҳрат қозонишида унинг бобоси соҳибқирон Амир Темурнинг роли ниҳоятда катта бўлганини бир неча бор таъкидлаб ўтганлар. Ҳақиқатан ҳам, Мирзо Улуғбек яратган илмий мактаб фақат Амир Темур барпо этган қудратли давлатда вужудга келиши мумкин эди. Ана шу улкан салтанат пойтахти бўлган Самарқанд шаҳрига дунёнинг турли мамлакатларидан келган меъмор муҳандислар, дурадгору усталар, алломаю фозиллар, шоиру мусав-

вирлар туфайли бу ўлкада илм-фан ва ижод гуллаб-яшнади. Мирзо Улуғбекнинг истеъдоди айнан шундай шароитда камолга етиб, олимлик салоҳияти юксалди.

Амир Тему́р бобомизнинг дунё тарихидаги бекиёс ўрни ва таъсири шу билангина белгиланмайди, албатта. Унинг Европани Шарқдан келадиган муқаррар хатардан асраб қолгани ва шу тариқа Ғарб оламида эришган катта обрў-эътибори Мирзо Улуғбекнинг илмий асарлари бу минтақада жуда тез машхур бўлишида алоҳида аҳамият касб этган. Мумтоз алломанинг XVII–XVIII асрларда Европада чоп этилган барча асарлари “Буюк Тему́рнинг набираси Улуғбекнинг астрономик жадваллари” деган ном билан аталгани ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Кези келганда яна бир янгилик ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек музейи бутунлай қайтадан барпо этилди. Музей қаршисидаги майдонга буюк алломанинг муаззам ҳайкали ўрнатилди. Айни вақтда ушбу музей экспозицияси ҳам тамоман янгича асосда ташкил этилди. Ана шу экспозициянинг каттагина қисми Мирзо Улуғбекнинг дунё миқёсида тан олиншига бағишланган бўлиб, зикр этилган гравюра тасвири ҳам ундан ўрин олган.

– *Астрономия фанига оид билимлар азал-азалдан инсон тафаккури ривожига, унинг маънавий оламини бойитишда алоҳида ўрин тутиб келган. Шундай эмасми?*

– Қадимда бир донишманд, юлдузли осмон Ернинг фақат бир жойидан кўринадиган бўлганида борми, бу жой, ҳеч шубҳасиз, дунёдаги энг гавжум зиёратгоҳга айланар эди, деб айтган экан. Чиндан ҳам, инсон ўзини онгли мавжудот сифатида англаганидан буён сеҳрли осмон бағридаги мўъжизаларни билиш ва тушунишга ҳаракат қилади. Ибтидоий одамлар ғорларнинг деворлари ва қоятошларга чизиб қолдирган юлдузли осмоннинг тасвирлари бундан яққол далолат беради. Тунги осмон ўша қадим ажодларимизда қандай туйғу ва тасаввурлар уйғотганини балки биз ҳеч қачон билолмасмиз, лекин бундай жозибали манзаралар уларнинг онгу тафаккури юксалишида ғоят муҳим роль ўйнагани бор гап.

Бундан икки йил олдин БМТ Бош Ассамблеясининг 62-сессиясида 2009 йил – Халқаро астрономия йили деб эълон қилган эди. Бундай қарорга келишда оламнинг тузилишини тушунишда инсон тафаккури қанчалик буюк имкониятларга эга экани, табиатнинг азалий ва абадий қонуниятларини айнан астрономия фани очиб бергани, у бир қанча илм соҳаларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ривожига туртки бўлгани инobatга олинган эди. Бунинг эътиборга сазовор яна бир муҳим томони шундаки, ҳар бир халқнинг азал-азалдан осмон, сайёра ва юлдузлар билан боғлиқ ривоят, афсона ва аънаналари бўлган. Улар ҳар қайси халқнинг миллий қадриятлари билан узвий боғлиқ бўлиб, умумбашарий маданий мероснинг ажралмас бўлагини ташкил этади.

Вақт ўтгани сари инсоннинг билим ва тажрибаси ортиб юлдузлар ҳаракатидаги қонуниятларни аниқлашга киришган ва бу соҳадаги билимлардан ҳаётда ҳам (жумладан, вақтни белгилаш, фасл бошланишини аниқлаш, тақвимлар тузиш, кемалар, карвонларнинг тунда адашмасдан манзилга етказиб боришга хизмат қиладиган маёқлар яратишда) фойдаланган. Аста-секин осмон жисмлари орасидан собит юлдуз ва сайёраларни ажратиб олиб, биз учун ҳаёт манбаи бўлган Қўёш бор-йўғи Галактикамиз – Сомон йўлидаги миллиард-миллиард юлдузлар-

нинг биттаси эканини тушуниб етгач, инсон Ердан ташқарида ҳам ҳаёт бормикан, деган саволга жавоб қидира бошлаган.

XX асрнинг охирида астрономлар оламшумул кашфиётни амалга оширди – Қуёш системасидан ташқаридаги биринчи сайёра аниқланди. Бундай кашфиётдан илҳомланган олимлар турли юлдузлар атрофидаги сайёраларни биринкетин кашф этишни бошлади. Шу тариқа бугунги кунда кашф этилган экзоқуёш (яъни, Қуёш системасидан ташқаридаги) сайёраларнинг сони уч юздан ортиб кетди. Ниҳоят, 2009 йили Европа космик агентлиги ўзга юлдузлар атрофидаги сайёраларни кашф этишга мўлжалланган махсус аппарат – “Кеплер”ни фазога учирди. Бундан кўзланган мақсад – фақат сайёраларни аниқлаш эмас, балки она сайёраимизга ўхшаш сайёраларни, улардаги тахмин қилинаётган ҳаёт белгиларини топишдан иборат.

Шуни фахр билан таъкидлаб ўтмоқчиманки, юртимиз олимлари астрономия фанининг бундай долзарб масалаларини тадқиқ этишга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда: 2010 йилдан Майданақда “Кеплер” аниқлаган дастлабки рўйхатдаги экзосайёраларни робот-телескоп ёрдамида кузатиш ишлари бошлаб юборилди.

– Одамзот қалбининг куйчиси бўлган Шарқ ва Ғарб шоирлари ижодида юлдузлар, сайёралар мавзуи ҳамيشа етакчи ўрунда турган. Умуман, адабиётни – адабиёт, шеърятни – шеърят қилган нарса инсоннинг нафақат замин, балки осмон гўзалликларига ҳам бўлган ишқи, ҳаваси ва интилиши эмасми? Бобур Мирзонинг мана бу байтига эътибор беринг:

*Не толедур мангаким, ахтари бахтим топилмайдур,
Фалак авроқини ҳар нечаким, дафтардек ахтардим.*

(Маъноси: бу қандай шум толе эканки, фалак буржларини, бамисоли қўлимдаги дафтарни саҳифама-саҳифа варақлаб, ҳижжалаб ўқигандек бошдан-оёқ ахтариб чиқдим. Лекин, буни қарангки, бахт юлдузим топилмаяпти.)

Қандай ажойиб мисралар. Ахтар – юлдуз ва ахтариш – излаш сўзлари во-ситасида нақадар гўзал сўз ўйини қилинган. Юлдузсёвар бир олим сифатида Сиз мумтоз шеърятимизда астрономик билимлар на қадар акс этгани билан қизиқиб кўрганмисиз?

– Бобур Мирзо ахтар ва ахтариш сўзларига бежиз урғу бермаган. Инсон бир умр толе юлдузини излаб яшайди. Албатта, юлдузли осмоннинг жозибаси адолат ва ҳақиқат, гўзаллик шайдоси бўлган шоирларни бефарқ қолдирмаганининг сабаби кўп. Бу ҳолни баъзилар ижод аҳлининг ердаги ҳаётдан қониқмаслиги, кўкдан нажот излаши билан ҳам боғлайди.

Гўзалликнинг нозик билимдонлари ҳисобланган қадимги юнонлар астрономия маъбудаси – Уранияга сиғинган. Қизиғи шундаки, юнон афсоналарига кўра, Зевснинг хаттотлик, шеърят, тасвирий санъат каби турли соҳаларга раҳнамолик қилган тўққиз нафар қизи бўлган. Уларнинг орасида Урания астрономия ҳомийси ҳисобланган.

Европалик кўпгина адиблар асарларида ўз замонасининг олам тузилишига доир тасаввурлари ҳам акс этган. Бу борада буюк италян шоири Алигъери Данте айниқса тенгсиздир. Уйғониш даврининг бу улуғ мутафаккири оламнинг тузилишини гоят ёрқин бадиий образларда ифода этган. Дантенинг космографиясига бағишланган

бир неча йирик тадқиқот ҳам амалга оширилган. Эътиборли жиҳати шундаки, бу мумтоз шоирнинг чархи фалак яралиши ҳақидаги тасавурлари шаклланишида ватандошимиз, қомусий аллома Аҳмад Фарғонийнинг асарлари беқиёс ўрин тутган.

Бизнинг мумтоз шеърятимизда ҳам маъшуканинг ҳусни жамолини таърифлашда Қуёш, Ой ва юлдузларга қиёслаш санъати бутун бир поэтик системани ташкил этади. Бунинг далили сифатида ўзбек шеъряти султони Алишер Навоийнинг куйидаги гўзал мисрасини келтирсак кифоя, деб ўйлайман:

*Қуёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламоқ ташбех,
Оғиз гар Зарин, Чўлпон – кўз, янги Ой анга қош ўлсун.*

Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, суюкли ёр юзини Қуёш ёки Ойга ўхшатишнинг ўзи астрономик билим эмаслиги маълум албатта. Биз "Фан ва турмуш" журнали номидан бу соҳанинг билимдонларига мумтоз шеърятимизда акс этган астрономик билим ва тасавурларни кенг шарҳлаган ҳолда мақола ёзиб беришни сўраб бир неча бор мурожаат қилганмиз. Улар масалага жиддий эътибор бермадими ёки баъзи олимларга хос ҳафсаласизликми, ё биз бу соҳанинг ҳақиқий билимдонига мурожаат қилмадикми, хуллас, бу мавзунинг ечими ҳануз топилгани йўқ. Айни мавзуда мақола ёзаётган муаллифлар эса маъшуканинг чехраси ёки қошу кўзи осмондаги Ою Қуёшга қиёс қилинган мисраларни таърифлашдан нарига ўтишмайди. Ваҳоланки, халқимизнинг олам тузилиши, фалак айланиши тўғрисидаги қадимий тасавурлари шеърятда акс этмаслиги мумкин эмас. Ахир, Навоий ҳам, Бобур ҳам Мирзо Улуғбек меросидан яхши бохабар бўлган. Қолаверса, шоирлар худо берган нозик қалб билан баъзан ҳатто энг билимдон олим кўролмаган нарсани ҳам сезиб, образли тасвирлаб бера олади. Бунга адабиёт тарихидан мисоллар кўп. Очиғи, ана шу мавзуга на биз фалакшунослар ва на адабиётшуносларнинг "тиши ўтяпти".

– *Бугунги юксак технологиялар замонида, Мирзо Улуғбек давридагидан фарқли ўлароқ, етук астроном бўлиш учун инсон қандай фазилатларга эга бўлмоғи лозим?*

– Мирзо Улуғбек фаолият кўрсатган даврдан буён ўтган сал кам олти аср мобайнида илм-фан соҳасиде улкан ўзгаришлар рўй берганига қарамай, олим, жумладан, астроном бўлиш учун талаб этиладиган зарур фазилатлар деярли ўзгармаган. Албатта, ҳар бир олим инсонпарварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, қатъиятлик каби умумбашарий фазилатларга эга бўлмоғи керак. Лекин ҳақиқий олим бўлиш учун инсон ўзида илмга юксак мойиллик ва энг муҳими, меҳр борлигини сезиши зарур. Умуман, ҳамма ишда ҳам меҳр-муҳаббат биринчи ўринда туриши лозим. Меҳрсиз қилинган ишда на жозиба, на барака бўлади. Яна олимга, айниқса, юлдузлар илмини ўрганадиган тадқиқотчига хаёл ва тафаккур кенглиги, бошқа фанлардан хабардорлик, ҳозиргина айтиб ўтганимиз – адабиёт, шеърят билимдонлиги ҳам даркор. Чунки хаёлпарастлик, гўзалликка интилиш, мўъжиза излаб яшаш – олимликнинг асосий белгиси.

Шу маънода, мен Астрономия институтига ишга келадиган ёш ходим, аввало, оддий бир саволга жавоб бериши зарур деб ўйлайман. Фараз қилинг, сиз кутилмаганда катта бойликка эга бўлиб қолдингиз. Хўш, нима қиласиз? Шахсан ўзим

бу саволга қуйидагича жавоб бераман. Албатта, мен бундан ниҳоятда хурсанд бўлардим. Фарзандларим, шогирдларим, қариндош-уруғ, дўст-ёрларимга моддий ёрдам кўрсатар эдим. Турмуш шароитимни ҳам бир оз яхшилаб олардим. Лекин ҳеч қачон ўзимга уч қаватли уй қуриб, бирор сердаромад бизнесга ўзимни урмас эдим. Ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳаёт тарзимни ўзгартирмас эдим. Талабалик давримда устозлардан бири, “Айтинг-чи, олим билан илмий ходимнинг фарқи нимада?” дея савол бериб, қуйидагича жавоб қилган эди: “Илмий ходим – илмий изланишлар билан шуғулланадиган инсон. Олим эса бутун ҳаётини фанга бағишлаган зот”. Бу билан мен ҳаётини илм-фан ривожига бағишлаган олимларнинг барчаси ҳам улкан ютуқларга эришган демоқчи эмасман. Афсуски, олимлар орасида ҳам, бошқа соҳа вакиллари орасида бўлгани каби, фақат илмий унвонини пеш қилиб, умр бўйи биронта арзигулик иш қилмаганлари-да топилади. Бу – аччиқ ҳақиқат. Лекин инсон ўзида илм-фанга ҳақиқий иштиёқ, фидойилик борлигини сезсагина унга ўзини сафарбар қилиши керак. Масалан, астрономия соҳасида илмий изланишлар олиб бориш менда ҳаётдан мамнуният туйғусини уйғотади. Бу эса ниҳоятда муҳим. Чунки инсон учун энг муҳими бойлик эмас, ўзи бажараётган ишдан мамнун бўлишдир. Бу билан мен, бизнес қилиш, бойлик орттириш – ёмон, демоқчи эмасман. Ҳар бир соҳанинг ўз билимдони, устаси, фидойиси бўлиши керак, тамом-вассалом.

– Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия институти, унинг асосий илмий-тадқиқот базаси бўлган Майданак обсерваторияси ва бошқа таркибий тузилмаларида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар мамлакатимизнинг астрономия соҳасида юксак салоҳиятга эга экани, улуғ аждодларимизнинг эзгу анъаналари бугунги кунда замонавий асосда муносиб давом эттирилаётганини кўрсатади. Сиз бу соҳанинг истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

– Ҳар бир соҳа, жумладан, фан йўналишида унинг истиқболини белгилайдиган ва узоқ муддат давом этадиган омиллар мавжуд бўлса, унинг истиқболи ёруғ бўлади. Бундай омиллар юртимизда мавжуд бўлгани учун мен келажакка катта умид билан қарайман. Бу омилларни санаб ўтмоқчиман.

Биринчидан, Қашқадарё вилоятида Олой тоғ тизмасида жойлашган Майданак обсерваторияси атмосфера шароитларининг осмон жисмларини кузатишга қулайлиги (астроиклими) бўйича жаҳоннинг энг нуфузли обсерваториялари билан рақобатлаша олади. Бинобарин, биз катта ҳажмдаги ва сифатли кузатувларни олиб бориш имконига эгамиз.

Иккинчидан, ҳозирги кунда аксар астрономик дастурлар осмон жисмларини узлуксиз (кечаю кундуз) кузатишни тақозо этади. Бу масалани Ер қуррасининг турли томонларида жойлашган обсерваториялардан кетма-кет кузатиш орқалигина ҳал этиш мумкин. Бу жиҳатдан Майданак обсерваторияси ниҳоятда қулай географик узунламада – Евроосиё минтақасининг қоқ ўртасида жойлашгани муҳимдир. Масалан, Майданакда тун бўлганда Ер қуррасининг нариги тарафида, АҚШ ҳудудида кундузи бўлади ва аксинча. Шу тўғрисида бундай дастурларни бажаришда Майданак обсерваториясининг ўрнини босадиган обсерватория дунёда йўқ. Шунинг натижасида Майданак обсерваторияси бир талай халқаро астрономик кузатув дастурларининг фаол иштирокчисига айланди. Бу дастурларда иштирок этиш жа-

раёнида илмий тадқиқотлар юритиш учун халқаро ҳамкорларимиз ёрдамида энг замонавий асбоб-ускуналарга ҳам эга бўлиб оламиз. Ҳозирги вақтда Майданак обсерваторияси нафақат астроиклими, балки замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш бўйича ҳам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари обсерваториялари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунинг далили сифатида Корея университетлари консорциуми томонидан тақдим этилган, нархи 200 минг АҚШ доллари бўлган астрономик рақамли фотокамерани ("Самарқанд" сайёраси айнан шу камера ёрдамида кашф этилди) ёки 400 минг долларлик робот-телескопни айтиб ўтиш мумкин. Ушбу робот-телескопни нафақат Тошкентдан, балки дунёнинг исталган нуқтасидан туриб Интернет орқали бошқарса бўлади. Коммуникация марказларидан анча узоқда жойлашган Майданак обсерваторияси Интернетга сунъий йўлдош орқали улангани ҳам муҳим қулайлиқдир. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, ушбу телескопнинг узоқ масофадан туриб бошқарилаётгани Астрономия институти ахборот технологияларини амалиётга жорий этиш масаласида мамлакатимизда энг етакчи ўринда эканини кўрсатади.

Ниҳоят, учинчи омил – биздаги юқори малакали кадрлардир. Ҳозиргина айтиб ўтилган имкониятлар, табиийки, ёшларни Астрономия институтига кенг жалб этиш имконини беради. Бугунги кунда институтимиз ҳодимларининг 95 фоиздан зиёдининг ёши эллика етмаган. Мамлакатимиз илмий муассасалари ўртасида бу юқори кўрсаткич, албатта.

Мустақиллик йилларида астрономия соҳасида 9 та докторлик ва 35 та номзодлик диссертацияси ёқланди. Бу кўрсаткич математика ёки биология соҳалари билан солиштирганда бирмунча кам. Лекин 1970-90 йилларда астрономия бўйича ёқланган диссертацияларга нисбатан олганда камида 10 баробар кўпдир. Охириги 20 йил мобайнида бундай ўсиш суръатига камдан-кам илмий соҳа эришган бўлса керак.

Яна бир ютуғимиз – бугунги кунда мамлакатимиз астрономия фанини ўқитиш борасида ҳам олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ҳаттоки Россиядек илмий салоҳияти юксак мамлакатда ҳам олимлар астрономия мактаб ўқув дастурларидан чиқариб юборилаётганидан ташвишга тушиб турган бир вақтда Ўзбекистонда ушбу соҳа нафақат мактаб ва лицейларда, балки олий ўқув юртиларида ҳам ўқитилмоқда. Сўнги йилларда Астрономия институтининг ташаббуси билан Ўзбекистон миллий университети, Самарқанд ва Андижон Давлат университетлари астрономик ўқув обсерваторияларига эга бўлди. Ҳозирги кунда Қарши Давлат университети ва Нукус Педагогика институти учун ўқув обсерваториялари барпо этиш ишлари режалаштирилмоқда. Институтимизнинг етакчи олимлари ушбу олий ўқув юртиларида астрономия фанининг замонавий йўналишлари бўйича маърузалар ўқийди ва амалий машғулотлар ўтказади.

Энди астрономия соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнида олимларимиз дуч келаётган бир муаммо хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Дарс бериш жараёнида талабаларимизнинг баъзан биронта ҳам чет тилини билмаслиги биз учун муайян қийинчиликлар туғдирапти. Айнан шу сабабдан талабаларимиз Интернет орқали ўқув сайтларидан олинган, ниҳоятда пухта ишланган қўлланма ва диаграммаларни тушуна олмаяпти. Айниқса, бакалаврлик малакавий ишини ва магистрлик диссертациясини юқори савияда бажаришда бу нуқсон жиддий тўсиқ бўлиб турибди. Маълумки, буюк аждодларимиз бу масалага катта эътибор бериб, аввало замонасининг илм тилини пухта эгаллаганлар. Масалан, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино

ўз асарларини ўрта асрларнинг фан тили бўлган араб тилида ёзган. Ул зотлар илмий етакчилик қилган Хоразм Маъмур академиясида илмий мунозаралар барча олимлар учун тушунарли бўлган араб тилида олиб борилган. Ундан икки аср илгари Муҳаммад Хоразмий бошчилик қилган Бағдоддаги “Байтул-хикма”да эса фарғоналик Аҳмад Фарғоний, марвлик Яҳё ибн Абу Мансур, хуросонлик Халид ал-Марваррудий ва яна турли ўлкалардан бу юртга келган кўплаб мусулмон, насроний ва яҳудий олимлар араб тилида иш юритган. Бу тажрибалар бизга ибрат бўлмоғи лозим.

Сухбатимиз аввалида номи зикр этилган Ян Гевелийнинг асари ҳам поляк тилида эмас, XVI–XVII асрларда фан тили бўлган латин тилида яратилган.

Ҳозирги кунда илмий-техник адабиётларнинг 96 фоизи инглиз тилида ёзилади. Шунинг учун

инглиз тилини билмасдан, табиий фанлар соҳасида илмий тадқиқот билан шуғулланиб бўлмайди. Буни эсдан чиқармаслик лозим. Молекуляр биология ва генмуҳандислиги, нанотехнологиялар, астрофизика ва яна кўпгина замонавий фан йўналишларида ўзбекча луғат тузиш билан шуғуллангандан кўра, инглиз тилини ўрганиш анча арзон ва фойдалироқ бўлади. Боз устига, замонавий фан ривожининг бугунги суръатларини назарда тутадиган бўлсак, рўй бераётган кашфиётлар ва жорий этилаётган янги технологиялар таърифини инглиз тилидан бошқа биронта тилда аниқ ифода қилиб бўлмаслигини тушунаимиз.

Мана қаранг, замонавий ахборот технологиялари ва Интернет ҳаётимизга жадал кириб келмоқда. Бу соҳани ривожлантириш мамлакатимизда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ёшларимизга Интернетдан фойдаланиш имкониятларини яратиш беришнинг асосий мақсади ҳам уларни энг замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларидан хабардор этишдан иборат. Лекин тил билмаган одам бундай имкониятлардан қандай фойдаланади?

Биз бир замонлар Аваз Ўтар нола қилганидек, “тил билмаганидин анинг бағри тўла қондур” деган ҳолга тушмаслигимиз керак. Инглиз тилини пухта эгалласак, битта имкониятимиз мингтага кўпаяди.

Хулоса қилиб айтганда, Майданак обсерваториясининг, бинобарин, Астрономия институтининг келажаги у ерда энг замонавий телескопларни ва ускуналарни ўрнатиш, улар ёрдамида янги илмий натижаларни қўлга киритиш билан боғлиқ. Бу масалалар бўйича жаҳондаги етакчи илмий марказлар билан музокаралар олиб борилмоқда. Телескопларнинг аксарияти роботлашган ва узоқ масофадан бошқарилиш хусусиятига эга бўлиши керак. Бу телескопларда ёш олимларимиз хорижлик ҳамкорлари билан биргаликда илмий кузатишлар олиб боради. Астрономия институтида бундай ишларни уддалай оладиган юқори малакали кадрлар етарли ва улар ёш тадқиқотчилар авлодини ҳам тарбиялаб келмоқда. Шунга асосланиб мен Майданак обсерваторияси келажақда жаҳоннинг нуфузли астрономия марказларидан бирига айланади, деб ишонч билан айта оламан.

Бекмурод РАҲМАТУЛЛАЕВ
суҳбатлашди.





“OYNA” ORTIDAGI YOLG'ON DUNYO

Инсониятнинг улкан кашфиёти — телевидение ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб унинг онгу тафаккурини ҳам шиддат билан забт этиб бормоқда. Бугунги кунда у дунёнинг ҳар бир бурчагида юз бераётган воқеа-ҳодисалардан зум ўтмай хабар топиш, ҳатто улар қай тариха кечаётганига гувоҳ бўлиш имконини бермоқда. Ахборотни тезкор узатиши, аҳолининг барча қатламларини қамраб олиши, видеотасвир ва товуш уйғунлигининг юқори таъсирчанлиги билан телевидение кудратли оммавий ахборот воситаси эканини исботлади. Айнан техник ва технологик имкониятлар телевидениени омма онгига кучли таъсир қилувчи, уни муайян ғояларга сафарбар этувчи кучга айлантirdи. Дарҳақиқат, ҳозирги даврда телевидениега қайсидир даражада боғланиб қолмаган одамни, айниқса, бола ёки ўсмирни топиш мушкул.

Аммо шунини эътиборга олиш жоизки, телевидениенинг бугунги ривожланиш тамойиллари ҳамда жамиятнинг ҳаққоний, объектив ва батафсил ахборотга бўлган эҳтиёжи ўртасида баъзи тафовутлар юзага келгани ҳам бор гап.

Хорижий телекўрсатувларнинг мамлакатлар, минтақалар узра жиловлаб бўлмас даражада тарқалиши телевидениени кучли мафкуравий қуролга айлантirdи. Бунинг оқибатида ҳар хил кучларнинг телевидение имкониятларидан сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланишга интилиши кучайгандан кучаймоқда.

Ахборот товарга айланган бугунги кунда хорижий телеканаллар моддий бойлик орттириш мақсадида маънавий жиҳатдан саёз кўрсатувларни ҳам басма-бас эфирга узатмоқда. Парадокс шундаки, томошабин учун кечаётган муҳорабада телеканаллар миллионлаб томошабининг ҳар бирига қизиқarli бўлишга уринади ва оқибатда маза-матрасиз кўрсатувлар ҳам эфир орқали тақдим этилаверади. Рус файласуфи Е.Савенкова глобаллашув даврида вақт “қадри” тўғрисида бундай дейди: “Замондошимиз телевидениедаги ток-шоуни кўраётиб ёки радиодаги мусиқий дастурни тинглаётиб уларда бирор маъни йўқлигини англаб турса-да, азбаройи бекорчиликдан қочиш учун ундан эътиборини узмайди” (*Вестник Самарской Гуманитарной академии. 2007, №2, стр. 114*).

Бугун шифокор ва педагоглар ортидан сиёсатшунослар ҳам ота-оналарга оилада эркинликни бир оз чеклаш ҳисобига бўлса-да, фарзандлар келажagini ўйлаб, уларни телевидение таъсиридан ҳимоя қилишни тавсия этмоқда. Негаки, томошабинни айнан телевидение қарахт қилиб, ўзига миҳлаб қўяётир. Бу гўё таъмин кучайтирувчи кимёвий модда қўшилган егуликка ўхшайди – одам унинг соғлиққа зарар етказишини билса-да, еган сари егиси келаверади. "Зерикарли" саналадиган телеканалларнинг шуниси маъқулки, томошабин уларни маълум бир ахборот ёки билим олиш мақсадидагина кўради ва истажини қондиргач экрандан кўз узади.

АҚШ газета муҳаррирлари жамияти раиси Л.Гилюне бундай деган эди: "Телевидение орқали берилган репортажлар ҳамиси "шу ростмикан" деган шубҳа туғдиради. Визуал ахборот воситалари моҳиятан кўнгил очиш, ҳисларни кўзатиш учун хизмат қилар экан, бу ҳол ахборот мазмунига таъсир кўрсатмай қолмайди. Хаёлот олами воқелик билан аралашиб кетади. Аксар одамлар учун телевизор экранда нима кўринса, у реалликка айланади" (*С.Кара-Мурза. Манипуляция сознания. Москва, "Алгоритм", 2000, стр. 120*).

АҚШдаги Карнеги жамғармаси телевидение бўйича 1986 йилдан бошлаб ўн йил мобайнида 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида тадқиқот олиб борди ва пировардида кўйидаги хулосага келди: "Телевидение ўз имкониятларини тарбия учун сафарбар этаётгани йўқ, аксинча, у ижтимоий фёъл-аъторнинг энг салбий андозаларини тарғиб этаётир... Рекламага маҳлиё бўлиб ўтириш ўсмирларда танқидий фикрлаш қобилиятини чеклайди ва тажовузкор фёъл-аъторни рағбатлантиради".

Шу мамлакатда ўтказилган 70 дан ортиқ тадқиқот натижалари хулосасига кўра, аслида рўй бермаган, аммо устамонлик билан саҳналаштирилган ёки монтаж қилинган курама лавҳаларни чин ҳаётдан фарқлай олмайдиган одамлар, айниқса, ўсмирлар сони тобора ортиб бормоқда. Ҳиссий жиҳатдан беқарор бу авлод носоғлом тарғибот "маҳсули"дир.

Уммонортининг "Family and marriage community" нашри телевидениега қарамликнинг асосий аломатлари сифатида кўйидаги ҳисобларни кўрсатади: томошабин телевизорни камроқ кўришни истаиди-ю, аммо уни ўчириб кўёлмайди; камроқ



кўришга уриниши эса наф бермайди; телевизор ёқиб қўйилмаса, ўз-ўзидан безовта бўлади; телевизор кўрмаётган чоқда ҳам ТВ ҳақида ўйлайди; оила ва дўстлар билан суҳбатлашиб ўтириш ўрнига телевидизорга тикилади.

"Sessionmagazine.com" электрон журнаlining ёзшича, АҚШ теледастурларида шаҳвониятга оид лавҳалар 1999-2000 йиллар оралиғида 1997-98 йиллар миёнасидагига нисбатан салкам икки баробар ошган: ҳар ўнта дастурдан биттасида жинсий қўшилиш акс этган, мусиқий клипларнинг етти фоизи шу мавзуга бағишланган. 2001 йилги Ҳолливуд фильмларининг учдан икки қисми ҳам шу мазмунда экани аниқланган (<http://www.aao.org/advocacy/childhealthmonth/media.htm>). Оқибатда ўсмирлар 16 ёшга тўлмасданёқ "парда ортидаги ҳаёт"ни кўриб улгураётир.

Телевидениенинг оннга кўрсатадиган таъсир кучидан Ўзбекистон базорларига кўз тиккан ишбилармонлар ҳам яхшигина фойдаланмоқда. Бунга телевидениемиз каналларида намойиш этилган сериаллар қаҳрамонлари сурати туширилган ва болалар ўртасида "кетка" номи билан кенг тарқалган полиграфик маҳсулот яққол мисол бўла олади.

Яқинда Россиянинг "Муз ТВ" телеканалида "Sex-битва" (инглизчада тайёрланган "Buttle of body" кўрсатуви номини шундай таржима қилишибди) кўрсатувига кўзим тушди. Салкам ярим соат мобайнида йигит-қизлар бир-бирининг тана аъзоларига таъриф-тавсиф берган бу "томоша"ни кузатиб, ҳақли савол туғилади: юртимизда

йўлдош каналлар орқали намойиш этилади-ган бундай кўрсатувлар инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги уйғун бўлиши зарурлигини тарғиб этиб келган асрий қарашларимизга қанчалик мос экан?

Айрим телестудиялар эса туну кун зўравонлик, тажовузкорликдан иборат фильмлару мультфильмлар намойишидан бўшамайди. Ваҳоланки, бола кунига биттадан ур-йиқит, фахш, зўравонлик, уруш манзарасидан таъсирланган тақдирда ҳам то 14 ёшга тўлгунча камида 4000 та даҳшатли кадрни кўриши мумкин.

Телеканаллардаги зўравонлик саҳналарининг инсон феъл-атворига таъсири юзасидан фанда учта асосий фараз мавжуд. Биринчиси "мимесис" (юнонча – тақлид) деб аталувчи фараз. Унга кўра, инсондаги тажовузкор феъл-атвор одамлар ва телекўрсатувлардаги зўравон хатти-ҳаракатларга тақлид оқибатида пайдо бўлади, деб тушунтирилади. Яъни, экрандаги виртуал агрессив реал феъл-атворни моделлашга хизмат қилади. "Катализатор" деб аталган иккинчи фаразда зўравонлик саҳналари инсон майлларининг кўзғалишига туртки берувчи омил сифатида изоҳланиб, кимёвий реакцияни жадаллаштирувчи моддага ўхшатилади. Зўравонлик саҳналари агрессив тасаввур ва ғояларни вужудга келтирадигани, бу ўз навбатида тажовузкор феъл-атворга доялик қилади. Учинчи фараз – "катарсис" (юнонча – тозариш, халос бўлиш) эса телевидение орқали зўравонлик саҳналарининг кўрсатилиши агрессивликнинг сусайишига сабаб бўлади, деб даъво қилади. Гарчи ушбу истилоҳ файласуфлар – Пифагор ва Арасту томонидан инсоннинг руҳан тозаришига нисбат бериб ишлатилган бўлса-да, экраннинг томошабинга таъсир этиши бундай ангиллик бермаслиги исботланган, хузурбахш муסיқа ёки эҳтиросли шеърни мириқиб тинглаш кўнгил чигилини ёзиши мумкин, бироқ зўравонлик, шафқатсизликни кўз узмай томоша қилиш унга тақлид этиш учун туртки бўлади, холос.

1972 йили АҚШ Соғлиқни сақлаш вазириликнинг телевидение ва ижтимоий феъл-атворни ўрганиш кўмитаси, 1982 йили Руҳий

саломатлик миллий институти, 1993 йили Америка психология ассоциацияси хулосаларида экрандаги зўравонлик ҳаётда ҳам шундай хатти-ҳаракатга сабаб бўлиши эътироф этилган. Буюк Британияда ўтган йили зўравонликни акс эттирувчи автомобиль рекламаси тақиқлангани ҳам экрандаги зўравонлик ҳаётга кўчиши мумкин деган фикрни қувватлайди.

Масаланинг яна бир жиҳати – Ғарб мамлакатларида муайян ғояларни омма онига ахборот воситалари орқали сингдириш мақсадида пухта ўйланган сиёсат юритилаётганидир. Тарқатилаётган янгилликларнинг катта қисми буюртма асосида ишлаб чиқилади ва муайян бир кучлар манфаатига хизмат қилади. Дейлик, оддий бир реклама ролиги замирида ҳам аниқ мақсад ётади. Шу тариха бугунги кунда миллат ва халқларнинг онг-шуури, ахлоқий қадриятлари ва дунёқарашига маънавий таҳдид юзага келди. Катта молиявий имкониятлари бўлган айрим кучлар ёт турмуш тарзи, тафаккур ва маънавиятни дунёқарашни, қадриятлари, маънавияти турлича, ўзига хос бўлган халқларга тиқиштириб, улар тафаккурини "стандарт" ҳолга келтириш, алалоқибат эса муайян сиёсий ғоя ва режани амалга оширишга уринмоқда.

"Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни курулсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги кўп кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади" (*Ислом Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 11-12-бем*).

Бинобарин, келажагимиз аждодлардан мерос бой маънавиятимизни, халқимизнинг

бунёдкор азми шижоатини, жамиятдаги аҳил-иноқлик ва ҳамжиҳатлиқни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш каби ҳаётий муҳим масалалар билан чамбарчас боғлиқ.

Телеэкран орқали номақбул рекламалару кўрсатувлар тинмай намоиш этилиши оқибатида, таассуфки, одамлар бунини оддий ҳол сифатида қабул қиладиган бўлди. Шундай экан, арзимасдек кўринган миллий маънавиятимизга зид ҳолатларга ҳам мурасасиз бўлишга бурчлимиз. Айниқса айрим кабелли телевидениелар манфаат ортдан қувиб намоиш этаётган фильм ва рекламаларда миллат маънавиятини емирувчи "медиавирус" урчиб ётибди. Бундай шароитда, шифокорлар ибораси билан айтганда, маънавий тарбиядан иборат "эмлаш" ишларини олиб бориш, "вирус ўчоғини локализация" қилиш керак. Билъакс, экранда зўр бериб тарғиб ва ташвиқ этилаётган ингилелпи турмуш тарзи кўпчиликнинг мақсадмуддасига айланиши ҳеч гап эмас. Ҳузур-ҳаловатга мойил одам эса қийинчиликларга бардошсиз бўлади. Чунки "ҳузур ва лаззатни олиш саодат деб билувчи киши сира ҳам нафсини тийиб, сабр-бардошли бўла олмайди" (*Цицерон. Об обязанностях. М., "Наука", 1975, стр. 59*).

Тадқиқотчиларнинг ҳулосасига кўра, телевидение кўрсатувларини узоқ вақт кўриш ҳузур-ҳаловатга майлини кучайтиради, ижод қилиш, яратиш ҳиссини сусайтиради. Телевизорни меъёрида кўрадиланларда эса ижтимоий ва оилавий қадриятлар юксак қимматга эга бўлади. Мулоқот ва билиш эҳтиёжи телеэкран олдида ўтказиладиган вақтнинг камайишига мутаносиб равишда кучайиб боради (*Алексеевко О. Вестернизация российского телевидения в оценках населения (социологический анализ) // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата социологических наук. Российская Академия государственной службы при Президенте Российской Федерации, Москва, 2009*).

Телевидениенинг онги чалғитиш ҳусусияти юзасидан мутахассисларнинг қа-

рашларида айрим тафовутлар бўлса-да, бу борадаги омилларни уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчидан – мазкур омиллар телеижодкорларнинг касбий ўқувсизлиги, маънавий-ахлоқий тамойилларда ноҳолислиги, фарзғўйлиги ва субъектив фикрлаши оқибатидир.

Иккинчидан – бу омиллар телевидение фаолият юритаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий шароитларда юзага келади. Баъзи телестудиялар қайсидир тузулма ёки гуруҳларга қарам. Бу қарамлик икки шаклда намоён бўлади: иқтисодий ва маъмурий. Иқтисодий қарамлик шуки, телеканал бирор бир буюртмачи, масалан, реклама берувчи ёки бошқа катта сармоя эгасининг хоҳиш-иродасига биноан фаолият юритади.

Учинчидан – бу омиллар телевидение фаолиятининг оқибати сифатида юзага келади. Томошабин диққатини ўзига жалб этиш учун кўрсатувни тайёрлаш ҳамда эфирга узатишда телевидение муайян қоида ва тамойилларга суянади. "Улар материални танлаб олишда чуқур таҳлил асосида иш тутмайди. Бу эса аксар ҳолларда дунёнинг реал ахборот манзарасини, асл воқелик қиёфасини яратишга бирмунча халал беради".

Бугунги глобаллашув шароитида ахборот аввалгидек ёрдамчи унсур бўлиб қолмай, балки ҳокимият ва ҳукмронликнинг етакчи воситасига айланди. Шу сабабли ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти ҳам муттасил ортиб бормоқда. Айрим хорижий телеканалларнинг кўрсатувлари ахборот хавфсизлигини икки томонлама жиддий хатар туғдирмоқда: улардан биринчиси – омма фикрини жамиятимизга ёт мафкурага мослаб шакллантиришга қаратилган бўлса, иккинчиси фуқароларнинг маънавий олами ва қадриятлари тизимини сохта, пуч қарашларга алмаштиришни кўзлайди.

Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, "бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган,

лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин" (Ислом Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 115-бет).

Аслида, гап телевидениенинг ўзида ҳам эмас, балки у онгни чалғитишнинг техник воситасига айланиб қолаётганида. Бу ҳодиса, аввало, ҳозирги замонда телесийёсий рекламанинг бутун бир индустрияси яратилгани билан боғлиқ. Телевидение оммада радио ва босма нашрларга нисбатан нега кўпроқ ишонч туғдиради? Сабаби шуки, у ёлгонни ҳақиқатга айлантириш бобида бошқа оммавий ахборот воситаларида бўлмаган алоҳида "салоҳият"га эга – экран орқали ҳавола этилган ёлгон-яшиқни ҳам томошабин айна ҳақиқат деб қабул қилади.

Ўзбекистоннинг ахборот хавфсизлигига хорижий телеканаллар кўрсатувларининг таҳдиди ва уни баргараф этиш муаммоларини ўрганиш мақсадида Андижон Давлат университети талабалари, "Андижон телеком" филиалининг Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаши корхонаси ишчи-хизматчилари, 3-кичик даҳа ўрами аҳолиси; Самарқанд Давлат университети талабалари, "Ўзтемирйўлмаштаъмир" давлат унитар корхонасининг Самарқанд филиали ишчи-хизматчилари, "Марказ-1" маҳалласи аҳолиси; Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат Шарқшунослик институти талабалари, "Хадра" маҳалласи аҳолиси – жами 700 нафар респондент ўртасида ижтимоий сўров ўтказилиб, иштирокчиларга "Телекўрсатувлар ҳақида фикрингиз?" деган савол берилди. Жавоблар ўрганилганда, "Янгиликларни билиш манбаи" деган респондентлар 43, "Дам олиш воситаси" деганлар 28, "Зериктирмайдиган машғулот" деганлар 10, ва ниҳоят, "Маънавий озиқ манбаи" деб ҳисобловчилар 18 фоизни ташкил этди.

Тадиққотлар ҳулосасига кўра, инсон телеэкрандан узатилган хабарни онгли ва онгсиз тарзда қабул қилади. Муайян кадр-қимматга эга ахборот онг орқали қабул қилинса, унга доир баъзи муҳим бўлмаган тафсилотлар хотирага ғайришуурий тарзда мухрланади.

Визуал образлар онг остига ўрнашади ва инсон миясида муайян ҳулосаю қарашлар шаклланишига, киши фелъ-атворида тегишли ижобий ёхуд салбий ўзгаришлар бўлишига туртки беради. Бироқ ушбу ахборот таъсирида онг остида вужудга келган ҳулоса инсонга ақлий салоҳияти ва фикрлаш қобилияти туфайли шаклангандек бўлиб туюлади. Шу маънода, йўлдош каналлар орқали узатилаётган чет эллик "маҳоратли" журналистларнинг шов-шувли репортажларида инсоннинг дунёга муносабатини ўзгартиришга қаратилган уринишларни ҳам кўриш мумкин.

Телевидение воситасида тарғиб этиладиган ёт мафқуралар тарғиботчи ва томошабин ўртасидаги масофани тан олмайди. Улар томошабин билан визуал маконда "юзма-юз" туриб, унинг онгини заҳарлашга уринади. Узоққа бормаёлик, сўнгги йилларда очилган хорижий телеканалларнинг Ўзбекистон миллий манфаатларига дахл қилувчи кўрсатувларида манипуляция усуллари кенг қўлланмоқда. Оқни қора деб кўрсатувчи, ўғрини тўғри деб таърифловчи бу теледастурларда ахборот найрагининг бирор шакли назардан четдан қолаётгани йўқ.

Милоддан аввалги VI асрда яшаган Хитой файласуфи ва ҳарбий арбоби Сун Цзининг қуйидаги "ўғити" бугунги ахборот хуржларида яққол кўзга ташланади: "Рақиб давлатдаги ҳамма яхши нарсани ичидан пароканда қилинг; раҳбарияти обрсуини тўкинг, фурсатини топиб жамоат олдида шарманда қилинг; бу йўлда энг қабих ва пасткаш одам-



лар билан ҳам ҳамтовоқ бўлинг; фуқаро ўртасида низо ва тўқнашувни авж олдиригинг; ёшларни катталарга қарши қайранг; ҳукумат ишига ҳар хил йўллар билан ҳалал беринг; ғанимларингиз анъаналарини бир пул қилиш учун ҳеч нарсадан қайтманг; душман сирларидан воқиф бўлиш, ҳамтовоқларни ўзингизга оғдириш учун совға ва маблағни аяманг, ваъдани ҳам бераверинг – натижа зўр бўлади" (<http://www.chinapage.com/sunzi-e.html>).

Ахборот-коммуникация технологиялари кенг ривожланган ҳозирги даврда хорижий телевидение кўрсатувлари сиёсий, маънавий, ахлоқий ва руҳий хавфсизликка хатар солувчи манба бўлиб қолмоқда. Телевидение эса, объектив ва субъектив омиллarga кўра, таҳдид жиҳатидан бошқа оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио ва ҳатто Интернетга нисбатан биринчилики қўлдан бермай келмоқда.

Хорижий телеканаллар кўрсатувларининг салбий таъсири оқибатида аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятида баъзи муаммолар юзага келаётгани сир эмас. Хусусан, фетишизм – лаш-лушпарастлик ва "мода" деб бўлмағур матоҳлар ортидан қувиш урфга айланиб бораётир.

"Замонавий оммавий ахборот воситалари – невроз ҳолатларини келтириб чиқарувчи омил" деган мавзуда тадқиқот олиб борган россиялик олим А.Мартиросян қуйидагиларни ёзади: "Асаби тез-тез бузилиб турадиган аксар одамлар тушқун кайфияти сабабини англаши, бинобарин, уни бартараф қилиши амримаҳолдир, оқибатда у бунинг ўрнини тўлдирувчи, овутувчи алланимани қидиради, ўтмишини идеаллаштиришга зўр беради, бу эса "буғунги кун муаммоларидан ўзини олиб қочиш"га сабаб бўлади (мазкур ҳол кўпроқ 40 дан ошган одамларда кузатилади); ҳар қандай ҳаётий қадрият ва мақсадни инкор этган, режа ва орзусиз "бир кунлик лаззат билан чекланган" бу одамлар ҳаёт оқимига ўзини топширади" (*Мартиросян А. Современные средства массовой информации как фактор риска в развитии неврозов. Диссертация на соискание ученой степени кандидата медицинских наук.*

Волгоградский государственный медицинский университет, Волгоград, 2003).

Хорижий телеканалларнинг ҳар қандай кўрсатуви – у хоҳ реклама, хоҳ кинофильм ёки бошқа дастур бўлсин – Ўзбекистон телеканалларида кўрсатилганда ҳам барибир хорижий кўрсатув бўлиб қолаверади. Негаки, унда талқин этиладиган ҳаёт воқеалари бизга ёт бўлиб, ажнабий удум ва дунёқарашни синдиришга хизмат қилади. Шу маънода, чет эл сериаллари ҳам маълум даражада миллий маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдиддир. Айрим нодавлат нашрлар сериалнинг кейинги қисмида воқеалар ривожини қандай кечиниши олдиндан маълум қилиш билан муштарийлар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилаётгани ҳам сир эмас.

Маълумки, ота-она фарзандига қалб қўрини бағишлайди, унинг камоли йўлида бор-йўғини аямай сарфлайди, бу – ўзбек халқида хос азалий анъана. Бироқ телевидение жодусига асир бўлганидан фарзанди истиқболини эсдан чиқариб қўяётган "теле-томошабин" ота-оналар ҳам борлиги ташвишланарлидир.

Хорижий телекўрсатувларнинг миллий маънавиятимизга, айниқса, ёш авлод тарбиясига салбий таъсирини ҳар томонлама тадқиқ этиш, ахборот маконимизга суқилиб кириб, омманинг онгини қалғитишга, бузғунчи ғояларни тарғиб қилишга интилаётган кўрсатувларга қарши қатъий чоралар қўриш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқиши жоиз.

Бу борада хориж тажрибасидан оқилона ва ижодий фойдаланиш мумкин. Масалан, Австралиянинг Федерал адлия вазирлиги ҳузурида "Мақола, фильм ва компьютер ўйинларини таснифлаш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ 1995 йили ташкил этилган алоҳида бошқарма фильмлар, видеоўйинлар, телекўрсатувлар, китоблар ва даврий нашрларга ёш чекловлари бўйича рейтинг белгилайди ёки бундай рейтингни рад этади. Рад этилган материаллар сотилиши, намойиш этилиши ёки ижарага берилиши тақиқланади. Буюк Британияда кинофильмлар ва теле-

кўрсатувларни таснифлаш билан иккита муассаса шуғулланади. Фильмларни таснифлаш бўйича Британия бошқармаси сертификатини олган киноасарлар мамлакат ҳудудида тарқатилиши қатъиян тақиқланган. Коммуникациялар бўйича бошқарма – Ofcom эса электрон оммавий ахборот воситалари соҳасида назоратчи орган бўлиб, телевидениеда балоғатга етмаганларга салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қанақа фильм ва кўрсатувни тақиқлайди. АҚШда телекўрсатувларни таснифлаш 1997 йили қабул қилинган "Телекўрсатувларни кўриш бўйича ота-оналарга тавсиялар" асосида амалга оширилади. Бу тавсиялар юридик кучга эга бўлмаса-да, барча телеканаллар унга риоя этади. Хабарлар ва спорт дастурларига бу тавсиялар тааллуқли эмас, лекин телеканаллар кеч соат 10 гача фақат катталарбоп ахборот материалларини эфирга бермаслик масъулиятини олган. Бразилияда телекўрсатувлар, фильмлар ва видеоўйинларни таснифлаш билан Адлия вазирлигининг алоҳида департаменти шуғулланади.

Хорижий телемахсулотларни ноқонуний тарқатувчи субъектларга янада қатъийроқ чоралар кўриш керак. Бундай амалиёт – чет элда ҳам кенг қўлланилган тажриба. Жумладан, Ҳиндистон парламенти 1995 йили қабул қилган кабел телевидениеси тармоқлари тўғрисидаги қонуннинг "Кабел телевидениеси фаолиятини ижтимоий манфаатлар йўлида тақиқлаш" деб аталган 20-моддасида хавфсизлик юзасидан муайян канал ва кўрсатувни трансляция ёнки ретрансляция қилишни тартибга солиш ёки тақиқлаш мумкинлиги белгиланган. Шу давлатнинг Ахборот ва телерадио вазирлиги Fashion TV йўлдош телеканалининг кўрсатувлари узатилишини 2002 йил февралда бир ҳафтага, 2007 йил апрель-майда икки ойга, 2010 йил мартада 9 кунга тўхтатиб қўйди. Бундай чоралар озми-кўпми самара бериши тайин. Чунки, томошабин ва мижозларни кўпроқ жалб этиш, яъни моддий манфаат кўриш учун телевидение кўп ҳолларда хорижий телекўрсатувларни ретрансляция қилиш бўйича халқаро ва

миллий қонунчиликда белгиланган талабларни бузади. Бу каби ҳоллар Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонунига зид бўлиб, лицензиянинг амал қилишини ҳеч бўлмаганда вақтинча тўхтатиб туриш субъектнинг "эс-ҳушини йиғиб олиши"га хизмат қилиши аниқ.

Телевидение кўрсатувларини чеклаш ёки тақиқлашга оид алоҳида қонун қабул қилиниши ҳам мақсадга мувофиқ. Эътибор берилса, мустақилликнинг илк йилларида қабул қилинган қонунлар асосан инсон ҳуқуқлари, эркинликларини кенг таъминлаш, инсоннинг озод, хур бўлиб яшашига, бир сўз билан айтганда, унга кенг шароитларни муҳайё қилишга қаратилди. Бу қонунлар ўзида демократия ва инсонпарварликни мужассам этдики, ҳар бир ватандошимиз бундан фахрланса арзийди. Бироқ юртимизга гараз билан кўз тиккан айрим кучлардан юртдошларимизни муҳофаза қилиш, бундай кучларга қарши чора-тадбирларни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни тақомиллаштириш, маънавиятимизга ёт бўлган ахборотларнинг тарқалиши билан боғлиқ ҳолатларга кескин чек қўйишни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини тобора жадаллашиб бораётган демократлаштириш жараёнларига ҳамқадам равишда ишлаб чиқиш бугунги кун талабидир. Зотан, "мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи бевосита маънавият масалалари билан боғлиқ кетади" (Ислом Каримов. *Бунёдкорлик йўлидан. Т., "Ўзбекистон", 1996, 121-бет*).

Гарчи хорижий телевидение кўрсатувлари кабел ёки эфир каналлари орқали тарқатилишини тартибга солиш, зарур бўлган ҳолларда эса ҳатто тақиқлаш уларнинг салбий таъсирини бирмунча чекласа-да, муаммони узил-кесил ҳал этмайди. "Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин" (Ислом Каримов. *Юк-*

сак маънавият – энгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 115-бет).

Порнографияга қарши курашда, айниқса, миллий маънавиятнинг кучига таяниш лозим. Ахир, ўзбек халқи азалдан ор-номус, ҳаё-андишани юксак қадрлаб келган. "Жонингни фидо қилсанг қил, номусингни фидо қилма", "Йигитни ори ўлдирар, туяни — сарбон", "Номус — ярим ўлим", "Номуссиз юрмоқдан номусли ўлмоқ яхши", "Ҳаё кетди — бало етди", "Ҳаёси йўқнинг иймони йўқ", "Уят ўлимдан қаттиқ" каби мақоллар, ана шу юксак фазилат тараннум этилган эртагу маталлар, дostonлар севги, ҳаё, ифбат гўзал бадиий шаклда эъзоланиб келинганининг бир исботидир.

Ҳаромдан ҳазар қилиш, гуноҳдан тийилиш, одамийлик ва хушхулқлик каби муқаддас қадриятларни ҳар бир юртдошимизнинг онгу қалбига мустақкам қарор топтириш ҳам ахлоқсизликка қарши курашда самарали йўллاردандир. Инсон онгу шуурига гуноҳдан кўрқиш, ҳаромдан сақланиш ҳисси чуқур сингган бўлса, у хоҳ хилватда, хоҳ одамлар орасида бўлсин, беҳаёликдан ўзини тортади. Чунки у ҳар бир иши учун ўзига ва Яратганга ҳисоб беради. "Одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочасан? Агар одам охиратдан кўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди" (*Ислом Каримов. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурагимиз. Т., "Ўзбекистон", 1999, 240-бет*).

Бу борадаги яна бир муҳим вазифа – аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида хорж ойнаи ҳақонидаги манипуляция – ёлғону фирибларни беаёв фoш этувчи тарғибот ишларини кўпайтиришдир. Бунда ҳам оммавий ахборот воситалари, айниқса, телеканалларимиз байроқдорлик қилиши шарт. Айни чоқда, бу улкан иш телевидениемизда ўзига нисбатан талабчанликни оширишни ҳам тақозо этади. Ахборот кураши асрининг ҳозирги воқелиги миллий телеканалларимиздан шуни талаб қилади.

Бир танишим Ўзбекистон телеканаллари фаолияти юзасидан кузатувларини баён этиб, "Телевизорга қарасанг – нуқул артистларни: кўчат парвариши бўйича кўрсатувда ҳам, хазонни ёқмаслик ҳақидаги лавҳада ҳам, тарбия хусусидаги дастурда ҳам – бир хил чеҳрани кўрасан. Улар қомусий олим бўлиб кетган-у, биз беҳабар қолдикмикан, дея ўйлаб қоласан киши. Ахир, ҳар бир соҳа ҳақида ўз мутахассиси гапирса дуруст бўлмайдими?" деган эди куюнчақлик билан. Ҳақ гап. "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" деган нақл бекорга айтилмаган. Бинобарин, "тарғибот ишларида ҳар бир ихтисос, ҳар бир йўналиш бўйича мутахассислардан фойдаланиш керак. Токи ҳар бир кўрсатув, матбуотдаги мазмун-моҳияти билан одамларнинг онги, қалбига етиб борсин" (*Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., "Ўзбекистон", 2000, 440-бет*).

Ёш авлодни салбий ахборот таъсиридан муҳофаза этишда мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди. Отана уйда "ибрат" бўлиб бузгунчи хорижий кўрсатувларни кўриб ўтирса, фарзандида ҳам бунга рағбат уйғонмайди? Маҳалла болани ёмон йўлдан қайтармаса, унда ўзидан ўзи тафаккур юксалиб қолмайди-ку? Бунда катталарнинг ёшларга нисбатан жонкуярлиги, талабчанлиги сув ва ҳаводек зарур.

Нафсиларини айтганда, кундан кун чирой очаётган, юксалиш довопларини ошаётган Ватанимиз истиқболи учун огоҳликни суянч қилиб, хушёр бўлмоғимиз, инфор-мацион макру ҳийлалардан ихоталана олмоғимиз даркор. Токи "қурилаётган бу катта корхоналарга, улкан иншоотларга, барпо этилаётган озод ва обод Ватанга ҳар томонлама етук, бардам, бақувват авлод биздан ворис бўлиб қолсин. Улар маънавий жиҳатдан биздан юксак даражаларга етишсин. Шундагина ўзимизнинг миллатимизга мос муносиб ҳаёт кечирдик, тарих олдида, фарзандларимиз олдида ўз бурчимизни бажардик, деб ҳисоблашга ҳақли бўламиз" (*Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т., "Ўзбекистон", 1996, 122-бет*).

Аброр ЮСУПОВ

“YUMSHOQ KUCH” STRATEGIYASI

Назария ва амалиёт

Давлатнинг куч-қудрати ошгани сари унинг тарафдорлари билан бир қаторда мухолифлари ҳам кўпая боради. Зотан, қудратли давлатлар ўз кучини қанчалик намойиш қилмасин, бунга хушламай қаровчилар камайгани йўқ. Демак, кучнинг мавжудлиги бу – қудратнинг чексизлиги ҳамда унга тарафдорлар кўп дегани эмас. Кучдан қай тарзда фойдаланиш, уни қандай қўллаш муҳим. Яқин ва узоқ тарихда бу фикримизни тасдиқловчи мисоллар кўп.

“Куч” тушунча сифатида назарияда ҳам, амалиётда ҳам сиёсатшуносу сиёсатдонларни мудом қизиқтирган. Узоқ вақт халқаро муносабатларда “hard power” – ҳарбий ёки молиявий куч етакчи роль ўйнаб келган. Бироқ замонавий сиёсатда унга муқобил

куч мавжуд экани ва унинг воситасида ҳам муваффақиятга эришиш мумкинлиги аён бўлмоқда. Бу “юмшоқ куч” (инглизча “soft power”) бўлиб, мутахассислар уни “ёқимли куч”, “эгиловчан ҳокимият”, “жозибадор куч”, “муросали куч”, “ақлли куч” ва бошқа истилоҳлар билан ҳам аташади. Мазкур стратегия ҳар хил номланса-да, унинг асл моҳияти ўзгариб қолмайди, албатта.

Ушбу атама XX асрнинг сўнгги йиллари – жаҳон сиёсий харитаси ва халқаро муносабатларда жиддий ўзгаришлар юз бераётган паллада сиёсий фанга кириб келди. Бинобарин, социалистик лагернинг таназзулга юз тутишида ҳам “юмшоқ куч”нинг ўзига хос “ҳисса” бор.

“Юмшоқ куч” ошкора ва махфий қўлланилади. Ошкора қўлланилиши шуки, биринчидан, бу стратегия давлатнинг миллий хавфсизлик дастурида белгилаб қўйилади, иккинчидан, давлат ташқи сиёсатда кўпроқ таълим, маданият ва илм-фан ривожини учун грантлар ажратишга урғу беради. Натижада бошқаларда мазкур давлатга нисбатан ижобий муносабат шаклланади. Бу эса пинҳона мақсадни амалга оширишга – ўзга давлатлар имижига соя солиб, уларнинг фуқароларини ўзи томон оғдириб олишига имкон яратади. Шу мақсад йўлида маданий



(кино, санъат, турмуш тарзи, одоб-ахлоқ, кийиниш ва муомала), ахборий (маълумотлар ва янгилликларни ўз манфаатига мослаб узатиш), иқтисодий (экспорт учун арзон истеъмол моллари ишлаб чиқариш, кредитлар ажратиш), ижтимоий-маърифий (грантлар воситасида юксак илмий салоҳиятли фуқароларни жалб қилиш), сиёсий (халқаро муносабатларда иккинчи томон позициясини пасаитириш ёки ўзгартиришга уриниш, уни жаҳон сиёсатидаги турли баҳс ва можароларга тортишдан то демократия ва инсон ҳуқуқлари борасида танқид қилишгача бўлган чораларни кўриш) соҳалардан усталик билан фойдаланилади.

Махфий қўлланиши эса шуки, бу стратегия миллий хавфсизлик концепциясида устувор қилиб қўйилмаган бўлса-да, давлат ташқи сиёсатда миллий урф-одатлари, тарихий ютуқларини тарғиб этишда "юмшоқ куч"ни қўллайди. Бунда асосий мақсад дунё ҳамжамиятига, халқаро муносабатларга янада уйғун қўшилиш бўлади. Демак, мазкур стратегия қўлланилишининг бош сабаби, давлат имижига путур етказмаган ҳолда, хоҳ ошқора, хоҳ пинҳона бўлсин, ўз манфаатини илгари суришдир.

Аслида "юмшоқ куч" концепцияси ҳар қандай давлатда мавжуд. Бу маънавий-маърифий, илмий-оммабоп, тарихий-маданӣ ресурсларда кўринади. Ҳар бир давлат ўзини танитишда, авваламбор, мазкур ресурсларга таянади. Шу билан бирга, ушбу стратегия уруш ва тинчлик концепциясини мувофиқлаштирувчи омил сифатида ҳам аҳамиятга молик. Чунки XXI асрда шундай парадоксал вазият юзага келмоқда: уруш шароитида ғалаба қозонишга қодир давлат тинчлик шароитида мағлуб бўлиб қолиши мумкин.

"Юмшоқ куч" усуллари азал-азалдан давлатлараро муносабатларда қўлланиб келган. Лекин уни сиёсий атама ва мустақил назарий сифатида илк бор Гарвард университети профессори Жозеф Най XX асрнинг 90-йилларида илм-фанга киритган. Най "Етакчилик қисмати. Америка қудратининг ўзгариши" (*Bound to Lead: The Changing Nature of American Power*. "Publisher Basic Books", 1990) асарида юмшоқ кучни қуйидагича таърифлайди:

"Юмшоқ куч бу – иттифоқчилар билан бирор бир мақсадга зўравонликсиз эришиш қобилиятидир". "Юмшоқ куч: Жаҳон сиёсатида қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?" (*Soft Power, The Means to*



success in world politics. "Publisher Public Affairs", 2004) асарида эса олим мазкур фикрини давом эттириб, бу тушунчани батафсилроқ изоҳлаган: "...маълумки, ҳарбий ва иқтисодий куч воситасида бошқаларни ўз позициясини ўзгартиришга мажбур қилиш мумкин. Бироқ гоҳо бундай воситаларсиз ҳам кўзланган натижага эришса бўлади. Бунда мажбур этиш эмас, балки жалб қилиш асосий омил бўлади". Мазкур асарида "юмшоқ куч" нуқтаи назаридан етакчилик ўзи нима ва унга қандай эришиш мумкин, деган саволларга жавоб изланади.

Най жаҳон сиёсатини "уч ўлчамли тахтадаги шахмат ўйини", дея талқин қилади. Бу ўйинда ғалаба қозониш учун ҳам "этиқ", ҳам "тик" чизиклар бўйлаб курашиш керак. Бундай рамзий "жадвал"нинг юқори сатҳида кучга таянувчи давлатлараро муносабатлар (классик) туради. Бу сатҳ бўйича дунё бир кутбли бўлади. Ўрта сатҳ эса кўп кутбли бўлиб, у асосан давлатлараро муносабатларнинг иқтисодий жиҳати билан тавсифланади. Қуйи сатҳда эса жаҳон сиёсатининг трансмиллий унсурлари (террорчилик, халқаро жиноятчилик, экологик таҳдид каби хавф-хатарлар) жойлашади. Бугун давлатлараро муносабатларда фақат аънавий усулга таянган томон сўзсиз ютқазади. Бундай муносабатларда ютиб чиқишда эса айнан "юмшоқ куч" қўл келади. Зеро, "юмшоқ куч" барча соҳаларда ҳамкорликка таянади.

"Юмшоқ куч" стратегик жиҳатдан "қаттиқ куч"га қараганда узоқ муддатли ҳисобланади. Унинг қаттиқ кучдан устун жиҳати шундаки, давлат оқилона ташқи сиёсат орқали бошқа давлатни ўзига оғдириб, жалб қилиб олади.

Най бундай таъсир ўтказишдаги уч асосий соҳани кўрсатиб беради: булар – маданият (ижтимоий-маънавий қадриятлар), сиёсий мафкура, ташқи сиёсат. Буларнинг дастлабки иккитаси миллатнинг тарихан шаклланган дунёқараш билан боғлиқ бўлса, учинчиси субъектив аҳамиятга эга, демакки, ўзгарувчанликка мойил.

"Юмшоқ куч" стратегияси маданиятлар тўқнашувига эмас, аксинча, мулоқотга асосланади. "Қаттиқ куч"дан фаркли ўлароқ, у тез фурсатда самара бермайди, баъзан бунинг учун авлодлар алмашинуви ҳам талаб этилади. Мазкур ҳижатни "юмшоқ куч"нинг заиф томони дейиш мумкин. "Қаттиқ куч" бошқа давлатнинг ҳаётий захираларини яқсон қилишга қаратилган бўлса, "юмшоқ куч" интеллектуал салоҳиятни ақл воситасида эгаллашга интилади. Унинг муҳим хусусиятларидан бири – давлат ва ҳукуматга муносабатда эркин ва мустақил эканидир. Шу хусусиятига кўра, у ҳар қандай манипуляцияга бардошлов. Қолаверса, уни аниқ режалаштириш ҳам мураккаб масала. Бу ҳам унинг мустақил экани билан изоҳланади.

Кўплаб мутахассислар Найнинг "юмшоқ куч"ини мужмал таълимот ва заифлик белгиси деб баҳолаган. Бу қараш – мунозарали. Чунки ҳеч қайси олим назариётчи ва амалиётчи сифатида ўз давлатининг кучсиз бўлишини хоҳламайди. Аслида, Найнинг ушбу концепцияси ғоят пухта ўйланган. Унингча, бошқа давлатлар АҚШдан кўриқши эмас, уни ҳурмат қилиши, унинг "кучли мушак"ларига эмас, қилиши дипломатиясига ҳавас қилмоғи лозим.

"Қаттиқ куч"нинг таркибий қисмларига ҳарбий ва иқтисодий салоҳиятдан ташқари маъмурий буйруқбозлик тизимини ҳам киритиш мумкин. Чунки бундай тизим ва бошқарув шакли бевосита буйруққа, дўқ-пўписига асосланади. Ҳозирги кунда бирон бир давлат фақат ҳарбий ёки иқтисодий қудратига таяниб кўзлаган мақсадига эриша олмаслиги маълум. Бунга кўпинча ҳарбий ва иқтисодий қудрат билан бирга маънавий-маърифий омиллар, жамиятдаги урф-одат ва аъналар, оқилона дипломатия тажрибаси орқали эришилади. Ушбу омиллар Най томонидан "юмшоқ куч" мезонлари деб белгиланган.

Унинг таъкидлашича, юмшоқ куч нафақат таъсир ўтказиш (influence), аини чоқда жозибадорлик (attractive power) ҳамдир ("Мягкая безопасность" по Джозефу Наю. <http://www.intertrends.ru/seventh/014.htm>). Шуниси диққатга сазоворки, ҳар иккала кучдан ҳам – бошқа давлатларга таъсир ўтказиш орқали кўзланган мақсадга эришишда фойдаланилади. Фарқ эса бу мақсадга эришиш усуллари ва механизмларида, холос. "Қаттиқ куч" қўлланганда, давлат бирмунча зарар ҳам кўради. Чунки у асосий эътиборни "қаттиқ куч"га қаратиши оқибатида ички сиёсат майдонида норозилик ва эътирозлар авж олади, ташқи сиёсат майдонида эса давлатнинг обрўи тушиб кетади, дипломатиясига ишонч сусаяди.

"Юмшоқ куч" ҳар доим самарали бўлавермайди. Найнинг ўзи ҳам бунини эътироф этади: "Масалан, "Толибон" ёки "Алқоид"га қарши курашда мазкур стратегияни қўллашдан маъно йўқ, – деб ёзади у. – Бироқ инсон ҳуқуқлари ва демократия борасида "юмшоқ куч" аини муддаодир". Олимнинг фикрича, АҚШ дипломатиясини ҳозирги тушқунлик ҳолатидан айнан "юмшоқ куч" қутқаради.

Най "юмшоқ куч"ни англашда демократия энг яхши мактабдир, деган қарашини олға суради. Демократик давлатлар сайловларда фақат "юмшоқ куч" орқали муваффақият қозониши мумкин. Зеро, улар ҳеч қимни муайян тарзда овоз беришга мажбур қила олмайди. Одатда, номзодлар сиёсий маданияти, интеллектуал салоҳияти, нотиклик санъати вазига овоз тўплайди.

"Юмшоқ куч" борасида Найнинг асосий ғоявий танқидчилари, шубҳасиз, неоконсерваторлардир.

Ахборот-психологик омил

Ахборот макони ҳақиқий кураш майдонига айланган бугунги шароитда "юмшоқ куч"нинг устунлиги, аиниқса, яққол намоён бўлмоқда. Чунки ахборот, таҳлил бундай кучнинг таркибий қисмидир. "Юмшоқ куч" ҳар қандай шароит ва муҳитга тез мослаша олади. Унинг устунлиги ҳам шунда. Най собиқ СССР билан АҚШ ўртасидаги курашнинг бунга мисол қилиб келтиради. Ҳарбий

куч-қудрати деярли тенг бўлгани ҳолда бу курашда СССР ютказди. Демак, америкача турмуш тарзи, Америка поп-маданияти Пен-тагонга қараганда кўпроқ иш берди.

Ахборот оламидаги ўзгаришлар геосиёсат соҳасига маконни янги, яъни виртуал аниқлаш имконини беради. Бошқача айтганда, ахборот кўламининг тобора кенгайиши ва бунинг оқибатида келиб чиқаётган қатор муаммолар аънавий дуалистик парадигма (денгиз ва қуруқлик) ўрнига виртуал геосиёсий ёндашув амал қилаётганини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, аънавий геосиёсатда давлатнинг куч-қудрати жуғрофий, ҳарбий, сиёсий, демографик, иқтисодий омиллар билан белгиланган бўлса, виртуал геосиёсий маконда давлатнинг куч-қудрати тегишли маконни бошқариш учун зарур ахборот воситаларининг мавжудлиги билан ўлчанмоқда (*Р.Алимов и дигроне. Анализ информации в международных отношениях. Т., УМЭД, 2007, стр.9*).

Бугунги кунда халқаро муносабатларни замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу ташқи сиёсатга доир қарорларни ишлаб чиқишда ҳам сифат ўзгаришларига сабаб бўлмоқда. Чунки ташқи сиёсий фаолият нафақат бошқа давлатлар билан муносабатга киришишни, балки давлатнинг халқаро майдондаги имижини яратишни ҳам назарда тутди. Ўзи ҳақида ахборот бера олмаган давлат ҳақида бошқалар ташқаридан уйдирма тарқатади.

Жаҳон сиёсатида "юмшоқ куч"нинг тезкор ва самарадор бўлишини ахборотлаштириш ва ахборотлашганлик даражаси таъминлайди. Ҳозирги вақтда ривожланган давлатлар ўзининг ички ва ташқи сиёсатини ягона ахборот стратегияси асосида олиб бормоқда. "Неосиёсат" номини олган бу стратегия асосида ҳам айнан "юмшоқ куч" сиёсати мужассам.

Глобаллашув давлатларни бир-бирига шу қадар яқинлаштирдики, эндиликда ҳар қандай масалани ечишда албатта давлатлар ҳамкорлиги талаб этилмоқда. Дунёда ҳарбий низолар билан бирга маданий зиддиятлар ҳам кузатилаётгани "юмшоқ куч"нинг ролини янада оширмоқда. Маълумотларга кўра, 2009 йил рўй берган 143 низодан 108 таси маданий ўзгаришлар билан

боғлиқ бўлган (*"Альянс цивилизаций" и новая международная парадигма. <http://www.interaffairs.ru>. 08.09.2010*). Бундай зиддиятларни муроа йўли билан ҳал қилиш зарурлиги тобора яққол кўринмоқда. Бу хусусда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида алоҳида тўхталиб ўтган: "Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршилиқлар, сақланиб қолаётган давлатларлар, миллатларро ва динларро зиддиятлар, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда. Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермаяпти" (*"Халқ сўзи", 2010 йил 22 сентябрь*).

Жаҳон ахборот тармоғи "юмшоқ куч"нинг халқаро муносабатлардаги таъсирини давлатлар ҳамда нодавлат субъектларга нисбатан кескин оширмоқда. Дунёдаги йирик халқаро ташкилотлар, тадқиқот марказлари тарқатган маълумотлар ҳам давлатлар имижига сезиларли таъсир ўтказмоқда, ҳатто уларнинг ташқи сиёсий истиқболлини, позициясини белгилаб бермоқда. (Масалан, "Human Rights Watch"нинг 2003 йилдаги маърузасида АҚШнинг террорчиликка қарши кураш стратегияси қаттиқ танқид қилинган. Шундан кейинги ўн кун мобайнида жаҳоннинг етакчи ОАВлари бу маърузага 288 марта мурожаат этган. Натижада ушбу мавзу глобал мунозарани келтириб чиқарди.) Айни чоқда нодавлат-нотижорат ташкилотлари маълумотлари ҳар доим ҳам ишончли бўлавермаслигини қайд этиш жоиз.

"Юмшоқ куч" стратегиясини қўллашнинг ижтимоий тизимлар ва жараёнларга ахборот-психологик хавфсизлик нуқтаи назаридан боғлиқлиги ҳақида шуни айтиш мумкинки,

унинг таъсирида жамиятда турли давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолият кўрсата бошлайди. "Юксак маданият" (илм-фан, ахборот технологиялари тараққиёти) туфайли, бир томондан, ривожланган давлатларга нисбатан хайрихоҳлик пайдо бўлса, иккинчи томондан, улар билан тенглашишга интилиш кучая боради. Натижада илм-фан тараққиёти учун янги инфратузилма шаклланади. Zero, ахборот кўламининг тобора кенгайиши ва унинг кишиларга психологик таъсири алоҳида тадқиқотни талаб этади. Бундай тадқиқот эса ахборотлар билан ишлаш ва уларни қайта ишлаш жараёнини янада мукамаллаштириш билан бирга, инсониятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини ўрганиб боради.

АҚШнинг "юмшоқ куч" стратегияси

Найнинг "юмшоқ куч" концепциясини кичик Жорж Буш сиёсатидан толиққан Америка халқи илиқ кутиб олди. Чунки Буш маъмуриятининг сиёсати оқибатида давлатнинг ташқи имижини кескин тушиб кетди. Най америкача "юмшоқ куч"ни АҚШ маданияти ва турмуш тарзининг жозибadorлиги, эмигрантлар, хорижлик талабалар, физика, химия ва иқтисодиёт соҳасидаги Нобель мукофоти совриндорлари сони ва телекўрсатувлар ҳажми билан баҳолайди. Маданиятни эса у иккига ажратади: оммавий ва юксак (popular and high).

Сўровлар натижасига кўра, дунёдаги 43 мамлакатдан респондентларнинг 80 фоизи АҚШнинг фан ва технология соҳасидаги ютуқларига ҳавас қилади (юксак маданият), 60 фоизи эса Америка мусиқаси ва телевидениесини ёқтиради (оммавий маданият – А.Ю.), 50 фоизи Америка сиёсий мафкурасини тўлиқ ёки қисман маъқуллайди ("Мягкая безопасность" по Джозефу Наю. <http://www.intertrends.ru/>).

АҚШ "soft power"и, биринчи галда, дунё ёшларини ўзига жалб қилиб келаётган таълим марказлари фаолиятида намоён бўлаётир. Бундай марказларнинг битирувчилари ўз давлатининг элитаси сафидан жой олади ва бир умр АҚШга хайрихоҳ бўлиб қолади. АҚШдаги маърифий, маданий марказлар (Гарвард, Голливуд) эса бутун дунё

га машхур. Қолаверса, АҚШ ҳамон бутун Ер кўррасида озодлик ва демократия намунаси, демократик мезонларни дунёга ёйдиган давлат макomini сақлаб турибди.

Кичик Буш давридаги уруш мамлакат нуфузига кучли таъсир этганини кўпчилик мутахассислар қаттиқ танқид қилмоқда. Бироқ бундай ҳол илгари ҳам – 1956 йил Сувайш инқирозидан сўнг, 1950-60 йиллар атом қуроли ёйилишини таъқиқлаш чоғида, 1960-70 йиллар Вьетнамга қарши урушда, 1980 йилнинг бошларида эса Европага ўртача олисликка мўлжалланган ядро ракета-ларини жойлаштириш вақтида бир неча бор кузатилган. Ироққа қарши уруш даврида ўтказилган сўров натижаларига кўра, Франция, Буюк Британия, Германия давлатларидаги респондентларнинг 40 фоизи Америка сиёсатидан норози экан (*Мягкая сила и европейско-американские отношения*. <http://www.Intelros.ru/2007/08/09/>).

АҚШ маъмуриятининг алмашиши ташқи сиёсатда ҳам жиддий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Жумладан, террорчиликка ва бошқа ёвуз кучларга қарши курашда янги стратегия қабул қилинди. Мазкур стратегия юзасидан кўпгина саволлар туғилиши табиий. АҚШ эълон қилган янги стратегия қандай кучга асосланади? Нима учун АҚШ айнан бугун ўз стратегиясини ўзгартирмоқчи? Бу заруратми ёки янги ётақчи имижими? Бу "қаттиқ куч"нинг маглубияти ёки янги таъшиқот усулими? АҚШнинг янги маъмурияти қайси кучни танлайди?

Авалло, шуни таъкидлаш керакки, янги стратегия ташқи сиёсатнинг кўп томонлама ва қонунга мувофиқ бўлиши лозимлигини талаб этади. Бу "юмшоқ куч"нинг устуңлиги ҳисобланиб, у аслида АҚШнинг дунёдаги имижини тиклаш имконияти ўларoқ юзага чиқди. Президент Обама ишни кескинлашган муносабатларни юмшатишдан ("reset") бошлади. Қоҳирадаги Ал-азхар университетидagi нутқида у АҚШ "E pluribus unum" (хилма-хилликда – ягона) тамойилига таянишини айтди.

АҚШ ташқи сиёсатида "юмшоқ куч"нинг бот-бот қўлланаётгани ҳокимиятда неолитараллар муавзуси кучаяётганидан далолат беради. Клинтон хоним давлат котиби ла-

возимига тасдиқланиш пайтида сўзлаган нутқида "ақлли куч" иборасини ўн уч марта ишлатди. Бу билан у "Вашингтон эндиликда "қаттиқ куч"га ("hard power") эмас, "юмшоқ куч"га ("soft power") кўпроқ таяниши керак" деган фикрни билдирди.

Кичик Буш "қаттиқ куч" воситасида АҚШ қудратини намойиш этган бўлса, Обама "юмшоқ куч" орқали ўзроқ муносабатларни юмшатиш ва ҳамкорликни кучайтиришни мақсад қилган.

"Юмшоқ куч" АҚШнинг ижтимоий манфаатларига мос келадими? Ҳозирги кунда АҚШ ташқи сиёсатининг устувор жиҳатлари нимада? Най бу саволларга жавоб берар экан, ҳамма гап манфаатни қандай аниқлаш ва белгилашга боғлиқ, деб таъкидлайди. Бугун АҚШ ўз манфаатларини бошқа давлатлар манфаатлари билан уйғунлаштирмасдан иложи йўқ. Шундай қилинса, бошқа давлатларда АҚШга нисбатан умид, ишонч пайдо бўлади. Айни чоқда, яна ташқи сиёсат легитимлигини таъминлаш зарур, бунинг акси бўлса, кичик Буш давридагидек, наинки қаршиликка дуч келинади, балки Америка маданияти ва қадриятлари ҳам шубҳа остида қолади, дея фикрини изоҳлайди олим.

Германияда чиқадиған "Spiegel" журнаlining "Афғонистон ва Покистондаги "Толибон" ҳаракати, Шимолий Корея ва Эроннинг таҳдидлари "қаттиқ куч" қўллашни талаб этмайdimи?" деган саволига Най бундай жавоб беради: "Американинг ҳар бир Президенти олдида ҳарбий куч ишлатиш, молиявий таъсир ўтказиш, ўзига жалб қилиш орқали мақсадга эришишдек уч йўл туради. Мен охиригисини – америкача маданият жозибadorлигини "юмшоқ куч" деб атайман". Албатта, йирик таҳдидга қарши "юмшоқ куч" воситасида курашиш қийин. Найнинг фикрича, "юмшоқ куч"нинг XX асрдаги улкан муваффақияти – "совуқ уруш"га барҳам берилганидир.

АҚШ учун "soft power"нинг фойдали томони қуйидагича: у дунёда озодлик ва демократия намунаси сифатидаги имижини сақлаб қолади, дунёнинг АҚШга муносабати ижобийлашади. Салбий оқибатлари эса "ҳаётий муҳим манфаатлари" бўлган ҳудудларда мавқеини бой бериб қўйиши, мамлакат куч-қудратига шубҳа билан қа-

ровчилар кўпайиши, давлатнинг обрўйига маълум даражада путур етиши мумкин. Шу билан бирга, "юмшоқ куч"нинг таркибий қисми бўлган "оммавий маданият"нинг акс таъсири натижасида АҚШнинг ўзи ижтимоий инқирозга дуч келиши мумкин. Най бундай эҳтимолликни ҳисобга олмайди. Шунингдек, у америкача "юмшоқ куч" мамлакатнинг ядро салоҳияти билан қанчалик мутаносиб, деган саволни ҳам очиқ қолдиради.

"Soft power" орқали (халқаро институтларни тузиш, эркинликни олий қадрият сифатида ёйиш) дунёда етакчиликни қўлга киритган АҚШ кейинги йилларда бу йўлни унутиб қўйган эди.

Россия талқини

Россия талқинидаги "юмшоқ куч" ("мягкая сила") АҚШнинг "soft power"идан фарқ қилади. Биринчидан, бу айнан АҚШ ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тизимига мўлжалланган йўл. Иккинчидан, Россияда ҳали "юмшоқ куч"ни қўллаш учун шароит (инсон ҳуқуқлари, демократия, фуқаролик жамяти институтлари, давлат ноτιжорат ташкилотлари, фуқаролар маданияти) етилмаган. Чунки ташқи сиёсатда ушбу стратегияни қўллашдан олдин ички сиёсатда маълум мезонлар шакллантирилмоғи зарур. Бундан ташқари, Россиянинг жаҳонда тарихан шаклланиб улгурган империячилик имижини ва мамлакатдан бош олиб чиқиб кетган зиёли муҳожирларнинг мавжудлиги бу мамлакатда "юмшоқ куч" стратегияси шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

Ички сиёсатда ижтимоий муаммоларга кўпроқ эътиборни қаратиш, халқаро миқёсдаги ҳар хил тадбирларни ўтказишга даъвогарлик қилиш, шунингдек, уруш-низоларга аралашмаслик, тарихан шаклланган империячилик имижини ўзгартиришга интилиш, илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш – буларнинг барчаси Россияда "юмшоқ куч"ни қўллашга бўлган уринишлардир. 2010 йилнинг сентябрь ойида Ярославль шаҳрида "Замонавий демократия: демократия андозалари ва самарадорлик мезонлари" мавзудида президент иштирокида халқаро сиёсий анжуман ўтказилиши,

турли нодавлат босма ва электрон нашрлар, телекурсов ва радиоэшиттиришлар сонининг ортиши, "Евровидение"да рус хонандларининг совринга эга бўлиши, 2012 йилги қишки олимпиадани ҳамда 2018 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатини ўтказиш ҳуқуқи қўлга киритилиши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Европа талқини

Тарихан ўзаро ғаним бўлган давлатларни ягона иттифоққа бирлаштира олган Европа амалда "юмшоқ куч"га яққол мисол бўлади. Европа АҚШ ғояларини қўллаб-қувватлаётгандек кўринса-да, аслида ўзаро рақобатчига айланиб бормоқда. Табиийки, биронта Европа давлати АҚШ билан яқма-яқка беллаша олмайди, бироқ бирлашган Европа унга рақобатчи бўлиши мумкин. Ваҳоланки, "қаттиқ куч" нуқтаи назаридан Европа АҚШдан бир қадар орқада. Ер юзи бўйлаб кенг тарқалган тиллари, ўзида ўтмиш ва бугунни мужассамлаштирган шаҳарлари, қулай ижтимоий инфратузилмаларга эгалиги, иқтисодий тараққиёт суръатларининг юқорилиги, дам олиш масканларининг кўплиги Европа давлатларининг жозибадорлигини янада оширмоқда. Сиёсий нуқтаи назардан қараганда, Европа сиёсатдонларининг халқаро муаммоларни ҳал этишда кўп томонлама ҳамкорлик қилиш, ана шу жараёнларга турли институтларни жалб этиш, масаланинг ҳарбий бўлмаган ечимини топишга уриниши дунё ҳамжамиятида Европа имижини белгилаб бермоқда. АҚШнинг дунё миқёсидаги обрўйининг тушиши Европа имкониятини кенгайтирди.

Амалда "қаттиқ куч" билан "юмшоқ куч" ўртасига қатъий бир чегара қўйишнинг иложи йўқ. Баъзи ҳолларда улар бир-бирини тўлдирди (масалан, иқтисодий сармоя билан бирга маданий унсурлар ҳам кириб келади), айрим вазиятларда эса улар бир вақтда баробар қўлланади. Бунга Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европада Маршалл режасининг амалга оширилгани ва Шимолий Атлантика блокнинг ташкил қилинганини мисол сифатида келтириш мумкин. Маълумки, минтақада халқлар маданияти ва турмуш

тарзи ўхшашлиги туфайли Маршалл режаси муваффақиятли амалга оширилган.

Дунёда энг кўп тарқалган тиллардан тенг ярами Европада тегишли экани ҳам унга муайян устунлик беради. Масалан, испан ва португал тили Пиреней ярим оролидан Лотин Америкасигача бўлган ҳудудда, француз тили эса 50 дан ортқ мамлакатда амал қилади, инглиз тили Британия Ҳамдўстлигида барча халқлар томонидан қабул қилинган.

Европада "юмшоқ куч" муваффақияти адабиёт соҳасида Нобель мукофоти совриндорларининг бошқа минтақаларга қараганда кўплиги (Европадан – 76, Америкадан – 17, Осиёдан – 4, Африкадан – 5 нафар), яъни барча Европа давлатлари ривожланаётган мамлакатларга ўзларининг ялпи миллий маҳсулотидан катта қисмини ёрдам сифатида бериши, Европа бутун жаҳон бўйлаб йирик савдо ҳамкори экани каби омилларда яққол намоён бўлади.

Урушлардан чарчаган Европа куч ишлатмаслик тарафдори, шунга қарамай, АҚШ таъсирида ҳарбий зиддиятларга аралашиб қолмоқда (масалан, Югославия, Ироқ). Баъзи Европа давлатлари НАТО дастурига ҳам "юмшоқ куч" унсурларини киритиш лозим деб ҳисоблаётир. Албатта, НАТОда "юмшоқ куч" стратегияси етакчи бўлишига ишониш қийин, бироқ ушбу ҳарбий иттифоққа аъзо давлатларнинг аксарияти Европа давлати экани бу борада оз бўлса-да умид уйғотади.

Хитой, Ҳиндистон, Япония талқини

Хитой деворини аслида ундан ҳимояланиш учун ушбу мамлакатга қўшни бўлган давлатлар қурган, деган ҳазиломуз ибора кейинги йилларда бот-бот қулоққа чалинмоқда. Хитой давлатлараро муносабатларда ҳам, халқаро ташкилотлар билан алоқаларда ҳам "юмшоқ куч"дан фойдаланмоқда. 2007 йилнинг октябрида Хитой Коммунистик партиясининг XVII съездида Ху Цзиньтао Хитой халқаро муносабатларида "юмшоқ куч"ни янада мустаҳкамлашга қақирди.

Ривожланаётган давлатларга ёрдам бериш (сармоялар киритиш, қарзлардан воз кечиш) борасида Хитой дунёда олдинги

ўринда туради. Бундай давлатлар Фарб учун муаммо бўлса, Хитой учун имкониятдир, деб ёзган эди "Foreign Policy" журналида америкалик эксперт Стефан Халпер. Хитой ҳукуматининг ушбу позициясини Гельмут Колнинг иқтисодий зарарларга қарамасдан, Германияни бирлаштиришни муҳим вазифа деб ҳисоблагани билан қиёслаш мумкин.

Хитойда "юмшоқ куч" давлатнинг қўллаб-қувватлаши, кўмаги остида кечмоқда, масалан, Ер юзида 500 дан ортиқ Кунфутсий институтлари фаолият кўрсатяпти ва улар давлат томонидан молиялаштириляпти. Шуниси ажабланарлики, иқтисодий барқарорликка қарамай, Хитой ҳамон Фарб ёки АҚШ каби жозибадор эмас.

Ҳиндистоннинг дунёдаги энг йирик демократик давлат деб эътироф этилгани, киносаноат бўйича дунёда иккинчи ўринда туриши, етти мўъжизанинг бири – Тожмаҳал айнан шу юртда жойлашгани ва бу ерда замонавий ахборот технологиялари тобора тараққий топиб бораётгани мамлакатда "юмшоқ куч"нинг кенг қўлланишига шароит яратади.

"Юмшоқ куч"ни муваффақиятли қўллаётган яна бир давлат Япониядир. Япониянинг "юмшоқ куч"и рўйхатга олинган патентлар сони, хорижий давлатларга ёрдам кўрсатиш ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринда туриши ва мамлакатда узоқ умр кўрувчилар сони кўпчилиги каби омиллар билан тавсифланади.

Шуниси диққатга сазоворки, учала давлат ҳам иқтисодий тараққиёт ва модернизация жараёнида миллий анъаналарга содиқ қолмоқда.

Хулоса ўрнида

Ҳозирги кунда жаҳон сиёсатида "юмшоқ куч"нинг роли ошиб бораётганини нафақат "қаттиқ куч"нинг муваффақиятсизликлари билан, балки муаммолар тобора умуминсоний (сайёравий) аҳамият касб этаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бугун дунёда "қаттиқ куч" ҳар доим ҳам муаммонинг ечими бўла олмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда (қаранг.

Байлс А. Государство, которое считает, что главное – это сила, делает ошибку // "Международный жизнь". 2004, №6).

Айни чоқда "юмшоқ куч"нинг юқорида сўз юритилган давлатлардаги талқинидан қуйидагилар аён бўлади:

– АҚШ "soft power"и шахс эркинлиги, унинг фаровонлигига қаратилган. Бунда глобализм омили устувор аҳамият касб этади;

– Россияда "юмшоқ куч" учун маълум даражада имконият мавжуд, бироқ империячилик кайфияти бунга тўсқинлик қилади. Шунга кўра, унда ҳарбий омил устувор;

– хитойликлар наздида эса дунё – ягона хондон ҳисобланади. Ушбу тамойил мазкур стратегияни қўллашда алоҳида аҳамиятга эга;

– Европа "юмшоқ куч"и маданий-маърифий, демократик институтлар, қонун устуворлиги, нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини кучайтириш орқали қўллашда кўринади. Бу минтақада демократик омил устун.

Аслида, дунё давлатларининг ривожланиши замирида "юмшоқ куч" мезонлари, илм-фан, технология тараққиёти (АҚШ, РФ, ЕИ) билан бирга миллий маданий меросга содиқликнинг уйғунлиги (ХХР, Ҳиндистон, Япония) каби омиллар ётади. Ҳозир деярли барча давлатларда истифода этиладиган "юмшоқ куч" дастакларидан бири – туризмдир. Туризм орқали давлат моддий манфаат кўради, айни чоқда ҳар бир сайёҳ ўзи билан бир олам таассурот ҳам олиб кетади. У, психологик нуқтаи назардан, ўз хотирасининг муайян қисмини беихтиёр шу давлатга ажратади.

Ҳозир дунё миқёсидаги глобаллашув жараёни ва "оммавий маданият"ни "юмшоқ куч" ҳосиласи деб ҳисоблаш мумкин. "Юмшоқ куч" моҳиятан куч ишлатмасликка таянсада, стратегик восита сифатида бирор бир давлатнинг халқаро муносабатлардаги мақсадини амалга оширишга қаратилади.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро муносабатларда "юмшоқ куч"нинг устунлиги амалда дунё неча кутбни бўлиши керак, деган масалага ҳам ойдинлик киритади.



FALSAFADAN NIMA NAF?

Журналнинг ўтган йилги 1-сонида “Фалсафа фанми?” сарлавҳали мақолам чоп этилган эди. Унда баён қилинган масала ва мулоҳазалар юзасидан йил давомида турли фикрлар билдирилди. Бу фикрларнинг аксарияти мақоланинг мақсадини ҳам, ундаги далиллар моҳиятини ҳам қабул қилолмаслиқдан келиб чиққан танқиддан иборатдир. Жумладан, Ш.Қаҳҳорованинг “Фалсафа – ҳикматдир” мақоласида бизнинг фалсафа фан эмаслигини тасдиқловчи хулосамизни таъкидлаган ҳолда, бунга қўшимча тарзда мазкур икки феномен ўзаро қарама-қарши қўйилган. Гўёки раддия сифатида ёзилган мақола амалда ҳеч нарсани рад қилмаган бўлиб, унда муаллиф фалсафа тўғрисидаги ўз тушунчасини ифода этган, холос. Ш.Қаҳҳорованинг жонкуяр педагог-файласуфлардан эканини самимий эътироф этган ҳолда, мақола мутолааси натижасида пайдо бўлган бир неча саволга диққатни қаратиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Биринчидан, муаллиф мақола бошида “Фалсафа ўзи нима?” деган савол ҳеч қачон бугунги кундаги каби долзарб бўлмаганини таъкидлагани ҳолда, бизни бакалавриятни битириб, магистратурада ўқиб ҳам “Фалсафа фанми?” деган масалани ўзимиз учун ойдинлаштириб олмаганимиздан таажубга тушади. Бундай ўзаро номувофиқ икки хил

фикрнинг битта мақолада келтирилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Иккинчидан, у, шунингдек, “дунё файласуфларининг яқдил тан олишича” деган иборани ҳам ишлатади. Асрлар давомида бутун дунё файласуфлари қачон яқдил бўлишган эканки, бугун шундай бўлса? Қолаверса, ким бутун дунё файласуфлари номидан гапиришга ҳақли? Ёки шундай ташкилот тuzилганми?

Учинчидан, муаллиф антисциентизм, иррационаллик ва мистицизмни мутлақлаштириб, оғмачиликка йўл қўймаётимикан?

Тўртинчидан, мақолада бугунги кунда юзага келаётган барча муаммоларга фан айбдор қилиб кўрсатилиши ва бунда инсон табиатидаги очкўзлик, худбинлик каби иллатлар эътибордан соқит қилинишини қандай тушунтириш мумкин?

Бешинчидан, фанни фалсафа ва диннинг вазифаларини бажармагани учун танқид қилиш билан сигирни тухум қўймагани учун калтаклаш ўртасида фарқ борми? Умуман, бу каби талаб ғайриилмий фаразлар урчиб кетишига сабаб бўлиб қолмасмикан?

Олтинчидан, фалсафани ақлу тафаккурдан маҳрум қилиб, уни мавҳум кучлар, ишончу ҳиссиётлар гирдобидида қолдириш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

Юксак технологиялар асри ва ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида бундай фалсафанинг кимга кераги бор? Экстремизм, ирқчилик, фашизм каби бузғунчи ғоялар ортида ақлга таянган ишонч эмас, балки мақола муаллифи қайта-қайта тикиштираётган иррационаллик турмасми-кан? Келинг, бу саволларни муҳокама қилиб, хулоса чиқаришни муҳтарам журналхоннинг ўзига ҳавола қилайлик.

“Фалсафа фанми?” мақоласи юзасидан бўлган баҳс-мунозараларда, айниқса, унинг лейтмотиви бўлмиш “фалсафага ҳозирги замон тушунчасидаги фанни тавсифловчи белгилар хос эмас”, деган фикр эътирозларга сабаб бўлди. Бундай эътирозларга кўра, мақола гўёки фалсафанинг ўрни ва аҳамиятини пасайтиришга, ҳатто уни обрўсизлантиришга қаратилган. Бизнингча, бу – англашилмовчиликдир. Чунки, “фалсафа фан эмас” деган фикр “фалсафа керак эмас” деган маънони билдирмайди. Қолаверса, унинг мавқенини туширади, деган хулосага ҳам асос бўлолмайди. Айтайлик, “адабиёт фан эмас” деган фикрни ҳеч ким рад этмагани ҳолда, бундан “адабиёт – бефойда” деган хулоса чиқариб, адабиётнинг ижтимоий ўрни ва аҳамияти пасайишини ўйлаб хавотирга тушмайди-ку?!

“Фалсафа фанми?” мақоласининг якунида фалсафа ўқув юртларида қандай дастур бўйича, қандай мақсадда ўқитилиши лозимлиги хусусида ҳам баҳс юритилган эди.

Бу мақолада Ўзбекистон раҳбарининг олдимизда турган муҳим вазифаларга ургу бериб, “миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат” (Ислом Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 75-бет) деган кўрсатмаларига таянган ҳолда,

фалсафанинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини батафсилроқ таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Алоҳида таъкидлаш позимки, мақолада илгари сурилажак фикр ва ғояларнинг аксари фалсафа тарихидан яхши маълум ва



кўплаб манбаларда баён этилган. Шунингдек, бундай фикр ва ғоялар ЮНЕСКО Бош конференциясининг “Жаҳон фалсафа кунини нишонлаш тўғрисидаги резолюция”си ҳамда шу ташкилотнинг Ижтимоий ва гуманитар фанлар шўъбаси томонидан қабул қилинган “Фалсафа бўйича шўъбалараро стратегия” номли ҳужжатида алоҳида таъкидланган. Бу ҳужжатларда фалсафанинг ЮНЕСКО томонидан асос қилиб олинган қадриятлар – таълим, маданий хилма-хиллик, фан этикаси, инсон ҳуқуқлари, маданиятлараро мулоқот, толерантлик ва тинчликни тарғиб қилишдаги аҳамиятига ургу берилган. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқишда дунё мамлакатларидаги ЮНЕСКО бўйича миллий комиссиялар, 500 дан ортиқ нодавлат ташкилот, 600 дан зиёд университет вакиллари ва 150 нафардан ортиқ файласуф ва эксперт иштирок этгани уларда ифодасини топган мақсад ва вазифалар нақадар муҳим ва долзарб эканини яққол кўрсатади (*Intersectoral Strategy on Philosophy. UNESCO. Paris, 2006, www.unesco.org/shs/philosophy*).

Бугунги кунда фалсафанинг аҳамияти таълим ва тарбия соҳасида янада ортиб бормоқда. Ушбу мақоладан мақсад – мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида “фалсафий тафаккур” деб аталадиган омилга эътиборни кучайтиришдан иборат.

Фалсафа – инсон ақлий фаолиятининг ўзига хос бир тури бўлиб, бундай фаолият орқали ақл ўзини ўзи тафтиш этади, ирода, туйғу ва майллар ўртасидаги мураккаб ва кўпинча чалкаш, ҳатто зиддиятли муносабатлар устидан назорат қилишга интилади. Хусусан, англаш билан ишончнинг турли шакл-

лари (дин, ахлоқ, фан, санъат ва ҳоказо) ўзаро қанчалик мувофиқ бўлиши, уларнинг тўғри йўналишда такомиллашиб, ривожланиб бориши, таъбир жоиз кўрилса, “фалсафий назорат” воситаси билангина амалга оширилади. Бунда фалсафий категориялар назорат қуроли вазифасини бажарса, инсоннинг ўз олдига ўзи “нега?”, “нима мақсадда?”, “нима наф?” каби “бош оғритувчи” саволларни қўйиб туриши, бундай саволларга билим ва тажрибаси кўламида бўлса-да, “ўз билганича” (метафизик) жавоб излаши ана шу назоратни амалга ошириш усулидир. Албатта, бундай тахлил саёз ёки теран бўлиши мумкин, инсонни тўғри жавоб сари етаклаши ёки аксинча, янглиш хулосаларга бошлаб кетиши ҳам мумкин. Лекин айнан ана шу жараёнда фалсафанинг ижтимоий аҳамияти яққол кўзга ташланади.

“Нега?”, “нима учун?” каби саволларни қўйиш ўз навбатида “чиндан ҳам шундаймикан?” деган иштибоҳни ва унинг ортидан “асл ҳақиқат қандай экан?” қабилидаги қизиқувчанликни туғдиради. Шу маънода, савол қўйиш (Шарқ фалсафасида “масала”) ақлнинг назорат қилиш фаолиятини ҳаракатга келтирувчи кучли омил бўлади. Спекулятив мулоҳаза (фалсафада бу сўз билан файласуфнинг ўз билганича фикр юртиш услуби ифодаланади ва аниқ фанларда қабул қилинган мулоҳаза йўсинига қарши қўйилади), унинг объектив ҳақиқатга муносабатидан қатъи назар, саволларни шакллантириш, ифодалаш ва ўзаро боғлашда муҳим роль ўйнаши билан илҳомий хусусиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, фалсафий тафаккур билиш, ишонч-эътиқод ва майлий интилишлар учун ўзига хос манзара, таъбир жоиз бўлса, инсон ақл-идроки учун “асаб системаси”га ўхшаш вазифани бажаради. Фалсафа эса фалсафий тафаккурнинг кўп минг йиллар давомида шаклланган ва ривожланиб келаётган, тизимли, олий шакли бўлиб, фалсафий категориялар, фалсафий муаммолар ва спекулятив тахлил унинг муҳим унсурлари саналса, ақлий фаолиятни мувофиқлаштириш, йўналтириш, қизиқтириш эса янада муҳим бошқа жиҳати – функциясини ташкил этади.

ЮНЕСКО фаолиятида фалсафанинг аҳамияти шубҳасиздир. Чунки фалсафий тахлил ва мулоҳаза юртиш Ташкилотнинг асосий вазифаси бўлиши тинчликни барқарор этиш ва сақлаш билан табиий тарзда боғланган. Ташкилот низомида тинчлик “инсониятнинг интеллектуал ва маънавий ҳамжиҳатлиги”га асосланиши керак, деган хулоса таъкидланган. Эркинлик, инсон шаъни, адолат каби муҳим тушунчаларни идрок этиш ва тахлил қилишининг интеллектуал воситаларини ривожлантириш, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш малакасини вужудга келтириш, дунёни ва у юз тутаётган муаммоларни англаш, уларга доир мулоҳазалар юртиш, саволлар қўя олиш кўникмасини ривожлантириш, шунингдек, қадриятлар ва тамойиллар

Хўш, фалсафа нуқул саволлар қўйиш билан чекланиб, уларга умумэътироф этилган, шу маънода объектив ҳисобланган ечимини бера олмаса, бу унинг шахс ва жамият учун наф келтириши мумкинлигини шубҳа остига қўймайдими? Йўқ, асло! Фалсафанинг инсон ҳаётидаги ўрни ва функцияси хусусий саволларга хусусий жавоблар излашдан баландроқдир. У – тафаккур фаолиятини тезлаштирувчи, инсон ўзини шунчаки жонзот эмас, балки инсондек ҳис этишига кўмаклашувчи мисоли бир катализатор вазифасини бажаради. “Математика – ақл гимнастикаси” деган ибора кенг тарқалган. Бу – тўғри, албатта, аммо ақлни математика билангина гимнастика қилдириш, фақат пайларни чинқириш билан шуғулланган каби, бир томонлама бўлиб қолади. Инсон комиллик касб этиши учун ўз борлигининг барча унсурларини чинқириш йўлида машқ қилиши лозим. Шу жиҳатдан, ақл гимнастикасининг синалган воситаси бу – фалсафадир. Шуниси ҳам борки, тош кўтарувчи атлет жисмонан соғлом бўлишга эришади-ю, аммо ижтимоий аҳамиятга молик ҳеч нима яратмайди. Ақлнинг фалсафа “гимнастика”си эса тафаккурни чархлаш баробарида шахс, жамият ва башарият учун бағоят фойдалидир.

Фалсафанинг ижтимоий аҳамиятига академик Саид Шермухаммедовнинг “Фал-

устида фикрлашни кучайтириш билан фалсафа "эркинлик мактаби"га айланади.

...ЮНЕСКО фалсафани кенга маънода – ҳар бир шахсда мустақил фикрлаш кўникмасини пайдо қилувчи, инсон ҳаёти ва борлигига доир универсал муаммолар билан шугулланувчи соҳа сифатида тушунади. Таълими умумий тарзда жорий қилиш, маданий турфа хиллик, фан этикаси, инсон ҳуқуқлари, билимга асосланган жамият, демократия, маданиятлар ва цивилизациялараро мулоқот каби Ташкилот шугулланувчи йурик масалалар мустаҳкам фалсафий асос, таҳлилий ва концептуал синчковлики тақозо этади.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 171-сессиясида қабул қилинган "Фалсафа бўйича секторлараро стратегия" ҳужжатидан

сафа масалалари" журналида босилган мақоласида ҳам урғу берилган: "Билиш, англаш, таълим ва тарбия инсоннинг дунёга бўлган ҳам назарий, ҳам амалий муносабатини шакллантириши лозим экан, демак, улар аввало, асос сифатида фалсафий ахлоқий принципларга таяниши даркор" (*Шермухаммедов С. Философия сегодня: национальная, региональная, мировая. Москва, "Вопросы философии", 2008, №7*).

Даставвал фалсафанинг шахс учун қандай наф келтириши ҳақида тўхталайлик. Инсоният тамаддуни юзага келибдики, фалсафа инсоннинг шахс сифатида шаклланиши ва камол топишида бекиёс восита бўлиб келмоқда. Шу тариқа фалсафа шахсга наф келтиради. Бу борадаги мулоҳазаларимизни, аввало, "наф" деганда нима назарда тутилаётганини аниқлаштириб олишдан бошлаш мантиқан ўринли бўлади. Наф – инсонда қониқиш ва розилик ҳиссини пайдо қилувчи муайян хатти-ҳаракат ёки вазиятнинг махсули. Қониқиш ва розилик ҳисси нимага нисбатан йўналганига қўра, наф моддий ёки маънавий бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан фалсафий тафаккур шахсга амалда қандай моддий ва маънавий наф етказишини кўриб чиқайлик.

Юртимизда тобора ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти ҳамда жадаллик

билан кечаётган глобаллашув жараёнининг шахсга таъсири, босими нақадар кучли экани аниқ ҳақиқат. Ҳозирги вазият шахсдан мустақил, фаол, ташаббускор бўлишни талаб қилмоқда. Хўш, бундай шароитда фалсафий билимларнинг нафи қандай бўлади? Фалсафанинг аҳамиятини пасайтиришга уринувчилар кўп ҳолда фалсафа ва фалсафий тафаккурни бир-бири билан қориштириб юбориб, хатога йўл қўяди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, фалсафий билимларга эга бўлиш (фалсафа тарихи, мантиқ, онтологик ва эпистемологик таълимотлардан хабардорлик) аслида фалсафий тафаккурни ривожлантириш йўлидаги восита, холос. Фалсафани танқид қилувчилар, дейлик, "Аристотелни ўқиш бизга нима наф келтиради?!" дейишар экан, бу билан улар мақсадни эмас, воситани рад қилган бўлади. Бу каби танқидлар, кино тарзида айтиладими ёки илмий баҳс тарзида, барибир фалсафанинг тафаккурни ривожлантиришдаги аҳамиятини инкор қила олмайди. Шу муносабат билан инглиз мантиқшуноси ва файласуфи Бертран Расселнинг сўзларига эътибор қаратайлик: "Фалсафа муайян саволларга аниқ жавоб олиш учун ўрганилмайди. Негаки, одатда, бундай саволларга ишончли деб ҳисоблаш мумкин бўлган аниқ бир жавоб бериб бўлмайди. Фалсафа аслида савол қўйиш малакасини эгаллаш учун ўрганилиши лозим. Чунки саволлар нима эҳтимолий ҳақиқат бўлиши тўғрисидаги тушунчанинг кенгайтириши, интеллектуал тасаввуримизни бойитади ва тафаккурга тўсқинлик қилувчи чекланиш, ўзига нисбатан мутаассибона ишонччи камайтиради" (*Рассел Б. Проблемы философии. Москва, "Республика", 2000, стр. 276*).

Фалсафа мутахассиси меҳнат бозорига билимини эмас, балки аниқ билими воситасида шаклланган малака ва кўникмаларини тақлиф қилади. Албатта, кўникама ва малака бошқа соҳа мутахассислиги учун ҳам ғоят зарур, лекин унинг учун билимнинг ўрни ҳам катта бўлади.

Келинг, фалсафа мутахассисининг кўникама ва малакаси нималардан таркиб топишига бир назар таштайлик:

– соҳалараро муносабатларда юзага келувчи масалалар замиридаги моҳиятни илғай олиш ва уларни муайян тарзда баён қилиб бериш;

– мураккаб ва зиддиятли ижтимоий муаммоларни мақсадга мувофиқ тарзда ифодалаб, таҳлил қила олиш;

– ҳодисаларнинг тарихий ва замонавий ривожланиш тамойилларини теранроқ илғай олиш, улардан келиб чиқувчи фикр-мулоҳазаларни талқин қила олиш;

– фалсафий атама ва категорияларни эркин ва танқидий йўсинда қўллаш олиш;

– мантиқий зиддиятларни аниқлай билиш, ишончли далилларни топиб, уларни мушоҳадага жалб этиш;

– методологик хатоларни, эътиқоддан келиб чиқадиган ғоя ва хатти-ҳаракатлардаги баъзида пинҳон, баъзида атайин яширилган иддаоларни, тафаккурдаги чалкашликлар, объектив ҳақиқатдан четлашишларни аниқлай олиш;

– баҳсли масаладар юзасидан фикр-мулоҳазаларини аниқ ва лўнда ифода этиш, айниқса, ёзма баён қилиш;

– фалсафий муаммолар, ижтимоий масалалар ва улар бўйича тақлиф этилган нуқтаи назарлар ва ечимларни солиштира олиш, кучли ҳамда заиф томонларини, фойдали ёки зарарли жиҳатларини илғай билиш;

– мустақил фикрлай олиш, ижтимоий нуқтаи назардан ижобий натижага йўналтирилган холис танқид малакасини эгаллаш.

Таъкидлаш лозимки, файласуф малакасидаги сўнги хусусият аввало унинг ўзига, фикрлаш тарзига ҳам тааллуқли. Фалсафа тарихида сезиларли из қолдирган файласуфларнинг аксарияти, биринчи навбатда, ўз фикрлаши, таълимоти, ўз феъл-атворини танқид ва таҳлил этиш, шу асосда тадриж йўли билан комилликка интилиш орқали замондошларининг ҳурмат-эътиборини топган. Бу, айниқса, Шарқ файласуфлари ҳаёти ва таълимотида яққол кўзга ташланади.

Бугунги кунда ҳам юқорида санаб ўтилган кўникма ва малакани эгаллаган кадрлар қайси соҳада ишламасин, иш берувчилар томонидан кадрланишига шубҳа қилмас бўлади.

Фалсафа билан шугулланиш воситасида вужудга келувчи бундай хусусиятлар шахнинг рақобатдош кадр бўла олиши учун зарурдир. Бу кўникмалар инкор этилган ҳолда, замонавий лидерлар, менежерлар ва сиёсий етакчиларни тарбиялаб бўлмайди. Қолаверса, бу каби сифатлар иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда иш берувчилар томонидан юқори баҳоланади. Бугунги кунда айни хусусиятларнинг аҳамияти ортиб бораётганини ҳисобга олсак, фалсафани ўқий ва ўқитиш шахс учун амалий жиҳатдан қандай наф келтириши маълум бўлади.

Энди “Фалсафа жамият учун нима наф келтиради?” деган саволга ўтайлик. Бу савол ҳам жамиятнинг бирламчи манфаати нимада эканига тўхталиб ўтиш жоиз.

Жамият (тор маънода, кенг маъноси эса – тамаддун, цивилизация) – онгли, муайян мақсадлар сари интилувчи, бирликда ҳаракат қилувчи шахслар уюшмасидир (*Фалсафа: қомусий лугат. Тошкент, “Шарқ”, 2004, 123-бет*). Жамият мавжудлигининг бирламчи шarti уни ташкил этувчилар ўртасидаги мувофиқлик, аниқ мезонлар асосидаги бир бутунлиқдир. Акс ҳолда у тартибсиз бир тўдага айланади ёки ички зиддиятлар таъсирида парчаланиб, ҳатто қарама-қарши манфаатли тарафларга бўлиниб кетади. Демак, жамиятнинг бирлигини таъминловчи ҳар қандай ғоя, мақсад унинг манфаатини юзага чиқаради.

Ҳозирги замон тамаддунига хос бўлган жамиятларда ижтимоий манфаатни англаш жамият аъзоларининг тафаккури қай даражада эканига боғлиқ. Бу даража қанча юқори бўлса, жамият манфаати ҳам шу қадар кучли бўлиб, жамият бирлигини таъминлаш омили вазифасини бажара олади.

Ижтимоий онг юксалишида эса барча замонларда ҳам фалсафа, фалсафий қарашлар, фалсафий тафаккур ниҳоятда муҳим ўрин тутган. Бу Ғарб тамаддуни тарихида ҳам, Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиёнинг буюк тамаддунлари тарихида ҳам кўзга ташланади. Дарҳақиқат, жамиятга энг кўп наф келтирувчи, унинг асл манфаатларига хизмат қила олувчи муҳим омиллардан бири бу – фалсафадир. Айниқса,

жамиятнинг бирламчи манфаатини хавф остига қўйвчи жангарилик, ирқчилик, мутаассиблик, хурофотчилик, маҳаллийчилик, ақидапарастлик, миллатчилик, диний адоват каби иллатларга қарши курашда ҳеч бир ижтимоий онг соҳаси фалсафачалик самарали таъсирга эга бўлмайди. Албатта, адабиёт, санъат ҳам шундай таъсир кучига эга. Аммо барибир бу соҳа асарлари, масалан, бадиий фильм ўзида муайян фалсафий ғояни ифодаламас экан, мазмуни ва мақсадига кўра, кўнгилочар восита бўлишдан нарига ўтолмайди. Шунингдек, инсоният тарихида улкан таъсир кучига эга бўлган адабиёт намуналарини яхши биламиз. Лекин бу ҳолда ҳам бадиий асарга ўзига хос фалсафий ғоя сингдирилган бўладими, натижада у ана шундай таъсир қувватини касб этади. Дейлик, Алишер Навоийнинг "Хамса"си, Мавлоно Румийнинг "Маснавий"си, Гётеннинг "Фауст"идан улар замиридаги фалсафани ажратиб бўлмайди ва шунинг учун ҳам улар ўлмас дурдоналар ҳисобланади.

Жамиятга таъсири яққол бўлган яна бир ижтимоий онг соҳаси бу – фандир. Аммо фаннинг таъсири жамиятнинг бирламчи манфаатларига мувофиқ йўналишда бўлади дейиш қийин. Фан ютуқлари, аксаран, умумбашарий аҳамиятга молик ҳисобланади. Филология, тарих, этнография каби миллий ўзликини англаш билан боғлиқ фан соҳалари бундан мустасно. Шу билан бирга, худди шу соҳаларда фалсафа алоҳида ўринга эга бўлгани учун улар ижтимоий аҳамият касб этади. Бунда мазкур фанларнинг фалсафа билан алоқаси тарих фалсафаси, герменевтика, миллий қадриятларни ўрганиш каби фан тармоқлари ва мавзулари билан белгиланади.

Табиий ва техник фанларга келсак, улар жамият учун зарур, бироқ унинг олдида кўндаланг бўладиган кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ожиз. Мисол тариқасида бугунги глобаллашув жараёнини олайлик. Ушбу жараённинг юзага келиши ва жадал чуқурлашиб боришида фаннинг роли беқиёс, аммо бунда юзага чиқадиган сиёсий, ижтимоий ва ахлоқий оқибатлар хусусида унинг ҳозиргача бирон бир аниқ тавсия бергани маълум эмас.

Аслида, фан ҳар қандай муаммони ҳал эта олиш даъвосини қилмайди. Аксинча, термоядро энергиясини берувчи қурилма, ирсиятга таъсир этиб, ҳосилдорликни кескин оширувчи усул, иқлимни бошқаришга имкон яратиш билан боғлиқ муаммоларни у бир кунмас-бир кун ҳал эта олар, аммо ушбу воситаларни амалда қўллаш керакми ёки йўқми, деган саволга жавоб бермайди. Тиббиёт фан соҳаси сифатида тузалишидан умид бўлмаган беморни азобдан қутқариш воситасини тақлиф қилиши мумкин, аммо ана шу воситани амалда қўллаш жоиз ёки ножоизлиги ҳақидаги торттишувда "Бу ёғи бизнинг ишимиз эмас", дея ўзини четга олади. Олимлар бу каби саволларга жавоб берган тақдирда ҳам илм-фан одами сифатида эмас, оддий фуқаро сифатида ўз фикрини ўртага ташлайди, холос.

Жамиятнинг бирламчи манфаати, одатда, унинг мақсадига боғлиқ, яъни, ўз мазмун-моҳиятига кўра субъективдир. Фан соҳалари эса объектив ҳақиқатни излашга қаратилгани сабабли жамиятнинг бирламчи манфаатлари фан учун тадқиқот объекти бўла олмайди. Масалан, иқтисодиёт мавжуд иқтисодий муносабатларни ўрганиши, иқтисодий қонунларни очиб, муайян башоратлар қилиши, тавсиялар бериши мумкин, аммо ҳали мавжуд бўлмаган, яъни келажакка дахлдор иқтисодий муносабатларни тадқиқ қила олмайди. Шу сингари, сиёсатшunosлик ҳам фақат мавжуд сиёсий муносабатларни тадқиқ этади.

Хуллас, фан ўрганиш предмети бўйича "қандай?" деган саволга жавоб излайди (назарийлик), аммо "мақсадга мувофиқми?" деган саволни ўз олдига қўймайди.

Шу ўринда биз жамият ҳаёти учун ўта муҳим яна бир соҳа – ахлоқ билан тўқнашамиз. Юқорида баҳс юритилган савол ва муаммолар айнан шу соҳага оидлиги учун ҳам фан доирасидан четга чиқади. Бу масалалар билан этика (ахлоқшunosлик) шуғулланади. Аммо этика – фалсафанинг бўлими. Шубҳасиз, ахлоқий масалалар ижтимоий онгнинг бошқа бир муҳим соҳаси – дин томонидан ечим топади. Тарихда жамиятнинг бирламчи манфаатлари билан боғлиқ

саволларга диний илм жўяли жавоб берган даврлар кўп бўлган. Лекин айни чоқда диний масалалар юзасидан тортишувлар жамиятни парчаланишга олиб келган мисоллар ҳам кам эмас.

Яқин тарихга мурожаат этсак, Ўзбекистон мустақилликка эришиб, мамлакатимиз тараққиётнинг ғоят масъулиятли ва шарафли босқичига кирган дастлабки паллада дин пешволарининг бир қисми жамиятнинг бирламчи манфаатини илғаб ололмади, бошқа қисми эса билибми ё билмасдан ана шу манфаатларга зид иш тутди.

Бугунги жамиятларда ҳам ахлоқ бобида диннинг ўрни ва таъсири катта, аммо у барибир фалсафанинг вазифасини ўз зиммасига ололмайди, чунки бу жамиятларнинг аксарияти кўпконфессионал ва секуляр табиатга эга.

Фалсафа ижтимоий онг соҳаси сифатида пайдо бўлганига салкам уч минг йил бўлаётганига қарамай, у ҳеч қачон ижтимоий низоларни келтириб чиқармаган. Алоҳида эътиборга молик ҳолат: қайси мавзунини олмайлди, иккита файласуфнинг фикри айнан бир хил чиқиши эҳтимолдан йироқ, шу сабабли ҳам фалсафа бир-биридан фарқли, кўпинча, ҳатто бир-бирини танқид қилувчи таълимотлар йиғиндисидан иборат, аммо шунга қарамай фалсафа ҳар доим жамиятда бирлаштирувчилик вазифасини бажарган. Бошқача қилиб айтганда, у ижтимоий манфаатларга путур етказувчи ҳодисалар билан самарали кураш воситасидир. Худди мана шу хусусияти фалсафанинг жамият учун энг катта нафидир.

Фалсафа бу вазифани турли йўллار билан амалга оширади. Улар ичида энг муҳими эса фалсафа таълими ҳисобланади.

Биринчидан, фалсафа билан шуғулланиш давомида бизда ўзига хос фалсафий танқид кўникмаси шаклланади. Фалсафий танқид эса ёшларга ғоя, қараш ёки ёндашувларни кўр-кўрона қабул қилмаслиқни ҳам, худди шу йўсинда инкор қилмаслиқни ҳам ўргатади. Муҳими, бу борада асосиз тарзда шубҳаланишни эмас, балки мантиқ чизиғидан ўтказиб таҳлил қилиш, ҳатто нуфузли зотларнинг фикрларига ҳам

танқидий-ижодий ёндашиш кўникмасини тарбиялайди. Бу хулоса Аристотелнинг “Платон менинг дўстим, аммо мен учун ҳақиқат афзалроқ” деган машҳур жумласида ўз ифодасини топган. Ҳолбуки, Платонни Аристотель, ҳеч шубҳасиз, буюк аллома сифатида ҳурмат қилган. Умуман, фалсафа тарихи кейинги авлод олдинги авлоднинг фалсафий қарашларини, бир оқим иккинчи оқимнинг фалсафий тизимини тафтиш ва танқид қилишидан иборат дейилса, кўп ҳам хато бўлмайди.

Шундай қилиб, фалсафий танқиднинг ягона мақсади – ҳақиқатни излаш ва уни топиш имкониятини кенгайтиришдир. Фалсафий муаммолар, уларнинг қўйилиши ва тарихи, масалан, Кант фалсафаси билан танишар эканмиз, бизда айни шу хилдаги муаммолар ва улардан келиб чикувчи оқибатларни тушуниш ва тушунтириб бериш малакаси шаклланади. Бу эса, ўз навбатида, фалсафий тафаккур ва танқиднинг шаклланиши учун пойдевор бўлади. Натижада биз муаммонинг шахсий ёки гуруҳий манфаатларимизга мос келувчи жиҳатларидан юқориқроқ кўтарилиб, уни соф ҳолда, объектив равишда ўрганишга одатлана бошлаймиз. Фалсафа билан мунтазам шуғулланиш самараси бўлган бундай кўникма мустақил фикрлайдиган, ҳар хил мафкуравий тажовузлардан ишончли тарзда ҳимояланган шахсни, ҳақиқий фуқарони тарбиялашда бемисл аҳамиятга эга. Мазкур фазилат бизни моддий жиҳатдан тўғридан-тўғри бой қилмаса-да, маънавий жиҳатдан бойитади – тафаккур соҳибни этади. Бундай шахсда ўз атрофида юз бераётган ҳодисаларга нисбатан масъулият туйғуси кучаяди. Юксак тафаккурли шахслардан таркиб топган жамиятга турли “изм”ларнинг суқилиб кириши қийинлашади, жамият манфаатларига ёт ақидалар ва хурофий одатлар тарқала олмайди, четдан келган миссионерлар ҳам мақсадига эришолмай, қуруқ қайтиб кетишга мажбур бўлади. Америкалик файласуф У.Жеймс айтганидек, “фалсафий тафаккур бизни догматик мудроқликдан уйғотади” (*Джеймс У. Введение в философию. Москва, “Республика”, 2000, стр. 9*).

Иккинчидан, фалсафа билан шуғулланиш ўзгача қарашларга нисбатан сабр-тоқатли бўлиш – багрикенглики (толерантлик) шакллантиради. Ҳовий келишимовчиликлар сабабли рўй берувчи зўравонлик, қуроли тўқнашув ва хатти-ҳаракатлар ўрнини очиқ, ўзаро ҳурмат асосига қурилган маданий мунозара-мубоҳасалар эгаллашига ёрдам беради.

Фалсафий тафаккур ва толерантлик ўртасида қандай боғлиқлик бор? Толерантлик – субъект томонидан қабул қилинмаган, унинг ишонч-эътиқодига мувофиқ бўлмаган дин, дунёқараш, ғоя, миллий қадрият, турмуш тарзига йўл берадиган ижтимоий муносабатни англатувчи тушунчадир. Бу тушунча асосида “мен” билан бир қаторда “у” ҳам яшашга ҳақли, деган эътиқод ётади. Толерантлик догматизмнинг пассив кўриниши ҳисобланади, яъни унда шахс муайян фикрни ҳимоя этган ҳолда, ўзга ғоя билан муросага киришади, аммо унинг фаол шаклини – ўз фикрига маҳкам ёпишиб олиш баробарида бошқача фикрга сабр-тоқатсиз, радикал муносабат билдиришни, хусусан, экстремизмни мутлақо инкор қилади. Фалсафа ўзининг танқид функцияси орқали пассив догматизмни муқобиллаштиради, толерантликни кучайтириш билан эса фаол догматизмга қарши курашади.

Биз фалсафа оламига кириб борар эканмиз, шу вақтгача оддий бўлиб кўринган ҳодисалар табиати нақадар мураккаб эканини ҳис эта бошлаймиз. Фалсафий таълим тафаккуримиздаги заиф томонларни кўришга ўргатади, маълум маънода “кўзимизни очади”. Бу эса бизда ўзгалар фикрига қулоқ тутиш, ечими шубҳасиздек туюлган масалалар устида чуқурроқ ўйлаб кўриш одатини шакллантира бошлайди. Ўзгага ҳурмат, ундан ўрганиш ва ўзаро ҳамкорлик самарасига бўлган ишончимиз-

ни мустаҳкамлайди. Мана шу жиҳати билан фалсафа толерантликнинг назарий пойдеворидир. Биз жамиятимизда миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик ва динлараро багрикенглик ғоясини кишилар онига чуқур сингдиришни мақсад қилган эканмиз, шу мақсад йўлида хизмат этувчи энг самарали восита – фалсафани ўрганиш ва ўргатишдир.

Учинчидан, фалсафа жамиятни ахлоқий-маънавий жиҳатдан юксалтиради. У ижтимоий оннинг турли шакллари – сиёсат, санъат, фан, дин ўртасида ўзаро мувофиқлаштирувчи функцияни ўтайди. Бир қарашда ўзаро зид туюлгани ҳолда, чуқурроқ мушоҳада ва таҳлил этилса, бу зиддиятлар юзаки ва сунъий эканини кўрсатиш билан фалсафий тафаккур шахс хатти-ҳаракати, умуман, ҳаётида кучли таъсирга эга омилга айланади.

Шахс дунёқарашини шакллантирувчи турли соҳалар (масалан, дин ва фан) ўртасидаги зиддиятларни таҳлил этиш ва ўзаро мувофиқлаштириш функцияси фалсафий фикрни онг фаолиятининг яхлит намоён бўлиши ва сўнгги маҳсули сифатида тушунишимизга имкон беради.

Фалсафа жамият ҳаётига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайди. У аксар ҳолларда ўзга соҳалар орқали бу ишни амалга оширади. Бунда турли сиёсий, иқтисодий назариялар, адабиёт ва санъат асарлари оралиқ боғловчи ролини ўтайди. Шунинг учун ҳам баъзилар фалсафанинг жамият ҳаётидаги ўрнини етарлича пайқай ва баҳолай олмайди ҳамда “фалсафа ўзи керакми?” мазмунидаги саволни кўяди. Савол истеҳзоли, кинояли бўлишига қарамай, қатъий жавоб бериш керак: жисмоний саломатлигингиз учун бадан тарбия нақадар фойдали бўлса, тафаккурингиз саломатлиги учун фалсафани ўрганиш, фалсафий тафаккур кўникмасини ҳосил қилиш шу қадар нафлидир.

Абдулла ОРИПОВ

Eng oliy baxtim mening — onajonim she'riyat!

Инсон куйели фақат шеър тусаб қоладиган дамлар бўлади. Ўша чоғда бу ҳолатни ёнида-гиларга ҳам "юстира" олда, билинги, у ёли — мушоира, байтбарак. Бир кунги тахририят аҳли тулланиб, устоз шоиримиз шёрларидан ҳар ким ёд билган, қалбига ўрналиб қолган сатрларини унйи бошлади. Байтбаралимизга устознинг шоирди Сиражиддин Саййид ва шеърини-вос мунажжидимиз Пирраҳим Хайрул ҳам қўшилди. Мушоира, лофи билан айтелса, икки со-стлар чуқурди. Ана шу олжаи шеърхонлиқнинг бир қисмини Ўзбекистон Қаҳрамони, ардоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қўлус 70 ёшига атаб тақдим этаётимиз.

Мен — шоирман,
Истасангиз шу,
Ўзимники эрур шу созим.
Бировлардан олмадим туйғу,
Ўзгага ҳам бермам овозим.

* * *

Она тилим, сен борсан, шаксиз
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...

* * *

Бир неъмат бўлсин деб қалбда қонни ҳам
Анор донасига жойлаган жонсан.
Агар қўйиб берса, кенг жаҳонни ҳам
Зарга ўрагувчи Ўзбекистонсан.

* * *

Ватанлар, Ватанлар, майли, гулласин,
Бог унсин мангулик музда ҳам, аммо
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

* * *

Мукаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни,
Етук бўлмамдик ўзимиз бироқ.
О, йиллар армони, йиллар армони,
Армон кўрмадим ҳеч сиздан буюкроқ.

* * *

Асрим, самоларда ёқолдинг чироқ,
Юлдуз қилиб отдинг фазога ўзни.
Кўзгата олмадинг ўрнидан бироқ
Асқар елкасида турган юлдузни.

* * *

Хайратга тушмасман бу ҳолдан сира,
Дунё бу — қувғинди оҳудай елар.
Дунё бу — энг оддий ҳукмига кўра
Кимдир тугилади ва кимдир ўлар.

* * *

Бир кун бир қояга урилгай кема,
Рўҳим, сен вужуднинг ғамини ема...

Сен мисли камалак — юксак ва сўлмас
Камалакни эса парчалаб бўлмас.

* * *

Коинот гултожи инсондир азал,
Ундадир энг олий тафаккур, амал.
Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо,
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал.

* * *

Оҳу боласи бу — оҳудай боққан,
Шерваччада эса шернинг шиддати.

* * *

Донолик чексиздир бамисли олам,
Чегараси йўқдир нодонликнинг ҳам.

* * *

Йўқол, эй беҳуда мағрурлик ҳисси,
Йўқол, эй беҳуда самовий дамлар.
Ўзимни сизлардан ажратсам, сўзсиз
Парчалаб ташлангиз мени, одамлар!

* * *

Дунёда тариқ каби беданабон гап ҳам мўл,
 Дунёда ташвиш ҳам мўл қиссудек юракларни.
 Лекин бу кенг оламда бахтиёр ўшал кўнгил —
 Сигдиролса ўзига энг олий тилакларни.

* * *

Кўз олдимда киприкдайн тизилар йиллар,
 Хар бирига маржон бўлар аччиқ унларим.
 Хира туман орасида чўгдай милтилар,
 Жайрон қувиб жайрон янглиг ўтган кунларим.

* * *

Қумуш ранг йўлларда от суриб юрсам,
 Шимирсам шабнамдан, куйласам сармаст.
 Сўнгсиз водийларга термулиб турсам,
 Беарво оҳуда қўзгасам ҳавас.

* * *

Юқсак аргувоннинг учида ҳилол
 Паҳмоқ бўлутларни этади нимта.
 Қайдадир шоира куйлайди беҳол:
 — Кўнглим ҳам бу кеча ойдаи яримта...

* * *

Кимнингдир кўксига энгашиганча гул
 Мармар саганадан ўқиб турар байт.
 Баҳор, қатра ёшим айлагил қабул,
 Онам бошига ҳам бордингми сен, айт?!

* * *

Қайдадир гулшандан ахтариб висол
 Ел кезар — тоғларнинг гўзал арвоҳи.
 Шоирнинг дилрабо байтлари мисол
 Оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи.

* * *

Чўнтакдан тўкилган тангалар мисол
 Шуълалар ўйнайди супа учида.
 Бировдан хижолат бўлган каби тол
 Ер чизиб туради — дами ичида.

* * *

Шабнам шовиллайди боғлар қўйнида,
 Салқин туман ичра бўзарар тонглар.

Куёшнинг эринчоқ ёгдуларида
Нафис ялтирайди барги хазонлар.

* * *

Мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол
Маъюс эгилади терак учлари,
Барглар соясида ўйнайди беҳол
Уйқудаги қизнинг бедор тушлари.

* * *

Кузак шамоллари эдилар яна,
Сокин юрагимда туйғулар қўзғаб,
Келгил, паривашим, келгил жимгина,
Келгил самолардан мезонга ўхшаб...



Нега гавҳар бўлмадинг сен ва ё чақмоқ тош,
Қўлларимга тугиб юрсам кечаю кундуз.
Нега севгим айламаган сени бир дунтож?! —
Бошигинамга қўйиб юрсам кечаю кундуз,
Нега бир тош бўлмагансан, сени авайлаб,
Тил остимга сөлиб юрсам, жонимга жойлаб,
Нега бир тош бўлмагансан?!

* * *

Қисмат майин ичдим — аччиқ ва тахир,
Туйдим эҳтироснинг самовий кучин.
Дунёда одамзод яшамас, ахир,
Фақат иродасин синамоқ учун.

* * *

Надомат нимага ва афсус нечун?
Оламда неки бор ўчар бешафқат.
Бизнинг вазифамиз кўникмоқ беун,
Бизнинг вазифамиз унутмоқ фақат.

* * *

Фақат ўтмиш билан яшамас инсон,
Гарчанд бўлолмайди ундан ҳеч озод...
Кечаги ғамини ўйласа обдон
Букчайиб қоларди бугун одамзод.

* * *

Гар гуноҳ орттирсанг ўзингга оғир,
Виждон азобида қоврилсанг бот-бот,

Хайҳот! Кимга бориб дод дейсан, ахир,
Қайга бекинасан ўзингдан, хайҳот!

* * *

Ҳамон қайлардадир ҳасад, хусумат
Энг олий ҳисларни топтагай мутлоқ.
Юксаклик истасанг тоққа чиқ фақат,
Теранлик истасанг денгизларга боқ.

* * *

Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?
Нечун томошага бунчалар ўчсан?

Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан, сен эй, – оломон?!

* * *

Ҳануз сарҳадлардан ғамгин сас келур,
Маълумат тошлари басма-бас келур.
Одамни маҳв этур фарзанди одами,
Одам эрур алмо томошабин ҳам.

* * *

Яхши ҳам бундайларнинг дасти қисқа замонда,
Иуқ эса кўрсатмасин буларнинг амалини.
Ўз ҳайкалин қўярди учраган ҳар майдонда,
Агдариб ташлаб ҳапто Навоий ҳайкалини.

* * *

Тун билан тонг эрур ташибеҳда удум,
Мисоли захру май, ҳажру шакар лаб.
Кимнидир қуёшдай эсласа мардум,
Кимнидир зулматдай юрарлар қаргаб.

* * *

Фурсат қаршисида боқий нима бор?
Шеърми у, қасрми, гиламми, палак?
Сизнинг қошингизда менинг бу ашғор
Бамисли гулзорга қўнган капалак.

* * *

Бир зум шаҳаншоҳлик теккан гадодай,
Умр ўтар, дедиму дунёга боқдим.



* * *

Ха, садақа кам эрур мангулик халтасида,
Пайхон бўлур саройлар, қанча юксак қабрлар.
Оддий бир тасодифнинг оддий бир ҳамласида
Капалак қанотидай учиб кетар қасрлар.

* * *

Мангуга қолай дея шуҳрат қули Искандар
Юксак тоққа ўзининг сувратини солибди.
Хўжасида бўлса ҳам қанча-қанча сийму зар,
Қарангки, жулдур кийган Эзон мангу қолибди.

* * *

Минорлар эмас бу — фалакка қасам,
Қасоскор боболар кетмишлар санчиб,
Мен тортган гамни ҳам бир-бир санасам,
Улик фиръавнлар кетарлар санчиб.

* * *

Қотил қўли қилич солди маст,
Қуёш бўлиб учди тилла бош.
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У — Улугбек кўзидаги ёш.

* * *

Бойқаро иргишлаб истак отида
Жаҳонга боққанда мисли бола шер,
Хирот дарвозасин бир қанотида
Шеърый лашкарини тизган Алишер.

* * *

Эзгу, латиф ҳислар бўлмасин таҳқир,
Булбулни бойқушга топширманг зинҳор.
Худбин ва дилозор кимсанинг ахир
Озги қон йиртқичдан қандай фарқи бор?!

* * *

Ҳолини билмаганга рўбарў келсанг агар
Қалбингдаги арслоннинг мўйловига чўзгай қўл...

* * *

Ошга етганида йигитнинг дасти,
Тошларга тегмасин боши ҳеч қачон.



* * *
 Оламда, аслида, бордир дўст ва ёв!
 Орзум шул: покиза кўрсам виждонни.
 Кимсанинг номидан кимсага биров
 Сотиб юбормаса, дейман, имонни.

* * *
 Норнинг ит олдида чўкканин кўрдим,
 Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.

* * *
 Биз шундай ўтамиз,
 Яъни кун кўриб...
 Майдагина кучсиз, майдагина зўр.

* * *
 Тупроқ қўзғалмасдан ўрнидан баттар,
 Соқмасидан аввал даҳшат, қатагон, —
 Ер ости тинч турсин десангиз агар,
 Сизлар ер устида сўзламанг ёлгон!

* * *
 Шукрона айт аввал парча нон учун,
 Сўнг қултум сув учун шукрона такрор.
 Чунки бу оламда, яширмоқ нечун,
 Сенга шуларни ҳам кўп кўрганлар бор.

* * *
 Сиздан нима кетди, эй дўсти азиз,
 Согоинманг менга ҳам бир зум ёмонлик.
 Мендан нима кетди, сизга ҳам чексиз
 Саодат тилайин, тилай омонлик.

* * *
 Кимга нима керак? Нечун сохта шон?
 Нечун мангуликдан беҳуда талаб?
 Ахир иккимиз ҳам сўнг манзил томон
 Кетмасмиз дунёнинг юкин орқалаб.

* * *
 Юртим, фақат сенинг қўлингдан тутиб,
 Болангдай эргашиб кета олсам бас.

*Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб,
Сени танимаган мени ҳам билмас.*

* * *

*Бир вақтлар илҳомнинг ўтли тигида,
Фалакни кўзларди менинг ҳам созим.*

*Лекин икки дарё оралигида,
Қолиб кетди менинг ўша овозим.*

* * *

*У ҳали номингни кўксига жойлаб,
Самолар қўйнида ургусидир барқ.
Уни қадамингга ташлама бойлаб,
Кўйвор набирангни, отажоним, Шарқ...*

* * *


*Лекин бизни анча “зот”лар писанд қилмади,
Яёв эдик, саман отлар писанд қилмади,
Шоҳ сургандик, бироқ хотлар писанд қилмади,
Таажжубмас, шеърга ётлар писанд қилмади,
Бизни писанд қилганларга минг бора қуллуқ.*

* * *

*Гарчи мушкул кўп бўлди
Мўъжаз менинг муҳитда,
Зухур эдим барчасин
Хасратли бир сукутда,
Ҳақ йўлин топдим лекин
Сен билан ёнган ўтда,
Энг олий бахтим менинг,
Онажоним, шеърим,
Топган тож-тахтим менинг,
Жонажоним, шеърим.*

* * *

*Мени кутаётир ажиб келажак,
У менинг иқболим, менинг бахтимдир.
Мен кўрмаган бахтни кимдир кўражак,
Мен айтмаган сўзни айтажак кимдир.*



Оноре де БАЛЬЗАК

G'OIYIB BO'LGAN DURDONA

1. Жиллетта

1612 йил адоғидаги аёли декабрь тонгида энгил-боши юпунгина йигитча Парижнинг Катта Августинчилар кўчасида жойлашган бир уй олдида тараддуланиб нари-бери бориб келарди. Илк бор севиб қолган-у, аммо маъшукасига дил изҳори қилмоққа ботинолмаган бўзболадек роса кўча тепкилагач, у ниҳоят, остона хатлаб, мэтр Франсуа Порбус¹ уйда бор-йўқлигини сўрамоққа жазм этди. Дахлиз супураётган кампирдан “Ҳа, уйдалар”, деган жавобни олгач, қирол ҳазратлари қандай қабул қиларканлар, дея юраги такапука бўлган янги сарой аъни мисол, айланма зинапояннинг ҳар бир поғонасида

Давр ўзгариши билан маънавият ва маърифат масалаларига муносабат ҳам ўзгариб боради. Одамзод бундан чорак аср илгари ҳатто истироҳат боғларидаги кутубхоналарда ҳам муқка тушиб китоб ўқир, газета ва журналларнинг янги сонларини варақлар, таниш дўкончиларга ялиниб-ёлғориб, нафақат Москва, балки Тошкентда ҳам нашр этилган мумтоз китобларни сотиб олиш чорасини қидирар эди. Уша яқин-олис замонларда ёшлар ҳам, катталар ҳам саргузашт китоблардан кўра, Шарҳ ва Ғарб адабиёти классикларининг асарларини ўқишга кўпроқ иштиёқманд эди. Афсуски, буеуней ёшлар ва буеуней катталар на Толстой, на Бальзак, на Фузулий асарларини ўқишга эҳтиёж сезади.

Камина “Тафаккур” журнали тавсияси билан Оноре де Бальзакнинг “Ғойиб бўлган дурдона” ҳикоясини мутолаа қилар эканман, турли ўтқинчи юмушлар билан банд бўлиб, жаҳон мумтоз адабиётидан узоқлашиб қолганимни ўқинч-ла ҳис этдим. Буюк истеъдоднинг биргина шу ҳикоядаги порлоқ шуъалари бағримни шу қадар жимирлатиб юбордики, нўнок таржимонлардан бўлишимга қарамай, уни ўзбек тилига ўғирмоққа жазм қилдим.

¹ Порбус – Кичик Франсуа Порбус (1570-1622) – Парижда яшаб ижод қилган фламанд мусаввири

тўхтай-тўхтай, имиллаб юқорига чикди. Чикди-ю, устахона эшигига зеб бериб турган ғаройиб болғачага қўл теккизолмай майдончада тагин туриб қолди. Эҳтимол, бу чоқ Рубенс даҳоси порлаб, Мария Медичи назаридан қолган Генрих Еттинчининг хос мусаввири ичкарида ижод қилиб ўтиргандир. Айни дамда йигит ҳам бўлажак буюк рассомлар ёшлик шавқи ва санъат ишқи билан ёниб яшаётган кезлар бирор даҳо ижодкор ёхуд дурдона асарга ёвуқ келган пайт бошдан кечирадиган жўшқин туйғулар исканжасида эди. Инсондаги ҳис-туйғуларнинг ҳам олижаноб ингилишларга дохил баҳор чечакларидек гул очиш фасли бўладики, бахт хотирага, шуҳрат эса рўёга айланиши билан улар секин-аста кузги боғлар каби заъфарон тортади. Қалбнинг ўткинчи ҳаяжонлари орасида ҳеч бири шуҳрат ва кулфат йўлида эндигина ижоднинг илк ажиб кийноқларини тотаётган ёш рассомнинг журъату журъатсизликка, умиди умидсизликка лиммо-лим эҳтиросичалик муҳаббатга уйқаш эмас. Чўнтагида бир мириям йўғ-у, аммо қўнгли ойни тусаган кезлари улкан санъаткорга дуч келиб, юраги дукиллаб уриб кетмаган рассомнинг қалби албатта жиндек кемтик бўлади, мўйқаламида бирор бир бўёқ, ижодида бирор бир туйғу, яратигида бирор бир жило етишмайди доим. Мен бўлғуси даҳоман деб подадан олдин чанг кўтарган мақтанчоқлар эса аҳмоқлар кўзигагина оқил бўлиб кўринадди, холос. Гўзал хонимлар ноз-карашмани машқ қила-қила тортинчоқлик ҳиссини йўқотиб қўйгани қаби, истеъдод эгалари ҳам санъат атрофида айлана-айлана осон бой бериб кўядиган уятчанлик ҳисси жиҳатидан қаралса, худо йигитчани бу неъматдан асти қисмаган эди. Ишингиз бароридан кела бошлагач, журъатсизлик ҳам йўқолади, тортинчоқлик, уятчанлик эса, эҳтимол, журъатсизликнинг бир туридир.

Агар тасодиф рўй бермаганида, муҳтожликдан боши гангиган ва айни дамдаги дадиллигидан ўзи ҳам хайратда турган бечора йигитча Генрих Тўртинчининг ажойиб портретини чизган рассом ҳузурига киришга жазм этолмас эди. Хайриятки, ортидан бир чол чиқиб келди. Аломат кийим-боши, хашамдор тўр ёқаси, сипо ва ўктам қадам олишидан бу одам устанинг ҳомийси ёхуд дўсти эканини пайқаб, йигит йўл бермоқ учун ўзини бир қадам орқага олди-да, бу зотда санъат аҳлига хос ҳамият ёхуд санъат шайдосига хос илтифот аломатини кўриш умидида уни қизиқиб кузата бошлади, аммо чолнинг юзида иблисона бир ифода, боз устига мусаввирни жалб этадиган мубҳам ва галати бир жозибамии-ей бор эди. Рабле ёхуд Сукротникидек их-

Устозларнинг хотирлашича, Ойбек домла жаҳон адиблари орасида Бальзакни кўпроқ мутолава қилган экан. Кимдир менга мазкур француз адибининг бирор машҳур асари билан "Кутлуғ қон"ни қиссий ўргансангиз, Ойбек маҳорати сирларини кашф этган бўлардингиз, дегани ёдимда. Афсуски, мен бу маслаҳатга ўша вақтда эътибор бермаган эканман.

Бальзак бошқа буюк француз адиби Стендаль билан бир даврда яшаган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Франциянинг ўша даврдаги ҳаётини кузатиб, мушоҳадалари асосида ёстиқдек-ёстиқдек китоблар битган. Аммо Стендаль, Андре Моруа ёзганидек, персонажлари ёрдамида фақат ўзининг руҳий дунёсини очган бўлса, Бальзак "бутун бир оламни бунёд этганки, бу олам бир вақтнинг ўзида ҳам унинг даврига, ҳам бошқа барча даврларга тааллуқлидир".



чам, япасқи, учи қанқайган бурунга туташ сийқа бошли кенг дўнг пешонани; атрофини ажин қоплаган истехзоли лабни; кибр-ла олдинга туртган кичкина иякни; оппоқ чўққи соқолни; қариликдан хира тортган, аммо ғазаб ёки қувонч дамлари хали ҳам одамни сеҳрлаб қўювчи нигоҳ ташламоққа қодир денгиз сувидек ям-яшил кўзларни тасаввур қилинг-а! Дарвоқе, бу турк қариликдан кўра кўпроқ руҳ ва танани кемирувчи ўй-хаёллардан сўлгинлашгандек эди. Киприклар буткул тўкилиб битган, қош ўрнида яккам-дуккам мўйлар кўзга чалинади. Шу каллани заиф ва дардманд гавдага қўндирилган ҳолда тасаввур этинг-да, уни оппоқ нафис тўр билан ўраб, чолнинг қора нимчасига йўғон тилла занжир осиб қўйинг, қарабсизки, бу кимсанинг нотугалроқ сурати тап-тайёр – фақат шуни ҳам қўшимча қилиш жоизки, айна дамда зинапоёдаги хира ёруғда у хаёлий тусга кирган. Гўёки Рембрандт мўйқаламидан чиққан бу портрет қасноғини тарк этиб, улугъ рассом хуш кўрган нимқоронғиликда сас-сиз кезиб юрибдими, деб қоласиз. Чол йигитга синчков назар ташлаб, эшикни уч маротаба тақиллатди ва уни очган қирқ ёшлардаги ранглар кишига:

– Хайрли кун, мэтр, – деди.

Порбус назокат ила чолга таъзим қилди ва йигитчани ҳам у билан келган деб фаҳмлаб ичкарига олди. Кейин эса улар йигитга деярли эътибор ҳам қилишмади. Ҳолбуки, йигитча рассомлик сир-асрорини ўрганиш мумкин бўлган устахонага илк дафъа кириб қолган барча тўғма мусаввирлар каби ҳайратдан қотган эди. Уста Порбус ижодхонасини равоқдаги очиқ дераза ёритиб турарди. Ёруғлик тўппа-тўғри мольбертга ва ундаги оқ бўёқ чапланган полотнога келиб тушар – зулматга чўмган бу катта хонанинг бурчак-бурчагигача етиб боролмас эди; аммо унинг ўжар шуғалари нимқоронғилик аро гоҳ деворга осилган суворий совутининг бўртиқларида қумушдек жилва қилар, гоҳ ноёб идиш-оёқлар териб қўйилган кўхна жавоннинг ўймакор нақшли ялтироқ карнизини тарам-тарам бўлиб ёритар, гоҳ ҳафсала билан қат-қат тах бериб тикилган ва чамаси битта-яримта картина учун натура ўрнида хизмат қилган эски зарбофт парда гулдаларини ялтилатиб юборар эди.

Токча ва тагликларда яланғоч мушакларнинг гангча тушириб олинган нусхаларию антик давр илоҳаларининг гавдалари уюлиб ётарди. Қалам ёки перо билан чизилган ҳисобсиз хомаки расмлари этюдлар деворни шифтга қадар

Бальзак рус шоири Пушкин билан бир йилда (1799) туғилиб, ундан 13 йил кейин, 1850 йили ҳаётдан кўз юмган. Ана шу 13 йил унинг учун айниқса самарали бўлган. Аввало, у ёшлик ва йигитлик фаслларида ёзаган битикларидан воз кечган ва ўз олдига гоят улкан вазифани қўйган. У буюк италиян шоири Дантенинг "Иллохий комедия"си ўрта асрларда Еуропа халқлари ҳаётига қандай зўр таъсир кўрсатган бўлса, XIX аср ҳаётига ана шундай таъсир кўрсата оладиган асарлар туркумини яратмишга аҳд қилган ва бу туркумни "Инсоний комедия" деб атаган. У, Дантедан фарқли ўлароқ, ўз туркумида нарси дунё оқеаларини ва кишиларнинг у дунёдаги ҳаётини эмас, балки ўзи ауроҳ бўлган давр ҳодисаларини, замондошларининг серқатлам ва мураккаб ҳаётини акс эттиришга бел боғлаган. Бальзак "Ахлоқий этюдлар", "Фалсафий этюдлар", "Тахллий этюдлар" деб атаган уч туркумга жо бўлган романларида, адабиёт тарихчилари ёзганидек, XIX асрдаги француз жамияти анатомиясини очиб ташлайди.

Шуниси гаройибки, Бальзак болалик йилларида касалманд бўлгани сабабли ота-онаси уни ҳатто ўқишдан ҳам олиб қолмишган экан. Аммо вилоятда (Турда) туғилган йигит оиласи билан Парижга кўчиб келганидан сўнгра, таълим олгани адиля соҳасини танламай, Сорбоннада машҳур француз олимларининг адабиёт бўйича маърузаларини тинглаб, ёзувчи бўлишга

тўлдириб ташлаган. Бўёқ солинган қутилар, мой ва эритмалар қуйилган шишалар, тўнкариб қўйилган узун харраклар орасидан баланд дераза сари фақат тор бир йўлакча қолдирилган, шу деразадан Порбуснинг ранглар юзию анови ғалати одамнинг сарғимтир дўнг пешонасига тик ёруғлик тушиб турар эди. Йигит ўша таҳликали, олағовур йилларда жуда машхур бўлган бир картинага бутун вужуди билан сингиб кетган – бу картинани томоша қилгани яккаш қайсар, чўрткесар одамлар келардики, бугун ўша қабоҳат даврида ҳам илоҳий оташ сақланиб қолгани учун айнан шулар олдида қарздормиз. Картинада дарёдан ўтказиб қўйгани учун қайиқчига кира хақи беришга чоғланган Миср кизи Марям тасвирланган эди.

– Авлиё аёлинг менга ёқади, – деди чол Порбуга. – Қиролича сенга тўлайдиган ҳақ устига яна ўн тилла эюю кўшиб берган бўлардим-у, аммо зоти олияларига тенглашаман деб боқ-чи... ҳолинг не кечаркан!

– Бу ишим сизга ёқадими?

– Ҳе-хе, – дея тўнғиллади чол, – ёқадими эмиш! Ёқадиям, ёқмайдиам. Аёлинг ҳўб хушбичим-у, аммо жонсиз. Сиз, мусаввирлар, одам аъзоларини анатомия қонунларига мувофиқ жой-жойига қўйиб чизсак бас, деб ҳисоблайсиз. Сўнг бу шакл-шамойилни палитрада тап-тайёр турган тана рангидаги бўёқ билан бўяшга тутинаркансиз, бир тарафини бошқасига қараганда тўқроқ қилиш пайида бўласиз ва қаршингизда турган яланғоч аёлга фақат шу мақсаддагина аҳён-аҳён назар ташлаб қўйиб, камина табиатни қайта бунёд этяпти, мен – худодан санъаткорлик сирини ўғирлаб олган зотман, дея хаёл қиласиз ўзингизни... Бе, қўйсангиз-чи! Буюк шоир бўлмоқ учун гапни чаппа тузишу зўр қофия топишнинг ўзи кифоя эмас-да! Авлиё аёлингга қара, Порбус! Бир қарашда, у офатижон бўлиб кўринади, аммо сер солиб тикилсанг, полотнога чаппа ёпишиб қолганини англайсан: унинг гирдида айланиб бўлмайди. У – фақат олд томонигина бор, ёрти бир тасвир, холос. На у ёқ-бу ёққа ўгирилиши, на-да им қоқиши маҳол бўлган аёлсимон бир кўланка. Мен мана бу кўллар билан орқа манзара оралигида ҳаво сезмаяпман; картинада бўшлиқ йўқ; ҳолбуки, олислашиш қонуни тўлиқ-туғал сақланган, орқа манзара қоидасига ҳам худди шундай риоя этилган; аммо мақтовга лойиқ бундай тиришқоқлигинга қарамай, бу гўзал вужудга ҳаётнинг қайноқ нафаси-ла жон уфурилганига асло

қарор қиледи. Табиат нимжон бир йилитга шундай куч ва ирода ато этган эканки, у тинимсиз меҳнат ва машқ орқасида ҳам жисмоний, ҳам ижодий жиҳатдан забардаст шахс даражасига эришади. Ўз олдига зодагонлик рутбасини олиш, депутатлар палатасига ва Франция академиясига аъзо бўлишдек юксак мақсадларни қўяди. Аммо минг хил ҳаётий ва ҳавоий орзулар қанотига яшаган адибнинг бош мақсади буюк итальян шоири билан рақобатлашиш эди.

"Инсоний комедия" олтмишдан зиёд романдан иборат. Бу романлар марказида ноёб истеъдодини тўлиқ намоён этиш имконига эва бўлмаган ночор инсон тақдири туради. Биз "Ғойиб бўлган дурдон" ҳикоясида ҳам шундай қахрамон тақдири билан танишамиз. Томчида қуёш акс этади, деганларидек, шу ҳикояда ҳам Бальзакнинг нафақат беназир адиблик маҳорати, балки ўзи тасвирламоқчи бўлган кишилар, воқеалар, соҳаларни бениҳоя пухта билиши яққол кўринади ва бизни ҳайратга солади.

Сиз, азиз журналхони билмадим-ку, аммо Бальзакнинг бу кичик дурдонаси менинг классик адиб ва классик адабиётга нисбатан хиралашиб қолган кўзларимни дафъатан очиб юбораддек бўлди.

Таржимон

ишноолмайман; дейлик, унинг олмадек шу кўкрагига қўл теккизсам, мрамардек совуқлигидан сесканиб кетаман! Ҳа, дўстгинам, бу бугдойранг баданда қон гупираётгани йўқ, чакка ва кўкрагининг тиниқ териси остида тўр бўлиб таралган томирларда ҳаёт алвон чашма каби жўш урмаётир. Қара, мана бу жойи нафас олаётгандек – худди тирик одамникидек, мана бу жойи эса қилт этмайди, картинанинг ҳар бир бўлагида ҳаёт билан ўлим олишиб ётипти; мана бу ерда аёллик латофати намоён, бу ерда эса у қўғирчоқнинг ўзи. Хуллас, асаринг номукаммал. Сен сеvimли асарингга қалбингнинг бир бўлагинигина бағишлагансан, холос. Кўлингга Прометей машғаласи неча бор ўчиб қолган, самовий оташ картинанинг кўп жойига тегмаган ҳам.

– Сабаби нима, қадрли устоз? – деб сўради Порбус тавозе билан, йигит эса чолга мушт тушириб қолишдан ўзини аранг тийиб турарди.

– Боиси шуки, – деди чол, – сен икки услуб ўртасида, расм билан бўёқ танловиди, эски немис усталарига хос бўлган икир-чикирларгача ўта аниқ тасвирлашдек совуқонлик билан итальян мусаввирларининг хайратомуз эҳтироси ва олижаноб хотамтойлиги орасида каловлиб қолгансан. Сен бир вақтнинг ўзида Ҳанс Ҳолбейн ва Тицианга, Альбрехт Дюрер ва Паоло Веронезега эргашмоқчи бўлгансан. Албатта, бу жуда зўр даъво! Бироқ натижа қандай бўлди, хўш? На совуқонликнинг тунд мафтункорлигига, на нур билан соянинг алдоқчи ўйинига эриша олдинг. Худди қайноқ мис мўрт қолишни ёриб ташлаганидек, мана бу ерда Тицианнинг серҳашам ва сержило бўёқлари Альбрехт Дюрернинг сипо контурини бузиб, тошиб чиққан. Расмнинг бошқа жойларига ку дуруст, Венеция палитрасининг бой бисотига ҳам дош берган. Юз тасвирида эса на расм, на қолоритни беками кўст деб бўлади, бу ерда машғум журъатсизлигинг излари аён кўриниб турибди. Модомики, бир-бирига терс бўлган бу икки ижод услубини истеъдодинг алангасида эритиб, қориштириб юборишга кўзинг етмадими, жонли натуранинг ҳечкурса бирор бир хусусиятини тугал ифода этадиган яхлитликка эришмоқ учун икковидан бирини танлашинг зарур эди. Сен фақат оралик қисмларнигина ҳаққоний тасвирлагансан; контурлар бўлса ҳаётий чиқмаган, улар охирига етказилмаган ва, демакки, бундан бирор маъно кутиш ҳам норово. Мана бу ери табиий чиқибди, – деди чол авлиё аёлининг кўкрагини кўрсатиб. – Мана бу ери ҳам, – деб давом этди у елканинг тугаш жойига ишора қилиб. – Аммо бу ери, – деди кўкрак оралигига қайтиб, – сираям ўхшамаган... Кел, сарак-пучак деб ажратишга нуқта қўя қолайлик, акс холда ижоддан ҳафсаланг совиши ҳеч гапмас...

Чол курсичага ўтириб, кўлини чаккасига тираганча сукутга чўмди.

– Устоз, – деди Порбус унга, – мен, ҳарқалай, бу кўкракни яланғоч танада обдон ўрганганман, лекин бахтга қарши, табиат шундай таассуротлар туғдирадики, улар полотнода ноҳаққонийдек бўлиб чиқади...

– Санъатнинг вазифаси табиатдан нусха кўчириш эмас, балки уни ифода қилишдир. Сен аянч бир нусахаш эмас, чинакам санъаткорсан! – деб завққа тўлиб хитоб қилди чол Порбуснинг гапини шарт бўлиб. – Акс холда, ҳайкалтарош ҳам ганчдан аёл шаклини оларди-да, шу билан иш тугади, деб кўлидаги юкни кетказишга уннарди. Қани, ганчдан севгилининг кўл шаклини ол-да, қара-чи, заррача ўхшашлик топармикансан, йўқ, бу – аини мурданинг кўли бўлади, оқибатда сен ҳайкалтарош олдига юқиниб боришга мажбур бўласан, у эса кўлдан аниқ нусха кўчирмасида-да, унга ҳаракат ва ҳаёт бахш этади. Биз жонли жонсиз мавжудотларнинг руҳи ва мохиятини, ўзигагина

хос бўлган қиёфасини илғаб олмоғимиз лозим. Таассурот, таассурот дейсан! Уқиб ол, таассурот бу – ҳаётнинг ўзи эмас, ундаги бир тасодиф, холос! Модомики, қўлни мисол қилдимми, шуни ҳам айтмай, қўл нафақат инсон танасидаги бир аъзо, аини чоқда илғаб олиними ва акс эттирилиши керак бўлган фикр ифодаси ҳам. На мусаввир, на шоир, на ҳайкалтарош таассуротни сабабиятдан ажратмаслиги лозим, чунки бу иккиси – ялакат, бири бошқасини мавжуд эмас. Курашдан асл мақсад ҳам ана шу. Аксарият мусаввирлар санъатнинг шу қоидасидан беҳабар бўлатуриб, ўзи ҳам билмаган ҳолда ғалаба қозонади. Сиз аёлнинг расмини чизасиз-у, бироқ унинг қалбини кўролмайсиз. Бу аҳволда табиатдан сир ўгирлаб бўлар эканми? Сиз ўзингиз сезмаган ҳолда устозингиздан кўчириб олган битта қолипни ҳадеб тасвирлайверасиз. Сиз шаклни қалбдан туя билмайсиз, ундаги ҳар бир четлашиш ва черкнишни зўр ихлос ва сабот билан кузата олмайсиз. Гўзаллик бу – сипо ва қайсар хилқат – оппа-осон таслим бўлмайди, уни бўйсундириш учун қулай фурсатни кутиш, изма-из таъкиб этиш ва нафақатда қолдириш даркор. Шакл бу – Протея¹, бироқ афсонадаги Протеядан юз карра абжир ва ҳийлакор! Қаттиқ олишувдан сўнггина уни асл қиёфасида кўринишга мажбур этиш мумкин. Сизлар эса, унинг ўзи қай қиёфада кўринишни хоҳласа, шу биргина қиёфаси, нари борса, иккинчи, учинчи қиёфасини кўриш билан қаноатланасиз; ғалабага муносиб курашчи эса бунга кўнмайди. Бу толмас мусаввирлар турли ҳийла-найрангларга алданиб қолмайди, табиатни ялонғоч ҳолда асл моҳияти-ла намоен бўлмоққа мажбур қилмагунча аҳдидан қайтмайди. Рафаэль айнан шундай қилган, – деди чол санъат қиролига бўлган ҳурматини ифодалаш учун бошидан қора баҳмал қалпоғини ечиб. – Рафаэлнинг бошқалардан беқийс устунлиги – шаклни қалбдан туйиш ва табиатни мажбурали билиш қобилиятидир. Унинг ижодидаги шакл – бор-йўғи гоё, туйғу ва нафосатни етказиш воситасидирки, бизнинг “чизги”ларимизда ҳам айнан шундай бўлиши зарур. Ҳар бир тасвир – бутун бошли олам, мана шу дунёмиздан манба олувчи тасвир воситаларига парвардигорнинг ўзи ишорат бериб турган онлар қалб кўзи-ла илғанадиган ва бизга дафъатан юз кўрсатадиган муаззам нурли рўёдан андоза олиб чизиладиган портретдир. Сиз вужуднинг чиройли либосини кийдириб, латофатли кўнғирок сочлар чодраси билан зийнатлайсиз аёлингизни, бироқ унинг томирлари бўйлаб қалбларга ҳаловат ёхуд эҳтирос солароқ жўшиб оқувчи ва зўр таассуротлар ҳада этувчи ўша қон қани? Сенинг авлиё аёлинг – қорасоч, аммо мана бу бўёқлар, нотавон Порбус, малласоч аёлдан олинган! Шу сабаб ҳам сизлар матога тушириб олдимизга тизиб ташлаган бу қиёфалар бўёқ чаплаган кўланкадан бошқа нарса эмас, шуларни рангтасвир ва санъат асари деб атайсизми?.. Чизганингиз ажинани эмас, аёлни эслатгани учунгина қойиллатдим деб ҳаволанасиз, қадимги мусаввирлар каби расмларингиз тагига *curtus venustus*² ёхуд *pulcher homo*³ деб ёзиб қўйишга эҳтиёж йўқлигидан гурурланасиз-да, ўзингизни зўр мусаввир ҳаёл қиласиз!.. Ҳо-ҳо... Йўқ, сиз ҳали бу даражага етганингиз йўқ, қадрли биродарларим, асл расмоч бўлиш учун ҳали қанча мўйқаламингиз бошига етишингиз, қанча матога қирон келтиришингиз керак! Жуда тўғри, аёл киши бошини шундай тутуди, этагини шундай кўтаради, чарчоқ босган кўзлари ҳам шундай малоҳат-ла йилтиллайди, узун қайрилма киприklarининг титроқ сояси ёноқларида худди шундай липиллайди. Ҳаммаси айнан шундай ва... шундай эмас ҳам! Ҳўш, топинг-чи, нима камлик қиялти? Арзимас бир чизги! Аммо шу арзимас чизгида гап кўп. Сиз ҳаётни фақат зоҳирдан кўра оласиз, холос, бо-

¹ Протей – юнон мифологиясидаги денгиз илоҳаси, Посейдоннинг ўғли, турли мавжудотлар қиёфасига кириш қобилиятига эга бўлган. У асл қиёфасини кўрмаган ва билмаганлардан баёратчилик қобилиятини яширган.

² Кўркем арава (лотинча).

³ Чиройли киши (лотинча).

тиндаги тошқинни бўзга туширолмайсиз, ҳолбуки, бу тошқин кўкни қоплаган булут янглиғ жисмга ҳарорат бағишлаб турган жон-ку! Бошқача айтганда, сиз Тициан ва Рафаэлдан фарқ этарок, барқ уриб турган ҳаёт нафосатини тасвирлаб беролмайсиз. Сиз турган шу македан яна олга ҳаракат қилинса, балки гўзал рангтасвир асари яратса бўлар, аммо сиз тез орада ҳолдан тойиб қоласиз. Оддий одамлар асарингизга қойил қолиб тасанно ҳам айтар, лекин чинакам билимдон мийғида кулибгина қўяди. О, Мабузе!¹ О, устозим! – дея хитоб этди қўққис бу аломат одам. – Сен – ўғрисан, ҳаётни ўзинг билан ола кетдинг!.. Шунга қарамай, бу асар бетамиз Рубенсинг қизил бўёқ чапланган фламандча юзлар, малла сочлару тумтароқ ранглар тошқинидан иборат полотносидан афзал. Асарингда ҳарқалай колорит, ҳис-туйғу ва расмчилик – санъатнинг уч муҳим узви тугал.

– Бироқ авлиё аёл гоят жозибали, жаноб! – деди ҳаёлот оламида кезиб юрган йигит бирдан ўзига келиб баралла. – Ҳар иккала чехрада – авлиё аёлнинг ҳам, қайиқчи эркакнинг ҳам юзидан итальян усталарига номаълум бўлган бир нозиклик барқ уриб турибди. Қайиқчининг юзидаги тарадуд ифодасини улардан бирортаси ҳам акс эттириб беролмасди, буниси – аниқ.

– Бу йигитча сизнинг ҳамроҳингизми? – деб сўради Порбус чолдан.

– Оҳ, устоз, одобсизлигим учун авф этинг, – деди йигит қизариб-бўзариб. – Каминангиз расм чизишга озроқ ҳавасманд. Илму санъат ўчоғи бўлган бу шаҳарга яқиндагина келганман.

– Қани, бир кўрайлик-чи! – деди Порбус унга қизил қалам билан қоғоз тутқазиб.

Йигит чаққонлик билан Марям тасвиридан нусха кўчириб берди.

– Ў-ҳў! – дея хитоб қилди чол. – Исминг нима?

Йигит расм тағига “Никола Пуссен”² деб имзо чекди.

– Ёш расмочмаиз чаккimas, – деди гап-сўзи телбарнома бу аломат чол. – Ранг-тасвирдан унча-мунча хабаринг борга ўхшайди. Майли, Порбуснинг авлиё аёлдан бу қадар хайратга тушганинг учун сени койимайман. Ҳа, барчага бу асар – буюк ижод маҳсули, санъатнинг энг чуқур сирларидан воқиф кишиларгина ундаги қусурни кўра олади, холос. Аммо сен биздан сабоқ олишга лойиқ экансан, қолаверса, фаҳм-фаросатинг ҳам бинойидек, шу боис сенга ҳозир бу картинани тугалламоқ учун нималар қилиш кераклигини кўрсатаман. Кўзингни каттароқ оч, диққатингни жамла, эҳтимол, сабоқ олишга бундай қулай фурсат қайта насиб этмас сенга. Порбус, қани, менга палитрангни узат-чи.

Порбус палитра билан мўйқаламларни унга тутқазди. Чол бир даста каттакичик мўйқаламни унинг кўлидан қарийб олдиб олди, чаққон энг шимариб, зилдек олачипор палитра тешигига бошмалдоғини суқди. Чолнинг чўкки соқоли жўшқин ҳаёл долғаларини ифодалаган каби туйқус қаҳрли силкиниб кетди. У мўйқаламни бўёққа ботираркан, тишлари орасидан жаввар эди:

– Мана бу бўёқларга кўшиб, уни қориштирган одамни ҳам деразадан улоқтириб юбориш керак, ранглар беҳузур қилар даражада ёрқин ва қалбаки – шулар билан бир иш қилиб бўладими, ахир?

Чол жазавакор шиддат билан мўйқаламни ҳар хил бўёқларга шундай чаққон ботира кетдики, унинг кўли гамма устида O filii³ пасха мадҳиясини ижро этиш пайтида клавишлар узра сузган черков органунчиси бармоқларидан ҳам абжирроқ югурар эди.

Порбус билан Пуссен полотнонинг икки томонида унга маҳлиё бўлганча турарди.

¹ Мабузе – ҳолланд мусаввири Ян Ҳоссарт (XV асрнинг 70-йиллари – XVI асрнинг 30-йиллари). Мабузе шахрида туғилгани учун шу лақабини олган.

² Никола Пуссен (1594-1665) – машҳур француз мусаввири.

³ O filiiлар (лотинча).

– Кўряпсанми, йигитча, – деди чол бошини ишдан кўтармай, – кўряпсанми, иккита ё учта чизгию битта тиниқ ложувард буюк билан шундай бугиқ ҳавода нафаси қайтиб, сал бўлмаса ўлаёзган авлиё аёлнинг боши атрофида энгил шабада эса бошлади. Қара, либос бурмалари энди қандай тебраниб-ҳилпирамоқда, гўё шабада улар билан ўйнаётгандек! Ваҳоланки, у илгари худди нина тўғнаб қўйилган оҳорли бўзга ўхшаб турган эди. Пайқаяпсанми, ҳозиргина кўкрагига мана бу ёрқин шуълани югуртирдим ва у аёл баданининг майин таранглигига нақадар ҳаққонийлик бахш этиб юборди? Ёки қон жуш уриш ўрнига тўғиб қотиб қолган мана бу кулранг ва совуқ бўшлиққа қизғиш жигарранг билан қизғиш сариқ ранг аралашмаси нечоғли ҳарорат уфурди? Йигитча, уқиб ол, шу тобда сенга кўрсатаётганларимни бошқа бирорта устоз ўргата олмайди! Танага ҳаёт бахш этиш йўлини ёлғиз Мабузегина биларди. Мабузе фақат битта шогирд чиқарган – у ҳам бўлса менман. Менинг эса қартайиб қолганимга қарамай битта ҳам шогирдим йўқ. Нимага шама қилаётганимни тушунган бўлсанг керак...

Бу ғалати қариянинг чакаги билан бирга қўли ҳам тинмас, картинанинг ҳар хил қисмларига тузатишлар киритар эди; мана, у бу ерга икки марта, бошқа ерга бир марта буюк урди. Ҳар гал буюк суртганида гўё янги бир рангташвири асари пайдо бўлиб борарди. Чол шундай эҳтирос, шундай шиддат билан ишлар эдики, тақир бошига тер тепчида; у мўйқаламни кескин, ёпчил ва бесабр юргизаркан, навкирон Пуссенга худди бу аломат одамнинг ичига иблис кириб олгану унинг қўлларини ўз майлича ҳаракатлантираётгандек туюлиб кетди. Кўзларининг мажҳул бир кучни даф этаётган сингари ғайритабиий чақнаши, қўлларининг асабий силтаниши йигитча кўнглида гимирлаган бу гапнинг бир қадар ростлигини тасдиқлаётгандек эди. Чолнинг қўли ишда-ю, чакаги ҳам ёпилмасди:

– Vox! Vox! Vox! Буюқни мана бундай чаплайдилар, йигитча! Қани, буюқларим, шу совуқ чизгиларни жонлантириб юборинг-чи. Қани, қани! Шундай, шундай! – дея бир-икки буюк суртиш билан Марямнинг қадди-бастидати баъзи ғалатликларни бартараф этар, ҳаёт асари сезилмаяпти, дея бармоқ ниқтаб кўрсатган жойларини жонлантириб юборар, қизнинг эҳтиросли табиатига мос рангларни йўқдан бино этар экан, хитоб қиларди қария: – Кўряпсанми, азизим, ҳамма гап сўнги буюқни қандай беришди! Порбус юз марталаб буюк суртган бўлса, мен бир мартагина мўйқалам юргиздим. Сўнги буюк тагида қолиб кетган рангларни эса ҳеч ким ҳатто эсламайди ҳам. Бунини ёдинда тут!

Ниҳоят, қария ишини тутатиб, ҳайратдан донг қотган Порбус билан Пуссенга юзланди-да:

– Бу асарнинг “Тўзал Нуазеза” мга етишига ҳали анча бор, аммо тагига имзо чексам арзийди. Ҳа, шу асар тагига имзо қўйсам ярашади, – деди у кўзгу олиш учун жойидан кўзғалиб. Сўнгра картинани кўзгуга солиб томоша қила бошлади. – Энди, юринг, нонушта қиламиз, – деб қолди қария дабдурустан. – Иккалангиз уйимга марҳамат қиласиз. Дудланган сон гўштию хуштаъм шароб билан меҳмон қиламан сизларни. Ҳе-хе, шундай таҳликали замонларда ҳам биз рангташвири ҳақида баҳслашсаг-а! Ҳа, чакана одамлар эмасмиз! Мана бу йигитчанинг ҳам қобилияти чаккимас, – деб қўшиб қўйди у Пуссеннинг кифтига қоқиб.

Шунда чолнинг назари йигитчанинг униқиб кетган камзулига тушди-ю, камарига осиглиқ чарм ҳамённи пайпаслаб топди-да, ичини кавлаб икки тилла танга олди ва Пуссенга узатиб:

– Боя чизган расмингни сотиб оламан, – деди.

– Олавер, – деди Порбус Пуссенга унинг титраб ва қизариб кетганини кўриб: ёш мусаввир қалбида камбағаллик ори тугён урар эди. – Олаверсанг-чи, бунинг ҳамёни қиролникидан ҳам каттароқ!

Учовлон устахонадан чиқишди-да, санъат ҳақида суҳбат қила-қила, Сен-Мишель кўприги яқинидаги кўркам ёғоч уйга етиб келишди. Уйнинг жимжима безакларию эшигидаги болғачаси, деразасининг панжарасиyo нақш-нигорлари Пуссенни маҳлиё этди-кўйди. У эсини йиғиб олган чоғда анвоий ноз-неъматта тўла дастурхонга ёндош чарс-чурс ёниб турган камин олдида, не ажиб бахтки, бир-биридан суҳбати ширин икки буюк мусаввир даврасида ўтирарди.

– Йигитча, – деди Порбус унинг бир картинадан кўз узолмай қолганини кўриб, – бу полотнога кўпам текилиб қараманг, акс ҳолда кайфиятингиз бузилади.

Бу – Мабузенинг “Одам ато” картинаси бўлиб, рассом ўзига қарз берган кимсалар уни узоқ вақт қамоққа текиб қўйганида ҳибсдан озод бўлиш учун чизган эди. Одам атонинг қадди-басти шу қадар табиий, шу қадар ҳаққоний кўринадики, Пуссен чолнинг дудмал сўзларидаги туб маънони шу дақиқадаёқ англаб етди. Чол эса картинага қониқиш билан, ammo завқ-шавқсиз боқиб турар, гўё кўнглидан “Мен бундан яхши чизаман”, деган ўйни ўтказар эди.

– Унда ҳаёт уфуриб турибди, – деди чол, – бу асарни чизганда боёқиш устозим ўзидан илгарилаб кетган, бироқ туб моҳиятда ҳаққониятга етиша олмаган. Одам ато гўё тирик, у ҳозир ўрнидан туриб, сиз томон юриб келаётгандек. Ammo биз нафас олаётган ҳаво, биз боқиб турган самё, биз ҳис этаётган шабада йўқ бу асарда! Қолаверса, ундаги одам ҳам – шунчаки бир одам. Ваҳоланки, парвардигор эндигина йўқдан бор этган бу илк одамда бирор илохий белги ниш бериб турмоғи зарур эди, унда бўлса айнан шу нарса йўқ. Мабузенинг ўзи ҳам шароб тотмаган ҳушёр чоғлари ҳасрат билан икром бўларди бунга.

Пуссен тийиқсиз бир қизиқиш билан гоҳ чолга, гоҳ Порбусга термилар эди. У ҳатто бир гал уй соҳибининг исмини сўраш учун Порбуснинг ёнига ҳам борди, ammo Порбус юзига сирли тус бериб бармоғини лабига босди, қизиқиши баттар алангаланган йигитча бу исмни эртами ё кеч тасодифан оғиздан чиқиб кетадиган бирор лўқмадан билиб олишга умид боғлаб, мум тишлаб қолди. Порбус сидқидилдан бажо келтираётган ҳурмат-эҳтиром ҳам, хонани тўлдирган ажойиб асарлар ҳам уй соҳибининг, ҳеч шубҳасиз, катта бойлик ва зўр истеъдод эгаси эканидан гувоҳлик берарди.

Қорамтир эман ёғочидан ясалган панелда аёлнинг серҳашам портретини кўриб, Пуссен ҳаяжон ичида:

– Қандай гўзал! Жоржоне! – дея ҳайқариб юборди.

– Йўқ! – дея эътироз билдирди чол. – Қаршингизда – каминанинг илк асарларидан бири, холос.

– Ё парвардигор, демак, мен кимсан – рангасвир худосининг уйида меҳмон эканман-да! – деди Пуссен соддадиллик билан.

Бундай илтифотларга аллақачон кўникиб кетган чол фақат жилмайибгина қўйди.

– Френхофер, азиз устозим, – деди Порбус, – менга асл Рейн шаробидан озроқ беролмайсизми?

– Икки бочка берганим бўлсин, – деди чол хотамтойлиги қўзиб, – бирини мисрлик Марямингдан олган завқим ҳаққи, иккинчисини эса дўстлигимиз ҳаққи тортиқ этаман.

— Оҳ, агарда уззукун хасталик қийнамаганида, — деди Порбус, — қолаверса, “Тўзал Нуазеза”нигни бир кўришимга ижозат этганингизда, мен катта-катта жозибадор асарлар яратган, одамларни бўйи барабар қилиб чизган бўлардим.

— Асарингни кўрсайдим, дейсанми? — деди ҳаяжондан титраб чол. — Йўқ, асло! Мен ҳали уни яқунлаганим йўқ. Кеча оқшом, — дея давом этди у, — Нуазезага нуқта қўйдим деб ўйлаган эдим. Унинг мижжаларида ёш қалкигандек, вужудига эса жон киргандек кўринган эди. Кокиллари тўлқин урарди. Нафас оларди у! Гарчанд силлиқ матода натуранинг дўнг ва думалоқ жойларини қандай тасвирлаш йўлини топган бўлсам-да, бугун эрталаб, ёруғда хатомни пайкадим. Эҳ, Нуазезани тирикдек чизмоқ учун қанча-қанча буюк колорит усталари ижодини кунт билан ўрганмадим, ёруғлик туширишнинг пири бўлган Тициан картиналарини қатламма-қатлам кўриб чиқмадим, таҳлил қилмадим! Мен шу буюк мусаввир сингари, юзга илк бўёқ беришда ёрқин ва куюк ранглари кўлладим, чунки соя — фақат бир тасодиф, холос, буни ёдингда тут, қароғим. Сўнг ишимни етган жойидан давом эттириб, нимсоя ва ёрқин ранглари оз-оздан куюклаштириш эвазига қора ва тимқора сояларни туширдим; ахир, ҳамма мусаввирлар чизган асарларда натуранинг соя тушган жойлари нур тушган жойларидан бошқачароқ ашъдан: дейлик, ёғочми, биринжими ёки бошқа бирор нарсадан яралгандек туюлади, аммо соя тушиб турган танага ўхшамайди, асло! Бу асарларда мабодо тана ҳолати ўзгарса ҳам, аввал соя тушган жойлари ўша-ўша — ёришмай қолавериши билиниб туради. Кўпгина машҳур мусаввирлар ҳам йўл қўйган бу хатони мен четлаб ўтдим — картиналаримда энг куюк соя ортида ҳам жуда ёрқин ранг кўпириб туради. Мен, ҳар бир чизгини ҳафсала билан чизгани учунгина ўз ишимнинг устасиман деб мақтанувчи кўпгина нодон мусаввирларга ўхшаб, гавдани аниқ чизиқлар билан тасвирламаганман, анатомик майда-чуйдаларгача ижикилаб ўтирмаганман; негаки, инсон танаси чизиқларгагина қараб қолган эмас. Бу борада ҳайкалгарошлар, биз, мусаввирлардан кўра, ҳақиқатга ёвуқроқ боради. Натура биридан бошқасига ўтиб турувчи дўнгликлардан таркиб топган. Нафсиламри, расм деган нарса йўқ ўзи дунёда! Кулманг, йигитча. Бу сўзлар сизга ҳар қанча ғалати туюлмасин, бир кун келиб албатта мағзини чақасиз. Чизиқ дегани шундай бир воситаки, инсон унинг кўмагида жисм сиртида ёруғлик жилвасини пайқаб олади. Аммо бошдан-оёқ бўртиқ табиатда асли чизиқ деган нарса йўқ: расм фақат намуна олиш, яъни бирор жисмни ўз муҳитидан ажратиб кўрсатиш билан яратилади. Фақат ёруғликнинг тарқалишигина жисмларга намоеъ бўлиш имконини беради! Шунинг учун мен яққол чизгидан қочиб, контурни очик ва илиқ нимтатир ранглар тумани билан яширганман, бинобарин, ҳеч ким картинада контур билан фон туташиб кетган жойни бармоқ нуқаб кўрсатиб беролмайди. Яқин бориб қарасангиз, бу асар гўё пахмоқ бир нарсадек кўринади, бироқ икки қадам орқага чекинсангиз, ҳаммаси аниқ ва яққол бўлади-қолади — вужуд ҳаракатта келади, шакллар бўртиб чиқади, ҳаво эпкин таратади. Бироқ, шунга қарамай, ҳали асардан кўнглим тўлгани йўқ, гумон эзмокда мени. Балки бирорта ҳам чизиқ тортмаслигим керакмиди, аввал нурга чулғалган бўртиқ жойларга уннаб, кейин, аксинча, соя тушиб турган жойларга ўтсам — ишни Нуазеза қадди-бастининг қоқ ўртасидан бошласам дурустмиди? Ахир, дунёнинг назаркарда мусаввири — қуёш айнан шундай йўл тутмайдами? О табиат, табиат! Сенинг лип этиб кўришиб, сўнг ғойиб бўлувчи

этагингдан тутиш бирор марта бирор кишига насиб этганмикан? Ўзинг ҳам тан ол – ортиқча билим, худди нодонлик каби, кишини гумон ва инкор йўлига етаклайди. О, асарим мукаммал эканига шубҳам бор!

Чол бир лаҳза тин олиб, сўнг яна сўзида давом этди:

– Шу асарни бошлаганимга ўн йил бўлди, йигитча. Бироқ гап тирик табиатни забт этиш ҳақида борар экан, ўн йил нима бўлибди! Пигмалиондек қудрат соҳиби биргина хайкал яратиб, уни тирилтириш учун қанча вақт сарф этгани бизга қоронғи, ахир!

Чол қаттиқ ўйга чўмди, у кўзини бир нуқтага қадаганча кўлида беихтиёр пакки ўйнатарди.

– У ўз руҳи билан суҳбат қурапти, – деди Порбус пичирлаб.

Шу он Никола Пуссен борлигини сўз билан таърифлаб бўлмас қизиқиш эгаллаб олди. Маъносиз кўзларини бир нуқтага қадаганча донг қотган чол, Пуссен наздида, инсондан-да олийроқ бир хилқат, бошқа бир оламга дохил гаройиб даҳо эди. У кўнгида минглаб мавҳум фикрлар уйғотарди. Ватан ҳақидаги кўшиқ бадарга этилган одамда қандай таассурот кўзгатишини сўз билан ифодалаш қанчалик қийин бўлса, шу қабилдаги жодуловчи таъсирда ўзини намоён этадиган руҳий ҳаёт ҳодисотларини аниқ таърифлаш ҳам шунчалик мушкул. Чолнинг санъатдаги энг зўр кашфиётларга ошқора нафрати, ҳеч кимникига ўхшамаган феъл-атвори, Порбуснинг унга бўлган эҳтиромини узоқ вақт пинҳон тутилган, катта сабр ва қунг эвазига яратилиб, ёш Пуссенни қаттиқ ҳаяжонга солган ва ҳатто Мабузенинг “Одам ато” сидан ҳам зўр чиққан Биби Марямнинг боши эскизини кўргач айтилса, шубҳасизки, буларнинг бари санъат мулки султонларидан бирининг илоҳий мўйқаламидан шаҳодат берар, бу чолдаги жамики хислат инсон табиатининг чек-чегарасини бузиб чиққан эди. Никола Пуссеннинг жўшқин ҳаёлида шу ажаб зотнинг биргина жиҳати аниқ, ёрқин акс этди: бу – тугма мусаввирнинг баркамол тимсоли эди, одатда бундай зотлар ихтиёрига буюк куч-қудрат берилган бўлади ва улар баъзан шу куч-қудратни суиистеъмол қилишгача бориб етадики, оқибатда наинки оддий одамлар, ҳатто санъат шайдолари ҳам уларга бутун ақл-идрокини топшириб қўйиб, ҳеч вақо топиб бўлмас минглаб тошкўчаларга эргашиб кетади, ваҳоланки, илоҳифат, девонаваш бу қалбнинг кўзига ўша тошкўчаларда оламшумул воқеалар, маҳобатли саройлар, санъат мўъжизалари кўринади. У табиатан ҳазилкаш ва кўнгилчан, бой ва фақир бир хилқат! Шундай қилиб, серзавқ Пуссен наздида, бу чол дафъатан санъатнинг нақ ўзига – сиру асрорлар, тугёну тўлғонишлар, орзую ҳаёллар билан тўлиб-тошган санъатга айланди-қолди.

– Ҳа, азизим Порбус, – дея яна гапга тушиб кетди Френхофер, – шу вақтгача ҳеҳрасию танаси бениҳоя чиройли, бенуқсон бўлган соҳибжамолни учратиш насиб этмади менга. Айниқса, унинг териси шундай бўлсаки... Лекин қадимги одамлар ҳаёлоти яратган илоҳий Венеранинг тиригини қайдан топай? Биз бу гўзалликни қанчалик иштиёқ билан излайлик, фақат бўлақларнигина топамиз, холос! Оҳ, ўша илоҳий санамни, гўзаллик фариштасини, худлас калом, идеални фақат бир марта ва бир лаҳза кўрмоқ учун бутун мол-дунёмни нисор этган бўлардим. О, самовий гўзаллик, сени ахтариб нариги дунёга боришга ҳам розиман! Сени олиб келиш учун, Орфей сингари, санъат жаҳаннамига тушишга ҳам тайёрман!

– Энди кетсак ҳам бўлар, – деди Порбус Пуссенга, – бу ёғига у бизни эшитмайди ҳам, кўрмайди ҳам.

– Устахонасига кирсак-чи? – деди хануз хаяжонини босолмаган йигитча.
– О, қари туллак олдиндан бунинг эҳтиёт чорасини кўриб кўйган. Унинг хазиnasi қаттиқ мухофаза қилинади, кириб бўлмайди у ерга! Бу фикр, бу истак фақат сиздагина пайдо бўлган эмас, мен ҳам аввал бу асрорхонага киришга уриниб кўрганман...

– Демак, сир яширилган экан-да у ерга?

– Ҳа, – деди Порбус. – Мабузе шоғирдликка олган яккаю ягона одам шу – кекса Френхофер бўлади. Френхофер Мабузегача ҳам дўст, ҳам ҳомий, ҳам падар эди, унинг бетийиқ эҳтироси йўлида озмунча бойлигини сарфламаган бу чол. Мабузегача унга рельеф сирини очган, бизга фақат орзу бўлиб қолаётган – танага фавқуллодда ҳаётийлик ва табиийлик бағишлаш маҳоратини ўргатган. Дарвоқе, Мабузе бу маҳоратни шу қадар пухта эгаллаганки, Карл Бешинчининг саройидаги маросимга тиктириб кийиб бориши керак бўлган гулдор шоҳи матони сотиб, ичиб кўйиб, у ерга қоғоздан либос кийиб борганини биров пайқаманган ҳам. Чунки Мабузегача қоғозни нақ гулдор шоҳи матога айлантириб юборган ва ғаройиб либос ҳатто император назарига тушиб, у қари пиёнистанинг ҳомийсига бундан гоят завқланганини шипшиб ўтган. Бироқ баъзи “хира” киборлар либосни ушлаб кўрмоқчи бўлган-у, оқибатда ёлғон фош бўлиб қолган... Френхофер – тасвирий санъатга зўр эҳтирос билан ёндашувчи одам, унинг қарашлари бошқа ҳамкасбларига қараганда кенг ва чуқур. У буюклар ва чизиқларнинг ҳаққоний чиқиши устида кўп бош қотирган, натижада, ўз фикр-ўйларига ҳам шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолган. У ноумид бўлган чоғларида расм – аслида йўқ нарса, чизиқлар билан фақат ҳаңдасавий шаклларнигина ифодалаш мумкин, деб жаврайдди. Бу шуниси билан ҳам янглиш фикрки, яккаш чизик ва қора доғлар ёрдамида ҳам тасвир яратса бўлади. Ахир, тасвирий санъат ҳам табиатнинг ўзидек кўпгина унсурлардан ташкил топган: расм бу – моя, колорит эса – ҳаёт, лекин моясиз ҳаёт ҳаётсиз мояга қараганда нотуталдир. Ва ниҳоят, мусаввирга энг зарури – бетиним кузатиш ва машқ қилишдир – агар ақл ва туйғу мўйқаламга эш бўлмаса, зўр мусаввир, шу билан бирга телба ҳам бўлган чолимиз мисол, шубҳалар гирдобига тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Бу ғаройиб мусаввир, таассуфки, бой бўлиб тузилган, шу сабаб ҳам унинг ортиқча ўйлашга имкони бор. Сиз унга тақлид қилманг! Ишланг, тер тўкинг! Мусаввир кўлда мўйқалам билангина ўй-хаёлга берилиши керак.

– Биз ўша хонага албатта кирамиз! – дея бирдан хитоб қилди Пуссен. Шу дамда Порбуснинг гапи унинг қулоғига кирмас, ўзининг қалтис нияти йўлида ҳар нега-да шай эди.

Порбус йигитчанинг завқ-шавқига шунчаки жилмайиб кўйди ва келиб туринг, дея у билан хайрлашди.

Никола Пуссен секин қадам ташлаб де-ля-Арп кўчасига қайтди ва хаёл сурганича ўзи яшаб турган одми меҳмонхонага қандай етиб келганини сезмай қолди. У омонат зинадан шоша-пиша энг юқори қаватга чиқди ва барча эски Париж уйлари каби ёғоч тўсинлари очилиб турган, беҳафсала ёпилган том остидаги ғарибгина хўжрага кирди. Шу захотийек ягона хира дераза олдида турган кизга кўзи тушди; эшик гичирлаши биланоқ бу севгидан энтиккан киз, сапчиб оёққа турган, мусаввирни эшик бандини тутишиданоқ таниган эди.

– Сенга нима бўлди? – деди у Пуссенни кўрар-кўрмас.

– Мен, мен, – дея қичқириб юборди йигит азбаройи қувониб кетганидан нафаси қайтиб, – ўзимни мусаввир деб ҳис этдим! Шу вақтгача шубҳаланиб

юрардим, аммо бутун эрталаб ўзимга ишонч пайдо бўлди. Мендан буюк мусаввир чиқса эҳтимол! Ҳа, Жиллетта, биз бойлик ва бахтга эга бўлаемиз! Бу мўйқаламлар ҳали бизни олтинга кўмиб ташлайди!

Шундай дея йигит бирдан жим бўлиб қолди. У ўзининг буюк орзуларини аянчи аҳволи билан таққослар экан, жиддият ва шижоат уфуриб турган чехрасидан шодлик ифодаси ариди. Хона деворларига ёпиштирилган силлиқ гулкоғозга қалам билан эскизлар чизиб ташланган эди. Йигитнинг ҳатто тўрт дона оҳорли полотноси ҳам йўқ эди. Бўёқ ўша даврларда ўта қиммат бўлиб, боёқишнинг палитраси ҳам деярли бўм-бўш турарди. Гарчи шундай муҳтожликда кун кечирса-да, у ўзини катта маънавий хазина эгаси, ҳар ишга қурби етадиган зўр истеъдод соҳиби деб биларди. Бир зодагон таниши, тўғрироғи, ўз таланти орқасидан Парижга келиб қолган Пуссен аксар аёллар бу ерда ҳашам кетидан қувиб, ҳиссизлигини кўз-кўзлаб юрган бир вақтда, ёш жонини улуг бир инсонга бахшида этиб, барча жабру жафоларни сўзсиз бўйнига олган, муҳтожлик азобини бирга-бирга тортадиган, бу зотларнинг инжиқликларини миқ этмай кўтарадиган, қашшоқлик ва муҳаббат синовларига дош берадиган аёллар тоифасидан бўлган олижаноб ва танги бир қиз билан тасодифан танишиб, уни севиб қолди. Жиллеттанинг лабларида ўйнаган табассум қуёш шуълалари билан баҳс бойлаб, чордоқдаги бу ҳужрани тилла мисол товлантириб юборди. Қуёш-ку ҳар доим ҳам чарақлайвермайди, аммо бутун борлигини ёлғиз муҳаббатга бахш этган, ўзининг бахту кулфатига бирдек кўниқиб кетган бу қиз доим шу ерда – санъат сирларини эгаллашдан ҳам бурун севи дунёсига фарқ бўлган истеъдод эгасига таскин бериб чарчамайди.

– Кел бағримга, Жиллетта, сўзимни эшит, – деди йигит.

Қиз қувончдан ял-ял ёниб йигит сари отилди-да, унинг тиззасига ўтириб олди. У мафтункор ҳам жозибадор эди; баҳор мисол гўзал бу парига покиза қалб нури билан йўғрилган аёл латофати бус-бутун бахш этилган эди...

– Ё худойим, – дея оҳ урди йигит, – қандай қилиб айтаман...

– Қандай гап у? – деб сўради қиз. – Қани, айтсанг-чи! – Пуссен хаёлга чўмиб турарди. – Нега жимсан? – деди қиз бетоқатланиб.

– Жиллетта, гўзалим!

– Оҳ, нима қилай сенга, айт?

– Мен...

– Агарда сен аввалги сафаргидек менга қараб расм солмоқчи бўлсанг, – деди қиз лабини чўччайтириб, – бунга сира кўнмайман, чунки бундай дамларда кўзинг лоқайд бўлиб қолади, менга боқиб турасан-у, хаёлинг менда эмас...

– Демак, менга бошқа аёл натурачи бўлса, шу ёқар экан-да сенга?

– Эҳтимол. Жуда хунук бўлсагина.

– Айт, келажакда шон-шухратга бурканишим, буюк мусаввир бўлиб танилишим учун, – деди Пуссен бирдан жиддийлашиб, – бошқа мусаввир оддида яланғоч туришга рози бўлармидинг?

– Нима, мени синаб кўрмоқчимисан? – деб сўради қиз. – Ҳечам рози бўлмайман-да, буни ўзинг ҳам биласан-ку.

Пуссен жуда катта шодлик ёки қайғуга дуч келган одамдек бошини эгиб олди.

– Қулоқ сол, – деди Жиллетта Пуссеннинг эски камзули енгидан тортиб, – Ник, сен учун ўзимни ҳатто қурбон қилишга тайёрман, аммо ҳали тирик эканман, муҳаббатимдан воз кеча олмайман...

– Муҳаббатдан воз кечиш?! – деб бақириб юборди Пуссен.
– Бошқанинг олдида яланғоч бўлсам, мени севмай кўясан-да! Кейин ўзим ҳам ўзимни сенга муносиб кўрмай қоламан. Сенинг хусурифта итоат этиш, бу – табиий ва жўнгина ҳол, шундай эмасми? Ҳар қандай вазиятда ҳам сенинг хоҳишингни мамнулик билан ва ҳатто фахрланиб адо этаман. Аммо бошқа одам учун... Қандай разолат!

– Кечир мени, азизам Жиллетта! – дея ўтина кетди мусаввир тиз чўкиб. – Шуҳрат қозонгандан кўра, муҳаббатингни асраб қолганим афзал. Сен мен учун мол-дунёю шон-шуҳратдан балеанд турасан! Қани, мўйқаламларимни улоқтир, эскизларимни ёқиб юбор. О, қаттиқ янглишдим! Мен асли сени севиш учун яралганман. Мен – мусаввир эмас, муҳаббат гадосиман. Санъати ҳам, унинг сирлари ҳам ордона қолмайдими!

Қиз қувонч ва хайратта кўмилганча ошиғига маҳлиё бўлиб қолди. Қиз голиб келган эди, уни деб санъатдан воз кечилди, санъат унинг оёқлари остига нисор этилди, буни ич-ичидан хис қилиб турарди у.

– Ҳар қалай, ўша мусаввир – мункиллаб қолган чол, – деди Пуссен яна аввалги хаёлларига қайтиб, – сенинг вужудингда баркамол шаклнгигина кўради. Сендаги гўзаллик шу қадар мукамалки...

– Муҳаббатни деб нималарга рози бўлмайсан! – дея хитоб қилди қиз, уни деб бор-будидан кечгани учун севгилисини тақдирламоқ учун бояги гапларини қайтиб олишга ҳам тайёр бўлиб. – Аммо унда мен адои тамом бўламан. – Оҳ, сени деб адои тамом бўлиш! Ахир, бундан ортиқ бахт бор эканми! Бироқ сен мени унутиб юборасан... О, жуда чакки ўйлабсан буни!

– Сени севатуриб ҳам шундай хаёлга бордим-а, – деди йигит пушаймонлик билан. – Палид одамман!

– Кел, Ардуэн амакига маслаҳат солиб кўрамиз, – деди қиз гўё чорасини топгандек.

– Э, йўқ! Бу гап иккимизнинг ўртамизда қолиши керак!

– Унда... майли, борганим бўлсин, аммо сен мен билан устахонага кирмайсан, – деди қиз қатъий оҳангда. – Эшик ортида ханжар билан хушёр бўлиб тур. Мабодо қичқирсам, чопиб кирасан-да мусаввирни ўлдирасан.

Сирни очиш ишгиёки билан ёнган Пуссен Жиллеттани суйиб бағрига тортди.

“Энди мендан кўнгли қолади”, деб ўйлади Жиллетта йигит кетгандан кейин.

Қиз рози бўлганига афсус чекди. Аммо тезда уни бу пушаймондан ҳам қучлироқ ваҳима босди. У хаёлида бош кўтарган даҳшатли фикрни асабий тарзда ҳайдамоқчи бўларди. Никола унчалик ҳам ҳурматга лойиқ эмас экан, деган фикр Жиллеттанинг хаёлига келган онданоқ гўё уни аввалгидай қаттиқ севмаётгандек туюлмоқда эди.

II. Катрин Леско

Пуссен билан учрашувидан уч ой ўтгач, Порбус устоз Френхоферни кўргани борди. Чол яна итгифоқо қаттиқ умидсизликка тушиб қолган, бунинг сабаби, табиблар таъбирича, ҳазми таомнинг бузилиши ёки об-ҳаво таъсирида, спиритуалистлар таъбирича эса, маънавий табиатимизнинг номукамаллигида эди. Чол барчадан сир тутаётган картинасини тугатаман деб толиқиб қолган эди. У эмандан ясалган қора чарм қопламали кенг оромкурсида маъюсина ўтирар, Порбусга ҳам ғуссанишин киши назари билан боқар эди.

– Нима гап, устоз? – деди Порбус унга. – Брюггадан келтирган оч кўк бўёгингиз яхши чиқмадимиз? Ёхуд ўзингизнинг оқ бўёгингизни майда қилиб туёлмадингизми? Ёки мой айниган эканми? Ё мўйқалам дағал чиқдимиз?

– Эвоҳ! – дея хитоб қилди чол. – Асаримни яқунладим деб ўйлаган эдим, бироқ хулосага шошибман чоғи, лекин барибир нима камлик қиляпти, шуни аниқламагунча тинчимайман. Мен энг гўзал аёллар орасидан моделлар топиш ва уларни картинага таққослаш учун Туркия, Юнонистон ҳамда Осиёга саёҳат қилмоқчиман. Эҳтимол, юқоридаги санам, – деди у лабига табассум югуриб ва кўрсаткич бармоғи билан устахонасига ишора қилиб, – гўзалликнинг жонли тимсолидир. Мен гоҳида дайди шабада эсиб аёлни уйғотиб юборсаю у ғойиб бўлиб қолмаса эди деб ваҳимага тушаман...

Чол гўё хозир йўлга отланадигандек сапчиб ўрнидан турди.

– Ўхў, – дея хитоб қилди Порбус, – сизни йўл чиқими ва заҳматидан халос этиш учун заб вақтида келибман-да.

– Қандай қилиб? – деб сўради Френхофер ажабланиб.

– Эшитишимча, навкирон Пуссенни ҳусну малоҳатда беқиёс бир аёл севар экан. Бироқ, қадрили устоз, Пуссен уни сизнинг хузурингизга юборишга рози бўлса, сиз ҳам у ҳолда полотнонгизни бизга кўрсатишингизга тўғри келади.

Чол бу гапдан гўё қарахт бўлиб қолди.

– Нима?! – деди у ниҳоят аянчли овозда. – Ўз санъатим, ўз рафиқамни сизларга кўрсатайми? Бахтимни бокира асраган пардани чок-чок қилиб йиртиб ташлайми? Ахир, бу жирканч фаҳш эмасми! Мана, ўн йилдирки, мен шу аёл билан тирикман, у меники, фақат меники, у мени севади. Ҳар гал жило берганимда у менга табассум ҳада этади. Унинг қалби бор, мен ато этганман бу қалбни. Агар мендан бошқа киши унга назар ташласа борми, уятдан лов-лов ёнади у. Уни бизга кўрсатинг дейсан-а? Айт-чи, қайси эркак шундай тубанликка боради, маҳбубаси ё жуфти ҳалолини шармандай шармисор қилади? Сен саройга атаб расмлар ишлаганингда, уларга қалбинг кўрини бермайсан, аёлларга бўёқ чапланган қурчоқларни сотасан, холос. Менинг рангтасвирим – рангтасвир эмас, туйғунинг, эҳтироснинг ўзгинаси! Менинг ижодхонамда дунёга келган Нуазеза ҳаё-иффатини сақлаб ўша ерда қолади, ташқарига эса фақат либосга бурканиб чиқиши мумкин. Гўзаллик ва аёл фақат севгилиси олдида яланғоч ҳолда намоён бўла олади. Наҳотки, биз Рафаэлнинг моделини ёхуд Ариосто яратган Анжелика, Данте яратган Беатриче сиймосини билдирсак! Йўқ! Бизга фақат бу аёлларнинг тасвири етиб келган, холос. Маҳкам тамбаланган анови хонада асраётган асарим эса мусаввирлик тарихида якка-ягонадир. Бу – картина эмас, бу – аёл, мен у билан йиғлайман, куламан, суҳбат қураман, ҳаёл сураман. Сен ўн йиллик бахтимдан, ҳеч гап бўлмагандек, оппа-осон воз кечишимни истаясанми? Мен бир зумда ҳам оталиқ, ҳам жазманлик, ҳам худоликдан айрилайми? Бу аёл – оддий тасвир эмас, у – санъат. Майли, келсин ўша йигитчанг, мен унга бор хазинамни, кимсан Коррежо, Микеланжело, Тициан картиналарини берай, хоки пойини ўпай; ammo уни ўзимга шерик қилмайман! Хо-хо, мен мусаввирдан кўра кўпроқ ошиқман. Ҳа, сўнити нафасимни олаётганда гўзал Нуазезамни ёндириб ташлашга қурбим етади, лекин унга ёт эркак – йигит ё мусаввир нигоҳи тушишига йўл қўймайман – йўқ, асло! Кимки уни нигоҳи билан таҳқирласа, эртасигаёқ ажалини кутсин! Агар унинг қаршисида тиз чўкмасанг борми, сени – дўстимни ҳам ўша лаҳзадаёқ бўғиб ўлдираман. Наҳотки, сен тентақлар малагимга совуқ нигоҳ ташлаши ва нодон-

ларча танкид қилишига йўл беришимни хоҳлаётган бўлсанг! Эвоҳ! Муҳаббат бу – сир, у қалбнинг туб-тубида яшай олади, холос, эркак ҳатто дўстига ҳам мана, мен севган аёл – шу, дея сирни очса, шу оннинг ўзидаёқ муҳаббат ўлади-йўқ бўлади.

Чол гўёки яшариб кетди: кўзлари чақнаб, жонланди, сўлгин ёноқларига қизил югурди. Унинг қўллари асабий титрар эди. Зўр ҳаяжон ила айтилган гаплардан ақли шошган Порбус чолнинг бундай ғаройиб, теран ҳисларига нима дейишни билолмай турарди. Френхофернинг эс-хуши жойидами ё ақлдан озганми у? Нима, уни ижодкор тахайюли домига тортганми ёхуд бу зўр бир асарга “ҳомилатор” бўлгандаги кучли фанатизм асоратими? Бундай бемаъни эҳтиросга ғарқ бўлган савдои билан бир битимга келишдан умид қилса бўладими ёки йўқми?

Шундай фикрлар исканжасида қолган Порбус чолга:

– Сиз бизга бир аёлни кўрсатсангиз, биз ҳам сизга бир аёлни кўрсатяпмиз-ку! – деди. – Ахир Пуссен маъшуқасини сизнинг нигоҳингизга шунчаки ҳавола қилаётгани йўқ!

– Маъшуқасимиш! – дея эътироз билдирди Френхофер. – Бу қиз эртами-кечми йигитчага албатта хиёнат қилади. Нуазезам эса менга бир умр вафодор бўлиб қолади.

– Келинг, – деди Порбус, – бу ҳақда бошқа сўзлашмайлик. Аммо гўзалликда бенуқсон аёлни Осиёда тополмасдан аввал ҳам асарингизни яқунлаёлмай бу дунё билан хайрлашингиз мумкин.

– О, картинам яқунланган, – деди Френхофер. – Агар унга нигоҳ ташлаш бирор кимсага насиб этса, у парда ортидан бахмал тўшақда ётган аёлни кўради. Унинг ёнида эса муаттар бўй таратувчи сепоя тилла мужмар. Шунда чийратма ип шокиласидан тортиб пардани очиб юборгиси келади кишининг, “Соҳибжамол Нуазеза” лақабли гўзал ишрат париси Катрин Леско худди на-фас олаётгандек – сийнаси кўтарилиб-тушаётгандек туюлади унга. Аммо мен шунга ишонч ҳосил қилмоқчиманки...

– Майли, майли, Осиёдан қолманг, – дея Френхофернинг сўзини бўлди Порбус унинг кўзларида саросима қўриб.

Сўнг у эшик томон йўналди.

Айни пайтда Жиллетта билан Никола Пуссен Френхофернинг уйи қаршисида турарди.

Ичкарига киришга чоғланганларида қиз мусаввирнинг қўлини қўйиб юборди-да, кўнгли бир нохушликни сезгандек қўққис ортига тисарилди.

– Нега келдим ўзи бу ерга? – деди у ҳадик билан кўзларини йигитга тикиб.

– Жиллетта, ихтиёринг ўзинга дедим-ку, қандай қарорга келма – мен розиман. Сен – менинг ор-номусим, шон-шухратимсан. Уйингга қайтиб кет, балки шунда бахтиёрроқ бўларман, сен агар...

– О, сен шундай деб турган бир пайтда менда ихтиёр қоларканми? Ёш болага айланаман-қоламан. Майли, кирайлик, – деди у, чамаси, ўзини ўзи мажбурлаб. – Ҳатто муҳаббатимиз завол топиб, қаттиқ пушаймон чексам ҳам – хоҳишингни бажарганим сенга машҳурлик олиб келади-ку, тўғрими? Кирамиз! Агар расмларингда мендан бирор асар қолса ҳам, демак, мен яшашда давом этаман!

Эшикни очган ошиқ-маъшуқлар Порбусга тўқнаш келишди. Порбус кўзлари жиққа ёш Жиллеттанинг гўзаллигига дол қолган кўйи бу вужуди титраб турган қизни чолнинг ёнига етаклаб кирди.

– Мана у! Наҳотки, бу қиз дунёнинг бутун дурдоналарига арзимаса! – деди у Жиллеттани кўрсатиб.

Френхофер сапчиб тушди. Қароқчилар ўғирлаб, қулфурушга келтирган гуржи қиздек хуркак ва маъсума Жиллетта унинг қаршисида қимтиниб турарди. Қизнинг юзи ҳаёдан алвонланди, кўзларини ерга қадади, қўллари бемажол осилиб қолди. Ибосига қилинган тажовузга унсиз таънаси – шашқатор ёшлари унинг юзларини юварди. Айни дамда Пуссен бу бебаҳо хазинани қулбасидан олиб чиққани учун ўзини ўзи лаънатларди. Чол, мусаввирлар одатига, қизни нигоҳи билан ечинтириб, баданидаги ҳар бир аъзони ҳатто сир тутиладиган жойигача чамалаганда, кўзлари яшнаб-яшариб кетдики, буни кўрган Пуссеннинг юрагига азобли шубҳалар ханжар бўлиб санчилди, ботинидаги курашда ошиқ мусаввирни енгди. Шу тобда у чин муҳаббатнинг ўртагувчи рашкини туйди.

– Жиллетга, кетдик бу ердан! – деди жонҳолатда.

Бу хитобдан қувониб кетган қиз бошини кўтарди, Пуссеннинг чехрасига кўзи тушдию ўзини унинг бағрига отди.

– Мени севаркансан-да! – деди у кўзёшларини оқизиб.

Изтиробини яшириш лозим бўлганда шу қадар матонат кўрсатган қиз қувончини пинҳон тутишга қолганда куч тополмаган эди.

– Оҳ, уни бир лаҳза менинг ихтиёримга берсангиз, – деди қари мусаввир илтижо-ла, – уни Катрин Леском билан қиёслаб кўришни истардим. Майли, шартингизга розиман!

Френхофернинг бу хитобида ўзи яратган аёлга муҳаббати ҳамон аён сезилиб турарди. Чол, менинг Нуазезам гўзалроқ деб астойдил ишоништи ва ижоди тирик қиз устидан галаба қозонишига ҳеч шубҳа қилмаяпти, деб ўйлаш мумкин эди.

– Имконни қўлдан берманг! – деди Порбус Пуссеннинг кифтига қоқиб. – Муҳаббат гуллари фоний, санъат мевалари эса абадийдир.

– Наҳотки, у менга шунчаки бир аёл деб қараса! – деди Жиллетта Пуссен билан Порбусга синчков кўз ташлаб.

Сўнгра у бошини мағрур кўтариб Френхоферга чақмоқдек назар ташлади, аммо шу пайт ногоҳ ошиги бу ерга илк бор келганида Жоржоненинг асари деб ўйлаган картинага маҳлиё боқиб турганини пайкаб қолди-ю, қатъий деди:

– Юринг, тепага чиқамиз. У менга ҳеч қачон шунчалик мафтун бўлиб тикилмаган.

– Ҳой қария, – деди Жиллеттанинг ғазабидан хаёли тумтаракай бўлиб Пуссен, – мана бу ханжарни кўряпсанми? Агар қизнинг зорланган овозини эшитсам, бу юрагинга санчилади, уйингни ўтда ёқаман, бирор тирик жонни омон қўймайман! Тушундинг-а?

Шу онда Пуссеннинг кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. Унинг хитоби ваҳимали эди. Навқирон мусаввирнинг сўзлари ва, айниқса, сўзларига монанд қўл силташлари Жиллеттани хотиржам қилди, қиз севгилиси уни санъат йўлида, шавкатли келажаги йўлида қурбон қилганини ҳатто кечирди ҳам.

Порбус билан Пуссен устахона эшиги олдида мум тишлаганча бир-бирига тикилиб турарди. Миср Марямининг муаллифи аввалига, “Оҳ, қиз ечиняпти... У қизга ёруққа ўтирил деди! У қизни Катрин Лескоси билан солиштиряпти...” дея шивирлашга журъат этди, аммо кейин Пуссеннинг юзидаги аянчли ғам-ғуссани кўриб, қайтиб оғиз очмади. Гарчанд мусаввирлар қариллик чоғи санъат

билан қиёслаганда бир пулга ҳам арзимайдиган бундай хурофотларга бефарқ бўлиб қолса-да, Порбус ҳарқалай Пуссенга завқланиб тикилди: ёқимтой ва содда эди у. Йигит ханжар дастасини маҳкам сиққанча эшикка қулоқ тутиб турарди. Икковлон шу тобда мустабидни ўлдириш учун панада пайт пойлаб турган фитначиларга ўхшарди.

– Кириги, киригилар! – деди эшикни қия очган чол бахтдан оғзи қулогига етиб. – Асарим – тенгсиз, энди уни ғурур билан кўрсатсам бўлади. Ҳеч қайси мусаввир ҳеч қачон гўзал ишрат париси – менинг Катрин Лескомга тенг рақиб яратолмайди!

Сабрсиз иштиёқ алангасида қоврилаётган Порбус билан Пуссен устахонага отилиб кирди – ҳар тўртала деворига ҳам картиналар осилган, чанг-чунг бостан кенг бир ивирсиқ хона. Улар олдин яримяланғоч аёлнинг бўй баравар тасвири қаршисида маҳлиё бўлганча туриб қолишди.

– О, бунга аҳамият бермасангиз ҳам бўлади, – деди Френхофер. – Мен тик турган аёл қоматини ўрганиш учунгина чизганман буни, ўзи сарик чақага ҳам арзимади. Мана булар эса каминанинг хатолари, – дея сўзида давом этди чол деворларни қоплаган ажойиб асарларни кўрсатиб.

Френхофернинг шундай картиналарга нафрат билан беписанд қараётганидан ажабланган Порбус билан Пуссен энди чол бебаҳо деб таъриф этган асарни ахтармоққа тушишди. Аммо уни топа олишмади.

– Мана, қаранг! – деди сочи ҳурпайган, юзи бўғриққан, кўзлари чақнаган чол ишқ шаробидан маст йигитдек энтика-энтика нафас олар экан. – Ҳа, – дея хитоб қилди у, – бундай баркамолликни кутмаган эдингизми? Қаршингизда турган аёлга боқмай ҳадеб бир нимани ахтарасиз! О, бу полотнода шу қадар теранлик борки! Ҳаво-чи, ҳаво? У сиз нафас олаётган ҳаводан сира фарқ қилмайди. Санъат қаерда, дейсизми? Санъат йўқ – ғойиб бўлган. Мана – қизнинг бадани. Мана – ҳаво! У қиз баданини сийпалаб, чирмаб олмоқда, буни сезяйсизми? Осмондаги юлдузлар ҳам ахир мана шундай – сувдаги балиқлар каби тасаввур уйғотмайди. Аёл ва бошқа буюмлар бир-бирдан ажралиб турганига нима дейсиз? Бу қадди-қоматни кучиб олиш мумкиндек туюлмаётгани сизга? Қуёш нури бирор жисмга тушганида у қандай кўриниш олишини бекорга етти йил ўрганмадим, ахир. Ёки мана бу сочларга боқинг, нақадар нурга йўғрилган! Қаранг, аёл хўрсиниб қўйгандек бўлди!.. Кўрагини... қаранг! Оҳ, унинг қаршисида тиз чўкмайдиган одам бормикан дунёда? Бадани титраб кетди! Мана кўрасиз, у ҳозир ўрнидан туради!..

– Бирор нимани кўряйсизми? – деб сўради Пуссен Порбусдан.

– Йўқ. Сиз-чи?

– Ҳеч нарсани...

Чол ўзига такрор-такрор ҳамду сано ўқиши учун имкон бериб, икки мусаввир полотнога тик тушаётган нур таассуротни бузмаётганмикан, дея текшира бошлашди. Улар дам ўнга, дам сўлга ўтиб, гоҳ эгилиб, гоҳ ростланиб картинага обдон тикилишди.

– Ҳа, ҳа, бу – картинанинг ўзи, ўзгинаси, – деди Френхофер уларнинг бундай синчковлигини янглиш тушуниб. – Қаранг, мана бу – қасноқ, мана бу – мольберт, мана булар эса менинг бўёқларим ва мўйқаламларим...

У ҳатто мўйқаламлардан бирини олиб, соддадилларча мусаввирларга кўрсатиб ҳам қўйди.

– Қари туллак устимиздан куляпти, – деди Пуссен яна полотно қаршисига келиб. – Бу ерда фақат гирди кўплаб ғалати чизиклар билан ўралган, палапартиш суркалган бўёқ чапланмаларини кўряпман, холос.

– Йўқ, биз хато қилибмиз, қаранг! – дея эътироз билдирди Порбус. Улар яқинроқ бориб картинанинг бир чеккасида бўёқларнинг мажмул тумани аро яланғоч оёқ учини кўриб ҳайратдан анграйиб қолишди. Ақл бовар қилмасди: жиндай-жиндайдан қадам-бақадан яксон этилган асарнинг бу парчаси қандай омон қолди экан?! Ёниб кул бўлган шаҳар вайроналари орасидан топилган Венера ҳайкалининг қолдиги кишида қандай таассурот уйғотса, картинадаги оёқ ҳам худди шундай таассурот уйғотарди.

– Бунинг тагига аёл яширилган! – деди Порбус картинани яқунлаш ниятида қари расмом устма-уст чаплаган бўёқлар қатламини Пуссенга кўрсатиб.

Френхофер тушиб қолган жазавани сал-пал англай бошлаган икки мусаввир иттифоқо чолга ўтирилиб қаради.

– У оғзидан чиқаётган гапларга чиппа-чин ишонади, – деди Порбус.

– Ҳа, дўстгинам, – деди чол бирдан ўзига келиб, – ишонинг зарур. Шундай санъат асари яратиш учун зўр ишонч-ла ишга киришишинг, ёлғиз унинг оламида яшашинг лозим. Мана бу сояни тасвирлаш озмунча вақтимни олганми, ахир! Қаранг, мана бу ер – ёноғига, кўз остига тушган нимсояга; ваҳоланки, табиатдаги бу хил ҳолатни кўчириш деярли амримаҳол. Сизнингча, мен бундай кўланкани чизишга осонликча эришдимми? Йўқ, асло! Қадрдон дўстим Порбус, ана энди асаримга диққат билан боқсанг, дўнглик ва думалоқлик ҳақида айтган сўзларим сенга аён бўлади-қолади. Аёл кўкрагига қандай табиий ёруғлик туширганимга разм сол, мен ёрқин шуъла ва куюқ бўёқ орқали бу ерда мана шундай ёруғлики жамлаё олдим, уни баданнинг қунгай жойларига жилвакор оқлик билан қўшиб юбориш ва, аксинча, сояки жойларидаги бўёқ бўртиқлиги ва дағаллигини силлиқлаш эвазига қиз вужудидаги ҳар қандай расм изи ва нотабиийликини бартараф этдим ва қарабсанки, тана чизиклари ҳам жонли шаклни олди. Энди яқинроқ келинг-да, услубга диққат қилинг. Буни узокдан туриб кўриб бўлмайдми. Мана бу ер, менимча, шоён диққатга лойиқ! – У мусаввирларга мўйқалам учи билан ёрқин бўёқларнинг куюқ қатламини кўрсатди.

Порбус чолнинг кифтини қоқиб қўйди-да, Пуссенга ўтирилиб:

– Бизнинг наздимизда, у – буюқ мусаввир, биласизми шуну? – деди.

– У мусаввир эмас, кўпроқ шоир шекилли, – деди Пуссен жиддий тортиб.

– Мана бу ерда, – деди Порбус картинага бармоқ теккизиб, – қурраи арзадаги санъатимиз ниҳоя топади.

– Кейин эса арши аълога ғарқ бўлади, – дея қўшимча қилди Пуссен.

– Қария бу полотно устида не-не ҳузурбахш онларни бошдан кечирмаган!

Бироқ ўз фикр-хаёлига ғарқ бўлган чол бу икки мусаввир суҳбатига қулоқ солмас, у тасаввурда гавдалангирган аёлга жилмайган кўйи термилиб турар эди.

– Эртами-кечми полотнода ҳеч вақо йўқлигини сезади у! – деди Пуссен.

– Полотномда ҳеч вақо йўқ дейсизми? – деб қичқириб юборди қўққис ўзига келган Френхофер бир мусаввирга, бир картинасига қараб.

– Нима қилиб қўйдингиз? – деди Порбус Пуссенга зарда билан.

Чол йигитнинг кўлидан маҳкам ушлаб олди.

– Сен нимани ҳам кўрардинг, қишлоқи, тирмизак, нодон, хумкалла! Бу ерга нега келдинг ўзи? Оҳ, кўнгилчан Порбусим, – деди у кейин мусаввирга

ўтирилиб, – сиз-чи, сиз ҳам менинг устимдан куляпсизми? Жавоб берсангиз-чи! Мен дўстингизман, ахир. Ростини айтинг, картинални бузиб қўйибманми?

Порбус аввалига каловланиб гўлдиради, бироқ чолнинг бўздек оқарган юзида даҳшатли бир ҳадик зуҳур этгач, у полотнога имо қилиб, бундай де-йишга мажбур бўлди:

– Ўзингиз ҳам қараб боқинг!

Френхофер бир муддат картинани кўздан кечирдию қўққис гандираклаб кетди.

– Ҳеч нима йўқ! Ҳеч нима! Оҳ, ўн йиллик меҳнатим... – У ўтириб, хўнграб юборди. – Демак, мен бир аҳмоқман, телбаман! На истеъдод, на қобилият бор менда, беҳуда яшаб юрган пулдор бир кимсаман, холос. Эвоҳ, мен аслида ҳеч нима яратмабман-а!

У жиққа ёш кўзлари билан картинасига қаради. Сўнг бирдан қаддини ғоз тутиб, икки мусаввирга еб қўйгудек тикилди.

– Исонинг қони ва жони ҳаққи қасам ичаманки, сизлар ҳасадгўйсиз! – деб кичқирди у. – Сизлар картинални ўзингизники қилиб олмоқчисиз, шу ниятда бузиб қўйгансиз деб менга фириб беряпсиз. Аммо мен, мен уни кўриб турибман – у ҳайратомуз даражада гўзал аёл!

Шу пайт Пуссен бир бурчақда йиғлаб ўтирган Жиллеттанинг овозини эшитиб қолдию унинг қошига шошилди.

– Нима бўлди сенга, фариштам? – деди мусаввир яна ошиқ йигитга айланиб.

– Ўлдир мени! – деди қиз қаҳрли овозда. – Чунки энди сендан нафратла-наман, сени аввалгидек севиш бу – шармандалик! Сенга суйиб қараяпман-у, айни чоқда жирканяпман ҳам. Мен сени севаман, аммо севгимни нафрат енгиб бораётгандек!

Пуссен Жиллетта билан овора экан, ўғри шарпасини сезган заргар тилла зеб-зийнатлар қутисини қандай яширса, Френхофер ҳам ўз Катрини устига хотир-жамлик билан, авайлаб яшил мато тортди. Чол иккала мусаввирга хўмрайиб қаради, унинг нигоҳи нафрат ва шубҳага тўла эди. Сўнг уларни устахона эшиги-гача миқ этмай, асабий шопқалоқлик билан кузатиб қўйди-да, уй бўсағасида:

– Алвидо, азизларим! – деди.

Бундай хайрлашувдан иккала мусаввирнинг ҳам кўнгли ғаш тортди.

Эртасига Порбус Френхофердан хавотирланиб, хабар олгани унинг уйига борди. Чол ҳамма картиналарини ёқиб юборган ва ўша оқшом қазо қилган экан.

Париж,
1832 йил, февраль

Наим КАРИМОВ
таржимаси



Сирожиддин САЙИД

UCH MUHAMMAD

“ХОЛУ ХАТИНГ ХАЁЛИДИН...”

Кошу кўзинг саволидин дил ичра оху зор,
Зулфи кажинг шамолидин бағрим аро баҳор,
Белу қўлинг висолидин йўқ менда бир қарор,
Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулузор,
Гоҳи кўзумга хол тушубтур, гаҳи губор.

Қотилларинги айламиш жону таним яро,
Минг булбул охи ёширин ҳар бир ярам аро,
Сочингмидур жаҳонга ё тушмиш қаро бало,
Юзингда хол сафҳада томгон киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким, қарода бор.

Лаб гунчасида асраган болингни билмасанг,
Ҳолимни билмаган, эй гул, ҳолингни билмасанг,
Кўнглим аро неча қилу қолингни билмасанг,
Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.

Саволмидур самода ё қошинг ҳилолидур,
Ҳилолмидур ёки бори умрим саволидур?
Тонгинг сабосиму ва ё сочинг шамолидур?
Билмон, кўнгулда холлариингнинг хаёлидур,
Ё кипригинг тиконларин айлабсан устувор.

Жону таним ҳар лаҳза андуҳ бирла тўлмогин,
Ҳар лаҳза зору нотовону маҳжур ўлмогин,
Дил очилиб ҳар лаҳзаю ҳар дамда сўлмогин,
Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тиира бўлмогин,
Билгай бировки, ёри эрур шўхи холдор.

Гулдан ясабмиш бош-оёқ кўлик бирла тахтини,
Хол бирла нуқта айламиш ё кимни бахтини?
Кўргил назокату ҳусну бу қадду бастини,
Машиотайи қазо безамиш холу хаттини,
Беихтиёрликда борму манга ихтиёр?

Олам санамлари малоҳатинга ён берур,
Бир хол шунчаларму кўп оҳу фиғон берур,
Эй ёр, келиб ҳолимни кўр, рангим аён берур,
Мискин Навоий холи лабинг кўрса жон берур.
Боқсанг на бўлди сурати ҳолига эй ниғор.

“ТО ТУЗДИ НАВОИЙ ОЯТИ ИШҚ...”

Ким қошинга мубтало бўлубтур –
Ул икки қилич аро бўлубтур,
Дил ичра ики яро бўлубтур,
Кўзунг, не бало, қаро бўлубтур
Ким, жонга қаро бало бўлубтур.

Гулгун чаманимни зард қилди,
Жисмимни губору гард қилди.
Ўлдурдию ҳам мадад қилди,
Мажмуъи давони дард қилди,
Дардинги, манга даво бўлубтур.

Ранж чеккилу эшигида уз жон,
Дил жомини тўлдириб суз жон.
Жисм уйида қайтадин туз жон,
Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки, санга фидо бўлубтур.

Тирноги қизимму ё хинодин,
Кон тўқдимму ёки қоши "э"дин?
Фарқ қилмас эмиш подшодин,
Бегона бўлубтур ошнодин,
Бегонага ошно бўлубтур.

Зулфингни майин сабоси, жоним,
Бир толасига баҳоси – жоним.
Сенсен бу умр сафоси, жоним,
То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сори анга ҳаво бўлубтур.

Богингдаги гулки бўлди фоний,
Қолган бари, билки, бўлди фоний,
Бу йўлда у дилки бўлди фоний,
Боқий топар улки бўлди фоний,
Раҳравга бақо фано бўлубтур.

Умрим ҳамаси – ҳикояти ишқ,
Хам нолаю ҳам шикояти ишқ.
Мангу тугамас ривояти ишқ,
То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.

"ЯХШИЛАР ИЧРА ВАТАН..."

Эрка гизолим менинг сарви равон бўлдило,
Сарви равоним, десам, оҳусимон бўлдило.
Моҳи жаҳоним менинг шоҳи жаҳон бўлдило,
Муниси жон деганим офатижон бўлдило,
Жонима бедодидин шева фигон бўлдило.

Айтдим анга, кўзларинг кўйида мажлис тузай,
Қошу қабогинг уза кипригими юргузай,

Тил била киприк санаб, лаб била киприк узай,
Деди, кўзунг қонини васлим ила тургузай,
Войки, бағрим доғи ҳажрида қон бўлдило.

Сочилибон ҳар томон зору паритшон ёшим,
Сийм бадан олдида бўлди нурафшон ёшим,
Ишқини найсониму – бунча фаровон ёшим,
Гар юзи май тобидин гул-гул эрур қон ёшим,
Юз уза тим-тим томиб, лоласитон бўлдило.

Бошима келган бало лаб била тилдин дедим,
Лаб била тилдин яна сен киби гулдин дедим,
Воз кечайин эмди мен жон ила дилдин дедим,
Кўзу кўнгул қонини ёшурай элдин дедим,
Ҳар биридин юз сари юзда нишон бўлдило.

Борму жаҳонда яна сен киби дилбар малиҳ?
Волаю зор ҳам йўқ бўлгучи менга шабиҳ.
Жисмима тушди тугун ҳам гириҳ узра гириҳ,
Зухд аро ҳар мушкулимки бор эди, эй фақиҳ,
Жомга май қуйғоч-ўқ, барча аён бўлдило,

Кимки жаҳон аҳлидин бурди юзин бошитоб,
Чекмади оламда у дарду ғаму изтироб.
Тингла, замоннинг ўзи, гардиши айлаб хитоб:
Кимки замон аҳлидин айламади ижтиноб,
Бир кун ани ҳам дегунг, аҳли замон бўлдило.

Кема эрур бу умр, чолгуси ҳар лаҳза бонг,
Битгуси ногоҳ сафар – шом эрур хоҳи тонг,
Яхши эрур яхшилик бирла тўлиб фикру онг,
Яхшилар ичра ватан тутса Навоий не тонг,
Кимки ёмонлар била бўлди, ёмон бўлдило.

Фарҳод ҲАМРОЕВ

USTOZIM

Ўзингизга яқин инсонлар, туғишганларингиз ҳақида ёзиш мароқли ва айна дамда бир оз нокамтарликдек ҳам бўлади. Айтайлик, отангиз, ғанангиз, дўстингиз ёки фарзандларингиз тўғрисида қандай қилиб муболағасиз ёза оласиз?! Худди шундай, устозлар ҳақида ёзганда ҳам холис бўлиш қийин. Ахир, Шарқда бежиз “Устоз отангдан улуғ” дейишмайди. Бир донишманддан бунинг маъносини сўраганларида, “Отам мени кўкдан ерга туширган бўлса, устозим ердан кўкка кўтарди”, деб жавоб берган экан. (Шу ўринда баъзилар ушбу мақолни “Устоз отангдек улуғ” тарзида нотўғри талқин қилаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Отанинг фарзанд ҳаётидаги беқиёс ўрнини сира камситмаган ҳолда айтмоқчимизки, оталик бахти ҳатто тубан кимсаларга ҳам насиб этиши мумкин, лекин устозлик саодатига баъзан улуғ одамлар ҳам етишолмаган.) Аммо холис бўлишга кафолат йўқ экан деб, улар ҳақида ёзмалик ҳам нодурустдир. Зеро, устозларнинг шогирдларга қилган яхшиликлари ҳақида улар дунёдан ўтиб кетганидан сўнг эмас, балки ҳаётлигида чин дилдан, самимий ёзган беҳроқ. Ҳадиси шарифда

ҳам айтилади-ку: “Ким кимни дўст тутса, шу севгисини билдириб қўйсин”. Йиллар ўтиши билан англаб етасизки, ҳаётингизда кўп яхши одамларга дуч келсангиз-да, бироқ худди шундай ажойиб инсон бошқа учрамаслиги мумкин. Бундай табаррук зотларни унутиш аслида уларга эмас, ўзингизга хиёнатдир.

...Камина университетнинг иккинчи босқичида ўқиб юрган кезларимдаёқ уйғур фольклори бўйича диссертация ёза бошлаганман. Мавзуни отам танлаб берган эди. Унинг бевақт вафотидан сўнг маслаҳатгўй бир одамга муҳтожлик сездим. Илмий изланишларимни давом эттиришга билим ва тажрибам камлик қиларди. Ёшлик ғайрат-шижоати ҳарчанд тўлиб-тошмасин, ҳали ўргина бир талаба эдим-да. Узоқ ўйлаб ўтирмай, отамнинг дўсти, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайдиган профессор Салоҳиддин Мамажоновнинг олдига бордим. Мақсадимни эшитгач, у киши “Юр, сени фольклор бўлимининг бошлиғи – дўстим билан таништириб қўяман”, дея йўл бошлади. Мен ёзган китобу мақолалари орқали ўзбек фольклор-

шуносларининг кўпини яхши билардим. Шунинг учун йўлак бўйлаб борар эканмииз, Салоҳиддин акага:

– Бирон бир фан доктори бўлса яхши бўлармиди (у маҳалда бўлажак илмий раҳбарим ҳали фан номзоди экан), – дедимда, ўзбек фольклоршуносларидан бир неча фан докторининг исми шарифини санаёт бошладим.

– Сенга илмий раҳбарнинг унвони керакми ёки ишинга расмона ёрдами тегадиганими?! – дея шартта сўзимни кесди Салоҳиддин ака. Сўнг бир оз юмшаб, изоҳ берган бўлди: – Ҳозир фольклор бўйича республикада Тўра аканинг олдида тушадиган мутахассис йўқ, қилиб қўй!

Бу гапдан мен хижолат тортиб қолдим. Яна “қовун тушириб” қўйишдан чўчиб, бошқа гапирмадим.

Икковлон орқама-олдин фольклор бўлимига кириб бордик. Салоҳиддин ака мени ўрта бўйли, очик юзли бир кишига “Таниқли олим Муродбек Ҳамроевнинг ўғли, уйғур фольклори бўйича номзодлик диссертацияси устида ишлаётган ёш тадқиқотчи” деб таништирди. Қисқа мулоқотдан сўнг Салоҳиддин ака хонасига чиқиб кетди. Мен ёшликка хос ҳаяжон ва жўшқинлик билан Тўра Мирзаева илмий ишимнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб ташладим. У киши гапларимни диққат билан тинглагач, бир неча савол бериб илму истеъдодимни синаб кўрган бўлди. Домла менинг ҳали талаба эканимни билиб андак тараддудга тушдим, “Майли, йиққан материалларингизни олиб келинг-чи, кўрайлик, ана ўшанда ҳаммаси аниқ бўлади”, деди. Биз шу тўхтамага келиб хайрлашдик.

1983 йилнинг кузагида бўлажак илмий раҳбарим билан илк учрашувим ана шундай кечган эди. Тўра Мирзаева жуда камтар, риояли инсон экан, ҳали кўп нарсани билмаслигимга ҳатто ишора ҳам қилмади. Ҳолбуки, кўпни кўрган олим билан дастлабки мулоқотнинг ўзидаёқ, ўзимча ғурурланиб юрган билимни аслида ҳеч нарса эмаслиги аён бўлиб қолди. У киши менга сидқидилдан ёрдам беришни истар, бу ҳол

унинг юз-кўзидан, гап-сўзларидан сезилиб турар эди. Мен ҳам домла ҳақида илжожи борича кўпроқ билишни хоҳлардим-у, аммо ҳадеб савол беришга ийманардим. У кишининг илмий изланишлари ҳақида билиш менга айниқса қизиқарли эди.

Мен устоз ҳузуридан кўтаринки кайфиятда чиқдим – бунинг сабаби нима, тўғриси, ўзим ҳам билмасдим. Фақат йиллар ўтиб тақдир мени ажойиб инсон, заҳматкаш олим, халқ эпосининг чинакам шайдоси ва билимдонига рўбарў этганини англаб етдим.

Хуллас, ўша кундан у киши устоз, биз шоғирд бўлдик. Илмий иш юзасидан кўп бор учрашдик. Бу учрашувлар машҳур олимнинг ҳам оддий, ҳам фавқуллода инсон сифатидаги фазилатларини кашф этиш нуқтаи назаридан гоёта мазмунли ва эсда қоларли эди.

Шу ўринда таъкидлашим жоизки, мен олимнинг илмий фаолиятини таҳлил қилиб, унга баҳо бериш ниятидан йироқман. Бу алоҳида тадқиқот мавзуи ва бундай тадқиқот амалга оширилган ҳам. Қолаверса, очик айтиш лозим, Тўра Мирзаев фаолияти билан боғлиқ барча қирралар ҳам ижобий саналмаслиги мумкиндир. Жумладан, камини ҳам уларнинг барчасини бирдек қабул қиламан деб айтолмайман. Чунки дунёда ҳаётга, ижодга айнан бир хил қарайдиган кишилар топилмас...

* * *

Тўра Мирзаев билан 1985 йили бўлган бир мулоқот ҳеч эсимдан чиқмайди. Университетни тугатганимга икки ойча бўлган эди. Норасмий раҳбаримга кўнғироқ қилиб, ҳужжатларни тезроқ расмийлаштиришни илтимос қилдим. Тил ва адабиёт институти Илмий кенгашида диссертация мавзуи ва илмий раҳбарни тасдиқлаш бир қанча босқичдан иборат жараён эди. Буларсиз номзодлик имтиҳонларини топширишга рухсат берилмасди. Шу масала бўйича институтга келганимда домла мени хонада қолдириб қаниб кетди-да, икки дақиқа ўтар-ўтмас қўлида бир даста қоғоз билан қайтиб кирди. Чехрамда қувонч ифодаси

пайдо бўлганини кўрибми, у киши дарҳол бу қоғозларнинг менга алоқаси йўқлигини айтди.

– Булар – намуналар. Сенга ҳам машинкада мана шундай ҳужжат тайёрлаш керак, – деди.

Қоғозларни кўлимга бериб, ўзи яна хонадан чиқди. Қимирламай ўтирганча уларга кўз югуртира бошладим.

Бир оз вақт ўтиб, устоз хонага бир қизни бошлаб кирди. Шу бўлимнинг аспиранти экан. Домла кўшни столда турган эскироқ ёзув машинкасига ишора этиб, қиздан тўрт-беш варақ қоғозни тез ёзиб беришни илтимос қилди. Қиз машинкада ёзишни билмайман, деди-да, хижолатданми, хонадан отилиб чиқиб кетди. Устозимнинг ўша дамдаги юз-кўзидан бу чигал вазиятдан қандай чиқиб билимай қайрон турганини пайқадим. Камина эса наҳотки машинкада ёзиш ҳам муаммо бўлса, дея ҳайрон эдим. Чунки уйимизда дадамнинг ёзув машинкаси бўлиб, унда қоғозларини доим ўзим ёзар, ҳатто бу ишни завқ-шавқ билан бажарар, боз устига, бармоқларим ҳам илдам ишлар эди. Шунинг учун дарҳол кўшни столга ўтдим-да, ҳужжатларни ярим соатда кўчириб ташладим. Раҳбарим машинкада ишлашимни кузатиб туриб, қаноат ҳосил қилди. Кейин тайёр ҳужжатларни кўтариб, тасдиқлатгани кетди. Хонада ёлғиз қолгач, домланинг столида қалашиб ётган китоблардан бирини олиб ўқишга тутиндим. Орадан ўн беш-ийгирма дақиқа ўтиб, Тўра Мирзаев ҳалиги аспирант қизни бошлаб келди. Мени ибрат қилиб кўрсатиб, бировга ялинмай, машинкада ўзи ёза олиш қанчалик фазилат эканини унга уқтира кетди. Дарҳақиқат, илмда бу қобилият жуда муҳим: машинкада ёза олиш вақтни тежаш баробарида кишига мустақиллик ва эркинлик ҳам бахш этади. Мен бу гаплардан ўзимни ноқулай сезиб, тезроқ муҳр босилган ҳужжатларни олиб, чиқиб кетишни кўзлардим. Устоз бўлса ўша дамда менга эриш туюлган далилларни қалаштирганча ҳамон каминани мақтар эди. У чин дилдан, куйиб-пишиб сўзларди. Чамамда, у маз-

кур вазиятдан усталик билан тарбиявий мақсадда фойдаланмоқда эди.

Шу оддийгина воқеа хотирамга муҳрланиб қолган: мен устозни кундалик бир вазиятда кўриб, кузатишга муяссар бўлган эдим. Бу ҳол илмий раҳбарим ҳақидаги қарашларимни янада ўзгартириб юборди. Ўша дақиқадан бошлаб у мен учун нафақат ўзбек фольклорининг етук билимдони, балки оддий ҳодисалардан-да завқлана биладиган содда ва самимий инсонга айланди. Мен энди у кишига аввалгидан бошқачароқ кўз билан боқадиган, у билан эркинроқ, бемалолроқ гаплашадиган бўлдим. Биз энди нафақат илмий, балки ҳаётий мавзуларда ҳам узундан-узоқ суҳбатлар кураддик.

Ўша дамда мени яна бир ўй банд этган эди. Тўра Мирзаев – Ҳоди Зарифнинг шогирди, Ҳоди Зариф эса “Ўзбек қаҳрамонлик эпоси” китобининг ҳаммуаллифи, машҳур рус олими Виктор Жирмунскийнинг яқин дўсти эди. XX асрда наинки рус, ҳатто жаҳон адабиётшунослигида ёрқин из қолдирган бу сиймо отамнинг устози бўлган. В.Жирмунский ҳақида уни таниган кўрган одамлардан кўп эшитганман ва олимнинг бизникида сақланаётган мактубларидан у кишининг отамга қанчалик гамхўрлик қилгани, илмий фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича қимматли маслаҳатлар бериб турганини биламан. Афтидан, Ҳоди Зариф ҳам шогирдларига худди шундай муносабатда бўлган ва бу ҳислат менинг устозимга ҳам “юққан”. Ҳар ҳолда, Тўра Мирзаев барча шогирдларига, жумладан, каминанага ҳам ниҳоятда меҳрибон эди. Бундай муносабат шогирдлар учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини ҳамма ҳам тушунавермайди.

...1986 йил ниҳоясида Тил ва адабиёт институтининг хабарлар тахтасида келгуси йил 10 январда “Республика филология фанининг вазифалари” мавзуга бағишлаб илмий-назарий конференция ўтказилиши ҳақидаги эълонни ўқиб қолдим. Дарҳол ташкилий қўмитага учрашиб, конференцияда қатнашиш шартларини суриштириб

олдим. Токи аризамни қабул қилгунларига қадар қандай мушкулотларга рўбарў бўлганимни гапириб ўтирмайман. У вақтлар мен бу даргоҳдаги жараён нега бунчалик мураккаб эканини тушунмасдим, албатта. Ваҳоланки, олдин ҳам бир неча илмий анжуманда қатнашган, лекин ҳеч бирида бундай бюрократик тўсиққа дуч келмаган эдим. Шунга қарамай, барча расмиятчиликларни адо этиб, белгиланган куни конференцияга етиб келдим. Қўлимга дастур тутқазилгандагина гап нимадалигини англадим. Қатнашчилар орасида битта ҳам ёш мутахассис йўқ, рўйхатдан нукул обрў-эътиборли олимлар номи ўрин олган эди: Иззат Султон, Бахтиёр Назаров, Эрик Каримов, Абдуқодир Ҳайитметов, Пётр Тартаковский ва бошқалар.

Ўз-ўзидан аёнки, менга ҳаммадан кейин сўз берилди. Тўғриси, ёзган маърузамни ўқиб бердим, холос, чунки ниҳоятда ҳаяжонда эдим. Бироқ мени эътибор билан тинглашди, бунинг сабаби маърузам муҳим ёки қизиқарли эканида эмас, балки, залда ўтирганлардан кўпининг дўсти бўлган

раҳматли отам ҳурмати юзасидан эди. Унинг камтарин сиймоси дўстлари ва ҳамкасблари ёдидан кўтарилиб улгурмаган экан. Маърузамни тугатишим билан мени олқишлай бошлашди, тадбирдан кейин ҳам танишу нотанишлар олдимга келиб, қўлимни сиқиб табриклади. Улар шаънинимга илиқ сўзлар айтиш баробарида отамни ҳам эслашарди, менга айниқса шуниси ёқиб тушмоқда эди. Бу мақтовлар қаршисида ўзимни ноқулай ҳис қилганимдан нима дейишни билмай каловланардим. Шу маҳал Тўра Мирзаев жонимга ора кирди, ҳаммага эшиттириб мен унинг шогирди эканимни айтди, саволларга ҳам ўрнимга ўзи жавоб бера бошлади. Мавриди билан мен ҳақимда, айниқса, отам ҳақида кўп яхши гапларни гапирди. Мен отам билан Тўра ака унча-мунча таниш бўлганини билардим, аммо домла ўзини сипо тутиб, бу ҳақда менга ҳеч оғиз очмаган эди. Чамаси, бунинг сабаби – мени ортиқча масъулият юкидан холи қилиш, эҳтимол, отамга муносиб ишламаётганим учун айбламаслик эди. Тўра Мирзаев кўнглингиздан кечаётган ўйларни нозик ҳис



Жуманбулбул булогидан сув ичиб...

қилувчи хушёр ва зийрак раҳбар бўлгани боис, шундай таниқли олимнинг фарзанди бўлганим учунгина мендан жиддий илмий тадқиқот яратиш талаб этилмаётгани, балки илмда бундан бошқа йўлнинг ўзи йўқлигини уқтириб чарчамасди; ё киروي иш қилиш, ё барини йиғиштириб қўйиш керак, тамом-вассалом. Ўзи айрим “хайрихоҳ”лари сабаб, ҳаётда огир дамларни кўп бор бошдан кечиргани учун мени ҳам юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликлардан мудом огоҳ этиб, асраб-авайлашга ҳаракат қилар эди. Бундай “савдо”ларни бошидан ўтказмаган одам устозимнинг қалбини тушуниб етавермайди, албатта. Эҳтимол шунинг учундир, Тўра Мирзаевни яқиндан билмайдиганлар уни гоҳо ҳаддан ташқари эҳтиёткор ва мурасос деб ҳисоблар...

Тўра Мирзаев бир муддат Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига вице-президентлик қилди. Айни чоқда Тил ва адабиёт институти директори вазифасини ҳам бажарди. Бу йиллар унинг илмий фаолиятида унчалик самарали давр бўлмагандир, аммо бу масалага у файласуфона ёндашар ва тез орада яна фаол илмий-тадқиқот ишига қайтишига ишонар эди. У табиатан некбин одам бўлиб, озгина имкон туғилдими завқ-шавққа тўлиб ижодий

ишга шўнғиб кетаверади. Академия Президиумида ишлаган кезлари эса олимда бундай ноёб дақиқалар жуда кам бўлар эди.

Бир куни унинг кабинетига кириб, юзи-кўзидан ўзи кўпам хушламаган, лекин ёзиши шарт бўлган бир нимани шошилишч қоралаб ўтирганни кўрдим. Бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлдик, шунда устозим ҳали ҳам хаёлини йиғиб олмаганини ҳис қилдим. Мен тезроқ муддаога кўчиш зарурлигини фаҳмладим-да, сумкамни очиб, хизмат сафаридан олиб келган бир китобни домлага узатдим. Китобга кўзи тушиши биланоқ устоз жонланиб кетди, уни завқ-шавқ билан варақлаб, баъзи жойларига кўз югуртирди. У бир лаҳзада қўлидаги ишини унутиб, кўзлари ёнганча шу тобдаги илмий изланишлари натижаларидан ва, афсуски, хориж фольклор марказларида нашр этилаётган янги адабиётлар етиб келмаётганидан сўзлай кетди. Сўнгра келтирган китобимни муҳокама қилмоққа ўтдик ва шунда мен у киши бир неча дақиқа ичида қанчалик ўзгарганини кўрдим. Унинг юзида чинакам шодлик нурлари жилва қиларди.

Тўра акада китобга ташналик ҳануз сақланиб қолган. У ҳамкасбларининг илмий тадқиқотларига ҳам ана шундай зўр иштиёқ билан қарайди. Олимнинг қўлига



Устозлар ва савдошлар

бирор муҳимроқ китоб тушиб қолса борми, дарҳол ўқиб чиқиб, ўзига керакли ўринларини белгилаб олмагунча қўймайди. У кишида бугун ноёб бўлиб бораётган яна бир ажойиб хислат бор: янги чоп этилган китобу мақолани сиёҳи қуримасдан ўқиб чиқиб, муаллифи билан учрашишни ҳам кутиб ўтирмай дарҳол унга кўнғироқ қилади-да, ютуқлари билан табриқлаб, камчиликлари бўлса, рўй-рост айтади. Холбуки, ҳозирги кунда янги китобингизни чиройли дастхат битиб тарқатсангиз-да, кўпчилик аҳли илм ҳатто варақлаб ҳам кўрмайди – буни уларнинг бирор муносабат билдирмаганидан ҳам сезса бўлади.

Мен анчайин бир китоб баҳонасида устозимга шу қадар маънавий завқ бахш эта олганимдан хурсанд эдим. Лекин бу қувончим Тўра Мирзаевнинг кўнғлида кечаётган туйғулар олдида ҳеч нарса эмас эди.

Биз суҳбат қуриб ўтирган пайтда Президиум ходимларидан бири хонага бош суқди. Устоз китобни қўлидан қўймай мақташга тушиб кетди. Илмга алоқаси бўлса керак, ҳалиги ходим китобни бир кўрай деди. Лекин Тўра ака кўнғли бир нимани сезди шекилли, китобни индамай портфелига жойлади-да, “Бунақа китобларнинг сизга қизиги йўқ”, деди дангалига. Ходим ўтинганнамо бир алфозда туриб қолди, аммо устоз унинг бу ҳолатига парво ҳам қилмади.

...Яқинда “Литературная газета”да Тўра Мирзаевнинг бир китоби ҳақида мўъжазгина тақризм босилиб чиқди. Табиийки, ўша газетдан Тошкентга, устозимга бир нусха юбордим. Кўп ўтмай у киши кўнғироқ қилди. Мен устознинг бу қадар ҳаяжонли овозини сира эшитмаган эдим. Ҳа, устоз астойдил қувона билиш қобилиятини ҳам унутмаган. Албатта, унинг ҳаётида сурурли дамлар кўп бўлган, лекин у кичкина бу илмий эътирофини ҳам эътиборсиз қолдирмади. Эл таниган каттакон олим шугина бир тақриздан ҳам, улкан мукофот олгандек, боши осмонга етди. Улуғ ёшда бундай хусусиятга эга бўлиш, бизнингча, устоз йиллар оша бо-

тиний поклик ва олимлик шаънини сақлаб келаётганидан далолатдир.

Филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев – ўзбек фольклоршунослигида бутун бир даврни белгилаб берган машҳур сиймо. У ўнлаб монография, фольклорга оид тўпламлар, юзлаб илмий мақолалар эълон қилган. Кўплаб фан доктори ва номзодларини етиштириб берган. У шогирдлари илмий ишини ҳимоя қилиб бўлгандан кейин ҳам улардан беғараз ёрдами ва самимий маслаҳатини дариг тутмайди. Ҳа, Тўра Мирзаев илмий мактаб яратган олим деб айтишга тўлиқ асос бор.

Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади: домла бахтлими, кечаётган умридан розими?

Тўра Мирзаев қутлуғ 75 ёшни қарши олаётган шу кунларда баъзи хулосаларни айтишнинг айни мавридидир. Сирдан қараганда, у киши эришган натижалар бундай: домла бугун ўзбек фольклоршунослигининг оқсоқоли, йил сайин илмий китоблар ва фольклорга оид тўпламлар чоп эттириб турибди. Узоқ йиллар ўзи севган иш билан машғул бўлиб, дунёга таникли олим бўлиб етишди. Аммо... Устоз ҳаёти чиндан ҳам бекам-кўстмикан? Унинг ҳеч қандай армони йўқми?..

Шу саволга жавоб излар экансиз, сизни барибир нимадир “кадр ортида” қоляпти, дегандек бир фикр тарқ этмайди. Бильякс, йиллар ўтган сари бундай туйғу кучайиб боради.

Ахир, ҳаётни ҳаёт қилиб турганлар аслида ана шундай фидойи инсонлар эмасми? Ахир, ўз касбига, соҳасига бор умрини бағишлаш, бунинг учун кўп нарсадан воз кеча билиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келармайдиган ибратли амал-ку!

Тўра Мирзаев ҳавас қиларли инсон: иймон-инсофли, самимий, ҳалол. Афсуски, ўз соҳасида юксак чўққиларга эришган фавкулдада истеъдодли олимларда ҳам гоҳо бундай фазилатларни кам учратасиз. Эҳтимол, ардоқли устозимизнинг бошқача эмас, айнан шундай бўлганининг ўзи чинакам бахтдир.

Москва



QALB ZIYNATI

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий шеърлятида инсоний комилликнинг муҳим шартларидан бири сифатида ҳавойи нафс-ни енгиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда фақат Ҳақни ўйлаб яшайдиган дарвешлар ҳаёти ибратли мисол сифатида зикр этилади. Жумладан, шоирнинг фалсафий асари – “Маҳбуб ул-қулуб”нинг қирқинчи фаслида дарвеш Оллоҳни таниган, Оллоҳга етган, Оллоҳ розилигини толган киши деб таърифланади: “Ҳайрат ул-аброр”нинг тўртинчи мақолати эса чин дарвешлар (ҳақиқий боданўшлар) сиймосининг бадий талқинига бағишланган. У “Маҳбуб ул-қулуб”-нинг “Дарвешлар зикрида” фасли ҳамда “Таважжуҳ зикрида” боби билан ҳамоҳанг. Улуғ мутафаккир талқинича, ҳақиқий дарвеш кўзбўямачилик, тилёғламалик, алдов, ҳийла, риёкорлик дафтариини елга учирган ва сав-

латдорлик, шуҳратпарастлик, иззат талаблик хирқасини ўтга ёққан озод ва эркин кишидир:

*Елга бериб дафтари солусни,
Ўтга солиб хирқаи номусни.*

Диққат назари асл мақсадга – Ҳаққа, Халққа ва Ҳақиқатга қаратилган дарвеш наздида жон ҳам, жаҳон ҳам тупроққа тенг. Унинг ҳиммати олдида бутун борлик ва ундаги мавжудотлар, жумладан, дунё, унинг бойлиги, молу мулки, мансабу мартабаси хашақдек қадрсиздир:

*Жону жаҳонни кўрубон хокча,
Кавну макон нақдини хошокча.*

“Мен”ини фано ўтида куйдирган дарвеш табиатида худпарастлик, мансабпараст-

лик ва манфаатпарастликдан асар ҳам қолмайди. У нафсу ҳаво кутқуларидан буткул халос бўлади. Бутун руҳу шуури билан Ҳаққа юзланган дарвеш наинки кишилик жамиятига дахлдор мақому мартабалар, мулку давлат, балки икки дунё саодати ваъда қилинса-да, унга чандон эътибор бермайди, асл мақсадидан асло чекинмайди. "Маҳбуб ул-қулуб"да ўқиймиз: "Андоқким, дунё ва охират саодатин арза қилсалар, сиддиқлар ва пайғамбарлар маротибин жилва берсалар, солиқ ул ён назар ўқин отмағай ва кўнглига аларнинг радду қабулин мутлақо йўлатмағай".

Улуғ шоир нигоҳида ҳақиқий инсоний фитратга мос эътиқод дарвешлар табиатида намоён. Аждодларимиз қалбидан оққан шундай маслақ зиёси сон-саноқсиз зимистон кўнглиларни ёритишга, зулмат қаърида қолган виждонларни уйғотишга қодирдир.

Алишер Навоий назарида, дунёдаги энг ғариб, маънавий қашшоқ банда бу – эътиқодсиз кимса. Эътиқод инсонга покиза рух, мислсиз маънавий қонрат, журъат ва жасорат ато этади. Оллоҳдан ўзгага ҳожатманд бўлмаган, жисм ва жон қайғусидан кечган дарвеш кўрқинч ҳиссидан озод бўлади: "Агар оллида шери жаён юзланса, анга мўрча келмағай ёмон ва агар пили дамон учраса, ул ҳамон бўлғай ва пашша ҳамон". "Пили дамон" – ўкирувчи, маст фил демақдир. Навоий ғоявий-бадийий мақсад ифодасига кўра "шер", "чаён", "мўр", "фил", "пашша" тимсолларига ботбот мурожаат қилади. Асарларида айрим ҳолатларда мазкур мажозий тимсоллар бир хил мавзунини турли ўринларда ғоявий-бадийий жиҳатдан тўлдириб, такомиллаштириб келади. Баъзи ҳолатларда эса бадийий тимсоллар бир хил бўлгани ҳолда, улар амал қиладиган ҳаёт ҳодисаси ва маънавий-маърифий муаммолар мавзунини ўзгаради. Бир хил тимсоллар турлича ғоя ва ахлоқий-фалсафий хулосаларга асос бўлиб хизмат қилади. "Маҳбуб ул-қулуб"нинг танбехларидан бири "Субҳон-аллоҳи не ва-

сеъ даргоҳ ва не рафеъ боргоҳдурким, анда пил хартуми пашша хартумига забундур...", деб бошланади. Кўринадики, асарнинг ҳар икки ўрндан кўчирилган иқтибосда ҳам Қуръони каримнинг "Фил аҳли" қиссасига ишора бор. Аммо танбехда "пил", "пашша" тимсолларига мурожаат қилишдан мақсад худпарастлик ва унинг фожиаи оқибатини кўрсатишдир. "Таважжуҳ зикрида"ги бобдан кўчирилган иқтибос эса дарвешнинг мустаҳкам эътиқод ва қудратли шахсият соҳиби эканини шарҳлайди.

Бутун борлиғи ила Оллоҳга юзланган солиқ махлуқ – қанчалик қудратли бўлмасин, яратилмиш эканини англайди. "Курсиси осмону ерни қамраган, уларни муҳофаза қилишдан чарчамайдиган, Олий ва Азим зот" ("Бақара" сураси, 255-оят) қодирлигининг ўхшаши борми, уни тасаввурга сиғдириш мумкинми? Унга қайси махлуқ тенг кела олади? Ҳеч қайси! Шундай экан, бутун борлиғи билан Ҳақ вужудига сингган дарвеш юрагига кўрқув солиш ёки унинг ихтиёрини эгаллаб олиш мумкинми? Йўқ! Дарвеш қалбига ҳеч ким ва ҳеч нарса эгалик қила олмайди. Фақат оламларнинг ва қалбларнинг Робби – Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг ўзигина соҳиблик қила олади, холос. Қудрати комил ва чексиз зот – Оллоҳ тасарруфида бўлган солиқ кўнгли эса ҳаммаша худдир, эркиндир.

Эътиқоднинг маъвоси унга интиқ инсон қалбидир. Шунинг учун Оллоҳ маскани бўлган кўнглини ўткинчи майлу ҳавасларга боғлаган кишиларнинг ўз ишончи, ақидасидан қайтиб, ўзгариб туриши, уларнинг шахс сифатида емирилишини тезлаштиради. Дарвешнинг эса "Сели балодин таважжуҳи заврақиға нам етмағай ва сарсари офат бир тор мўйин хам этмағай". Таассуфки, "Маҳбуб ул-қулуб"нинг барча нашрларида сув ва нам тушунчаларига дахлдор "заврақиға" калимаси матндан тушириб қолдирилган (Қаранг: Алишер Навоий. *Маҳбуб ул-қулуб. Қиёсий матн. М. – Л., 1948, 86-бет*; Алишер Навоий. *Маҳбуб ул-қулуб. Мукамал асарлар тўплами.*

20 жилдлик, 14-жилд, Т., “Фан”, 1998, 62-бет). Натихада асарда истиора санъати қўлланган тасвирлар бирмунча нурсизланиб қолган.

Улуғ мутафаккир талқинича, вужудини ваҳдат туйғуси эгаллаган ошиқи пок назарида, юлдуз тўла бепоён осмон зарҳал билан ялтироқ тус берилган бир варақ мисол. Замона ҳодисалари эса ел учирган бир сариқ гул япроғига тенгдир. “Меҳри мунир оллида – заррадин ҳақир ва хоксор, баҳри заххор назарида – бир қатрадин бемиқдор”.

Олий мақсадни кўзлаган юксак ахлоқли инсоннинг дунёга бундай назари негизда унинг вазминлик фазилати туради. Вазминлик – ибратли фазилат. Бундай неъмат соҳиби тақдирнинг хайрли ҳадяларидан ақли шошиб, ғурур ва кибрга берилмайди. Ҳовлиқмалик, тоқатсизлик, бўларбўлмасга тутақиб кетиш иллатидан холи бўлади. Қалбнинг асл манбаидан (Оллоҳ) қувватланган бундай инсон иродасини турмуш бўҳронлари бука олмайди. Ҳақ ишқи алангасида ёниб кулга айланган ошиқ юзини шу кул билан покланган ойна ёрилади. Кўзгуда ғайрдан нишона йўқ ва унда фақат илоҳий тажаллий жилва қилади. Буюк шоир нуқтаи назарида инсоний хаёллар ва зарраларнинг ҳар бири бир кўзгуга айланиб, ошиқни Ҳақ хуснига рўбарў қилади:

*Борлиқ асбобини фоний билиб,
Йўқлик ўти ичра ўзин кул қилиб.
Ҳар сориқим нозир ўлуб – Ҳақ кўруб,
Қилғучини фоили мутлақ кўруб.*

Бинобарин, “Йўқлик ўти ичра ўзин кул қилиш” – чексиз муҳаббат, сидқу садоқат, шавқу ихлос натижаси. “Маҳбуб ул-қулуб” да айни масала ҳақида бундай ёзилади: “Ва бу мақом солиқнинг сидқига долдур ва ихлосига гувоҳи ҳол... шавқи ғоятсиз эрканига гувоҳи содиқ ва муҳаббати ниҳоятсиз эрканига далили мувофиқ”.

Ҳаққа садоқат ва фидойилик – халққа ва Ватанга садоқату фидойилик демакдир. Эзгу амаллар, ҳамида хулқ-атвор

соҳиби бўлган дарвеш элга фойда етказишни муқаддас бурч деб билади. Одамларнинг мушқулини осон қилиш, адашганларга тўғри йўл кўрсатиш, йиқилганларни суяш, умидсизларга умид бағишlash, ғарибларга кўмак бериш, айрилиқ азобида қийналаётганларнинг дардига даво излаш дарвешнинг доимий аъмоли – кундалик иш ва эътиқодига айлана боради.

Улуғ шоир яна ёзади:

*Туз йўл ила қотиш води – алар.
Ким итуруб йўлини ҳоди – алар.
Улки қолиб зулмати ҳижрон аро,
Ё озиқиб водийи хирмон аро.
Хизрдек ул қавм тутуб элга қўл,
Кўргузувон манзили мақсадга йўл.*

Дарвеш – олижаноб инсоний фазилатлар хазинаси. У ўзини эмас, Ҳақни, Ҳақиқатни, Халқни севади. Улуғу кичик хизматига ҳозир туради. Унинг хизмати – беминнат, бетакаллуф. Алишер Навоий буни муболага, истиора, ташбеҳ санъатлари воситасида ўта ихчам ва ёрқин суратда акс эттирган. Мумтоз шоиримиз тасвирича, қуёш ва ой бамисоли дарвешнинг ҳиммат гулшанидаги икки япроқдир:

*Меҳр била бадр – менозил навард,
Лутфлари гулшанида икки вард.*

“Маҳбуб ул-қулуб” да маломатийлик маслагининг моҳияти хусусида ҳам муҳим мулоҳазалар баён қилинган. Дарвешнинг ботини унинг зоҳири билан мувофиқлигини таъкидлаган шоир фикрини давом эттирар экан, “Агар зоҳирида ботин ихфоси учун кўрунса ғашлик, андин муроде бўлса маломаткашлик” деб ёзади.

Маломатий дарвеш ботинидаги гўзал сифатларни элдан яшириш учун зоҳирани ўзини бало ўқларига нишон қилади.

Маънавий олами беғубор, қалби эзгуликка лиммо-лим бўлган дарвешнинг маломат уйғотувчи ташқи қиёфаси аслида ҳикматли. Унинг айрича кўринган ҳаракатлари за-

мирида ҳам ҳақни ботилдан, ҳолисни риёдан, яхшини ёмондан ажрата олмайдиган, жаҳолат исканжасида қолган ожиз ва нотавон бандалар учун улкан ибрат яширин. Шунинг учун “ботини софий” дарвешнинг “зоҳир тийралиги – кони манофий”дир. Алишер Навоий айни моҳиятни ушбу жумлаларда ҳаётӣ қиёслар ёрдамида янада аниқроқ баён этади: “Дарвеш тўни йиртуқ, андоқ турурким, ганжи макони бузуқ. Сафо аҳли жаҳонда андоқ турурким, Фаридун ганжи вайронда”.

“Сурати дарвешваш ва маъниси ғаш”, “таши хушнамо ва ичи нохуш” риёкор шайхни олтин қоплаган мисга ўхшатган муаллиф ичи хуш, таши нохуш маломатқаш дарвеш билан хароба остидаги хазина ўртасида монандлик бор, дейди.

Маломатий дарвеш ўзидаги маърифатни, фазилат ва гўзал ахлоқни халқдан пинҳон сақлайди. Элнинг эъзозига, ҳурматиға, мақтовига эътибор бермайди. У улуғлик, халққа ёқмоқ, халқ эътиборида бўлмоқ даъвосидан йироқ туради. Чунки, Навоий талқинича, “қабули халқ учун тоатни ортуқ илтизом” айлаш дарвешни “ҳақ дарғоҳидан мардуд этар”. Маломатий мен “ожиз”, “гуноҳкор”, “бандаларнинг энг заифи”, “фақирларнинг энг фақири”, “Оллоҳнинг раҳматиға энг муҳтож қул”, “пургуноҳ”, “осий”, “мискин”, “пурхато”, “пурисён”, дея кечаю кундуз тавба-тазарру ва эзгу амаллар билан банд бўлади (*Маҳмуд Асъад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. Т., “Истиқлол”, 2000, 67-бет*). Ҳавоӣ нафсга хилоф бундай амалнинг илдизи тавозу ва камтаринлик чашмасидан сув ичади.

Зоҳири дарвешваш, аммо маъниси ғаш сурат аҳли эса ўзини барчадан яхши, илмин ҳаммадан баланд гумон қилади. “Либоси суфиёна ва сийратларини макр ва тазвир бирла ораста айлаб, сажжодада ўлтириб, бошини тубан солиб, чандон васваса ва фикри фосидлар қилурлар ва ўзини аҳлуллоҳдан (Оллоҳдўстлари) тутарлар. Бас, бу тоифанинг аҳволи ул пиразан (кампир) ҳолиға ўхшарки, баҳодирлар силоҳини (зирҳли либосини) кийгай, яроғ-аслаҳаларини осгай, баҳодирлик лофини ургай. Бовужуди, баҳодирлик, муборизлик тариқидан беҳабар бўлгай. Бас, бу пиразан ҳолидан подшоҳ воқиф бўлса, ани сангсор қилмоқ ва фил оёғи остиға ташламоқдан ўзга иш бўлмас” (*Ғаззолий. Кимйеи саодат. “Мулоқот”, 1999, 5-сон, 52-бет*). Ғаззолийнинг айни талқинлари Алишер Навоийнинг риёкор шайхлар ҳамда сурат аҳли ҳақидаги қарашлари билан уйғундир. Улуғ шоир фикрича, чин дарвеш, ҳақиқий суфий “илоҳға мушарраф бўлган дилининг аломат”ларини пинҳон тутари. Эл кўзига ўзидаги руҳий камолотнинг хилофи, тескариси ўлароқ намоён бўлади. У бу ҳақда шундай ёзади: “Маъни аҳли ҳақиқати махфий ва сурат аҳлининг ҳақиқий даъви ва даъвийи ҳақиқатда бемаъни. Эранлар ҳоллари суратин ёшурубтурлар ва маломат суратида наъли бозгуна урубтурлар ва зоҳирлари биносин бузубтурлар ва ботинлари асосин тузубтурлар”.

Алишер Навоий ҳар бир инсоннинг ўз шахсига маломат назари билан қарашини ёқлаган. Чунки, унингча, бундай қарашнинг ортида буюк бир истиқбол, покиза ҳаёт ва руҳий ойдинлик туради.

Михли САФАРОВ

O'N MING AVLOD MUALLIMI

Кунфутсийни “Конфуций” деймиз. Чунки бу алломани Европада шундай аташди. Холбуки, уни Хитойда ҳозирги кунда “Кун-цзи” (яъни “Устоз Кун”) дейишади. У ҳаётлигида ҳам, кейинги асрларда ҳам янада улуғланиб, “Кун-фу-цзи” (яъни “Муҳтарам устоз Кун”) деб тилга олинган. Манбаларда қайд этилишича, XVII асрда Хитойга Исо Масиҳ ақидаларини ёйиш учун келган иезуит-миссионерлар Кун-фу-цзи таълимотини бирмунча ўрганиб қайтади. Давлатнинг ахлоқий негизларда қатъий марказлашуви, кичиклар – катталарга, болалар – оталарга сўзсиз итоат этиши лозимлиги ҳақидаги панд-ўғитлар иезуит исавийларга ғоят маъқул келади. Улар бу ўғитларни Европада тарғиб этади ва шу жараёнда Кун-фу-цзи европача талаффузда “Конфуций” деб аталади. Шарқ мусулмон дунёсида Кун-фу-цзи “Кунфутсий” деб аталган. Бу ифода шакли хитойча талаффузга анча яқин ва донишмандга бобокалонидан мерос қолган “Кун” сулолавий номи ҳам “Кунфутсий” сўзида айнан сақланган. Шу боисдан биз ҳам ушбу мақолада хитойликлар “ўн минг авлод муаллими” деб эъзозлайдиган бу файласуфни “Кунфутсий” деб тилга олмақдамиз.

Немис файласуфи Карл Ясперс (1883-1969) “Тарихнинг маъноси ва бурчи” асарида милoddан олдинги 800-200 йилларни инсоният тамаддуни тарихидаги “ўзак давр” деб

таърифлайди. Бунинг сабаби, шу асрларда Ер юзининг турли минтақаларида, бир вақтнинг ўзида ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда, инсониятнинг руҳий-маънавий ривожланишида улкан қадмлар қўйилган, борлиқ ва инсонга янгича ёндашувлар вужудга келган. Ҳиндистонда Будда Шакия Муни; Фаластинда Исоёя, Аввакум, Даниил; Марказий Осиёда Заратуштра; Юнонистонда Гераклит, Сукрот, Афлотун, Архимед, Пифагор, Ксенофонт каби буюк алломалар яшаган ва бемисл дадил илмий, диний, фалсафий фаолият юритган. Айнан шу даврда инсон зоти шахс сифатида ўз қадр-қимматини яққол ҳис этди. Айни чоқда бу шахс ўзини инсониятнинг таркибий, аммо бетакрор бир бўлаги эканини ҳам англади. Уша даврда вужудга келган асосий тушунчалар, ғоялар, қарашлар инсониятнинг кейинги ривожланиш йўлида асос, пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарихнинг ана шу бурилиш даврида Хитойда ҳам инсон тафаккури ажойиб самара берди. Милoddан аввалги III асрда бу ерда компас яратилди, 800 та юлдузнинг Самода жойлашган ўрнини аниқ ифода эт-

ган қадимги астрономик жадвал тузилди. Мураккаб математик ҳисоб-китоблар илми пайдо бўлди. Айни чоқда, Хитой фалсафий тафаккурига асос солган Лао Цзи ва Кунфутсий каби буюк мутафаккирлар дунёга келди. Улар деярли бир вақтда, яъни миллодгача бўлган VI-V асрларда яшаган. Лао Цзи ҳаёти ва шахсияти тўғрисида, айрим ривоятларни ҳисобга олмаганда, аниқ маълумотлар йўқ. Гарчи у даосизм фалсафий таълимотининг асосчиси деб таърифланса-да, тарихда бўлган-бўлмагани баъзан шубҳа остига олинади. Лекин Лао Цзи ҳақиқатан ҳам яшаб ўтгани, ҳатто Кунфутсий у билан учрашгани, ўрталарида баҳс-мунозара бўлгани хусусида "Лун Юй" китобида ёзилган.

Кунфутсий ҳақида эса маълумотлар таллайгина. Унинг ҳаётига оид кўплаб тафсилотлар (масалан, у йирик туғилгани, бошида туғма ўсимтаси бўлган бу чақалоққа "Цю" ("тепалик") деб исм қўйишгани, улғайганда ҳам у жуссадор, баҳайбат одам бўлгани, қаншари пастигли, шалпанқулоқ экани, кўзи бамисоли бақаникидек косасидан чиқиб туриши; халқ урф-одатлари ва мусиқасини чуқур ўзлаштиргани, Хитой халқининг қадимги китоблариغا улкан меҳр ва эҳтиром билан қарагани, бу китобларни ўз таълимоти асосларига мослаштириб, изоҳлар ёзиб, қайта кўчиртиргани, ўз фалсафий қарашларини шакллантиришда ана шу китобларга ва халқ урф-одатларига таянгани ва бошқалар) шоғирдлари томонидан тайёрланган "Лун Юй" ("Сухбатлар ва мулоҳазалар") китоби ҳамда қадимги Хитой муаррихи Сима Цяннинг қомусий тарихномасидаги "Кунфутсийнинг кўхна шажараси" номли бўлимда атрофлича баён этилган.

Лао Цзи – тунд мутафаккир. У ўзини қуршаган ижтимоий ҳаётдан кишини хушнуд этадиган ёруғлик топа олмай, нигоҳини кўкка қаратади: борлиқ, дунёнинг келиб чиқиши ва илоҳий ибтидо билан боғлиқ масалалар устида фикр юритади.

Лао Цзига нисбат бериладиган "Дао дэ цзин" ("Эзгулик йўли, куч ёки ҳаракат") китобида борлиқ муҳит ва ижтимоий ҳаёт устидан шафқатсиз ҳукм ўқилади. Унда баён этилишича, ҳаёт кўрқинчли, ваҳшатлидир. Тирик борлиқ инсонга доимо душман кўзи билан қарайди. Масалан, борлиқда сувдан юмшоқ модда йўқ, аммо у мустаҳкам ва куч-

ли нарсаларга ҳужум қилади, ҳеч қандай куч уни тўхтата олмайди...

Лао Цзи дунёнинг ибтидоси, асосларини топишга бел боғлайди. Унинг тасаввурида, тирик борлиқнинг асосида, уни ҳаракатлантирувчи куч сифатида Дао (йўл, қисмат) туради, у кўзга кўринмас, инсон ақл-идроки англаб ета олмайдиган моҳият, куч-қудрат, бутун борлиқнинг замирида мавжуд табиий қонуниятдир, шу қонуниятга борлиқ табиат бўйсунди, табиийки, ҳар бир алоҳида мавжудот ва одамлар ҳам унинг иродаси билан тирик, яшайди, ҳаракатланади. Кимки бу қонунни (Дао) бузса, унга шак келтирса, ўлимга маҳкум. Модомики, бу қонуниятни тушуниб бўлмас экан, уни тузатиш, ўзгартиришнинг ҳам имкони йўқ. Хўш, инсоннинг ихтиёрида нима қолади? Шақшубҳасиз, Дао измига бўйсуниб, борлиқ буюрган қисматга шак келтирмаслик, уни борича қабул қилиш ва соме яшаш.

Лао Цзи шу асосда инсонни таркидунёчиликка, фаолиятсизликка даъват этади. Унинг бу сўнги хулосасини академик Н.Конрад "Ғарб ва Шарқ" китобида бундай изоҳлайди: "Фаолиятсизлик, аслида, "фаолиятсизлик" эмас, аксинча, фаолиятсизликдаги фаолиятдир". Бошқача айтганда, инсон табиий борлиқнинг ҳаракатига аралашмаслиги лозим. Борлиқдаги барча нарса ўз тартиб-қондасига кўра, бедахл яшashi керак. Инсон иродасининг таъсири борлиқдаги объектив ҳаёт тарзини бузади, чунки инсоннинг ўзи комилликдан йироқ, у турли эҳтиросларга берилувчан. Шундай экан, инсон борлиқ ҳаётига аралашгач, ўзига ва атроф оламга зиён етказиши тайин. Фаолиятсизлик тамойилига шох ҳам, оддий одам ҳам қатъий амал қилиши зарур. Ҳукмдор "элнинг билимсиз яшашини таъминлаши, ниманидир билган одамнинг эса борлиқ ҳаётига аралашувининг олдини олиши шарт. У (подшо) фаолиятсизликни таъминлаш орқали фаолиятда бўлсин – борлиқни бошқарсин".

Умуман, Хитойнинг қадимий китобларида, жумладан, "Дао..."да бундай жумбоқнамо, киши



ақлини шоширадиган фавқулдда хулосалар оз эмас. Масалан, “Сукунат – шовқин хукмдори”, “Бахтиёрлик – бахтнинг таянчи”, “Одамлар ортингдан эргашишларини истасанг, уларнинг ортидан юр”, “Зил-замбиллик – энгиллик асоси”... Бир қарашда мужмал, аммо замирида теран ҳақиқатларни мужассам этган бундай иборалар воситасида донишмандлар инсон ақл-идрокини синовдан ўтказишади. “Фаолиятсизлик – энг олий фаолиятдир” ибораси ҳам шулар қаторида туради.

Бироқ, олам ва одам ҳаётига аралашмасликни тарғиб этувчи фаолиятсизлик фалсафаси табиатан изланувчан, фаол руҳли одамзот онгини қониқтирмаслиги табиий. Боз устига, Дао таълимоти яратилган даврда инсон аллақачон ўз тақдирига ва атроф-борлиққа онгли ёндашув, уни ўзгартириш малакасига эришган эди.

Донишмандлар орасида Кунфутсий биринчилардан бўлиб фаолиятсизлик таълимотини рад этди. Тўғри, у Лао Цзининг Дао тўғрисидаги таълимотини тан олди. Аммо аини чоқда Даони осмондан ерга туширди. “Дунё, борлиқ номукамал, – дейди Кунфутсий, – аммо уни яхшиласа бўлади. Бунинг учун эса фаолиятсизлик, таркидунёчилик, атрофга лоқайд, бепарво қарашга ружу қўйиш эмас, аксинча, фаоллик, ҳаракат, интилиш зарур. Инсоният ўз тақдирини ўзгартириш йўлларини излаши керак”. Мана, Кунфутсий таълимотининг бош мақсади, етакчи мазмун-моҳияти нимада! У Лао Цзининг фаолиятсизлик тўғрисидаги шioriга қизғин фаолият, тараққиётга интилиш гоёсини қарши қўйди. Шу мақсадда у Хитой халқининг “Ши цзин” (“Кўшиқлар китоби”), “Шу цзин” (“Ривоятлар китоби”), “Ли цзин” (“Урф-одатлар китоби”), “И цзин” (“Фолбинлик китоби”) ёки “Ўзгаришлар китоби” каби қадимги манбаларини ўз фалсафий таълимоти, дунёқараши тамойилларига мослаштириб, уларга батафсил шарҳлар ёзиб, қайта кўчиртирди. Кунфутсий бу асарларда баён этилган гоёларни янада бойитди ва булар хитойликларнинг табаррук китобларига айланди. Кунфутсийнинг Хитой фалсафий тафаккуридаги ўрнини дунё олимлари донишманд Суқротнинг Юнонистон фалсафаси тарихидаги ўрнига қиёслашади. Бу муқоясада муҳим жиҳат шундаки, Кунфутсий ҳам Суқрот каби, фалсафада коинот,

борлиқ, табиат ёки илоҳиёт масалаларидан кўра, диққат-эътиборини кўпроқ замин ташвишларига, ердаги ҳаёт ва инсонга қаратди. Кунфутсийни жамият, давлат бошқаруви масалалари, ахлоқий-маънавий муаммолар ташвишга солади. Қолаверса, бу икки донишманд ҳаётида яна бир жузъий ўхшашлик бор. Улар ўз қўллари билан китоб ёзиб қолдирмаган, инсоният уларнинг гоё ва қарашларини шогирдлари яратган асарлар орқали билади.

Масалан, Суқрот таълимоти унинг шогирдлари – Ксенофонт ва Афлотун асарларида баён этилган. Кунфутсий таълимоти ҳам устоз ва шогирдлар мулоқоти тарзида “Лун юй” (“Сухбатлар ва мулоҳазалар”) китобида ўз аксини топган. Ушбу китобда Кунфутсийнинг 22 нафар шогирди номи ва мулоҳазалари устоз ўғитлари билан ёнма-ён, сухбат шаклида берилган. Аслида, Кунфутсийнинг 3000 дан зиёд шогирди бўлгани, шулардан 72 нафари мутафаккирнинг энг садоқатли ва салоҳиятли шогирди ҳисоблангани муаррих Сима Цян рисоласида қайд этилган. Уларнинг орасидан йирик давлат арбоблари, Кунфутсий таълимотининг забардаст тарғиботчилари етишиб чиққан. “Лун юй”дан Кунфутсийнинг турли масалаларга доир қарашларини ўзида акс эттирган кўпгина ҳикматли иборалар ўрин олган. Гоҳида битта масалага турлича жавоблар ҳам кўзга ташланади, улар бир-бирини инкор этмайди, балки масала моҳиятини бошқа жиҳатдан янада теранроқ очади. Мана шунинг ўзи Кунфутсий фикри доимо ҳаракатда, доимо фаол, доимо юксакликка интилувчан кучга эга эканини исбот этади. “Лун юй” китоби Хитойда катта шухрат топди, ундаги матнларни ҳар бир хитойлик зиёли ёддан билади. Ушбу асар хитой миллий руҳиятини тарбиялашда улкан аҳамият касб этиб келмоқда.

Кунфутсий таълимотида абадий долзарб масала – шахснинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги марказий ўрин тутаети. Ахлоқий етуклик ҳар бир юртда ҳам шох, ҳам фуқаро учун зарур. Аиниқса, ҳукмдор ўз ахлоқи билан одамларга ибрат бўлиши лозим. Адолатли шох – Кунфутсий таълимотининг бош гоёларидан биридир. Ана шу гоёси учун марксча-ленинча фалсафа намояндалари Кунфутсийни реакционликда айблаб келган. Ҳолбуки, бу гоё Шарқ фалсафаси ва

бадий адабиётида салмоқли ўрин тутади. Масалан, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодида халқларвар, юрт-парвар, ориятли шоҳ образи идеаллаштирилган. Инсоф юзасидан айтганда, бундай образлар Шарқ фалсафаси, адабиёти ва санъатининг эскирганидан, чекланганидан эмас, балки уларнинг инсонпарварлигидан далолат беради.

Кунфутсий ўз даврининг фарзанди эди. Дeyлик, у ҳам осмон ва руҳлар масаласида мавжуд аъёнлар таъсирида бўлган. Осмон (Ян) – олий қудрат. Осмон ердаги ҳаётнинг адолатли кечишини, одамларга хос ижтимоий тенгсизлиқни назорат қилиб туради. Кунфутсий таълимоти Осмон иродасини ифода этади. Шу жиҳатига кўра, унинг таълимотини айрим тарихчи ва файласуфлар Будда ва Заратуштра ўғитлари қаторига қўяди. У 50 ёшга етганида ўз руҳиятида Осмон иродасини ҳис қилганини эътироф этади ва шу ёшдан бу ирода тарғиботи билан шугуллана бошлайди. Бироқ Кунфутсий таълимотидаги Осмон ва унинг иродаси қадимги китоб – “Ши цзин”дагидек (“Кўшиқлар китоби”) мавҳум эмас. Кунфутсий Осмони – тақдир, қисмат, Дао. У аждодлар руҳини эъзозлайди, айни чоқда одамларга ўзини руҳлардан узокроқ тутишни маслаҳат беради. Тириклар ҳаётининг бебаҳолигини қайта-қайта таъкидлайди. Руҳ ва инсоннинг “нариги дунёдаги ҳаёти” масалаларига Кунфутсий жиддий киришмаган. “Биз ҳаёт ўзи нелигини яхши билмаймиз-у, ўлим, руҳият нималигини қайдан билайлик?” деган у шоғирдларига. Шунга қарамай, Осмон ва унинг иродасига эътиромни чексиз бўлган. У Осмон ва Ердаги ҳаёт, Осмон иродаси ва Инсон тақдири ўртасида кўзга кўринмас алоқа, Дао борлигини таълимотида акс эттирган. Шунинг учун ҳам оддий одамлар ва амалдорларнинг салтанат соҳибига (“Осмон фарзанди”га) руҳан итоаткор бўлиши Кунфутсий таълимотининг бош ғояларидан бири бўлиб қолди. Бу ғоя оламда мувозанат, уйғунлик сақланиши илоҳий зарурат, деган таразда талқин этилади. Айнан шундай тасаввурга кўра, Кунфутсий бир-биридан узок “ҳокимият” ва “адолат” тушунчаларини ичдан узвий боғлайди ва бунда “Осмон иродаси”ни кўради.

Кунфутсий шу таразда Лао Цзининг таълимотини инсон манфаатиغا яқинлаштирди.

У яратган ахлоқий қонунлар мажмуаси одамларнинг давлат ва оила билан ўзаро муносабатларига асос бўлиб хизмат қилди. Кунфутсий ўғитлари Хитойда деярли диний эътиқодга айланди. Уларга “Осмон ости” мамлакатадидаги давлат бошқаруви тизими намояндалари ва бутун халқ алоҳида эътиқод билан қулоқ тутади ҳамда бу таълимотни “Ҳаёт китоби” деб ҳисоблайди.

Маълумки, оила – давлат ва жамиятнинг пойдевори. Шунинг учун Кунфутсий оила муҳитига алоҳида эътибор қаратган. Оилада ўзаро меҳр-муҳаббат бўлса, кичиклар катталарга ҳурмат-эътиром кўрсатса, уларга бўйсунса, оила бошлигининг айтгани қонун бўлади. Оила аъзолари муштарак мақсад сари интилса, бундай оилада фаровонлик бўлади. Давлат, жамият ҳам худди шундай эзгу асосларга таянса, барқарор яшайди. Давлатда ҳам кичиклар катталарга бўйсунмоғи лозим. Бироқ оиладаги қариндошчиликдан фарқли ўларок, давлат шароитида катта ва кичиклар муносабати фуқароларнинг ижтимоий ўрни ва мавқеига қараб белгиланади. Кунфутсийнинг давлатчилик концепцияси эҳромни эслатади. Бу эҳромнинг чўққиси – Осмон ўғли (хукмдор), ўрта қисми – зодагон, амалдор тоифасига мансуб кишилар, эҳром асосида эса халқ туради. Хукмдор Осмон иродасини бажаради. Бунинг учун эса у Осмон ўғлига хос хусусиятларга эга бўлмоғи керак. Кунфутсий бундай давлатчилик муносабатида ўрта тоифага алоҳида эътибор қаратади. Бу тоифа намояндалари “Цзюнцзи”, яъни “олижаноб эрлар” мақомида бўлиши лозим. Улар бешта фазилатни ўз шахсиятида мужассам этмоғи: яъни “бурч-адолат”ни теран ҳис қилиши; “жэн” – инсонпарвар бўлиши; довураклик ва жасурилик фазилатини эгаллаши; халқ урф-одатлари ва аъёнларига илчил амал қилиши; ниҳоят, билимдон бўлиши шарт.

“Бурч” (“И”) – каттанинг кичикка иззати ва кичикнинг каттага ҳурматирид. Булар – эрхотин, ота-бола, ака-ука, хўжайин ва хизматкор муносабатларирид. Хитойда “И” “ўзаро муносабатлар тартиби” деган маънони англатади. Кунфутсий таълимотида бу сўз ҳар бир фуқаронинг бурчи маъносига қўлланади. Яъни, ҳар бир кишининг бурчи давлат ва жамият равнақиға ҳисса қўшишдан иборат бўлиб, бу – айнан “адолат”нинг ўзидир.

“Жэн” – давлат, жамият миқёсида татбиқ этилган оила, қариндошлик туйғуси бўлиб, у фуқароларнинг давлатга, жамиятга, ватандошлари ва аждодларига астойдил меҳр ва эътиқод билан муносабатда бўлишидек юксак инсонийликни ўзида ифода этади.

“Довюррақлик, жасурлик” – қадимги уруғчилик даврларидан қолган ахлоқий-маънавий анъана бўлиб, инсоннинг ўз уруғи ва оиласи ор-номуси йўлидаги фидойилигидир. Кунфутсий фуқаро айнан шу хусусият-ни Ватан ва халқи равнақи, кадр-қиммати ва дахлсизлиги йўлида намоён этиши зарурлигини кўзда тутди. Бунинг учун фуқаро жонини тикшишга ҳам тайёр туриши зарур.

“Урф-одат” шуки, давлатда ҳукмдор – ўзини ҳукмдор деб, амалдор – ўзини амалдор деб билиши, ота – ота бўлиши, ўғил – ўғиллигини қилиши керак. Бу тоифа намояндалари, нимадир сабаб бўлиб, ўз ижтимоий ҳолатидан чекинса, албатта, яна шу ҳолатига қайтиши зарур. Буни урф-одат тақозо этади. Кунфутсийнинг ўзи бу урф-одатларга умр бўйи қатъий амал қилган. Масалан, у уйи тўридан меҳмон учун ажратилган жойга бирон марта ўтиб ўтирмаган. Чунки бу – меҳмоннинг жойи. Ёки у инсоннинг инсонга таъзимкорлигини инкор этган. Инсон фақат Осмон иродаси олдида таъзим қилиши мумкин. Шу боис Лу подшоси унга от қўшилган ҳашамдор фойтун ҳадя этганида, бундан беҳад қувонса-да, подшога таъзим бажо қилмаган. Подшо ҳам уни тўғри тушунган.

Урф-одат ижтимоий ҳаётда, диний ёки оилавий маросимларда муайян тартиб-қоидадан қай тарзда бажарилишини ҳам маълум бир меъёрга солади. Кунфутсий таълимотида урф-одат ижроси марказий масалалардан биридир. Улар ижтимоий муносабатларни тартибга келтиради ва шу йўсинда жамият ҳаётидаги уйғунликни таъминлайди.

Европалик олимлар урф-одатларни бундай миридан-сиригача қонунлаштириш инсон эркини чеклайди, деб Кунфутсийга эътироз билдиради. Жумладан, академик А.Чанишев хитойликларнинг ота вафот этгач, фарзанд уй қиёфасини уч йилгача ўзгартирмаслиги билан боғлиқ урф-одатини “қийин ва беҳуда иш” деб ҳисоблайди (“Курс лекции по древний философии”, стр. 35).

Аммо хитойликлар бу удумга оғишмай амал қилиб келади, чунки унинг замирида ота хотирасига чуқур ҳурмат мужассам. Шақланган ахлоқий-этнографик урф-одатлар халқни – халқ, миллатни – миллат сифатида сақлаб қолади. Албатта, замон, тараққиёт айрим урф-одатларни вақти келиб рад этиши мумкин. Лекин халқнинг маънавий бутунлиги, ахлоқий баркамоллигини таъминлашга хизмат қиладиган урф-одатлар унутилмаслиги лозим. Урф-одатдан тониш – миллатдан, она халқдан тонишдек гап. Кунфутсий урф-одатларнинг ана шундай аҳамиятини ўз таълимотида эъзозлайди.

“Билим” деганда Кунфутсий урф-одатларни билишни кўзда тутди. “Лун юй”да Кунфутсий орзу қилган “олижаноб инсон” қиёфаси гавдалантирилган: у – эҳтиромли ўғил, меҳрибон оға, халққа фидойи; ўзига раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмайди; хизмат бурчига содиқ, ҳалол ва самимий; шон-шухрат деб ўзини ўтгачўққа урмайди; урф-одат ва анъаналарга қатъий амал қилади; Осмон иродаси ва донишмандлар олдида итоатгўй; олижаноб фазилатлар соҳиби бўлишга интилади; манфаатини ўйлаб худбинлик қилмайди. Тўғри, у номи хотираларда яшаб қолишини истайди, аммо фақат қилган згуғликларни эвасига; кўрсликдан, шошқалоқликдан ўзини тияди; ҳимматли, аммо исрофгарчиликка йўл қўймайди; ростгўй, аммо ўзгалар қадрини оёқ ости қилмайди... Бундай хусусиятлар, Кунфутсий назарида, инсонни комиллик даражасига кўтаради. Бундай эр йигитлар кўпайса, давлат ва жамият равнақ топади.

“Лун юй”да “олижаноб инсон”га (“цзюнцизи”) “ярамас кимса” (“сяо жэн”) қарши қўйилади. Бундай кимса тубан иллатлари билан ажралиб туради: чунончи, у доимо ўз фойдасини кўзлаб яшайди; “бурч” нималигини билмагани боис ахлоқ чегараларини бузади; “Осмон ирода”сини англаб етмайди, “катталар”га беандиша муносабатда бўлади, донишлар каломига беписанд қарайди; ўзи ва ўзгалар қадрини билмайди, мурувват нелигини ўйлаб кўрмаган бўлса-да, доим ўзгалардан мурувват талаб қилади; гоҳида “олижаноб инсон”нинг ҳам “жэн” (“инсон-парварлик”) ҳисси сустроқ туюлиши мумкин, аммо “ярамас кимса” умр бўйи “жэн” бўлолмайди...

Кунфутсий таълимотида халқни бошқаришда зўравонлик ҳеч қачон ўзини оқламаслиги, аксинча, одамларда ибрат ва ишонч уйғота олишнинг аҳамияти катта экани устувор ғоялардан биридир. Кунфутсий шогирдларининг "Ахлоқсиз одамни қатл этиш бошқаларни ахлоқий тамойилларга қайтариши мумкинми?" деган саволига "Давлатни бошқара туриб, нега одамларни қатл этиш керак? Агар ҳукмдор инсонийликка интилса, халқ ҳам яхшиликка юз бурадику!" деб жавоб беради. Кунфутсий ва унинг издошлари ана шундай тараққийпарвар қарашлари билан Хитойдаги "Фа-цзя" ("Қонунчилар") фалсафий мактаби вакилларида кескин фарқ қилади. Хитойдаги "Қонунчи" файласуфлар ва кейинчалик Европадаги "Легистлар" ("Қонунчилар") Кунфутсийнинг ўзаро ҳурмат-эҳтиром ва меҳр-оқибатга асосланган давлат ҳамда жамият бошқаруви концепциясини инкор этиб, инсонни доимо кўрқув ва талвасада ушлаб турадиган, майда қонунбузарлик учун ҳам уни аямай жазолайдиган бешафқат давлат ва жамият бошқарувини тарғиб этган.

Кунфутсий 50 ёшга тўлганида давлат ва жамият бошқарувиغا доир таълимотини амалда синаб кўриш имконига эга бўлди. Лу подшоши Чжунду деган худуд бошқарувини унга топширди. Кунфутсий бир йилдаёқ ушбу худуддаги ижтимоий ҳаётни тартибга келтирди. Айнан шу хизматлари учун унга дасоу – "юқори мартабали амалдор" унвони берилди. Шундан кейин у подшонинг амалда энг яқин кишисига айлиниб, барча ҳуқуқий ва сиёсий жиноятларни текшириб, адолат қиладиган шахс бўлиб қолди. Милоддан олдинги 499 йил Лу ва Ци подшоликлари ўртасида аҳдлашув бўлиб ўтди. Бу маросимни Кунфутсий ташкил этди. Унинг оқилона маслаҳатига кўра, Ци подшоши Лу подшолигидан тортиб олинган ерни қайтариб берди. Кунфутсийнинг нодир сиёсий ва дипломатик қобилиятига тан берган Лу подшоши уни ўзига бош маслаҳатчи этиб тайинлади. Бироқ файласуф давлат бошқарувини ўз ҳолига ташлаб қўйиб, ишратпарастликка муккасидан кетган Лу ҳукмдоридан ҳафсаласи совиб, 60 ёшида лавозимини тарк этди. Ана шу воқеалар таъсирида Кунфутсий бундай деган: "Олтмиш ёшга етганимдагина мэн ҳақиқат ва ёлғонни ажрата билдим".

Умрининг сўнгги 13 йили мобайнида Кунфутсий шогирдлари билан Хитойдаги ўнлаб кичик шаҳар-давлат подшоликларни кезиб чиқди, бироқ бошқа ҳеч жойда бирон юқори лавозимга эга бўлмади. Саёҳат йилларида у таълимотини мукаммал концепция ҳолатига келтирди, лекин ҳеч бир подшолик унинг ғояларини амалда жорий этмади. У яна Лу подшолигига қайтиб келиб, мактабдорлик фаолиятини давом эттирди. Бироқ ҳаётининг сўнгги йиллари унинг бошига кетма-кет кулфат тушди. Аввалига ягона ўғли Бо Юй, ундан кейин севикли шогирди Ян Юан вафот этди. Изтиробга тушиб қолган файласуф шогирди Ци-Гунга "Ҳаммаси тугади! Бу дунёда мени ҳеч ким тушунмади. Улимидан кейин менинги йўлимни ким ҳам давом эттирарди?" дея ҳасрат қилади. Кунфутсий 73 ёшида вафот этди. Аммо у Бехуда шўбха-гумонларга берилган эди. Донишманд вафотидан 350 йил ўтгач, унинг таълимоти Хан салтанатининг бош мафкураси мақомига кўтарилди. Лекин бу жараён осон кечмади. Аввало, ушбу таълимот яхлит тизим ҳолатига келтирилиши лозим эди. Бу вазифа кейинги асрларда Кунфутсийнинг Мэн-ци ва Сюн-ци каби збарадаст ворислари томонидан муваффақиятли амалга оширилади.

Мэн-ци Кунфутсийдан анча кейин – тахминан милоддан олдинги 372-289 йилларда яшаган ва Кунфутсийнинг невараси қўлида таълим олган. Ундан мерос қолган "Мэн-ци" деган китоб ҳам Хитойда "Лун юй" китоби каби ардоқланади. Мутафаккир Кунфутсийнинг "Осмон иродаси", қисмат, тақдир тўғрисидаги қарашларини янада пухталади. Ундаги янгилик шунда кўринади: Мэн-ци Осмон иродаси – халқ иродасида намоён бўлади, дейди. Бу – Мэн-ци таълимотининг демократик моҳиятидан далолат беради. У борлиқни "ци" – ҳаёт қудрати, энергия манбаи ва бу куч-қудрат, энергия инсон иродаси ва ақл-идрокига бўйсунмади, деб билди. "Ирода – бирламчи, ци – иккиламчидир. Шундай экан, иродани оқилона тобланг ва ци дунёсини пароканда қилманг", дейди у.

Мэн-ци инсоннинг инсонийлигини туғма хусусият деб билди. У бошқа бир кунфутсийчи – Гао-цининг "Инсон табияти бами-соли шарқираб оқаётган дарё: (уни) Шарққа бурсанг – Шарқ томон оқади, Фарбга бурсанг – Фарбга йўл олади. Инсон табиятини яхши

ва ёмонга ажратиш мумкин эмас. У Ғарб ва Шарқнинг фарқига бормаиди, буриб қўйилган томонига қараб кетаверади” деган фикрига эътироз билдириб, “Дарё қаёққа қараб оқмасин, барибир, ер бағрига сингади ва самара беради”, дейди. Инсон ҳам худди шу сингари. Унинг фикрича, инсон фақат яхшиликка интилиб яшайди. Ҳамдардлик туйғуси инсоннинг бош ахлоқий хусусиятидир. Ҳамдардлик инсонпарварликни, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром, уят ва нафрат каби туйғуларни уйғотади. “Бамисоли сув тескари оқмаганидек, ёмонлик, худбинлик ҳам инсон табиатига ёт. Тўғри, инсон гоҳида ғазабга минади, нафратланади, аммо бу унинг табиий тийнатига хос эмас, балки шароит тақозосидир. Инсон қалбига адолат туйғусини намён этса, унинг бу хислати Осмонга хуш келади. Биров ақлини ишлатади, бошқалар – оёқ-қўлини. Хукмдор ақл-идрокини ишлатиб, халқни бошқаради. Бошқарилувчилар эса бошқарувчиларни таъминлайди. Бу – Осмон остидаги ҳаёт қонунидир”, дейди Мэн-цзи.

Сюн-цзининг диққат марказида ҳам, Кунфутсийда бўлганидек, жамият ва инсон масаласи туради. Аммо у Осмонни илоҳий сифатлардан холи кўради. Унинг фикри шундай: борлик, олам, табиат ўз қонуниятлари асосида яшайди. Бундай тушунишдан икки та хулоса чиқарилади: биринчидан, ҳеч бир нарса Осмонга ва руҳларга боғлиқ эмас. Аслида, борликда ҳамма ўзгаришлар жараёни муайян табиий қонунлар асосида рўй беради. Бу қонунларни билмайдиган инсон ҳамма ўзгаришларни Осмонга ва руҳлар қудратига боғлайверади. Иккинчи хулоса шуки, “Борликдаги ўзгаришлар – инсон фаолиятининг самарасидир”. Бу қараш кунфутсийликка янгилликдир. Сюн-цзи Мэн-цзининг “Инсон ўз табиатига кўра оққўнғил, олижанобдир; агар унда бирор ёмон иллат пайдо бўлса, бу – инсон ўз табиий хусусиятидан тониши натижасидир” деган фикрини нотўғри деб ҳисоблайди. Унингча, инсон туғма худбин бўлиб, манфаатдорлик ҳис-туйғуси билан ажралиб туради. Айна ана шу руҳий туғма иллатлар одамларнинг бир-бирига қарши чиқишига сабаб бўлади. “Агар инсон туғма оққўнғил, олижаноб бўлса, – дейди Сюн-цзи, – уларни тарбиялаш, урф-одатларни, тартиб-қоидаларни жорий этишга ҳамда қонун, бурч, давлат ҳокимиятига эътиёж қолмас эди. Борқ

булар мавжуд. Жамият одамларни ўзаро келишиб яшашга ундаб туради”.

Сюн-цзининг жамият ва инсонга нисбатан қарашлари ҳаёт билан теран боғланган, унинг ҳақиқатларига таянган ва фаол мазмун-моҳиятлидир. У қадимги Хитойда кенг тарқалган тақдирга қўлликни “Осмон иродаси” деб тушунишни рад этиб, “Осмонга хизмат қилиш ва уни мадҳ этиш ўрнига Осмон имкониятларини ўз манфаатларимизга хизмат қилдиришимиз яхши эмасми? Инсон ўз имкониятларини ишга солиб, борлиқни ўзгартиргани афзал-ку!” деган фикрларни илгари суради.

Бу файласуфнинг ўз номи билан аталган “Сюн-цзи” деган китоби бор. Китобнинг “Ўн икки мутафаккирга қарши” бобида у Кунфутсийдан бошқа файласуфларни одам онги ва қалбини чалғитувчилар, деб қоралайди.

Аммо Сюн-цзининг одамдаги ёмонлик, тубанлик ҳақидаги фикрларини кейинчалик “Фа-цзя” (“Қонунчилар”) фалсафа мактаби намояндалари ўзларига дастак қилиб олиб, давлат ва жамиятни қатъий, мурасиз қонунлар воситасида шафқатсизлик билан бошқариш керак, деган концепциясини мустаҳкамлайди. “Қонунчи”лар Сюн-цзи таълимотининг илғор, инсоний тамойилларини унутади.

Кунфутсий таълимоти тарихда оғир кунларни ҳам бошдан кечирган. Милоддан олдинги III асрда Хитойда Цин Шихуанди хукмронлигидаги йирик империя дунёга келди. У “Қонунчилар” фалсафа мактаби таълимотига асосланган давлат бошқарувини йўлга қўйди. Цин Шихуанди салтанатни марказий бошқарувга – император қош-қобоғига қаровчи амалдорлар тизимига бўйсундирди. Ер ислоҳоти ўтказилди, ёзув-имло, ҳарбий соҳа ислоҳ қилинди. Мамлакатда қатъий тартиб-интизом ўрнатилди, ҳамма қонун олдида тенг деб эълон қилинди. Аммо қонунлар беҳад шафқатсиз эди. Масалан, азбаройи муҳтожликдан бир ҳовуч дон ўғирлаган одам ҳам ўлимга ҳукм қилинарди. Ўта шафқатсизлиқина салтанатни мустаҳкамлайди, деган ғоя Цин бошқаруви тизими-га сингдирилган эди.

Кунфутсийчилар бундай ёвуз тартибга кескин норозилик билдирди. Уларнинг инсонпарварлиги, оддий халқ қисмати учун жонқуярлиги, бу борада қадимги китобларда-

ги панд-ўғитларга суяниши, эски манбалардаги инсонпарвар ғоялар, қарашларга асосланиб Цин Шихуанди шафқатсизликларини тўхтовсиз фош этиши сабабли 213 йили ҳукмдор Цин фақат ўз сулоласи тарихига оид манбалар ва ҳужжатларни сақлаб қолиб, бошқа барча қадимги китобларни ёқиб юбориш тўғрисида фармон чиқарди. Фармонга зид ўлароқ тақимланган Кунфутсий китоблари ва бошқа эски китобларни сақлаганлар қатагон қилиниб, Буюк Хитой девори қурилишидаги оғир меҳнатга сафарбар этилди. Кимки император сиёсатига шак келтирса, қатл қилинди. Унинг фармониغا биноан фақат пойтахтнинг ўзида яшаётган 460 нафар кунфутсийчи олим ва ушбу таълимотга эътиқод қўйганлар тириклай ерга кўмилди. Хитой девори қурилишидаги машаққатли меҳнатга ва таъқибларга дош беролмаган кўп кунфутсийчилар ўз жонига қасд қилди. Тартиб-қонун қанчалик шафқатсиз бўлмасин, Цин салтанати атиги 15 йил ҳукм сурди. Унинг ўлиmidан кейин мамлакатда умумхалқ исёни бошланиб кетди. Барча Цин амалдорлари ва “Қонунчи” файласуфлар халқ томонидан қатл этилди.

Милоддан аввалги 206 йил Хан сулоласи давлат бошқаруви тепасига келди ва бу ҳукмдор Кунфутсий таълимотини ўз бошқарувига асос қилиб белгилади. 174 йили императорнинг ўзи устоз Кун қабри устида қурбонлик маъракасини ўтказди. Шундан бошлаб Кунфутсий миллатнинг бош донишманди ва Осмон Элчиси деб расман эълон қилинди.

Ҳукмдор У-ди (милоддан олдинги 140-87 йилларда яшаган) кунфутсийчилики давлат мафқураси деб эълон қилди. Бу фармон деярли икки минг йил яшаб, 1911 йилгача ўз кучини сақлаб келди. Асрлар давомида Кунфутсий таълимоти бирмунча ўзгаришларни бошдан кечирди. Масалан, Осмон иродасига илоҳий тус берилди. Кунфутсий шахсияти ҳам илоҳийлаштирилди. Унинг қабри халқ зиёратгоҳига айланди. Файласуф хотирасига атаб ҳар йили қурбонликлар қилина бошлади.

Кунфутсийчилар ва “Фа-цзя”чилар кураши бизнинг замонида ҳам давом этди. Масалан,

Хитойда XX асрнинг 70-йилларида майдонга чиққан “маданий инқилобчи”лар тарихдаги шафқатсиз император Цин Шихуандини ўз сафдошлари рўйхатида эълон қилди ҳамда муҳолифларини кунфутсийчиларга менгади. 1973 йили “Жэнмин жибао” газетаси Цин Шихуандининг “Фэньшу кэнжу”, яъни “Китоблар – оловга, олимлар – ўрага” деган шioriни саҳифаларида бир неча бор такрорлади. Газетанинг ўша йиллардаги бош мақолаларидан бирида эса бундай сўзлар бор эди: “Партиямизнинг барча фронтларида буюк доҳиймиз ҳамда раисимиз Мао Цзе Дун раҳнамолигида, унинг даъвати билан Лин Бяо ва Кунфутсийни мурасиёсиз ва оммавий танқид этишга қаратилган сиёсий кураш кенг тус олмақда” (Федоренко Н. Древние памятники китайской литературы. Москва, 1978, стр. 30). Бу курашда Мао Цзе Дун Цин Шихуанди сафдошига айланди. Мао Цзе Дун “маданий инқилоб” бошланишидан анча илгари Цинни мадҳ этиб шеър ёзган эди. Гоҳида тарих ва замон ана шу тарзда учрашади. Бундай шароитда тарихнинг қанчалик долзарблиги кўзга ташланади. Кунфутсий таълимоти Хитой “маданий инқилоби”га қарши курашда ўзининг қудратини яна бир марта намоиш этди.

Инсонпарварлик бошқарувга пойдевор бўлса, давлат, шак-шубҳасиз, барқарор раванқ топади, деган кунфутсийчи ғоя узок тарих давомида ўз афзаллигини исбот этиб келмоқда.



Устод ҳузурда

Хушбоқ РАҲИМОВ



MASHRAFA JUMBOQLARI

"Машрафа" асли форс-тожикча сўз. Ўзбекчада май ва бошқа ичимликлар сақланадиган идиш деган маънони англатади. "Машрафа" атамаси остида эса биз Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида истиқомат қилувчи Абдурахмон Тўхтаев хонадониде сақланаётган ноёб буюмни назарда тутаётимиз. Бу идиш аслида ҳозир ҳам ичимлик қуйиладиган шиша идишнинг бир ўтмишдоши, улардан ҳажми катталиги билангина фарқланади. Унинг баландлиги 47 сантиметр, шундан 9 сантиметри бўйин қисмига тўғри келади. Машрафанинг бўйиндан паст қисми диаметри 41 сантиметрни ташкил этади. Албатта, яқкаш катта ҳажмнинг ўзи ноёблик учун васиқа бўла олмайди. Унга ноёблик бахш этган сабаб битта эмас, бир жуфт. Ушбу шаффоф идиш, аввало, ичига жойланган санъат асари туйфайли ноёбдир. Бир сўз билан айтилса, машрафа ичига бутун бир "гулзор" жойлаштирилган. "Гулзор" асосини ҳар тўрт оёғининг баландлиги 10 сантиметрдан бўлган ёғоч чорпоя ташкил этади. Чорпоядан эса юқорига қараб 37 сантиметр узунликдаги новда ўрлайди. Етти бўғиндан иборат бу новда қуйидан юқорига томон куртак, барг ва гуллар билан безанган. Ипак матою турфа мунчоқдан яратилган ушбу ҳайратомуз асар таърифига ҳали яна қайтамыз. Ҳозирча эса бизни бир савол ўйлантиради: "гулзор" машрафа ичига қандай қилиб жойланган экан? Чунки шиша идишнинг туби берк, бўйни эса тор... "Гулзор"-ни қу



юқоридан тушириш мумкиндир, аммо чорпоyani... – бунинг сира иложи йўқ! Биз мазкур жумбоқ юзасидан Тошкент давлат Кимё-технология институти профессорлари А.Исмамов ҳамда М.Ориповага мурожаат этдик. Бироқ машрафа сирини очиш учун уларга фотосуратнинг ўзи кифоя қилмади. Осори атиқани Тошкентга олиб келишга эса унинг соҳиби ижозат этмасди. Хуллас, шоҳи ва мунчоқлардан беҳад гўзал “гулзор” яратилишию унинг идиш ичига мўъжизавий тарзда жойлаштирилиши – машрафанинг ноёблигини таъминлаган дастлабки жумбоқ.

Кейинги сабаб эса ушбу буюмнинг ўзига хос тақдири билан алоқадор. Машрафага арабий имлода битилган мўъжаз ёрлиқ ёпиштирилган. Тошкент давлат Шарқшунослик институти профессори А.Қуронбеков илтимосимизга кўра уни ўқиб, ўзбекчага ўгириб берди. Ёрлиққа пушту тилида “Покистоннинг Пешавор шаҳри фуқароси Фақир Муҳаммад мазкур асарни ҳижрий 1322, милодий 1904 йили ижод қилган”, деб ёзилган экан. Хўш, Покистонда яратилган асар Туркистонга қандай келиб қолгану бугун нега Абдурахмон Тўхтаев хонадонидида сақланмоқда? Машрафага ноёблик бахш этган иккинчи жумбоқ – мана шу!

Абдурахмон Тўхтаевнинг маълумот беришича, унинг бобоси Абдуғафур 1885-87 йиллари Бухоронинг нодир меъморий обидаси – “Ситораи Моҳи Хоса” мажмуаси қурилишида мир, яъни устабоши бўлган. Уста Абдуғафур, шунингдек, қирқ нафар қурувчига бош бўлиб Русия империяси пойтахти Санкт-Петербургда ҳам етмиш кун тер тўккан. Бу ерда у Бухоро амири Саййид Олимхоннинг мактабдоши Николай Иккинчи билан учрашишга муяссар бўлган. Император эса покистонлик савдогарлар тухфа этган бир жуфт машрафани Саййид Олимхонга совға қилиб уста Абдуғафурдан бериб юборган. Устанинг набираси Абдурахмон қўлида сақланаётган машрафа – ана шу икки тухфадан бири. Русия ҳукмдори тортиқ этган машрафалардан бири уста Абдуғафур қўлида қандай қолиб кетгани эса, таассуфки, бизга қоронғу. Биз фақат бу осори атиқа уста ва унинг авлодлари фожиасига баб-баравар шерик бўлганини айта оламиз, холос.

1917 йилги октябрь тўнтаришидан кейин уста Абдуғафурнинг Бухоро амирлигида мир, яъни устабоши лавозимида бўлгани нафақат унинг ўзи, балки оиласи бошига ҳам катта кулфат келтирди. Оиладан Олимахон исмли қизгина бибиси кўмагида фамилиясини ўзгартириб, қатағондан омон қолди. Шу қиз кейинчалик вояга етиб, ғиждувонлик Тўхтабекка турмушга чиқди. Машрафанинг ҳозирги соҳиби Абдурахмон ана шу ота-она зурёдидир.

Николай Иккинчи тортиқ этган машрафа бугунги кунга қандай етиб келгани ажабтовур, албатта. Ахир, бу орада не-не алғов-далғов замонлар ўтмади, дейсиз! Собиқ шўро даврида, айниқса, XX асрнинг 30-йилларида тарихий ашёлар ҳам қаттиқ ғорат қилинди. Айниқса, китоблар тошга боғланиб қудуқларга чўктирилди, эски қабрларга элтиб яширинча кўмилди. Эски турмушга қарши беаёв кураш бошлаган тузум машрафада ҳам бир иллат топмасди, деб ким кафолат бера оларди! Хуллас, машрафа Тўхтабек ва Олимахонлар оиласида махфий сақлаб келинганини фаҳмлаш қийин эмас.



Машрафа баҳона ўйга толасиз. Наинки Бухорода, балки Ўзбекистонда машрафадек ноёб ашёлардан қанча-қанчаси одамлар қўлида сақлаб келинаётган экан?! Тарихий-маданий бойлигимизнинг бир қисми бўлган бу ашёлар элга маълум этилиши, тадқиқу тарғиб қилиниши лозим, албатта. Бироқ миллатимизнинг кекса авлоди сталинча қатағон сиёсатидан зада, хушёр ва хуркак бўлиб қолган. Шу боис аксарияти бу ҳақда сукут сақлашни маъқул кўради.


Шу ўринда яна бир савол туғилади. Машрафанинг жуфти Саййид Олимхонга топширилганми, агар топширилган бўлса, унинг тақдири қандай кечган? Бу савол ҳам бежавоб қолмас, фурсати етиб унинг-да дараги чиқар!

Диққат билан боқсангиз, машрафада диний ва дунёвий мазмун мужассам. Диний маънода у – жаннат тимсоли. Юнус сурасининг 25-оятисида “Оллоҳ тинчлик диёри – жаннатга даъват қилур”, дейилган. Фақир Муҳаммад ҳам машрафани диний маънода тинчлик диёри – жаннат рамзи ўлароқ яратган. Дунёвий маънода эса машрафа моддий олам рамзидир. Санъаткор бу ўринда пайғамбар алайҳиссаломнинг умматларга қарата “Икки олам саодатига муяссар бўлинг!” дея берган ўғитидан улги олган. Асл мусулмон боқий дунёдаги жаннатдан умидвор бўлиш баробарида фаний дунёдаги маконини ҳам меҳнати-ла жаннатмонанд этмоғи зарур.

Чорпоя узра юксалган новданинг етти бўғиндан иборатлиги ҳам тасодифий эмас. Ислом этиқодига кўра, Оллоҳ бутун борлиқ ва унинг сарвари бўлмиш одамзотни етти кунда яратгани, осмон ва ернинг етти қату етти табақа экани, олам етти иқлиму етти қитъага бўлиниши, фазода ер билан яқиндан алоқадаги етти сайёра собитлиги ва ҳатто модданинг сезгига тобе бўлган ва тобе бўлмаган етти ҳолатига ишора бор бунда. Етти рақами, таъбир жоиз бўлса, бутунлик, комиллик, етуклик рамзидир.

Фақир Муҳаммад яратган гулзордаги новда, куртак, барг, гуллар ҳам исломий рамзларга бой. Новда – бойлик, фаровонлик; куртак ва барг – моддий ва маънавий уйғониш, ўсиш, юксалиш; чиннигул – ҳаёт, гулсафсар – осойишталик, атиргул – гўзаллик тимсолидир. Унда фойдаланилган ранглар ҳам турли рамзий маъноларни ифодалайди. Яшил ранг – табиат олами; мовий ранг – осмон, коинот; қизил ранг – ғалаба, ютуқ; оқ ранг – поклик, бахт; зангори ранг – олий этиқод; сариқ ранг – муқаддаслик маъносини мужассам этган. Машрафа ушбу рамзий маъноларнинг барчасини ўзида жо эта олгани билан пурмаъно совға ва табаррук пешкашдир.

Машрафа ичидаги “гулзор” Марказий Осиёда яратилган ипақдан барпо этилган, деб тахмин қилиш ва унда фойдаланилган ранглар ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Сабаби – Жанубий Ўзбекистонда бронза даври деҳқончилик



маданиятини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Марказий Осиёда пахта ва ипак етиштириб, улардан мато тўқиш милoddан аввалги 1700 – 1500 йилларда ҳам мавжуд бўлган. “Сополли” ёдгорликларини ўрганиш жараёнида кавлаб олинган топилмалар орасида тўқувчилик дастгоҳининг қисмлари, пахта ва ипакдан тўқилган матоларнинг қолдиқлари ҳам чиққан (қаранг: Асқаров А. Жанубий Ўзбекистонда бронза даври деҳқончилик маданияти. Т., “Фан”, 1987).

Туркистон чор Русияси мустамлакасига айлангач, ипакчилик саноат асосига қўйилган. Чунончи, 1871 йил рус саноатчиси И.Первущин Тошкентда пиллакашлик фабрикасини ишга туширган. Айни чоқда ипакбоп ранглар технологияси ҳам такомиллашган. Бир сўз билан айтганда, энди яратилган ипак ва ранг унинг сарҳадларидан анча олисларга ҳам тарқала бошлаган. XX аср бошларида Туркистон ипаги Италия ва Францияга жўнатилгани ҳақида тарихий ҳужжатлар сақланиб қолган.

Бироқ баъзи нуфузли нашрларда ипакчилик тарихига оид тафсилотлар ҳамон эскича нуқтаи назар асосида баён этилаётир. “Ипак қурти боқиш, унинг пилласидан тола олиш ва ипак газламалар тўқиш, – деб ёзади Абдуманнон Аҳмадалиев ҳамда Нуриддин Мусаев “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”нинг 4-жилдидан ўрин олган “Ипакчилик саноати” мақоласида, – дастлаб Хитойда вужудга келган. Айрим қурти боқиш кўра, ипак қурти боқиш IV асрда Хитойдан Буюк ипак йўли орқали ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига тарқалган”. Наҳотки, мақола муаллифларига минтақамизда ипаки матонинг тарихи жез даврига – милoddан аввалги 1700 – 1500 йилларга бориб тақалишини эслатиш шарт бўлса? Бироқ “айрим маълумотлар”га таянган муаллифларга Чингиз Айтматов ҳамда Мухтор Шоҳоновлар “Чўққида қолган овчининг охи зори” асарида тилга олган бир ҳақиқатни эслатмай илож йўқ: “Ҳамма бало шундаки, туркийлар ўз тарихини ўзи ёзмайди, балки бошқалар ўз тарихига мослаб туркий халқлар тарихини ҳам қоғозга туширади”. Бу хулоса туркий қавмининг бош бўғини бўлган ўзбек халқига ҳам тааллуқли, албатта.

Шу масалага доир яна бир иқтибос: “Талабалик йилларимизда, – деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов журналист Тойир Юнус саволларига жавоб бериб – тирикчилик оғир бўлган. У пайтларда танлаш имконияти ҳам йўқ эди. Ҳатто “Ўзбекистон тарихи” деган китобни ҳам таржима қилганман. Жуда мураккаб бўлган. Кўп терминларни ўзбекчага ўгиришда қийналганман.

– Ўзбекистоннинг тарихи дастлаб русча яратилган-да.

– Ҳа, русча яратилган”.

Машрафа баҳонасида тилга олинган бу муаммога доир хулоса шуки, эндиликда биз чигал тарихимизни идрок этишда ҳам мустақил бўлмоғимиз даркор.





Сайфиддин ЖАЛИЛОВ

YIQQAN- TERGANLARIM

"Сўхбат ёки мутолаа чоғи чақмоқдек фикр ёқиб иборига дуч келиб қолсам, дарҳол дефтарга қайд этиб қўйиш одатим бор. Шунингдек, умрим бўйи кўрган-көчирганларимдан чиқарган хулосаларимни ҳам улар ёнига битиб бораман. Сизга ҳавола этаётган ушбу қайдлар ана шу хамир учидан бир латир", дейди кекса тарихчи олим.

Назаримда, тарихи нунослик шохсупаси пасайиб қолгандек. Тарихчи олимнинг баҳоси китоблари сонига қараб ўлчанмоқда. Наҳотки, гап фақат сонда бўлса?

* * *

"Лисон ут-тайр" дан:

Бир одам олтин, қумуш тангаларни йиғиб, харж қилмай белбоғига, чопони қатларига жойлаб, асраб юрар эди. Бир куни чанқаб дарё бўйига келди-да, сув ичаётиб тойиб тушди ва чопони оғирлик қилганидан чўкиб кетди.

* * *

Чехов, одамларни ҳурмат қилиши инсонга ҳузур бағишлайди, деган экан. Биз эса нуқул атрофга боқиб, "Ҳурматга лойиқ одам йўқ", деймиз. Ўзимизда инсонга ҳурмат кўрсатишдан ҳузурланиши туйғуси йўқлиб бормаяптимикиан?

* * *

Чумолидан меҳнаткашлик билан бирга яна бир фазилат – довиюракликни ҳам ўрганмоқ зарур. Чумоли шер панжаси орасида ҳам, фил қулоғи ичида ҳам қўрқмай юраверади.

* * *

Тавба, ўзбек эканимизга кечирим сўрайдиган бўлиб қолган эдик-а!

* * *

Абу Барза Асламийдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайгамбаримиз с.а.в. марҳамат қилибдилар: "Эй, тилида иймон келтириб, дилига иймон кирмаганлар. Мусулмонларни гийбат қилманлар, айбини ахтарманлар. Қимки ўз биродарининг айбини ахтарса, Оллоҳ унинг айбини ахтаради. Оллоҳ қимнинг айбини ахтарса, уни шарманда қилади".

* * *

Туркиунос олимнинг айтгани: “Туркий эллар тараққиётда мункиб кетган энг наст нуқтасидан энди энди кўтаришмоқда. Жаҳон бундан буён уларнинг юқори нуқтага кўтарилишини кузатади”.

* * *

Ортиқча илмий ахборот билан мияси тўлдирилган талаба устма-уст ўтин қаланган ўчоққа ўхшайди – унинг қалови йўқ: тутайди-ю, ёнмайди.

* * *

Қурқув бор жойда ҳақиқат бўлмайди. Ҳақиқат бўлмаган жойда эса тарих ҳам фанга айланолмайди.

* * *

Бир халқнинг яшаш тарзи ҳеч қачон бошқа халққа андоза бўлалмайди. Турмуш тарзини зўрлаб ўзгартиришга уриниш – айни маънавий тажовуздир.

* * *

Оломон билан баҳслашиш дононинг иши эмас, оломонга қўшилиб кетиш ундан ҳам нораво.

* * *

Тарих қонуниятлари инсон измида эмас. Шу боис унинг олдига вазифа ҳам қўйиб бўлмайди. Тарих ўз ишини қилади, сўнгра инсон унга баҳо бериши мумкин.

* * *

Қадимги юнонлар ҳеч қачон ўзининг бой насл-насабини унутмаган. Шу сифати билан улар озод ҳаётга мушарраф бўлган. Бизнинг набиралар ҳам насл-насабини ёдда тутуши ва ундан фахр-ифтихор қилишни ўрганмоғи лозим.

* * *

Пушкиннинг кундалик дафтаридан: “Бахтсизликдан қўрққан бахтли бўлалмайди”.

* * *

Яна Пушкиндан:

*Бизда эса, йўқ-йўқ, бошқа бир юртда,
Лорд Мидас яшарди иззат-ҳурматда.
Ўрта эди ақл-идроқда, лекин
Юрсам қулайман деб, эмаклаб, секин
Аста амал томон у йўлга тушди.
Мана, машҳур жаноб бўлиб етишди.*

* * *

Сўнги олти минг йил мобайнида ер юзида 14 ярим минг марта уруш бўлган. Шу урушларда уч миллиарддан зиёд одамнинг ёстиғи қуриган, 4711 та битим тузилиб, фақат 14 таси бажарилган...



* * *

Бахт ва бойлик – гўё ҳовуздан олинган бир ҳовуч сув. Чанқоқни босиш учун уни тезроқ ичмасангиз, панжалар орасидан сизиб кетади.

* * *

Сукрот айтган экан: “Дунёдаги эзулик – билим. Дунёдаги ёвузлик эса нодонликдир”.

* * *

“Фуқаролари қонунларга “хўн” деб бўйсунадиган давлат энг кучли ва энг озод давлатдир”, деб ёзган экан қадимги бир мутафаккир.

* * *

Олимлар орасидаги латифа: бир ёш олим бурганинг эшитиш қобилиятини текшириш учун уни тўтиб, олдинги икки оёгини узиб олибди-да, “ирги!” дебди, бурга иргибди. Сўнгра кейинги икки оёгини узиб, яна “ирги!” деб буюрган экан, бечора жойидан қимирлай олмабди. Шунда ёш олим “бурга кейинги оёқлари билан эшитар экан”, деган “илмий” хулосага келган экан.

* * *

Россия академиясига аъзолар сайлашнинг XIX аср тажрибасидан: сайловда “П” исмли кишининг номзоди кўрсатилди. Бир ҳақпараст олим, “Унинг фанга хизмати йўқ-ку!”, дея эътироз билдирди. “Бироқ у подшоҳимизга яқин одам”, дея жавоб қайтардиши олимга. Шунда ҳақпараст олим, “Ундай бўлса, подшоҳнинг извоичисини ҳам тайлайлик, ҳар кун подшоҳни олиб юради – у ҳам ҳукмдорга яқин одам”, дея киноя қилди.

* * *

Оқилна маслаҳат шуки, бирон кишининг хатоси ҳақида гапириш зарур бўлганда, уни аввал мақтаб, сўнгра муддаога ўтмоқ лозим. Ахир, сартарош ҳам соқол олишдан аввал юзни обдон юмшатиб, кейин тиз уради.

* * *

Эй инсон! Оёқ учида юрма, дадил қадам бос! Ана шундагина ерда ўзингдан из қолдирасан.

* * *

Мунозара сўнгида нодон “Мен голиб чиқдим”, доно эса “Мен андиша қилдим”, дейди.

* * *

Донишманд ўғитидан: “Уч нарасада меъёрдан ошма: севгида, еб-ичишида ва мол-дунё тўплашида; мана бу уч нарасада эса меъёрга боқма: билим олишида, зайрат қилишида ва саховат кўрсатишида”.

* * *

Бир йигит гўзаллигидан гурурланиб юрган севгилисига шундай дебди: “Жоним, сиз жуда чиройлисиз, театр қандилларига ўхшаб ҳаммаёқни бирдек ёритасиз.

Мен эса бўлгуси хотиним стол лампасига ўхшаб фақат ўзимга нур сочини
хоҳлайман”.

* * *

Ҳасадчи ич-этини еб, охир-оқибат душманига эмас, ўзига жабр қилади.

* * *

Олим одамга “Мен уни биламан, буни биламан”, деб иддао қилишдан кўра,
“Мен нимани билмайман?” деган савол устида бош қотириш кўпроқ фой-
далидир.

* * *

Бизнинг замонда ўзини Арасту фаҳмлаган ёш олимлар кўпайиб кетди. Барчаси
устоз Афлотун билан мунозара қилмоқчи бўлади.

* * *

“Бахт нима?” деган саволга яна бир жавоб: агар сени тушунсалар, шунинг ўзи
бахт. Зеро, кичик тушунмовчилик ҳам инсон ҳаётини барбод қила олади, катта-
си эса ер юзидаги ҳаётни издан чиқариб юборади.

* * *

Ҳаммомдан оқиб чиққан оқова ҳам ўзини сув фаҳмлайди.

* * *

Чироқ соясини, қозон куясини кўрмас экан.

* * *

Битта омбордаги “насиба”сига қаноат қилмаган сичқон бошқа омборга ўтаман
деб ерни кавлаб мушук қариисидан чиқиб қолган экан.

* * *

Оқсоқоллар суҳбатидан кулоққа чалингани: “Таниган ерда – доно улуг, танима-
ган ерда – башанг уст-бош”.

* * *

Ожизларни ҳимоя қилиш – улуглик белгиси. Бу сифат куч-қудратдан нишондир.

* * *

Ашаддий бир киссовур, “Эртадан бошлаб сира чўнтакка тузмайман”,
деб қасам ичибди. Бир пайт бозорга кирса, қовунфурушининг чўнтагидан
юз сўмлик пул чиқиб турганмиш. У қовунфурушга қарай-қарай икки марта
ёнидан “омон-эсон” ўтиб кетибди. Учинчи марта борса, пул ҳамон ўшандай
чиқиб турганмиш. Шунда киссовур қовунфурушининг юзига тарсаки тушириб
юборибди.

– Нега урасан, ярамас, – дебди қовунфуруш.

– Пулингни ичкарироқ тиқиб кўйсанг ўласанми, аблаҳ, сени деб қасамимни
бузимимга сал қолди!



HAZILOMUZ HIKMATLAR

Уч кишининг орасида ҳам сир ётиши мумкин, агар улардан икkitаси қабрда бўлса.

Бенжамин Франклин, америкалик олим ва сиёсатчи

* * *

Гап солиққа бориб тақалганда бироргаям ватанпарварни топиб бўлмай қолади.

Жорж Оруэлл, инглиз ёзувчиси

* * *

Иқтибос борасида менинг услубим билан бошқаларнинг услуби ўртасида атиги битта фарқ бор – мен кўшпирноқларни тушириб қолдираман.

Жорж Мур, ирланд ёзувчиси

* * *

Қонунларни қабул қилиш устида юзлаб одамлар бош қотиради, уларни айла-ниб ўтиш устида эса миллионлаб.

Владимир Путин, Россия Федерацияси бош вазири

* * *

Оғир меҳнатдан ҳали ҳеч ким ўлмаган, бу – ҳақиқат, аммо таваккал қилишга ҳожат бормикан?

Рональд Рейган, АҚШ президенти

* * *

Мен роль ўйнаган фильмлар шундай турга мансубки, уларни ё қамок, ё самолётда намоиш этиш лозим, чунки бу жойларда ташқарига чиқиш мумкин эмас.

Берт Рейналдс, америкалик киноактёр

* * *

Парвардигор номидан сўз айтадиган одам аввал ишонч ёрлиғини топшириб
кўйиши керак.

Юлиан Тувим, поляк шоири

* * *

Аёлларнинг биринчи бурчи – чеварини рози қилиш; иккинчи бурчи эса... ҳали
аниқланган эмас.

Оскар Уайльд, инглиз адиби

* * *

Жон Кеннеди айтмоқчи, ҳаёт бу – ғирром ҳакам. Лекин ёдда тут: у баъзан
сенинг фойданга адашиши ҳам мумкин.

Питер Устинов, инглиз актёри, режиссёри ва ёзувчиси

* * *

Кўй билан бўри “эркинлик” сўзининг маъносини турлича тушунади. Киши-
лик жамиятидаги барча ихтилофлар негизи ана шунда!

Марк Твен, америкалик адиб

* * *

Биздаги озодлик учала чироғи баравар ёниб турган светофорга ўхшайди.

* * *

Сиёсатга аёлларнинг таъсири кундуз кунлари сустлашиб қолади.

Михаил Жванецкий, рус ёзувчиси

* * *

Ҳар қандай ит эгасини Наполеон деб билади. Одамлар итини шунинг учун
яхши кўради.

Олдос Хаксли, инглиз ёзувчиси

* * *

Оғриқни оғриқ кесади: тиши зиркираётган мушукнинг думини босинг-а, ен-
гил тортади-қолади, жонивор.

Антон Чехов, рус ёзувчиси

* * *

Шухратим ортиб боргани сари аклим ўтмаслашиб боряпти. Расми ўзи шунақа
бўлади шекилли...

Альберт Эйнштейн, немис физиги

* * *

Президентлик лавозимидан кетганимдан буён гольф ўйинида ғолиб чиқиш
тобора кам насиб этяпти.

Дуайт Эйзенхауэр, АҚШ президенти

Мухиддин АБДУЛҒАФФОР тайёрлади.



КИТОВ – RUH MALHAMI

Nurboy JABBOR mutolaa qiladi

“ХАМСА”НИНГ КАЛИТИ

Алишер Навоий. Хамса. Тошкент,
Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960.



“Хамса” – тенгсиз тилсим. Бу беш буюк дostonга оид кўплаб тадқиқотлар яратилган. Мазкур назм хазинасининг сирини очишга не-не олимлар уринмаган дейсиз. Низомий панжасига муносиб даражада панжа урадиган шеърият шери майдонга келишини Тангри насиб этди. Бироқ улуг Алишер Навоийнинг 525 йил аввал ижод этилган буюк бешлигига жавоб айтиш мудом ҳеч кимга муяссар бўлган эмас. Ҳатто унинг фасоҳат ва балоғатини тўлақонли инкишоф этиш ҳам не-не дақиқбину нуктадонлардан бирортасига насиб этмади. Бу бебаҳо хазинадан бир-икки дур ола билган ҳам нақадар бахтли. Ана шунга муяссар бўлганлар ҳам олимлар ичра мумтозлик ва сарафрозлик топди. Бу хазина сирини очишга интилганларнинг аксариятига эса сўзбозликдан ўзга насиба етишмади.

“Хамса” дostonларининг ибтидоси – “Ҳайрату-л-аброр”. Дoston номи араб изофасида ифодалангани маълум. Унинг жорий имлога қай тарзда табдил қилиниши борасида илм аҳли ўртасида мунозаралар бор. Шу вақтгача асар номи “Ҳайратул-аброр”, “Ҳайрат ал-аброр”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Ҳайрату-л-аброр” шаклларида турлича ифодаланиб келди. Нашр вариантыда “Ҳайрат ул-аброр” тарзида берилган. Бироқ моҳиятан “Ҳайрату-л-аброр” шаклида табдил қилиниши тўғрироқ. Негаки, “у” товуши аслиятда “ҳайрат” сўзи билан бирга қўлланади. Уни ҳеч қанақасига “аброр” тарафга ўтказиб бўлмайди. Изофа талабига кўра “ал” аниқлик артиклидаги “а” ўқилмайди, “л” ҳарфини ўртада икки тарафдан чизиқча билан ажратиб ифодалаш энг тўғри йўлдир. Шунга кўра, биз асар номини “Ҳайрату-л-аброр” шаклида қўллаимиз.

Кўп ўрганилган бўлишига қарамай, бу дoston ҳам ўз сирини ҳали ҳеч кимга тўлақонли очган эмас. Уни ҳатто мажозан бу буюк бешликнинг калити дейиш мумкин. Бу асар ана шу нуқтаи назардан қайта тадқиқ қилиниши, баҳоланиши зарур. Унда улуг мутафаккирнинг

барча келажак замонлардаги ижод аҳли учун мезон бўла оладиган адабий-эстетик қарашлари ифодалангани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, бу қарашлар “Хамса”нинг кейинги дostonлари учун ана шундай мезон вазифасини ўтаган. Бугунги урф бўлган таъбир билан айтганда, “Ҳайрату-л-аброр” – буюк бешликнинг назарий-методологик асосидир.

Ҳазрат Навоий “назми ақолими жаҳонни, насри доғи кишвари жонни тутган” устози мавлоно Жомийни таърифлар экан,

*Парда ясаб ҳолати пинҳон учун,
Сафҳа ёзиб сатр ила китмон учун –*

деган фикрларни назм этади. Бунинг маъноси нима? Сатр – ёпмоқ, бекитмоқ; китмон – яширмоқ, сир тутмоқ демакдир. Демак, ҳазрат Навоий фикрича, улуғ Абдурахмон Жомийнинг сафҳа ёзишидан, яъни бадий ижод билан шуғулланишидан мурод “қўкси ҳақойиқ дури ганжинаси, кўнгли маоний юзи ойинаси” эканини халойиқдан бекитмоқ, ҳолатини пинҳон туттиш учун парда ясамоқдир. Маълум бўладики, мутафаккир аждодларимиз ижодни мақсад эмас, восита деб билганлар. Янада ажабланарлиси, шоншавкатга, мансаб-мартабага эришмоқ, яъни воситаи жоҳ эмас, аксинча, халойиқ ўртасида шуҳрат қозонишдан беркинмоқ воситаси. Мана, ижодкорнинг эътиқоди қандай бўлмоғи керак?! Шунинг ўзиёқ бу икки мутафаккирнинг ҳам ижодкор, ҳам инсон сифатидаги камолоти қай даражада эканини кўрсатиб турибди.

Сўз аҳли, биринчидан, ижодни шуҳратпарастлик манбаига айлантирмаслиги керак бўлса, иккинчидан, битиклари ҳақиқат нурига йўғрилмоғи зарур. Акс ҳолда, уларнинг сўзи эътиборга тушмайди, эътироф қозона олмайди:

*Нукта сув янглиғ эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.*

*Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,
Ришта сўзин сўзламаган яхшироқ.*

Яъни, ҳақиқат гуҳаридин мосуво сўзини сўзлашдан наф йўқ. Бундай сўз на халойиқ олдида эътиборли, на Холиқ наздида. Шу боис ҳам инсоният тарихининг ибтидосидан то бугунга қадар қоғоз қоралаганлар сони қанча эканини ягона Оллоҳ таоло билади, улар орасида ёзмишлари эл кўнглига малҳам бўлганлари эса бармоқ билан санарлидир. Чунки, ижод сир-синаотга тўлиқ жараён. Яратган Эгам қалбига ҳидоят нуруни солганларгина ҳам халққа, ҳам Ҳаққа манзур асарлар битиш шарафига ноил бўлади. Ҳазрат Навоий ижоди бунинг исботидир, “Хамса”нинг умрбоқийлиги боиси шунда. Шу сабабдан ҳам ул зот муяссар бўлган буюк мақомга эришмоқ маҳол.

“Хамса”нинг калити ҳақидаги мулоҳазалар бу кичик қайдлар билангина ниҳоясига етмайди. Зеро, бунга доир изланишлар эндигина бошланяпти. Қолаверса, ҳазрат Навоийнинг ана шу икки насиҳатини ҳам ҳазм қилиш, руҳга, шуурга сингдиришнинг ўзи бўлмайди...

УЛУҒ МУТАФАККИР ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Ғиёсиддин бини Ҳумомиддин Х о н д а м и р. Макориму-л-ахлоқ. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1967.

“Макориму-л-ахлоқ” улуғ Алишер Навоий ҳақидаги бошқа асарлардан бир неча хусусияти билан ажралиб туради. Академик Иззат Султон таъбирича, бу хусусиятлардан асосийси – бошдан-оёқ ҳазрат Навоийга, унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган биринчи асар эканидир. Иккинчидан эса, муаллиф, бошқалардан фарқли ўлароқ, буюк мутафаккир шахсиятини ҳар жиҳатдан таваққуллаш вазифасини ўз олдига қўяди.



Устоз олимнинг фикрларига кўшимча қилиб асарнинг яна икки хусусиятини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булардан биринчиси – “Мақориму-л-ахлоқ”нинг услуби ўзига хос экани бўлса, иккинчиси – асарнинг бетақрор бадииятидир.

Маълумки, “Мақориму-л-ахлоқ”нинг дунёда ягона кўлвзмаси Лондондаги Британия музейида сақланади. Форс тилидаги бу муътабар асарни Порсо Шамсиев ўзбекчага таржима қилган ва у 1967 йили Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган. “Мақориму-л-ахлоқ”нинг сўзбоши, изоҳ ва лугат билан таъминланган аслиятдаги нашрини 1981 йили Кобулда афғонистонлик олим Абдулғаффор Баёний чоп эттирган. Кобул нашри Британия музейидаги кўлвзмадан бирор ўзгаришсиз кўчириб босилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Аслият билан муқояса қилиш шуни кўрсатадики, “Мақориму-л-ахлоқ” ўзбекчада жиддий қисқартиришлар билан нашр этилган. Қисқартирилган ўринлар жами 30 саҳифадан ортқ. Устоз олимлар таржимаси, шубҳасиз, аҳамиятли. Бироқ бу табаррук манбанинг бугунги талаблар даражасидаги тўлдирилган изоҳли таржимасини яратиш илмий зарурат, ҳаётий эҳтиёждир.

Ўзбекча таржимага кирмай қолган ўринлар ҳақида икки оғиз сўз. Асарнинг “Мақориму-л-ахлоқ” деб номланиши сабабини муаллиф қуйидагича изоҳлайди: “Ухшаши йўқ Худо – истаган ишни “Бўл” деб бўлдиришга Қодир бўлган зот қачонки бандаларидан бирини иродий ва дунёвий давлатга етказмоқни, моддий ва маънавий бахтга муяссар айламоқни ирода этса, уни аввал-бошданқоқ чиroyли сифатлар ва ахлоқи қарималар билан зийнатлаб кўяди. Унинг файзосор қалби ойнасини тубан ҳолатлар ва ёмон хислатлар зангидан лутфу эҳсон сайқали билан поклайди”. Бу фикрларни изҳор этгач, муаллиф “Иннамо буисту лиутаммима мақорима-л-ахлоқ” (“Мен яхши хулқларни мукамал мақомга кўтариш учун юборилдим”) мазмунидаги ҳадиси келтиради. Бу орқали улуғ Навоийнинг айнаи шундай мақорим ахлоқ эгаси эканини таъкидлайди. Асар Алишер Навоийнинг барча авлодларга ўрнатқ бўла оладиган, муборак ҳадисда назарда тутилган гўзал ахлоқи тавсифига бағишлангани учун ҳам шундай номланган ва ҳадиси шарифнинг сўнгги икки сўзи сарлавҳага айнан олинган. Шунинг учун ҳам асар боғлардан эмас, мақсадлардан таркиб топган.

Юқоридаги иқтибосда “диний ва дунёвий давлат, моддий ва маънавий бахт” деган тавсиф келтирилди. Бу сўзлар Мир Алишернинг ана шундай саодатга ноил бўлганига ишора қилади. Айниқса, асар матнида шу муносабат билан келтирилган олимнинг даражаси обиддан баланд экани ҳақидаги ҳадислар муаллиф кўзда тутган мақсадни тўлақонли очишга хизмат қилган. Улардан биринчиси қуйидагича: “Олимнинг обиддан афзаллиги ўн тўрт кечалик ойнанинг юлдузлардан афзаллиги кабидир”. Иккинчиси эса пайғамбаримизнинг “Олимнинг обиддан афзаллиги бамисоли сизларнинг даража жиҳатдан қуйиларингиздан (ҳадисда “адноларингиздан” тарзида келган) менинг афзаллигим кабидир” дейилган ҳадисидир.

Шундан кейин ҳазрат Алининг мана бу мазмундаги байти келтирилади:

Биз Жабборнинг қисматига,

Яъни, бизга илм, душманларга мол берилганидан розимиз.

Чунки мол тезда фоний бўлғусидир.

Илм эса ҳамisha боқий қолажак.

“Ушбу сўз оқимидан ва айтилганлар мазмунидан қиёмдаги куёш каби равшан ва зохирдирки, – деб ёзади Хондамир, – илм чўққиси ҳамма чўққилардан юксакдир. Олимларни барча халқдан баланд мартаба ва даражага қўймоқ лозим ва вожибдир”.

Муаллиф ҳазрат Навоийнинг олимлар ичида ҳам юксак мақомда эканига ургу беради.

Асарнинг бешинчи мақсади “Охират захираларини тўплаш, дунё ва ундагилардан юз ўгириш баёнида” деб номланган. Бу мақсад аввалида “Дунё ва ундаги нарсалар бехудаидир” деб бошланувчи шеър келтирилади ва шунинг учун “тариқат йўлига қадам босувчи солиҳлар нафси амморани маҳкам жилвобла олган”и хусусида хулоса қилинади. Таъкидлаш кераки, ҳазрат Навоийнинг лирик шеърларида ҳам учрайдиган бундай фикр-

хулоса зинҳор таркидунёчилик тарғиби эмас. Бунда улуғ мутафаккир дунёни эмас, унга бўлган муҳаббатни тарқ этиш, яъни тарқи дунё эмас, “тарқи муҳаббати дунё” ҳақида сўз юритганини эътиборда тутмоқ керак. Таассуфки, айрим тадқиқотларда шу мазмундаги байтларни таркидунёчилик тарзида талқин этиш ҳоллари учраяпти. Масаланинг яна бир жиҳати, дунё муҳаббатини тарқ этиш – унга эгалик қилмаслик керак, дегани эмас. Бинобарин, мол-дунёдан мосуво ҳолда, ҳеч вақоси йўқ бўлатуриб ҳам дунёга ҳирс қўйиш, дунё муҳаббатига мубтало бўлиш мумкин. Ёки аксинча, дунёдор бўлиб дунё муҳаббатидан устун турган зотлар бизнинг тарихимизда бисёр. Хондамирнинг ёзишича, шундайлардан бири ҳазрат Алишер Навоийдир.

“Мақориму-л-ахлоқ” муаллифининг таъкидлашича, “Ул ҳидоят ва иқбол осмонининг қўёши”, яъни ҳазрат Навоий “Ҳеч қачон ҳиммат этагига фоний дунё молига муҳаббат ғуборини, бу жаҳон ашёсига қизиқиш гардини юқтирмаган”. У хусусий мулкни эл-юрт манфаати йўлига сарф этгани, жумладан, 60 дан ортиқ бино, 20 га яқин ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом, 20 масжид ва бир қанча мадраса, хонақоҳ барпо эттиргани ҳам фикримиз далилидир. “Мақориму-л-ахлоқ”да бу иншоотлар номма-ном саналган.

Бундан ташқари, Хондамирнинг ёзишича “...ҳазрат соҳибқироннинг (яъни Ҳусайн Байқаронинг) девон кишилари баъзи бир зарур харажатлар учун халқ устига зўр маблағлар (огир солиқлар) юкламоқчи бўлганларида халқнинг қийналмаслиги ва бу ҳол салтанат тартибларига бузуқлик солмаслиги учун у маблағларни ҳазрат Навоий ўз ҳисобидан тўлаб юборар эди”. Жумладан, 906 хижрийда Мозандарон вилояти ҳокими Муҳаммад Валибек зарур харажатлар учун халққа 100 минг динар солиқ маслаҳати билан Амир Навоийга мурожаат қилади. У киши “бу фурсатда халқ устига ўринсиз солиқ солишни ҳазрат Соҳибқирон давлатига муносиб кўрмайман”, деб шу заҳотиёқ мазкур маблағни хусусий мулк ҳисобидан тўлаб юборди. Мана, улуғ бобомизнинг ибрати. Бугун ҳам мулкдорлар кам эмас. Лекин улардан нечасида шундай ҳиммат бор? Улардан қанчаси ўз ҳаловатини эмас, ҳазрат Навоий каби халқ манфаатини ўйлайди?

Хондамирнинг ёзишича, “Ихлосия” мадрасаси қаршисидаги “Халосия” хонақоҳида ҳар куни (!) мингдан ортиқ заифалар ва мискинлар зиёфат қилиниб, таомлар билан тўйдирилган, ҳар йили муҳтожларга икки мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак-иштон, тақия ва кафш улашилган. Машҳаддаги Дору-л-хуффозда ҳар куни фақат заиф ва етимларга овқат бериш учун ғалвурхона қурилган.


Бу мисоллар “Мақориму-л-ахлоқ” ҳазрат Навоийнинг давлат арбоби, ижодкор ва шахс сифатидаги сийрати, фазилатлари ҳақида тўлақонли маълумот берадиган мўътабар манба экани далилидир. Бундан ташқари, “Мақориму-л-ахлоқ” ҳазрат Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларига янгича нуқтаи назар асосида баҳо бериш имконини яратади. Узоқ йиллар бу икки шахс муносабати улуғ шоир ва зolim ҳукмдор зиддияти тарзида бирёқлама талқин этиб келинди. Ваҳоланки, воқеликнинг бевосита шоҳиди бўлган Хондамирнинг ёзишича, “Султон Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) ул ҳазратнинг (Навоийнинг) кўнгил истагини ўз муборак кўнгли орзусидан юқори қўйган”.

“Мақориму-л-ахлоқ”да тўлиқ матни келтирилган Султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга ёзган мактубидаги мана бу сўзлар ҳам фикримизни тасдиқлайди: “Ҳамма вақт ва ҳамма аҳволда ул жанобнинг, яъни Навоийнинг шариф хотири розилигини ўзимизнинг муддао ва талабларимиздан устун билиб, бу жиҳатни мислсиз давлат далилларидан санадик”. Мактубнинг Ҳазрат Навоий хусусида “Салтанат рукни, мамлакат таянчи, дин ва давлат арбобининг зубдаси, мулк ва миллат соҳибларининг пешвоси, хайрли бинолар муассиси, покиза ишларга йўлланган хоқоний давлатнинг мададкори...” каби сифатлашу таърифлар билан бошлангани ҳам Султон Ҳусайн Бойқаронинг буюк Навоийга муносабатини ойдинлаштиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Мақориму-л-ахлоқ” ҳазрат Навоий ҳаётини, шахсиятини, улуғ мутафаккир билан замондошлари муносабатини ўрганишда асосий манбалардан биридир.

ЭНГ НОЁБ МЎЪЖИЗА ҲАҚИДАГИ ТАДҚИҚОТ

Абдулқодир Муродов. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1971.



Ёзув – инсоният тарихидаги энг ноёб мўъжиза. Бунда асло муболага йўқ. Зеро, одамзод кечмиши фақат ёзув туфайли келажақ авлодлар мулкига айланади. Инсон тафаккурининг ноёб дурдоналари ана шу мўъжиза боис абадийлик мулкидан ўрин олади. Ҳали қоғоз кашф этилмаган замонларда одамлар тошларга ҳам битиклар нақш этгани ёзувга бўлган эҳтиёж нечоғлик катта бўлгани далилидир.

Мутафаккир аждодларимиз умумжаҳон ёзув маданияти такомилига ҳам улкан ҳисса қўшгани маълум. Исломиётга қадар фикр жавоҳирларини туркий рун, сўғдий, хоразмий, парфиёний, бахтарий каби ёзувлар воситасида ифодалаган Марказий Осиё халқлари бу борада юксак маданият яратди. Араб имлоси асосидаги ёзувда ҳам қарийб бир ярим минг йил давомида беқиёс илмий, бадий асарлар битилгани, улар миллий тафаккуримиз мақомининг нақадар баланд бўлгани исботидир. Бу ёзувдаги қўлёзма манбалар китобат санъати борасида тараққиётнинг қанчалик чўнг миқёсларига кўтарилганимиздан шаходат беради. Шарқшунос аллома Абдулқодир Муродовнинг “Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан” китоби ана шу хусусда.

Ёзув маданияти ва китобат санъати барча замонларда ҳам тафаккур эгаларининг эътиборида бўлиб келган. Машҳур хаттот Султон Али Машҳадийнинг “Ҳуснихат ҳақида рисола”, Садр Зиёнинг “Тазкирату-л-хаттотон”, Шермуҳаммад Мунисининг “Саводи таълим”, Исҳоқхон тўра Ибротнинг “Жомийу-л-хутут” сингари асарлари бунинг исботидир. Ҳазрат Навоий “Маҳбубу-л-қулуб”да китобат санъати, хаттотлар ва котиблар фаолиятига алоҳида тўхталгани аён. Абдулқодир Муродовнинг китоби ўзигача бу борада тўпланган маълумотларнинг қаймоғини мужассам этгани билан алоҳида ажралиб туради. Бу тадқиқотни яратиш учун 350 та қўлёзма манбани синчиқлаб ўргангани олимнинг заҳматли ва бениҳоя аҳамиятли ишни бажарганидан далолат беради.

Китобда хаттотликнинг тараққиёт босқичлари ва маданий ҳаётда тутган ўрни, араб имлосига асосланган хат санъатининг 36 тури муфассал таҳлил этилган. Олим қўлёзманинг тайёрланиш техникаси ҳақида батафсил тўхталган. Нодир манбалар дастлаб қоғоз (қоғоз тайёрловчи), кейин эса хаттот (кўчирувчи), мазаҳҳиб (олтин ҳал берувчи), лаввоҳ (сарлавҳа ва жадвалларни зийнатловчи), рассом (қўлёзмага миниатюралар ишловчи) ва саҳҳоф (муқовасоз) меҳнатининг маҳсули эканини тафсилотлари билан баён этади. “Шу йўсида бир неча санъат усталарининг иштирокида тайёрланган қўлёзмалар, – деб ёзади муаллиф, – одатда, санъат мўъжизаси даражасига кўтарилган ва бадий қўлёзмалар ўз замонасида буюк олимлар, шоирлар кутубхоналарини ташкил этган. XV – XIX асрлардаги Бухоро, Хива ва Фарғона сарой кутубхоналари, кўпинча, энг қимматбаҳо бадий қўлёзмалар ҳисобига бойилган”.

Китобда, шунингдек, Ҳирот, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона ва Тошкент хаттотлик мактаблари хусусида қимматли маълумотлар келтирилган. Олимнинг бу борадаги фикрларини бепарво ўқиб бўлмайди. Буюк аждодларимиз беқиёс интеллектуал бойлик – ноёб тафаккур жавоҳирларини санъат даражасидаги қўлёзмалар орқали бизга мерос қолдиргани ҳақидаги бу маълумотлар авлодлар қалбида ўзгача руҳ пайдо қилади. Кўнглиларга шижоат ниҳолини қадайдди, мутафаккир боболарга муносиб бўлишга интилиш ҳиссини уйғотади.

Икки оғиз сўз китоб муаллифи ҳақида. Абдулқодир Муродов 1893 йили Тошкентнинг собиқ Арпапои маҳалласида таваллуд топган. Амакиси машҳур Шомурод котибдан ҳуснихат сирларини ўрганган. Абулқосим мадрасасида таҳсил олган. Узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида илмий ҳодим бўлиб ишлаган. Замонлар ўтиб, баъзи ерлари йиртилган, варақлари тушиб, нуқсонли бўлиб қолган нодир қўлёзмаларни бошқа нусхаларига таққослаб тузатишдек бениҳоя савоб иш билан шуғулланган. Қўлёзмаларга каталоглар тузиш ишида фаол қатнашган.

Унинг таржимонлик фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Ибн Сино “Тиб қонунлари”нинг 1,2,3-жилдлари ҳамда Ёқут Ҳамавийнинг “Мўъжаму-л-булдон” асарини Абдулқодир Муродов ҳозирги ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Бундан ташқари, бу мўътабар олим хаттот сифатида ўнлаб нодир кўлөзмаларни нафис хатда кўчириб, келажак учун мерос қилиб қолдирган.

Чинакам камолга эришмоқ учун бугунги авлодлар ана шундай заҳматкаш олимларни билмоғи, уларнинг асарларини мутолаа қилмоғи ҳам қарз, ҳам фарзидир.

КАМОЛОТ ДОВОНИ

Озод Ш а р а ф и д д и н о в. Довондаги ўйлар.
Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2004.

“Ўтмишдаги шон-шухрат, муваффақият ва парвозлар яхши нарса, албатта! Аммо улар шунақа нарсаки, ҳар бир янги авлод бу шухратга шухрат қўшиб турмаса, эски ютуқлар қаторини янгилари билан бойитиб бормаса, миллатнинг қаноти қайрилиб, парвози сусайиб қолади”. Устоз Озод Шарофиддиновнинг “Довондаги ўйлар” китобидан олинган бу сўзлар ҳар бир фикр эгасини ўйлантиради.

Бир муборак ҳадис моҳияти ҳақида кўп фикрлайман. Унга кўра, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом саҳобаларга бундай деган эканлар: “Кимнингки бугунги куни кечагиси билан баробар бўлса, у мағбундир (яъни у мағлуб бўлибди, энгиллибди). Бугунги кечагисидан кам бўлган одам малъундир (яъни лаънатга маҳкумдир). Қай бир кишининг бугунги куни кечагисидан зиёда бўлса, у марҳумдир”. Биз марҳум деганда одатда боқий дунёга рихлат қилганларни тушунамиз. Аслида бу сўз Оллоҳ таолонинг раҳматига ноил бўлиш маъносини англатади ва тирикларга нисбатан ҳам бемалол қўлланиши мумкин. Демак, учинчи тоифа Яратганнинг раҳматига лойиқ инсонлардир.

Саҳобалар ўзро баҳслашдилар: хўш, бугунги кунни кечагидан, эртангисини бугунгидан зиёда этмоқ учун нима қилмоқ керак? Баъзилари ҳар куни муттасил равишда нафл намоз ўқиш, кечагидан кўра икки ракаатдан кўпайтириб боришни маслаҳат қилдилар. Қарасаларки, бунинг ниҳояси йўқ, қолаверса, бандасининг тоқати ҳам чекланган. Бошқалари мунтазам нафл рўза тутмоқ таклифини бердилар. Ўйлаб кўрсалар, бунинг билан ҳам муддаога эришмоқ маҳол. Шунда яна Расулulloҳнинг ҳузурига бордилар ва бу ҳадиснинг ҳикматини сўрадилар. Расулulloҳ айтдилар: “Илм олинг, кеча англаб етмаганингиз кичик ҳақиқатнинг моҳиятига етсангиз ҳам бугунингиз кечаги кунингиздан афзал бўлади”.

Озод домланинг юқоридаги сўзларини мутолаа қилар эканман, ҳар сафар ана шу ҳадиси шариф ёдимга келади. Бу ҳадис айнан инсон кечаги кунда эришилган натижа билан тўхтаб қолмаслиги кераклиги, мудом интилишда бўлмоғи зарурлиги ҳақидадир, вақтни ғанимат билмоқ тўғрисидадир. Аслида, бу гап инсоният учун янгилик эмас. Бироқ бу муаммо ҳар бир замонда ҳам фикр эгаларини ўйлантириб келган. Шайх Саъдий инсоннинг ҳар бир нафасида икки неъмат мавжудлигини айтиб, бир нафас учун икки марта шукрона айтиш вожиб эканини таъкидлайди. Табиийки, бу дегани куну тун “шукр” сўзини такрорлаш дегани эмас. Вақт – нақд бойлик, камолотга эришмоқ учун берилган имкон – уни бой берма, демоқчи улуг мутафаккир. Ҳазрат Навоий бу фикрни янада теран, бетақрор бадиий шаклда ифодалаган:

*Мозийу мустақбал аҳволин тақаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдир, дам бу дамдир, дам бу дам.*

Яъни, мозий – ўтмиш ҳақида гапириб, ўтган замонлардаги ютуқларинг, шон-шарафингга маҳлиё бўлма, мустақбал – келажак ҳақида, истиқболдаги орзуларинг тўғрисида ўйлаб, хомхаёлга берилаверма. Бугун ҳақида кўпроқ бош қотир, ҳар бир онингни ғанимат бил, камол касб эт – ана улуг бобокалонимиз нима демоқчи.



Устоз Озод Шарафиддинов ана шундай бекиёс ўғитларни ўз ҳаёти мисолида ҳақиқатга айлантирган мутафаккир эди. Шунинг учун ҳам домла, айниқса, умрлари поёнида вақтни қадрлаш қандай бўлиши зарурлигини чин маънода исботлади. Олимнинг илмий ва илмий-публицистик асарлари вафотидан беш йил кейин ҳам мана пешма-пеш чоп этилиб турибди. Жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилган таржималари бутун бошли кутубхона бўларли. Бу асарлар фақат сони кўплиги билан эмас, инсон тафаккурининг имкониятлари нечоғлиқ миқёсли, кенг эканини исботлаши билан ҳам қимматлидир.

Домланинг публицистик мақолаларини мутолаа қилинг: у кишининг ҳар доим эл ғамида яшаганини ҳис этасиз, ҳар қандай шароитда ҳам, ҳақиқатни айтиш зарур бўлса, уни ҳеч қим ифодамай олмайдиган даражада самимият ва қуйинчалик билан изҳор этганини кўрасиз.

Табииyki, мен бу сўзларим билан Озод домла фаришта эди, туну кун кутубхонасидан чиқмай мутолаа қиларди, иши фақат асар ёзишу жаҳон адабиёти намуналарини таржима қилишдангина иборат эди, фақат элни ўйлар эдию ўзи ҳақда мутлақо қайғурмаган, демоқчи эмасман. Устоз ҳам бошқалар каби меҳрибон ота сифатида фарзандлари, неваралари камолини кўришни истаган, уларни суйиб-эркалаган. Дўстлари билан улфатчилик қилган, улар билан мамлакатимиз бўйлаб сайр-саёҳатда бўлган ва ҳоказо. Бироқ домла вақтни қандай тақсимлашни билган, ишнинг муҳими билан номуҳимини ажрата олган. Умрини майда муддаоларга эмас, улугвор мақсадларга сарфлаган. Шунинг учун ҳам ўзгалар етиши маҳол бўлган даражаларга эришган. Бундай умрга ҳавас қилса арзийди. Мен устознинг "Довондаги ўйлар" китобини ўқиб чиқиб, ана шу фикрга келдим.

МАТН ЗАМИРИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Л и х а ч е в Д. С. При участии А.А.Алексеева и А.Г.Боброва.
Текстология (на материале русской литературы X–XVII веков).
Санкт-Петербург, "Алетейя", 2001.

"Матннинг "ғоявий тахрир"дан ўтиши асарнинг стилистик жиҳатлари билан боғлиқ бўлиши ёки боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Баъзан матн таркиби яхлитлигича, айрим ҳолларда унинг алоҳида қисми тахрирдан ўтказилади. Ёзма ёдгорликка бутунлай тескари маъно юкланиши, матнда муайян "ғоявий тозалаш" қилиниши ҳам мумкин. Ҳатто асарга унда мутлақо бўлмаган ғоя қўшилиши ёки матндаги мавжуд ғоя "қисқартирилиши" ҳоллари ҳам учрайди".

Рус матншуноси Д.Лихачевнинг бу сўзлари, айниқса, XIX аср охири – XX юзийиллик бошлари ўзбек адабиётига ҳам тўлиқ дахлдор. Негаки, ана шу даврда яшаб ижод қилган шоиру адибларнинг асарлари худди шундай ғоявий тахрирдан ўтган, матншуноси айтганидек, уларнинг асарларига мавжуд бўлмаган ғоялар қўшилган, борлари эса қисқартирилган. Масалан, Убайдулла Завқийнинг мана бу мисраларига диққат қилинг:

*Мусаллат қилди ноҳақ феълимиздин болшувикларни,
Кўтарди бошимиздин соя бўлгон хону бекларни,
Ўлим чоҳига солди болшувиклар бу тирикларни,
Киши билмас ҳисобини куюб ўлган ўлуқларни,
Ўлуқлардин бўлбдур кўчалар мазор, Фаргона.*

Табииyki, бу мисраларни ўқиган шеърхон Завқийнинг миллий уйғониш даври ўзбек адабиётда ўзига хос мавқега эга шоир, юрт тақдири учун, юртдошлари қисмати учун қайғурган миллатпарвар ижодкор бўлганини янада теранроқ англайди. Бироқ машҳур мухаммаснинг ана шу банди билан боғлиқ ҳақиқат 2003 йилга келибгина заҳматкаш олимлар Аҳмадхон Мадаминин ва Абдуллатиф Турдалиев хизмати тўғрисидаги рўёбга чиқганини ҳамма ҳам билмайди. Ваҳоланки, Завқийнинг бундан олдин бир неча марта қайта-қайта нашр этилган "Танланган асарлар"ида мазкур мисралар қуйидагича эди:

*Тирилтирмоқ бўлуб аввал кўмилган хону бекларни,
Ўлим чоҳига салди босмачилар бу тирикларни,
Ҳисобини билиб бўлмас куюб ўлган ўлуқларни,
Шукрим, Танари етказди мададга большевикларни,
Илоҳо, бахт-тоғий бўлсун эмди ёр, Фаргона.*

Мана сизга "ғоявий таҳрир", ана сизга матнга хиёнат... Бундай ёндашув шоир дунёқараши, эътиқоди ҳақидаги тасаввурларни бузишдан, ҳақиқатнинг юзига оёқ кўйишдан бошқа нарса эмас. Матншунос, агар таъбир жоиз бўлса, ана шундай тириклай дафн этилган ҳақиқатни юзага чиқарувчи миллий қаҳрамондир.

Бизнинг адабиётимиз тарихида ҳатто шоир номидан бўхтон шеърлар тўқилиб, унинг асарлар тўпламига киритиб юборилган ҳоллар ҳам кузатилади. Жумладан, Фурқат "Танланган асарлар"ида бир тўртлик айланиб юради. Мана, унинг матни:

*Муаззам Русу Чин ҳамқору ҳамдаст,
Азалдин ерлари бир-бирга пайваст.
Алар ижмоядин осойиш ўлгай,
Шуқуҳи дунёга оройиш ўлгай.*

Фурқат асарларининг кўлөзма ва тошбосма манбаларини, шоир билан боғлиқ архив ҳужжатларини ўрганиб чиққан бир мутахассис сифатида ана шу тўртлик матнини ҳеч қаердан топа олмадим. Марҳум устоз Шариф Юсуповдан сўрасам, Фурқат меросида бундай тўртлик мавжуд эмаслиги, бу замонасозлик боис машҳур шоирлардан бири томонидан тўқилиб, тўғламларга киритиб юборилганини айтиб бердилар... Изоҳдан тил ожиз!..

Яна бир ғаройиб ҳодиса: шоир Сайфийнинг Фурқат ҳақидаги достонида "Туф" радиоплафи бир ғазал келтирилади. "Эё Кўқон боёнлари, сизлардек инсонларга туф" деб бошланади ғазал. Табиийки, Муқимийга "ўзни тўхтатгил ҳижолардин", дея ўғит берган, ўзи бирорта ҳам ҳажвий асар ёзмаган Фурқатдек шоирнинг руҳига ёт бу мисралар. Минг таассуфлар бўлсинки, шоирни бойлар синфига қарши курашган қилиб кўрсатиш илинжида бўлса керак, Фурқат асарларининг ношири бу ғазални ҳам "Танланган асарлар"да чоп эттиради. Натижада биздаги ва ҳатто хориждаги мутахассисларнинг Фурқат ҳақидаги тадқиқотларида бу факт тарихий ҳақиқат ўлароқ яқин-яқингача зикр этиб келинди. Бундай сохтакорликларни фош этиб, ҳақиқатни юзага чиқарувчи ким? Албатта, матншунос. Д.Лихачевнинг "ғоявий таҳрир" ҳақидаги назарий фикрлари бизнинг миллий адабиётимиз мисолида ана шундай амалий ҳулосалар чиқаришга ундайди.

Ягона нухали матн устида ишлаш, кўп нухали матни тадқиқ қилиш усуллари; глосс, конъектура, интерполяция; матн тарихи, матн таҳрири, матни нашрга тайёрлаш принциплари ва ҳоказо назарий масалаларнинг илмий ечими берилган бу тадқиқотнинг аҳамияти катта. Бизда амалий матншунослик бир қадар ривожлангани ҳолда, назарий матншунослик борасида қилинадиган ишлар талайгина. Д.Лихачевнинг "Матншунослик (X – XVII асрлар рус адабиёти материаллари мисолида)" асари мутолааси ана шундай фикрларга асос беради.



O'zbekiston va BMT munosabatlari

XX аср сўнгига келиб Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик, тинчлик ва барқарор тараққиёт масалалари энг долзарб муаммо сифатида майдонга чиқди. Президентимиз Ислон Каримов БМТнинг 48-(1993 йил) ва 50-(1995 йил) сессияларида сўзлаган нутқидан бу муаммоларни жаҳон ҳамжамиятига маълум этиб, БМТ доирасида ҳал қилиш ташаббусини илгари сурди. Давлатимиз раҳбари Бош Ассамблея БМТнинг эллик йиллиги муносабати билан ўтказган махсус йиғилишда бир неча муҳим таклиф билан чиқди. Булар: Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан БМТ семинарини чақиритиш; Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш; нарқобизнесга қарши баргаликда кураш олиб бориш; БМТнинг минтақавий комиссиясини ташкил этиш; Орол муаммоси бўйича БМТнинг махсус комиссиясини тузиш каби долзарб масалалар эди. Дарҳақиқат, бу муаммолар нафақат Марказий Осиёдаги давлатларга, балки бутун инсониятга дахлддор. Биргина Афғонистон ва Тожикистон муаммоси Марказий Осиёда тинчлик ва ялпи хавфсизликка раҳна солган бўлса, Орол муаммоси бутун жаҳон экотизимига салбий таъсир кўрсатади.

1995 йили (15-16 сентябрь) Тошкентда БМТ билан ҳамкорликда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. БМТ хавфсизлик кенгашининг аъзо давлатлари (АҚШ, Франция, Англия, Россия, Хитой), 20 та халқаро ташкилот, жумладан, Ислон Конференцияси Ташкилоти, 30 мамлакат ва Марказий Осиё давлатлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон) делегациялари, нуфузли сиёсатдон ва олимлар иштирок этган бу учрашувда уч муҳим муаммо: Марказий Осиёда мустаҳкам хавфсизлик тизимини яратиш; иқтисодий ҳамкорлик ва инфратузилмалар коммуникациялар: иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш; гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

1997 йили (14-16 сентябрь) эса Тошкентда яна бир муҳим тадбир – “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи минтақа” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди. Унда 56 мамлакат ва 16 халқаро ташкилотдан 200дан ортқ делегат иштирок этди. Мазкур конференция минтақавий хавфсизликдан жаҳондаги хавфсизлик сари йўл очди.

БМТнинг 48- ва 50-сессияларида Президент Ислон Каримов томонидан XX асрнинг 90-йилларида Марказий Осиё минтақасидаги йирик муаммо – Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги таклиф илгари сурилган эди. Ўзбекистон раҳбарининг афғон муаммосини ҳал этиш ва минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган аниқ мақсадли конструктив ташаббуси БМТ шафелигида “6+2” гуруҳининг (Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Хитой ҳамда Россия билан АҚШ) ташкил этилишига асос бўлди (қаранг: Муродов Ҳ. ва бошқалар. *Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида*. Т., 2000, 25-бет). Гуруҳнинг биринчи учрашуви 1997 йил Нью Йорқда, иккинчи учрашуви 1999 йил Тошкентда бўлиб ўтди. Тошкент учрашувида “Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари” ҳақида декларация қабул қилинди. 1999 йил 22 октябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши раиси Бош Ассамблеяда “Афғонистондаги вазият” масаласи кўриб чиқилиши муносабати билан баёнот эълон қилди. Унда афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари белгилаб берилган Тошкент декларацияси яна бир бор қўллаб-қувватланди. 2010 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Афғонистон масаласига яна эътибор қаратиб, “Жафокаш афғон заминда тезроқ тинчлик қарор топиши учун жаҳон ҳамжамияти, авваламбор, иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиши ва бу ишларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташки-

лоти раҳнамолигида амалга оширилиши зарур", (*Ислом Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. "Халқ сўзи", 2010 йил 28 январь*), дея таъкидлади. Афғон муаммоси аста-секин ўз ечимини топиб бормоқда. Бироқ бу ҳали, эндигина мустақил ривожланиш йўлига кирган Афғонистон Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик муаммосидан холи худуд, дегани эмас.

XX асрнинг 90-йилларида Марказий Осиё минтақасидаги яна бир "оловли нуқта" – Тожикистон эди. Тожикистон 1991 йил мустақил давлат макomini олган бўлса-да, иқтимоий-иқтисодий бўҳрон, дунёвий бошқарув ва ислом анъаналари тарафдорлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар сабабли бу ерда 1992 йили фуқаролар уруши бошланиб кетди. 50 мингдан ортиқ одам Афғонистонга қочиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг қочоқлар масалаларига доир Олий комиссари билан ҳамкорликда бошланасиз қолган минглаб қочоқларга ёрдам қўлини чўзди. Афғонистонда вазият жиддийлиги боис Ўзбекистон ўз ҳудуди орқали қочоқларнинг Тожикистонга ўтиб бориши учун шароит яратиб берди. 1998 йили БМТ Тожикистоннинг иқтимоий эҳтиёжларини ҳал этиш учун 34,5 миллион доллар ажратиш даъвати билан чиқди (*қаране: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Ассосий омиллар. Т., 2001, 118-бет*).

Марказий Осиёдаги глобал муаммо – Орол муаммоси экологик, иқтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан XX асрдаги энг катта фалокатдир. Орол бўйича БМТ қошида махсус комиссия тузиш, БМТ раҳбарлигида шу муаммога бағишлаб халқаро конференция ўтказиш ташаббускори ҳам Ўзбекистон бўлган (*қаране: Ислом Каримов. Ватан саждавоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т., "Ўзбекистон",*

1996, 57-бет). Мазкур муаммо юзасидан БМТ ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишлари механизми ишлаб чиқилган. Бунга кўра, 1993 йил мартда Қизилўрдада, 1994 йил январда Нукусда, 1994 йил мартда Тошқовузда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учрашуви ўтказилган. 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масаласи бўйича Декларацияси қабул қилинган.

1997 йил февралда Марказий Осиёдаги (беш) давлат раҳбарлари ва БМТ вакиллари иштирокида Алмати учрашуви ташкил этилди. Унда Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Оролни қутқариш Халқаро фондининг таркиби ва ижроия қўмитаси тузилди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг минг йиллик мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқи юқорида зикр этилган масалаларга жаҳон жамоатчилиги эътиборини яна бир бор қаратишда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хулоса сифатида шуни таъкидламоқчимизки, Марказий Осиё мамлакатларининг БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари билан ўзаро самарали ҳамда манфаатли ҳамкорлиги минтақанинг иқтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишида, шу билан бирга, глобал ва минтақавий хавфсизлик, тинч ва барқарор тараққиёт масалаларини ҳал қилишида, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашида катта аҳамиятга эга. Зеро, ўтмишсиз келажақ, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди.

Ойбек АБДИМУМИНОВ,
НаёДПИ аспиранти

Yangi davr va insoniyat istiqboli

Кўз ўнгимизда шаклланиб келаётган янги даврнинг моҳияти ва қиёфаси ҳақида турпича қарашлар мавжуд. "Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна бирор ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда" (*Ислом Каримов. Юксак маънави-*

ят – энгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 110-бет). Ушбу давр қандай ном билан аталишидан қатъи назар янги даврда инсон интеллектки энг муҳим омилга айланмоқда, ақли салоҳият жамиятнинг энг асосий бойлиги бўлиб қолмоқда. Баъзи етук олимлар она табиат ўз тарихий

тараққиётда сифат жиҳатидан янги – ноосфера босқичига кўтарилганини таъкидламоқдаки, ушбу таълимот инсоният келажаги учун катта илмий-амалий аҳамият касб этади. Ноосфера таълимоти асосида инсон тараққиётнинг ҳозирги босқичида ўз меҳнати, ақл-идроки орқали она табиат бағрида иккинчи, “сунъий табиат” – “ақл соҳаси”ни барпо этгани, у эндиликда нафақат ўзи, балки бутун биосфера тақдири учун масъулиятини теран англаши ва шунга мувофиқ фаолият олиб бориши зарурлиги ғояси ётади. Зеро, бугунги кунда сайёраимиз бўйлаб кетма-кет содир бўлаётган экологик фалокатлар ва бошқа салбий жараёнларга инсон жавобгардир. Табиат ва жамият уйғунлигини асраш, ўзининг интеллектуал имкониятидан она табиат ва умуминсоният манфаатлари устуворлиги тамойилидан келиб чиқиб фойдаланиш нафақат биосфера, балки инсоният ҳам яшаб қолишининг муҳим шартидир.

XX аср охири ва XXI асрнинг дастлабки ўн йилликда дунё харитасида тизимлар ва мафкураларнинг ўзгариши, афсуски қутилганидек, инсоният ривожини унинг тафаккури билан боғлиқ таҳлиқалардан озод қилолмади. Аксинча, муаммоларнинг янги, шиддатлироқ, глобал тўлқинларини келтириб чиқарди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов “Ҳақиқатан ҳам, инсониятнинг эртанги куни қандай бўлар экан? У янги даврга қай ҳолда кириб боради? У ўтмишнинг оғир меросини бартараф эта оладими? Ўзаро ҳадиксираш, ишончсизлик, ҳукм ўтказиш ҳоллари йўқ бўлиб кетганда, у давлатлараро муносабатларда рўйиростлик ва самимийликнинг шундай даражасига эришадими? Ҳамжамиятнинг келажаги мана шу саволларга бериладиган жавобларга боғлиқ”, деб билдирган фикрлари бу масаланинг долзарблигини англатади (*Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., “Ўзбекистон”, 57-бет*).

Агар одамзот жамият бўлиб яшаган давр тарихига назар ташласак, кейинги 4-5 минг йилликда мавжуд зиддиятлар ечими консенсус асосида эмас, балки мажбурлаш, тенгсизлик ҳамда куч ишлатиш тамойилига амал қилиб ҳал этилгани, шу боис инсониятнинг ана шунча муддатли тарихий йўли, маълум маънода, маданият ва цивилизациялар эришган ютуқларни барбод қилувчи, бутун-бутун мамлакат ва элатларни йўқ этиб юбурувчи қиргинбарот урушлар тарихидан иборат эканига шохид бўлаемиз.

Ноосфера даври табиат ва жамиятда рўй бераётган жараёнларга янги тафаккур кўзи билан

қарашни, ижтимоий муносабатларда, аввало, табиат ва умуминсоният манфаатлари устуворлигини таъминлашни тақозо этмоқда. Давлатлараро муносабатларда, миллий ғоя тарғиботи ҳамда геосиёсий стратегияни белгилашда инсонпарварлик тамойили етакчи бўлмоғини, табиат – жамият – инсон коэволюциясини сақлаб қолишни, ақл-заковат салоҳиятидан фақат бунёдкорлик йўлида фойдаланишни талаб қилмоқда.

Ноосфера таълимоти, гарчи XX асрнинг 20-йилларида асосланган бўлса-да, унинг ғоялари айниқса ҳозир илмий-назарий ва амалий долзарблик касб этмоқда. Мазкур таълимот ғояларини ўзида мужассам этган янги тақдирлар, янги тафаккур тарзи ва муроаи фалсафасини яратиб зарурати вужудга келмоқда. Зеро, инсоният фан-технологиялар соҳасида, ақлий-интеллектуал тараққиётда юксак марраларни забт этди, маънавий-ахлоқий камолотда-чи? Инсон ақли маҳсули бўлган фан-техника ютуқлари кўпроқ эзгуликка хизмат қилмоқдами ёки ёвуз мақсадларгами? Юксак аҳборот ва нанотехнологиялар асри деб эътироф этилаётган, инсон кинотини забт этаётган бугунги кунда, таассуфки, қуролланиш пойғаси янада авж олаётир, ушбу мақсад учун 2008 йил 1 триллион 300 миллиард АҚШ доллари сарфланди. Бу каби муаммолар илдизини инсоният маънавий-ахлоқий камолоти эришувчи қийин бўлаётганидан, у анъанавий, эгоистик манфаатпарастликка асосланган тафаккур тарзидан халос бўла олмаётганидан қидириш керак эмасми?

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар асосида XXI аср ижтимоий воқелигида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратмоқ зарурдир.

Биринчидан, ноосфера даври бутун инсоният тафаккур тарзини ўзгартиришни, геосиёсийдаги устувор қадрият ва тамойилларни, аввало, умумсайёравий манфаатлар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишни, “одам учун одам – энг олий қадрият” тамойили инсоният фаолиятининг бош мезонига айланмоғини талаб этмоқда. Зеро, замонавий воқеликдаги глобал муаммолар кўлами уларни ҳал этишни пайсалга солиш хатарли эканидан далолат беради.

Антропоген юкнинг биосферага таъсири, термоядровий уруш ва экологик ҳалокат таҳдиди юқори нуқтага етган ҳозирги тарихий вазиятда оқилна (янги тафаккурга асосланган) турмуш тарзига ўтиш тақозо этилмоқда. Бунда барча муаммо ва зиддиятлар ягона тамойил – она табиат ва инсоният манфаатлари устуворлиги негизида муроаи мадора (консенсус) асосида бартараф

этилмоғи, “барча нарсанинг ўлчови – инсон” деган тамойил ҳаётнинг бош мезонига айланмоғи даркор.

Иккинчидан, XX аср тажрибаси ҳамда бугунги кун воқелиги давлатлараро муносабатларда “ғор одами”га хос анъанавий тафаккур тарзидан воз кечишни талаб этмоқда. “Мен яхши яшашим шарт, ўзгалар билан ишим йўқ” тамойили асосида шаклланган анъанавий геосиёсат бутун инсониятни тобора ҳалокат сари етаклаётганини англаб, “мен яхши яшашим учун ўзгалар ҳам яхши яшаш шарт” тамойили асосида умуминсоният манфаатларига хизмат қиладиган геосиёсий тафаккурни шакллантириш лозим.

Учинчидан, баркамол инсон шаклланишида жамияттаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатлар, устувор ғоялар тизими ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бинобарин, ноосфера даври хусусиятларини ўзида мужассам этган миллий мафкуралар орқали инсоният нафақат ўзини, балки она табиатни ҳам жар ёқасига келтириб қўйганини, ушбу ҳалокатдан фақат ақл имкониятларини мақбул йўналишга буриш орқалигина қутилиб қолиш мумкинлигини жаҳон афкор оммаси онги ва қалбига синдириш, шу асосда умумсайёравий ялпи бирдамлик, камар-

басталик муҳитини вужудга келтириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Тўртинчидан, башарият тарихи маънавият инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт-саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди. Демак, барча воситалар ила назрак маънавиятли, имон-эътиқодли, баркамол инсонларни тарбиялаш ва шу асосда она табиатни ҳамда кишилиқ жамиятини яқинлашиб келаётган умумглобал ҳалокатлардан асраб қолиш мумкинлигини жаҳон афкор оммаси англаб олмоғи даркор.

Ноосфера таълимотининг мазмун-моҳиятида ҳам юқоридаги каби муаммолар ечимини топиш ётади. Шу нуқтаи назардан, инсоният ўз тараққиётида ноосфера – ақл соҳаси бошқичига қадам қўйибдими, демак, ушбу давр руҳига монанд шахсларни, яъни имон-эътиқодли, баркамол инсонларни тарбиялашни таълим-тарбия тизимида етакчи тамойилга айлантиришни жиддий ўйлаб қўриш зарур.

Аслиддин АБДАНОВ,

*Тошкент давлат Педагогика
университети аспиранти*

O'zbekiston matbuoti va global axborot makoni

Шарқ ва Ғарбнинг улуғ ақл эгалари сўзнинг инсон ва жамиятга беқиёс таъсири ҳақида кўп фикрлар баён этган. Ана шу қарашларга таяниб айтиш жоизки, сўз бир вақтнинг ўзида ҳақиқатдан воқиф этиши ҳам, ёлғон билан оғулаши ҳам мумкин. Ҳеч қандай чек-чегарани тан олмасдан, бутун оммани кенг мулоқотга тортаётган ахборот жамиятига ўтиш даврида, умуман, сўз ва айтиш маъноси сўзнинг роли бир неча қарра ортиб кетди.

Бугун туман ёки шаҳар газетасида чоп этилган оддий бир хабар ҳам дунёнинг ҳар қайси бурчагига етиб бориши, жаҳон ахборот агентликлари тасмасига тушиши мумкинлиги ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди. Энг янги ахборот-коммуникация воситалари, авваламбор, интернет тармоғи бизга ана шундай имкониятни тортиқ этмоқда.

Бугун Ўзбекистон ОАВ ҳам интернет учун электрон версияларини яратишга тобора фаолроқ ёндашмоқда. Бу, албатта, уларнинг ўқувчи, тингловчи ва томошабинлари сони нафақат мамлакатимиз, балки ундан ташқарида ҳам бир неча қарра ортишига имкон беради.

Ватанимиз ОАВ овози дунёнинг барча минтақаларига етиб бориши билан улар воқеа-ҳодисаларга ўз нуқтаи назарини дадил баён этиш, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларини шу мақолада ифода қилиш, эртанги ҳаётимиз учун маёқ бўлган миллий ғояни тарғиб этиш имконига эга бўлади. Бу нафақат мамлакатимиз ҳаётига доир ҳаққоний ва ҳолис ахборотларни тарқатиш, айтиш чоқда айрим хориж нашрларидаги сохта ва ноҳолис ахборотларга қарши туришга ҳам шарт-шароит яратади.

Шундай вазиятда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридagi гоя ва қарашлар айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Асарда юртимизга четдан бўлаётган ҳар хил ахборот таҳдидлари, ОАВнинг глобаллашув шароитидаги роли ва вазифалари, аҳолини, энг аввало, ёшларни ёт гоялар таъсиридан химоя этиш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган. Бунинг учун багрикенглик, оқўнгиллик, меҳмондўстлик каби фазилатлар билан сайқалланган ўзбек халқи менталитети ва унинг кўпасрлик бой маънавий тажрибасини мужассам этган миллий гояни асраб ривож топтириш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Глобаллашув жараёнига янада тезкор тус бераётган янги технологияларнинг ёйилиши ахборот макони ҳақидаги, унинг инсон ҳамда жамиятга таъсири ҳақидаги эски қарашлардан воз кечиш талабини кўяётир. Президентимиз асариди ОАВнинг ҳозирги дунёдаги роли теран кўрсатиб берилгани, айниқса, унинг тезкор турлари – электрон ОАВга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бу ўринда телевидение, радио, Интернет нашрлари назарда тутиляпти, албатта. "Бугунги кунда улар (ОАВ – Б.Х) бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда, десак, хато бўлмайди", – деб ёзади давлатимиз раҳбари ушбу соҳа қамрови ниҳоятда кенгайганини таъкидлаб (Ислон Каримов. *Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 135-бем*).

Дарҳақиқат, ОАВ бугун имтимой маконни ҳар жиҳатдан шакллантиришда қудратли қуроллардан биридир. Оммавий коммуникация ҳаётни акс эттириш ва унга муносабатни шакллантиришга доир функцияларни адо этиб, фуқароларнинг ҳаёт тажрибасини изчил бойи-тади. Ҳозирги давр кишиси учун ОАВ ахборот олишининг асосий ва ишончли манбаларидан саналади. У бир вақтнинг ўзида ҳам ҳордиқ чиқариш, ҳам тижорат юритиш соҳаси, шунингдек, инсон ҳаётини мақсадни белгилаш ва касбий малакасини ошириш воситасидир.

Коммуникация бугун иккитомонлама ва кўптомонлама ҳамкорлик юритишда, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграцияни кучайтиришда, фан-техника ютуқларини халқлар орасида ёйишда, табиий офатлар, фавқулодда вазиятлар, экологик фалокатлар чоғида шошилинч ўзаро ёрдамни ташкил этишда катта имкониятга

эга. Айни чоқда глобал ахборот тизими ўзида муайян хавфни, масалан, айрим кучлар манфаатини очик ёки яширин ифодалашдан иборат хавфни ҳам ташийди. Ҳарбий, иқтисодий ёки сиёсий таҳдидни пайқаш ва бартараф этишга қараганда мафкуравий таҳдидни пайқаб олиб, унинг таъсири ва оқибатини бартараф этиш анча қийин.

Ўзбекистонга четдан бўлаётган ҳар қандай таҳдид, шу жумладан, ахлоқий ва маънавий тубанликни ёядиган, оила ҳаёти ва инсон тақдирининг, азалий қадриятлар ва урф-одатларнинг муқаддаслигини инкор этадиган "оммавий маданият" шаклидаги таҳдидларга етарли баҳо бермаслик хато бўлади, албатта. Бундай хатти-ҳаракатлар ўзида шахснинг ижтимоий ва маънавий ҳаётига мафкуравий, гоявий ва ахборий таъсир кўрсатишининг ахлит бир мажмуини намён этади. Бундан кўзда тутилган мақсад – инсон онига ҳар хил гоя ва тасаввурлар, хулқ-атвор андозаларини сингдириш орқали унинг устидан ҳукмрон бўлишдир. Шуниси қизиқки, сиртдан қараганда, бунда ҳеч қандай мажбурлаш кўзга ташланмайди.

Омма онига турли йўллар билан таъсир кўрсатиш мумкин бўлиб, ҳозирги шароитда улар орасида энг самаралиси – ахборотдир. Кишилик жамиятида ахборот жараёнлари сони ва ахборот истеъмоли ҳажми кескин ортан ҳозирги дунёда ахборот мавқеи ҳам қонуний равишда ўсмоқда.

Ўзбекистонда ОАВни ривожлантиришга демократик ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири деб қаралмоқда. Бу тизим фаолиятига доир ҳуқуқий асосни яратиш борасидаги ишлар хорижий экспертлар эътирофига сазовор бўлаётгани бежиз эмас. Айни чоқда, янгича иш шароитларининг вужудга келиши, глобал ахборот тизимининг пайдо бўлиши ҳам Ўзбекистон матбуоти ва журналистлари олдига янги вазифаларни кўймоқда. Мамлакатимизда ОАВга катта ҳуқуқ ва имкониятлар берилиши билан бир қаторда улар зиммасига худди шундай бурч ва масъулиятлар ҳам юкланиши табиий ҳолдир.

Бироқ, таассуфки, айрим ОАВ, асосан, тижорий нашрлар интернетдан эстрада ва кино "юлдуз"ларининг кундалик ҳаёти ва ҳар хил можаролари ҳақидаги енгил-елли хабарларни кўчириб олиб саҳифаларини тўлдириш йўлидан бораётир. Бу билан улар ўзбекна менталитетга зид бўлган ҳаёт тарзи ва ахлоқ меъёр тарғиботчисига айланиб қолмоқда. Ушбу турдаги материаллар, аввало, "сарик матбуот" нашрлари учун хос бўлиб, улар одатда мухлислар эътиборини қозониш илинжида холислик ва

хаққонийликдан кўз юмишга, баъзан эса, ҳатто, инсоний ор-номусни унутишгача боради.

Баъзи телеканаллар ҳам хорижнинг узундан-узоқ сериалларини намойиш этишдан бўшамаётгани сабаб ҳаққоний танқид ўқиға нишон бўлмоқда. Чунки, бу "телеасар"лар нафақат ҳаётдан йироқ, балки уни бузиб кўрсатади, бу эса томошабинлар, айниқса, ёшлар онгига салбий таъсир этади.

Ҳозир мамлакатимизда ОАВнинг барча турлари демократик асосда ривож топмоқда. Улар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашши ҳоллари рўй бераётгани йўқ. Бироқ айрим нашрлар ҳуқуқларидан тўлиқ фойдалангани ҳолда, жамият олдидаги бурчларини ёддан чиқариб қўяётир. Улар, ўзи билган ёки билмаган ҳолда, "оммавий маданият" ниқоби остидаги энгиллели "санъат намуналари" билан чайқовчилик қиляпти, оқибатда эса зарарли ёт ғоялар тарғиботчисига айланиб қоляпти. Шу муносабат билан, мазкур ОАВ ўз низомидаги мақсад ва вазифаларни унутиб қўймаётими, деган табиий савол туғилади.

Бугун барча турдаги ОАВ, жумладан, жисмоний шахслар, тадбиркорлик тузилмалари ва

жамоат ташкилотлари муассис бўлган мустақил нашрлар олдида ҳам ўзи тарқатаётган ахборот учун жавобгарликни чуқур ҳис этиш, журналист кадрлар малакасини мунтазам равишда ошириб бориш, уларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш вазифалари турибди.

Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси билан суҳбатда миллий ғояни кенг тарғиб этиш юзасидан баъзи фикр ва мулоҳазаларни баён этди. Юртбошимиз, жумладан, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашни хоҳлар эканмиз, эски қолиплардан тезроқ халос бўлишимиз зарурлигини таъкидлади (*қаранг: Ислоҳ Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. "Тафаккур", 2009 йил, 3-сон, 1-8-бетлар*).

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги воқелик глобал ахборот тармоғи имкониятлари ҳамда ОАВ вакилларининг салоҳиятидан халққонин ва мамлакатимиз манфаатлари йўлида юксак самара билан фойдаланишни тақозо этади.

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
тадқиқотчи

Yuksak texnologiyalar va inson rivoji

XX асрнинг сўнги ўн йиллигига келиб "Совуқ уруш" сиёсати барҳам топгач, жаҳон миқёсида инсон тараққиёти муаммосига жиддий эътибор қаратила бошлади. 1992 йил илк бор инсон тараққиёти бўйича маъруза чоп этилди. Бу Покистон ва Бангладеш давлатларига бағишланган эди. Қалтис ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга тушиб қолган бу мамлакатларга БМТ Тараққиёт дастури тез фурсатларда ҳал этилиши керак бўлган тавсиялар берди. 1995 йилдан бошлаб эса БМТнинг бу дастури ҳар бир мамлакатга мўлжалланган йиллик маърузаларни эълон қиладиган бўлди. Унинг кўмағида 1992 йилдан ҳозирга қадар жаҳоннинг 130 дан ортиқ мамлакатига 550 дан зиёд маъруза тайёрланди. Бундан ташқари, инсон тараққиёти бўйича 30 дан ортиқ минтақавий маърузалар ишлаб чиқилди. БМТ Тараққиёт дастурининг 1990

йилдан бугунги кунгача эълон қилган маърузаларида инсон тараққиётига доир кенг миқёсли вазифалар атрофлича таҳлил этилди. Маърузаларда инсон омили барқарор ривожланишнинг диққат марказига қўйилиб, унинг соғлом, иқдор ва сермахсул ҳаёт кечириши ва табиат билан ҳамоҳанглиқда яшашига алоҳида эътибор қаратилган.

XX аср ютуғи бўлган биотехнологиялар, ахборот технологиялари, нанотехнологиялар, компьютер, лазер, генлар устида олиб борилган тадқиқотлар, глобал молиявий тизимлар, коинот тадқиқотлари, оптик тола, ДНК таҳлили, биометрика, сканерли микроскопнинг кашф этилиши ва улар ҳаётнинг барча соҳаларига кириб келиши негизда, албатта, инсон манфаатлари, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш каби мақсадлар туради. Мазкур технологияларни

равнақ топтириш инсоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бу технологияларни ривожлантириш орқали жаҳондаги турли муаммоларни илҳомий ҳал этиш мумкин. Улар ҳозир жаҳон ҳамжамиятини ҳиддий хавотирга солаётган қашшоқлик ва тез тарқаладиган касалликларга қарши курашни янада осонлаштиради.

XX аср охиридаги улкан сиёсий ўзгаришлар жаҳон давлатлари олдига қуроллиниш пойгаси ўрнига ижтимоий муаммоларни ечиш уфқларини очди. Шу ўринда XX асрнинг сўнги ўн йиллигида инсоният олдига турган асосий муаммолар нималардан иборат эди-ю улар қай даражада ҳал этилди, деган саволга жавоб ахтариб кўрсак. 1995 йил Копенгагенда бўлган "Ижтимоий тараққиёт масалалари бўйича Бутунжаҳон саммити"да турли мамлакатларнинг инсон тараққиёти муаммоларини мувофиқлаштириш юзасидан йўналишлар илгари сурилди. Саммитда "Копенгаген декларацияси" қабул қилиниб, унда куйидаги ўн муаммо зудлик билан ҳал этилиши зарур масала сифатида эътироф этилди: ижтимоий тараққиётни таъминлайдиган иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳуқуқий муҳитни барпо этиш; ҳар бир мамлакатда мултоқ қашшоқликни мамлакатнинг ўзи белгилаган мuddатгача тугатиш; иш билан бандликни таъминлашни қўллаб-қувватлаш; инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва уни мустаҳкамлаш асосида ижтимоий интеграцияни тарғиб қилиш; аёллар ва эркаклар ўртасида тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш; таълим ва дастлабки тиббий ёрдамдан барча фойдалана олишига эришиш; Африка ва бошқа кам ривожланган мамлакатлар тараққиётини тезлаштириш; тизимли ислохотлар олиб борилганда ҳам ижтимоий тараққиёт масалаларини давом эттириш; шу мақсадга ажратиладиган ресурсларни кўпайтириш; бу борада БМТ билан ҳамкорликни кучайтириш.

2000 йил БМТ янада барқарор ва хавфсиз дунё яратиш мақсадида Мингйиллик Ривожланиш мақсадлари деган дастурий ҳужжат қабул қилди, унда ҳам юқоридаги муаммоларни бартараф этиш масалалари кун тартибига кўйилди. Халқаро миқёсда ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш, саводсизликни тугатиш, қашшоқликни бартараф этиш, гендер тенглигини таъминлаш каби энг долзарб муаммоларни ечишда глобал ҳамкорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунда табиий офатлар, иқлимнинг ўзгариши, чўллашув жараёни – асосий глобал

муаммолардандир. Киото протоколининг қабул қилиниши бу борадаги турли тортишувларга чек қўйгандек бўлди. Атмосферанинг тозалигини сақлаш зарурлигини англаган жаҳон ҳамжамияти турли чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Лекин АҚШ ва Австралия каби sanoati юксак ривожланган мамлакатлар бу ҳужжатнинг қабул қилинишини пайсалга солиб келмоқда.

Инсон тараққиёти фоялари ҳаётга татбиқ этила бошланган 1990 йилдан 2008 йилга қадар жаҳон миқёсида болалар ўлими ҳар минг туғилиш ҳисобига 106 тадан 83 тага қисқарди ва умр кўриш ўртача 3 йилга узайди. Дунё миқёсида саводхонлик даражаси ошиб, бошланғич мактабни яқунлаганлар 1999 йилдаги 83 фоиздан 2008 йилда 88 фоизга етди. 2008 йилда глобал муаммоларни ҳал қилиш мақсадида дунё бўйича 14 миллиард 289 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. Бироқ ажратилган бу маблағ мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун етарли эмас. Чунки баъзи давлатларнинг янги қурол турларини яратиш ва уларни синовдан ўтказиш учун ажратаётган маблағи ижтимоий секторга йўналтираётган маблағидан анча юқори.

2005 йил Гленигсда ўтган Катта саккизлик гуруҳи саммитида тараққиёт учун ажратиладиган умумий ёрдам ҳажмини 2010 йилга келиб 50 миллиард долларга етказиш ҳақида келишиб олинди. Бунда экологик тоза ва қайта тикланадиган энергияни, ёқилгининг ноанъанавий турларини ривожлантиришни ўз ичига олган "Тоза Ривожланиш механизми" деган қондалар дастури таъсис этилди. Мазкур механизм 2005 йил Киото протоколи кучга кириши билан ишлай бошлади. Бунга кўра ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга кўпроқ инвестиция киритиб, уларнинг оёққа туриб олишига ёрдам бериши лозим. Ўзбекистон 2009 йил 23 майда қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича халқаро агентликка аъзо бўлди. Бу агентлик аъзо мамлакатларга қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш борасида консультация беради.

Жаҳон молиявий инқирози шароитида ҳам инсон тараққиётига биринчи даражали масала сифатида қараш даркор. Бу талаб БМТ Бош Ассамблеясининг 2009 йил сентябрида бўлиб ўтган 64-сессиясида ҳам алоҳида таъкидланди.

Анвар ШИРИНОВ,

*Бухоро давлат университети
ўқитувчиси*

Jahon ekologik harakati va O'zbekiston

Умуминсоний цивилизациянинг бугуни ва келажаги кўп жиҳатдан глобал экологик инқироз бартараф этилишига боғлиқ. Бу инқироз XX асрнинг иккинчи ярмида инсоннинг биосферага салбий таъсири кучайиши оқибатида юзага келди.

Экологик инқирозга олиб келган асосий сабаб – экологик тизимда модда ва қувват алмашилишининг табиий мароми бузилганидир. Буни соддароқ қилиб, табиатдаги кетма-кетлик занжири инсон томонидан бузилиши, деб ифодалаш ҳам мумкин.

Атроф-муҳит ифлосланиши ва табиий мувозанат бузилишининг олдини олиш мақсадида 1992 йил 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофазасида қилиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. 11 бўлим, 53 моддадан иборат мажбурий табиий муҳит шароитларини асраш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларни белгилаб берди. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун ривожланишини, экология тизимлари, табиат мажмуалари ва айрим объектлари муҳофазасида этилишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир. Ушбу қонун ижросига, аввало, Олий Мажлис томонидан 1996 йил 26 апрелда тасдиқланган низом асосида фаолият юритувчи Табиатни муҳофазасида қилиш давлат қўмитаси масъулдир. Табиий ресурслардан асраб-авайлаб фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан назорат ўрнатиш; табиатни муҳофазасида этиш фаолиятини тармоқларно янги бошқариш; табиатни муҳофазасида қилиш ҳамда ресурсларни тежашга доир ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, атроф муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш ва бошқа кўпгина вазифалар қўмита зиммасига юкланган.

Бундан ташқари, 2008 йил 2 августда мамлакатимиз сиёсий майдонида янги тузилма – Ўзбекистон экологик ҳаракати асос солинди. Мазкур ҳодиса Ўзбекистон қонунчилиги ва

ижтимоий-сиёсий ҳаётида экологиянинг ўрни нақадар катта эканидан далолатдир.

Дунё миқёсида эса табиат муҳофазасига қаратилган дастлабки конвенция XX аср ўрталарида пайдо бўлган. 1950 йил Парижда қушларни муҳофазасида қилиш бўйича халқаро конвенция имзоланган.

БМТ тизимида табиатни муҳофазасида қилиш юзасидан халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. БМТнинг 14 та махсус муассасаларидан олтитаси табиатни муҳофазасида қилиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошироқда. Булар: Маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилот – ЮНЕСКО; Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилот – ФАО; Халқаро метеорология ташкилоти – ХМТ; Денгизлар бўйича ҳукуматларо маслаҳат ташкилоти – ИМКО; Атом энергияси бўйича халқаро ташкилот – МАГАТЕ; Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти – БССТдир.

1972 йил 5 июнда БМТ Швеция пойтахти – Стокгольмда табиатни муҳофазасида қилишга бағишлаб конференция ўтказди ва шундан буён 5 июнь дунёнинг 100дан ортиқ мамлакатиди ҳар йили "Жаҳон атроф муҳит муҳофазаси куни" сифатида байрам қилинаётир. Бу куннинг мақсади – ҳозирги экологик вазиятга дунё жамоатчилиги эътиборини жалб қилиш ҳамда бу борадаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришдан иборатдир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1972 йил 15 декабрдаги сессиясида давлатлараро ҳамкорликнинг ташкилий ва молиявий чоратадбирлари белгиланиб, "Ташқи муҳит бўйича БМТ иш дастури" (ЮНЕП) тасдиқланди ва унинг бошқарувчилар Кенгаши таъсис этилди. Кенгаш шундан олти ой кейин бўлиб ўтган сессиясида Стокгольмда қабул қилинган "Атроф муҳит соҳасидаги ҳаракат дастури"ни муҳофазасида этиб, халқаро ҳамкорликнинг бу борадаги асосий йўналишларини белгилаб олди. Ушбу сирага одамлар соғлиги ва фаровонлигини ҳимоя қилиш, тупроқ ва сувни муҳофазасида этиш, чўлларнинг кенгайишига қарши курашиш, экологик таълим бериш самарадорлигини ошириш,

ахборот тарқатиш ишларини яхшилаш, денгиз ва океанларни асраш, ўсимликлар, ёввойи ҳайвонлар ва генетик ресурсларни муҳофаза қилиш, энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқа масалалар киритилди.

ЮНЕП дастури атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни мувофиқлаштиришга, жумладан, Ер юзида биосфера ҳолатини кузатиш бўйича мониторинг ташкил этиш ва бу ишга жалб қилинган марказлар фаолиятини назорат этишга ҳам йўналтирилган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш БМТнинг деярли барча халқаро ҳужжатлари асосида кафолатланган.

Ўзбекистон тадрижий ривожланиш йўлидан бораётган янги кучли давлатлар сирасига кирди. Бундай давлатлар учун эса барча соҳаларда оқилона ислохотларга асосланган ижтимоий сиёсат олиб бориш асосий шартдир.

Умид ҚУРОНОВ,
ЎЗМУ талабаси

Demokratik jamiyat va shaxs huquqlari

Инсоният тараққиёти давомида жамиятнинг бир неча шаклини кашф қилди. Улар орасида демократик жамият халқ манфаатини ифодалаш ва халқ ҳокимиятини рўёбга чиқариш хусусияти билан яшовчанлигини сақлаб келмоқда.

Демократик жамият назариясининг асосчиларидан бири Афлотун (милоддан аввалги 428-348) бундай жамиятда қонунлар одамларни эркинликка ўргатиши, улар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаши, оқилликка даъват қилиши даркор, деб таъкидлаган эди (*Афлотун. Қонунлар. Т., "Янги аср алоди", 2002, 95-105-бетлар*). Демак, демократик жамият инсон ҳаётини қонун билан тартибга солиди ва фаровонлаштиради. Бу ҳақиқатнинг моҳияти ғоят теран. Зеро, инсон орзу-ҳавасларининг чеки йўқ. Уларнинг барчасини рўёбга чиқариш эса имконсиз. Шунинг учун инсон хоҳиш-истаклари муайян меъёр асосида тартибга солиниши лозим. Масалан, одам бойиган сари янада бойисам дейди. Ёки инсонга мутлак эркинлик берилса, у ўзини Худога менгзаши мумкин. Бунга тарихда мисоллар кўп. Шундай экан, инсон фақат меъёр воситасидагина чинакам бойликка ва эркинликка эриша олади.

Афлотуннинг фикрича, инсон қонунга риоя қилиш билан ўзининг ахлоқли эканини намоён этади. Файласуф қонунга риоя қилиб яшашда адопат, эзулик ва гўзалликнинг рўёбга чиқишини кўради.

Афлотуннинг шогирди Арасту (милоддан аввалги 384-322) эса демократик жамият

"одамларни қашшоқликдан қутқариш"га ишора қилади (*Аристотель. Политика, М., 1997, стр. 106*). Қашшоқлик инсон ҳаётини издан чиқариши табиий. Шунинг учун файласуф қашшоқликка дард ва жиноят манбаи сифатида қарайди. Демократик жамият мулкчиликни тартибга солиш билан инсон ҳаётини фаровонлаштиради. Хусусий мулкчилик воситасида одам ҳалол меҳнатга даъват қилинади ва меҳнат туфайли у қадр топади. Файласуф фаровонлик йўлидаги олий мулоқотни давлат деб атайди. Яъни, одамларнинг фаровонлик йўлидаги ихтиёрий ва эркин бирлашуви давлатни юзага келтиради.

Абу Наср Форобий (870-950) Афлотун ва Арастунинг демократик жамият назариясини ривожлантириб, бундай жамиятда инсоний фазилатлар бирламчи бўлишини уқтиради. Унинг фикрича, фозил жамият одамларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялайди (*Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 160-161-бетлар*). Бинобарин, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ва жамоавийлик демократик жамиятнинг негизидир.

Демократик жамиятда ҳаётнинг фаровонлашиб бориши инсоннинг хулқ-атворига ҳам таъсир кўрсатади. Бу таъсир ижобий ёки салбий кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, мулкдорлик инсонга тўкин ҳаёт кечириш имконини беради. Лаззатни мақсад деб билган баъзи мулкдорлар бойликка, ҳашамга ружу кўяди. Демак,

хусусий мулкка эга бўлган одамда молпарастлик иллатининг пайдо бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу ҳолат эса ахлоқий эркинлик қоидалари доирасидан чиқишга олиб келади. Шунингдек, демократик жамият шароитида маънавий ва ахлоқий тубанлики ўз ичига олган сохта "оммавий маданият"нинг буй кўрсатиши ҳам маълум бўлди (қаранг: *Хэмоул Д.Ж. Моральное основание демократии. М., "Феникс", 1993, стр. 106*). Ғаразғўй қимсалар томонидан "оммавий маданият" никоби остида ахлоқий бузуклик, шафқатсиз индивидуализм ва эгоцентризм ғоялари тарқатилиши сир бўлмай қолди. Ёмон томони, бу иш демократия номидан амалга оширилаётганидир.

Аёнки, демократик жамиятда эътиқод эркинлиги бирламчи ҳуқуқлардан ҳисобланади. Аммо бу ҳуқуқ ҳам сунистеъмор қилинаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айрим мутаассиб қимсалар ўзи мансуб бўлган гуруҳ аъзоларинигина иймон-эътиқодли ҳисоблайди. Бу ҳам эътиқод эркинлигини сунистеъмор қилишдир.

Демократик жамият шароитида ахлоқийликни қўчайтириш тақозо этилади. Чунки ахлоқий маданият – шахснинг онги, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини инсоний меъёрлар, қоидалар, фазилатлар ва принциплар воситасида шакллантиради (Ерасов Б. *Социальная культурология. М., "Аспект-Пресс", 1997, стр. 112*).

Ахлоқий маданиятнинг қамрови кенг бўлиб, у идеал ва реал нормалар, қадриятлар, фикр ва ғоялари ҳам қамраб олади.

Кўпгина давлатларда ахлоқий маданият тор маънода тушунилади ва этикет доираси билан чеклаб қўйилади. Ваҳоланки, этикет бу – реал вазиятларда белгиланган меъёр ва қоидаларга мувофиқ хатти-ҳаракат қилишдир (қаранг: *Голубева Г. Этика. М., "Экзамен", 2005, стр. 225*). Ахлоқий маданият эса бутун жамият аъзоларига тааллуқли ҳодиса. Бу маданият ёш, касб-кор, ижтимоий келиб чиқиш, мавқе, миллат ва макон танламайди. У умуминсониятга хос хусусият. Шахс ва миллатлар ахлоқий маданият даражаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин, ҳолос.

Олмон файласуфи Фридрих Ницше (1844-1900) инсониятнинг ахлоқий маданияти тадрижий жиҳатдан икки босқичда ривожланганини қайд этган: 1) монотеистик (яккахудолик) динлари келгунга қадар ахлоқий маданият "ўзни билиш" ғояси асосида ривожланган; 2) монотеистик динлари келгандан кейин ахлоқий ма-

даният иймон-эътиқод асосида ривожланмоқда (*Ницше Ф. По ту сторону добра и зла. // Мир философии. Тексты. Часть 2. М., "Политиздат", 1989, стр. 355*). Файласуфнинг бу фикри ахлоқий маданият дунёвий (сақрал) ва диний (секуляр) қадриятларни ўзида мужассам этади, деб талқин қилиш мумкин. Демократик жамиятда ахлоқий маданият ўзни билиш ва иймон-эътиқодли бўлиш воситасида дунёвий, диний қадриятларни уйғун қабул қилишга асосланмоғи даркор. Чунки инсон қонунни ўзи яратгани учун уни ўзига мослаштира олади, натижада ахлоқ қадриятларини ҳам шундай мослаштириш имкониятига эга бўлади. Бундай ҳолатда инсонни ўзидан кудратли бўлган Худодан қўриқш туйғуси ахлоқ доирасида ушлаб туради. Шу жиҳатдан, П.Бьюкенен қайд этганидек, "Насронийлик этикаси (барча динлар этикаси – **М.Қ.**) қатъий чекловлар қўйиб орқали инсонни бахт сари етаклайди" (*Бьюкенен П. Смерть Запада. М., "АСТ", 2004, стр. 80*). Зеро, ахлоқий маданият дунёвий ва диний қадриятларни уйғун ўзлаштириши билан инсонийлик қоидаларини сақлаб қолади. Шу маънода, ўзни билиш ва иймон-эътиқодли бўлиш бугунги кунда ахлоқий маданиятнинг мезони бўлиб қолмоқда. Ана шу мезонга амал қилиб яшаш инсонни мўътадил ва фаровон ҳаёт кечиршига олиб келади, жамиятда жамоавийлик ва уюшувчанликни кучайтиради.

Рус файласуфи Владимир Соловьев (1853-1900) ахлоқий маданиятга асосланган ҳолда сиёсат юритиш давлат учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Унинг фикрича, бундай сиёсат "негизини виждонийлик ташкил қилади ва виждон воситасида ҳар бир халқ ўзга халқлар олдидаги мажбуриятини англайди" (*Соловьев В. Нравственность и политика. // Мир философии. Часть 2. М., "Политиздат", 1989, стр. 358*). Демак, ахлоқий маданият инсоннинг инсон олдидаги, бир халқнинг бошқа халқ олдидаги мажбуриятини тарғиб қилади. Бу мажбурият Ер юзиде одамзоднинг ўзаро биродар бўлиб яшашини ифодалайди. Зеро, бундай тамойил бизда азал-азалдан мавжуд. "Авестода" виждон "иймон", "эътиқод", "ишонч" ва "аъмор" маъносида талқин қилинган, унинг асосини эзгу фикрлаш ва эзгу хатти-ҳаракат қилиш ташкил этиши белгилаб қўйилган (*Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Т., "Шарк", 2001, 383-бет*).

Рус файласуфи Сергей Булгаковнинг (1871–1944) фикрича, инсон "эзгуликка таянган ҳолда ёвузликка қарши курашиши керак" (*Булгаков*

С. *Человекобоя и человекозверь. // Мир философии. Часть 2. М., "Политиздат", 1989, стр. 362.* Бу курашга инсон ахлоқий жиҳатдан тайёр бўлиши, бунинг учун эса у ёшлиқдан барқарор муҳитда вояга етиши даркор. Чунки "Инсон муҳитнинг ҳосиласи, у ўз-ўзича на эзгу ва на ёвуз бўлади, уни муҳит шу иккаласидан бирига йўналтирилади" (*Ўша манба, 363-бет*). Айрим кишилар демократик қадриятларни чексиз ва миқёсиз тасаввур қилади. Аслида эса бу қадриятлар меъёрга эга. Шу маънода, эркинлик инсон онгидаги хурликни, ҳуқуқ инсон қадриятларини, манфаатдорлик эса инсон ҳаётининг фаровонлигини аниқлатади. Бундай муҳитда инсоннинг ахлоқий онгида эзгулик устувор бўлади. Файласуф айнан шунга ишора қилади.

Яна бир рус файласуфи Николай Бердяевнинг (1871-1944) таъкидлашича, ҳар қандай тузум, вазият ва шароитда маънавий масаласи биринчи ўринда турмоғи лозим. "Итоаткор кимсалар билан эркин жамият қуриб бўлмайди. Жамият инсонни хурликка ўз-ўзидан олиб чиқмайди, эркин жамиятнинг унинг ўзи қуриши керак, чунки у маънан эркин мавжуддир" (*Бердяев Н. О назначении человека. // Мир философии. Часть 2. М., "Политиздат", 1989, стр. 52*). Демак, инсон маънавий эркин бўлса, жамият ҳам эркин жамият бўладики, бу ахлоқий маданиятта эришишда муҳим омилдир.

Матлуба ҚАҲҲОРОВА,

Тошкент давлат Педагогика
университети докторанти

Yuksalish yo'lidagi mustahkam asos

Мамлакатимизда нефтни sanoat asosida қайта ишлаш XIX асрда, аниқроғи, 1885 йилдан йўлга қўйилган. Фарғона водийсида жойлашган икки қудуқдан олинган дастлабки нефть маҳсулоти қайта ишлаш учун от, туя ва араваларда Анджон, Тошкент, Қўқон шаҳарларига ташилган. Совет даврида эса Ўзбекистоннинг нефть-газ sanoati СССР нефть sanoati вазирлигига бўйсунган. Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда ўлкадаги конларни Туркистон автоном республикаси Олий халқ хўжалик кенгашининг тоғ-кон ишлари бўлими идора қилган. 1963 йил Ўрта Осиё республикалари sanoatини янада қаттиқроқ назоратга олиш мақсадида Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгаши тузилиб, нефть-газ sanoati бошқармаси Ашхобод шахрига жойлаштирилган. Ўзбекистон худудида ишлаб турган нефть-газ корхоналарини эса Москвадаги беш вазирлик – нефть sanoati, газ sanoati, геология-нефть-газ sanoati қурилиши, нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси sanoati вазирликлари бошқарган. Бирининг режаси иккинчисиникига мос тушмайдиган бу вазирликларнинг нефть-газ sanoati фаолиятини ягона тизим asosida мувофиқлаштириб боровчи дастури бўлмагани боис уларга қарашли корхоналарнинг ҳар бири ўзи учун алоҳида

идора, омборхона, базалар қуриб олаверган, электр-сув таъминотини ҳам ўз билганича ҳал қилган. Бу эса, табиийки, сарф-харажатларни кўпайтириб юборган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач нефть-газ sanoatидagi бошбошдоқликка барҳам берилиб, у ягона тизимга бирлаштирилди. Президент Ислом Каримовнинг 1992 йил 8 июндаги фармони билан нефть-газ sanoati концерни барпо этилиб, 1993 йили у "Ўзбекнефтегаз" миллий корпорациясига айлантирилди, 1999 йилдан эса "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси сифатида фаолиятини давом эттира бошлади.

Бугунги кунда "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компаниясининг бошқарув идорасида илгор замонавий технологиялар, хусусан, компьютер дастурларини мукамал эгаллаган истеъдодли ёш кадрлар хизмат қилади. Тизимдаги 80 минг ишчи-хизматчи ва мутахассис Фарғона водийсидан то Орол денгизи бўйларигача, Афғонистон чегарасидан Қозоғистон Республикаси сарҳадларигача бўлган худудларда мамлакатимизнинг нефть ва газ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун фаолият юритмоқда. Компания тасарруфиди иккита – Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи мавжуд. Бу заводлар йилига 11,2 миллион тонна нефть

ва газ конденсатини қайта ишлаш қувватига эга. Айниқса, Бухоро вилоятида (Қоравулбозор тумани) қурилган корхона транспорт харажатларини кескин камайтириш имконини берди. Мазкур завод қурилгунга қадар нефть Ўзбекистоннинг ғарбидан шарқига, нефть маҳсулотлари эса, аксинча, шарқдан ғарбга ташилар эди.

Бугунги кунда "Ўзбекнефтгаз" компанияси табиий газ қазиб чиқариш бўйича дунёда саккизинчи, ёқилги-энергетика ресурслари ишлаб чиқариш бўйича эса МДХда бешинчи ўринни эгаллайди. Айтиш жоизки, истиқлол йилларида мазкур соҳада ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини ошириш борасида юритилган оқилона сиёсат туфайли углеводород хомашёсини қазиб чиқариш ҳажми 1991 йилдагига нисбатан ўттиз уч фоиз ўсди. Мустақилликнинг илк йилларида улкан нефть захирасига эга бўлган юртимизга саноат ва аҳоли эҳтиёжи учун нефть маҳсулотлари асосан четдан ташиб келтирилар эди. Бугун эса Ўзбекистон ўзини ўзи нефть билан тўлиқ таъминлабгина қолмай, чет элга ҳам экспорт қилаётир. Маълумотларга қараганда, 2009 йил Афғонистон, Озарбайжон, Австрия, Болгария ва бошқа давлатларга нефть маҳсулотлари чиқарилган.

1991-99 йиллари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати остида чет эл сармоялари кредит шаклида жалб этилган эди. Сармояларнинг бундай шакли қўлланишига сабаб – Ўзбекистон илк бор мустақил давлат сифатида халқаро майдонга чиқди, у ўзини тиклаб олмоғи учун халқаро молия институтлари ва чет эл ишбилармонлари доирасининг ишончли ҳамкорлиги, юқори даражадаги иштироки зарур эди. "Дрессер-Ренс" (АҚШ) компанияси агрегатлари билан жиҳозланган, 1997 йил ишга туширилган ноёб компрессор станцияси бунга мисол бўла олади. Кўкдумалоқ қонидаги бу станция "Сайплинг-процесс" усули ёрдамида газ конденсатини максимал олиш имконини беради. Қиш мавсумида республика аҳолисини газ билан таъминлаш сифатини ошириш ва мавжуд газ-транспорт тармоқларидан оптимал фойдаланиш мақсадида 1999 йили АҚШнинг "Келлог" компанияси билан Япониянинг "Мишо-Иван" компанияси ҳамкорлигида Хўжаобод ер ости газ захираси ишга туширилди. Бунда "Дрессер-Ренд" компрессори қўлланилди. Кўкдумалоқ нефть-газ қони очилгандан кейин, юқорида ҳам қайд этиб ўтганимиздек, 1997 йили Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи фаолият бошлади. Бу завод Франциянинг "Текнал", Япониянинг "Марубени",

"Жей Жиси" компаниялари билан ҳамкорликда қурилган. 2000 йилга келиб Фарғона нефтни қайта ишлаш тармоғи энг илғор технологиялар билан жиҳозланди. Бу эса халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон яратди. 2004 йили Ўзбекистон ҳукумати "Лукойл" АЖ уюшмаси билан шартнома имзолади. Унда Хаузак ва Шади ҳамда Жасторт конларига геологик разведка ишлари олиб бориш ва у ердан қазиб олинган маҳсулотни тақсимлаш кўзда тутилган. Лойиҳа асосида мамлакатга бир миллиард АҚШ доллари миқдорда сармоя киритилди. Маҳсулотни тақсимлаш келишуви 35 йиллик муддатга мўлжалланган.

2007 йил якуни "Ўзбекнефтгаз" компанияси тарихида самарали бурилиш палласи бўлди. Саккизта истиқболли лойиҳа амалга оширилиб, тўғридан-тўғри ҳажмдаги инвестиция жалб этилди. Умуман олганда, миллий холдинг компания тизимидаги корхоналарда даромад олиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунда ташкилий-техник тадбирлар яхши йўлга қўйилгани туфайли ёқилги энергетика ресурслари тежаляётгани ҳам муваффақият омили бўлмоқда. Шунингдек, геология-қидирув тадбирлари натижасида 50 та қудуқ қурилди. Бухоро-Хива, Фарғона ва Сурхондарё минтақаларида 8 та газ конденсати ва нефть конлари очилди. Бу борада хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик қилинмоқда (*Эшманов Х. Тараққиёт эшиклари. // Биржа. 2008 йил 25 март*).

Табиийки, мамлакатимиз нефть-газ саноати олдида ҳам амалга оширилиши зарур бўлган талай вазифалар бор. Тармоқда ишлаб чиқаришнинг автомобиллашган бошқарувини такомиллаштирувчи концепциялар ишлаб чиқиш; энергоресурсларни сақлаш тизимини ривожлантириш; истиқболли дастурлар яратиш; энг қimmat хомашё компонентларидан этан, пропан, бутан ва ҳоказоларни олишда приоген жараёнлардан фойдаланиш; табиий газни қайта ишлашни чуқурлаштириш, хорижий компаниялар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар яратиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон яхши ривожланган магистрал газ қувурлари ва газ отвод қувурларига эга, улар табиий газни қазиб олинаётган ва қайта ишланаётган жойдан хоҳ республика ичида бўлсин, хоҳ ташқарисида транспортировка имконини беради. Республика газ қувур магистралли ўлчами 13 минг километрни ташкил этади. Бундай машхатбадги дастурнинг ўзлаштирилиши Ўзбекистоннинг

ёқилги-энергетик мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бирга дунё иқтисодийётидаги интеграциясини ҳам тезлаштиради.

Ер ости захираларининг нефть ва газ қазилмаларига бойлиги, илмий техник салоҳиятининг мавжудлиги, мазкур соҳадаги бой тажриба "Ўзбекнефтьгаз" компаниясининг истиқболдаги

ривожидан дарак беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, "Ўзбекнефтьгаз" миллий холдинг компанияси Ўзбекистонни экспорт қилувчи давлатга айлантиришда ўзига хос ўрин эгаллайди.

Суннатилла ИСМОИЛОВ,
ЎЗМУ аспиранти

Demokratiya – uzoq muddatli jarayon

Тарихий тараққиётнинг қайси бир даврига назар ташламанг, жамият қарама-қаршиликларсиз ривожланиши мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Шу боис демократиянинг негизда мурасосозлик сиёсати ётади. Унинг энг асосий вазифаларидан бири ҳам жамиятдаги мавжуд кучларни келишиш ва мураса йўли билан бирлаштириб, умумризо бўладиган қарорга, яъни консенсусга олиб келиш ҳамда мамлакат тараққиёти учун хизмат қилишини таъминлашдан иборат.

Маълумки, муайян бир мамлакатда эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш учун дастлаб уни демократлаштириш талаб этилади. Бу борада, давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, биринчидан, демократиянинг тарихий мезонларига эътибор бериш, улар билан ҳисоблашиш; иккинчидан, мамлакат аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш; учинчидан, фуқаролар онги, тафаккурини ўзгартириш, тўртинчидан, ҳуқуқий демократик жамиятга табиий йўсинда бориш, ҳеч қандай зўриқиш ва талофатларсиз эришиш зарур (*Ислоҳ Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, Т., "Ўзбекистон", 2000*).

Аслида, демократиянинг тарғиб-ташвиқ қилиниши эмас, нечоғлиқ ҳаётий ва яшовчан экани муҳим. Шу боис "демократия" сўзи ҳар қанча жозибador ва жарангдор бўлмасин, ижтимоий ҳаётимизга, бутун қалбимизга сингиб кетмаса, у шиору таъриф бўлиб қолаверади, холос. Ҳуқуқий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан шароит етилмаган мамлакатда демократик тамойилларга кенг йўл очиб, улар барча воситалар билан зўр бериб тарғиб этишга киришилса, бу ҳақиқий

демократик жараёнлар юзага келишига тескари таъсир этиши ҳам мумкин.

Албатта, демократия фақат назарий таълимот ёки сиёсий жараёндан иборат бўлиб қолмай, халқнинг турмуш тарзи, руҳияти, тарихи, анъаналари, маданиятини ҳам қамраб олади. Шундай экан, демократия ўзининг объектив қонуниятлари негизда ривожланувчи узоқ мuddатли жараён ҳисобланади. Демократияни ташқаридан олиб кириб бўлмайди, у ҳар бир халқ менталитети негизда қарор топиб ривожланмоғи, бора-бора ўша халқнинг қадрияти, бойлигига айланмоғи лозим. Бугунги кунда Ғарбда бирон бир мамлакатга демократияни ташқаридан олиб кириш мумкин, деган ғоя тарафдорлари тобора кенгайиб бормоқда. Чунки Ғарб давлатлари томонидан кейинги юз йилда ўн бир мамлакатга демократияни олиб кириш мақсадида қилинган ҳарбий ҳаракатлар ҳеч қандай натижа бермади. Жумладан, Яқин Шарқда демократия номи билан олиб борилган сиёсатидан бирон инсон мамнун ҳам бўлмади. На Афғонистонда, на Ироқда ханузгача мамлакатни мустақил бошқара оладиган ҳукумат тузилгани йўқ. 26 миллионлик Ироқ аҳолиси устидан 260 минг кишилиқ ҳарбий контингент назорат ўрнатган. Бундай "демократия" ҳам жуда қимматга тушди; уч мингдан ортиқ америкалик аскар қурбон бўлди, давлат хазинасидан 275 миллиард доллар миқдорида маблағ сарф этилди. Бу мисоллар шундан далолат берадики, мамлакатда демократик бошқарув тизимининг шаклланиши учун шароит етилмай туриб, ташқаридан зўрлик билан киритиладиган ҳар қандай ижтимоий ўзгаришга маҳаллий аҳоли қаттиқ қаршилиқ кўрсатади.

Тобора авж олиб бораётган глобаллашув жараёни эса давлатлар ва халқлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни йўқота бориш ўрнига, аксинча, кучайтирмоқда. Дунё аҳолисининг бешдан бир қисми ривожланган мамлакатларда яшайди ва улар жаҳоннинг шунча фоиз қашшоқ аҳолисига нисбатан 80 марта кўп моддий неъматни истеъмол қилади.

Аҳолининг ўртача умр кўриши Фарбий Европа ҳамда АҚШда Африка ва Осиё мамлакатларига нисбатан икки баробар юқори бўлгани ҳолда, аҳоли жон бошига кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳаражатлари деярли юз баробар

юқоридир. Энг ачинарлиси, демократик мамлакатлар билан "учинчи дунё" мамлакатлари ўртасидаги бундай иқтисодий тафовут фақат демократик ёки ривожланган мамлакатлар фойдасига кўпайиб бормоқда. Европада эса жамиятнинг демократлаштиришнинг ўзгача йўли танланди ва у айна пайтда бошқа давлатларга ҳам тақдир этилмоқда. Бу йўл "Европа иттифоқи" бўлиб, бундай йўлни танлаш, ҳар бир халқнинг, давлатнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ.

Гулчеҳра АБДУЛЛАЕВА,

Тошкент Молия институти
тадқиқотчиси

Madaniy taraqqiyot va tarixiy haqiqat

Миллий маданий бойликлар яратиш баробарида бошқа халқларнинг бу соҳадаги илғор ютуқлари ва иқтисодий тажрибасини ўзлаштириш ўзбек халқининг азалий хусусиятларидан ҳисобланади. Халқимиз тарихнинг ҳар бир босқичида бошқа маданиятлардан ўзининг миллий табиати ва тараққиётига мос келадиган ижобий жиҳатларни ўзлаштириб, улардан оқилона, самарали фойдаланиб келган. Масалан, араблар бостириб келганда, нафақат ислом дини, балки, араб тилини, унинг ифодавий услубини ҳам ўзлаштирган ва бу тилда бетакрор диний, илмий асарлар яратган. Чор Русияси истилосидан кейин эса европа санъати, хусусан, опера ва балет, ҳайкалтарошлик ва профессионал театр, бадий ҳаваскорлик ва клуб уюшмалари каби янгиликлар юртимизга кириб келди. Шўролар даврида ҳам таъқиб ва қатағонларга қарамай, миллий маданиятимиз янги иқод турлари ва маданият даргоҳлари билан бойиб борди. Маълумотларга назар ташласак, 1924 йили Ўзбекистонда атиги иккита олий ўқув юрти фаолият юритган бўлса, 1980 йилга келиб уларнинг сони 43 тага етган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Россия ва Украинадан ўлкамизга ишлаб чиқариш корхоналари, улар билан бирга мутахассислар ва уларнинг оилалари кўчириб келтирилиши ўзбек миллатининг бошқа халқлар билан

янада кенг маданий алоқа ўрнатиб, маданий ранг-баранглашувига таъсир кўрсатди. Масалан, Сурхондарё вилояти мусикали театри Харьков оперетта театри билан ижодий алоқа ўрнатиб, Аркадий Райкин, Максим Штраух, Мария Бабанова каби машҳур санъаткорлар билан мулоқотда бўлди (*С.Турсунов ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзусида. Т., "Шарқ", 2001, 223-бет*). Қашқадарё вилоятига Харьков, Полтава, Ворошиловград ва Одессадан 30 минг, Польшадан эса 2 мингдан зиёд аҳоли кўчириб келинган. Бундан ташқари, Китеб, Шахрисабз, Қарши ва бошқа туманларга 32 минг крим-татар оиласи жойлаштирилган (*Турдиев С. Жасорат солномаси. Қашқадарё 1941-1945 йилларда. Т., "Фан", 2008, 103-104-бетлар*). 1943 йили Қашқадарё вилояти мусикали драма ва комедия театри ташкил этилган. Манбаларда қайд этилишича, театр уруш йилларида 150 та спектакль, концерт томошаси ва санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиб, халқлар дўстлигини улуғлаш билан бирга ёвуз душманга нисбатан нафрат ғояларини ҳам тарғиб қилган (*С.Турсунов ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзусида. Т., "Шарқ", 2001, 194-195 бет*). Театр қошида рус, украин, крим-татар, поляк болаларидан иборат бадий ҳаваскорлик гуруҳи ташкил қилинган, гуруҳ турли халқларнинг ашула ва рақсларини, спектакль ва томошаларини ижро этиб, миллий

маданиятларнинг ўзаро алоқа ва таъсирига муносиб ҳисса қўшган. Уруш замонлари бўлишига қарамай, халқимиз бошқа миллатлар маданияти билан яқиндан танишиш ва улардан ижодий ўрганишга иштиёқ топа олган.

Ўзбек халқидаги инсоний бағрикенглик ва маданий бойишга интилиш туйғуси юқоридаги мисоллардан яққол кўриниб турибди. Лекин шўро ҳукумати миллий ҳудудларнинг, айнқса, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаётига бефарқ қараган, унинг ижодий-маънавий эҳтиёжларини етарлича ҳисобга олмаган. Тўғри, бу ҳолни уруш даврининг объектив сабаблари билан ҳам узоқлаш мумкин. Аммо бу эътиборсизлик урушдан кейинги даврда ҳам давом этди. Масалан, 1953 йили Қашқадарё вилоятида 278 та клуб муассасаси фаолият юритган бўлса, 1963 йилга келиб улар сони 192 тага тушиб қолган. Сурхондарё вилоятида эса улар сони 185 тадан 138 тага камайган (*Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Статистический ежегодник. Т., "Узбекистан", 1991, стр. 125*). Фақат йигирма йил ўтган, аҳвол бир оз ўзгарди, яъни клуб муассасалари сони 1953 йилги кўрсаткичга яқинлашди. Аммо бу ҳам талаб-эҳтиёжга нисбатан паст кўрсаткич эди. Масалан, 1980 йил республикамизда 4041 та клуб муассасаси хизмат кўрсатган ва ўн йил ичида улар сони атиги 430 тага ошган. Ваҳоланки, бу кўрсаткичлар Болтиқбўйи республикаларидаги йиллик ўсишга қараганда 4-5 баробар кам эди. Аҳоли жон бошига ажратилган маблағ Болтиқбўйи республикаларида ойига 70 тийинни ташкил қилгани (Россия федерациясида эса 27 тийин бўлгани) ҳолда Ўзбекистонда 0,3 тийинга тўғри келган. Бундай мисолларни маданиятнинг барча соҳаларидан келтириш мумкин. Масалан, 1940 йил Қорақалпоғистон АССРда 208 та оммавий кутубхона аҳолига хизмат қилган, орадан 23 йил ўтиб, улар сони 20 тага камайган. Тўғри, 1990 йилга келиб оммавий кутубхоналар сони 539 тага етган, аммо улардаги китоблар сони Болтиқбўйи ва Россия кутубхоналарига нисбатан 27 ва 19 баробар кам эди.

Афсуски, бу даврда музей ва театр соҳасида ҳам эътиборли силжишлар кузатилмайди. Масалан, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларида 1940 йилдан 1990 йилгача бирорта ҳам янги музей ташкил этилмаган, Қорақалпоғистон, Андижон, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятларида 50 йил ичида атиги биттадан музей ташкил этилган. 1940-90 йилларда Қорақалпоғистон, Андижон, Бухоро ва Жиззах вилоятларида ати-

ги иккитадан, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида эса биттадан театр аҳолига хизмат қилган. Тошкентда театрлар сони икки мартага ошган бўлса-да (5 тадан 11 тага етган), улар икки миллион аҳоли ва ҳар кун келиб-кетиладиган ярим миллиондан зиёд меҳмоннинг маданий эҳтиёжини қондириши амримаҳол эди.

Коммунистик мафкура аҳолини ижтимоий-маданий ҳаётнинг ҳақиқий субъектига айлантириш ҳақида лоф урган, ҳар бир кишига билим олиш, ижод қилиш, жамият ва давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи берилган, деб жар солгани маълум. Бу борада махсус қонунлар қабул қилинган, дастурлар ишлаб чиқилган, бироқ улар амалда кишиларнинг том маънодаги ижтимоий-маданий эҳтиёжларидан йироқ эди. Аҳоли онгида ҳамма нарсани давлат, марказ ҳал этади, деган тасаввур шакллантирилган. Ҳеч бир киши, ҳеч бир ташкилот, жамоа, ҳудуд ўз ташаббуси билан маданият ўчоғи барпо этишга журъат қилмаган. Бирор кишлоқда мўъжаз бир кутубхона ёки клуб барпо этиш учун ҳам аввал туман, кейин вилоят ва республика раҳбариятига мурожаат этилар, улар тасдиқлагач, лойиҳа-таклиф марказ томонидан маъқулланса, ана шундагина келгуси беш йиллик дастурига киритилар эди. Бюрократия, сансоларлик, марказлаштириш кишиларда ижодкорлик салоҳияти, бунёдкорлик туйғусини бўғиб қўйган. Аини чоқда халқнинг миллий маданиятини асраш ва ривожлантиришга бўлган интилиши коммунистик мафкуранинг ютуғи, "партия доно сиёсатининг самараси" сифатида улугланиб, тарихий ҳақиқат бузиб талқин этилар, халқнинг маданий-ижодий хислатлари камситиларди. Шўро даврида қўлга киритилган маданий ютуқлар аслида халқимизнинг маданиятга, ижодга ва тараққиётга интилишининг, яратувчиликка азалий иштиёқининг натижаси эди.

Бугун янги маданият ўчоқлари барпо этиш, санъат ва ижод билан эркин шуғулланиш, қалбимизга яқин маданий бойлик ва ғояларни тарғиб этиш имконига эгамиз. Халқимиз маданиятни ижтимоий-тарихий тараққиёт талабларига, ўзининг ҳаётий-маънавий эҳтиёжларига мувофиқ тарзда ривожлантириб бормоқда.

Нодира ЭРКАЕВА,

*Тошкент Ахборот технологиялари
университетининг Қарши филиали
ўқитувчиси*

Go'zallik – ijtimoiy ehtiyoj

Уйғониш даври ва XVII асрнинг аксарият рас- сомлари "Она ва фарзанд" мавзуида ишланган асарлари билан дунёга танилган. Бу мавзуни ёритишда уларнинг ҳар қайсиси ўз индивидуал услубини яратган. Леонардо да Винчи, Микелан- жело Буанаротти ва Рафазль Сантиларнинг жо- зибали мадонналарию ҳаётнинг бебаҳо неъматни ҳисобланмиш гўдак образларида буюк санъат- кор услуби яққол кўзга ташланади.

Бугунги кун ўзбек расомлари ҳам оила, оилавий муносабатлар, ота-она ва фар- занд, меҳр-муҳаббат мавзуларида сермахсул ижод қилмоқда. Жумладан, мусаввир Раҳим Аҳмедовнинг "Оналик тонги" асарида она ва фарзанд ўртасидаги нозик муносабатлар эрта тонгга, мусаффо ҳавога, она табиатнинг нафис лаҳзаларига менгзалган.

"Оналик тонги" – аёлга бўлган чексиз муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром ифодасидир. Фарзанд она бағридагина тинч ором олади. Инчунун, бу ҳолат фақат ўзбек миллатигагина хос эмас, рас- сом аёл образини глобал миқёсда кўради – асар- да сайёрамиш аёллари мужассамлашган.

Асарда замин, ватан, табиат она сиймосида уйғунлашган. Тонг манзарасининг бетакрорлиги, осмоннинг бегуборлиги, виқорли тоғлар гўзал- лиги кишига кўтаринки кайфият бағишлайди. Гўзал табиатнинг бир парчаси – она тимсоли ҳам ана шу тонг янглиғ покликка йўғрилган. Ортиқча зеб-зийнатсиз, эгнига енгил кўйлак кийган, рўмоли бошидан сирганиб тушган, икки ўрим сочи елкасида тўлғаниб ётган аёл ниҳоятда жо- зибали. Онанинг юзидаги хотиржамлик у толеи- дан мамнун эканини англатади. Ўзбекона ёғоч супада олпоқ тўшақда ўтирганча ширин уйкуда тамшанган боласини эмизаяётган аёлнинг ёнида турмуш ўртоғи ухлаб ётибди. Ота-она ва бола биргалиқда оила муқаддаслигининг, оқ мато эса оилани пок асрашнинг рамзий ифодасидир. Су- пага солинган шолчанинг қора, кизил, яъни бир гал совуқ, бир гал илиқ рангларда тасвирлан- гани инсон ҳаёти яхши-ёмон кунлардан иборат, шундай экан, турмуш қийинчиликларини мато- нат билан енгиб ўтмоқ керак, деган фалсафий

ғояни ташийди. Осма беланчак эса ҳаёт, вақт ҳамда борлиқ абадий ҳаракатда эканини англ- латади. Бу тафсил инсон фоний дунёда яшаёт- ганини эслатади, ҳар бир дақиқа ганимат экан- нини уқтиради.

Мусаввир "тонг" билан "оналик"ни ўзаро муқояса қилади. Асар икки блокдан иборат. Биринчи блокда оила – ота-она, фарзанд жам бўлган, иккинчи блокда эса бир жуфт терак ота- онага, улардан узоқроқдаги икки-уч терак улар- нинг фарзандларига қиёсан тасвирланган. Шу икки блок воситасида инсон ва табиат бир бутун ҳодиса сифатида намоён этилади, борлиқни кўз қорачиғидек асраш кераклиги ҳақида фалсафий фикрга ургу берилади.

Қадим-қадимдан Шарқда оқ ранг – ёруғлик, бахт, қора ранг эса унинг акси саналган. Ана шу ранглар кеча ва кундуз давомийлигининг рам- зи, қурраи арз ҳаракатининг йўналишига асос қилиб олингани бежиз эмас. Шунинг бир учун оқ ва қоранинг ўнг томонга қарата айлана бўйлаб йўналиши шакли рамз сифатида қабул қилинган. Натижада доимий ҳаракат тимсолида ҳаёт рам- зи пайдо бўлган.

Эртанги кунимиз яратувчиси бўлган ёш ав- лодни тасвирий санъат асарлари билан таниш- тириб бориш уларда эстетик дидни тарбиялай- ди. Тасвирий санъат воситасида кишиларда гўзалликка иштиёқ, айна чоқда, раҳм-шафқат, ўзгалар дардига шерик бўлиш каби ҳис-туйғулар уйғонади. Таассуфки, соатлаб мушоҳадага даъ- ват этадиган санъат асарларидаги ранглар ва турли тафсиллар мохиятини ҳамма ҳам илғаб ололмайди. Бунинг боиси, санъатни англаш ва ундан баҳра олиш учун руҳий тайёргарлик, санъат қонунларига оид зарурий билимлар- га эга бўлмоқ даркор. Чизикларда, рангларда яширинган тимсол инсон руҳиятига таъсир эта- ди, уни зийрак, эътиборли қилади. Ҳар қандай санъат асари бевосита фалсафий ғоялар, дунёқарашларни ифода этади. Турли даврларда яратилган асарлардан унинг ижодқори бўлиши санъаткорнинг даврга ва ҳаётга муносабатини англаб олиш мумкин. Ҳозир ҳам ёшлар санъ-

ат асарларидаги ахборотни таҳлил этиб, ундан ижобий ҳаёқ олиши мумкин. Бунинг учун санъатдаги ҳақиқатни уларга етказадиган омил, восита ва имконият бўлиши керак.

Бизнинг вазиғамиз бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, умуминсоний қадриятларга таяниб санъат асарлари воситасида инсоннинг эзгу фазилатларини юксалтиришидир.

Мамлакатимиз келажаги етук кадрлар тайёрлашга бевосита боғлиқ. Янгича фикрлайдиган, замонавий билимларни эғаллаган баркамол авлодни тарбиялаш, ташкилотчи ва зукко

кадрларни тайёрлаш учун таълим-тарбияни давр талаби даражасига кўтариш жамиятимизнинг, ҳар биримизнинг олдимиздаги энг муҳим вазифалардандир.

Гўзалликка интилиш инсонни маънавий жиҳатдан камолотга етаклайди, унинг эстетик ҳис-туйғусини ривожлантирадики, бу борада тасвирий санъат асарларининг аҳамияти беқиёсдир.

Гулчехра ҚУРБОНОВА,

*Ўзбекистон давлат консерваторияси
катта ўқитувчиси*

Qo‘qon xonligi: vaqf va ta‘lim

Қўқон хонлиғида ҳам мулкдорлар томонидан масжид, мадраса, қорихона, мактаблар қуриб, уларга даромад келтирадиган мол-мулкни – экин ерлари, қарвонсарой, бозор, дўқон, раста, тегирмон, обжувоз, ҳаммом ва бошқа иншоотларни вақф қилиш удум бўлган. Машҳур фикршунос Бурҳониддин Марғинович (XII аср) “Ҳидоя” китобида: “Ернинг вақфга айлантирилиши қонуний деб ҳисобланади, чунки Расулulloҳнинг сафдошларидан баъзилари ерларини вақфга айлантирганлар”, деб ёзган. Вақфнинг моҳиятини аниқлаб берар экан, ул зот яна шуни қайд этган: “Вақфга айлантирилган мулкни унинг таъсис этувчиси қайтариб олиши мумкин эмас”.

Қуръони қарим ва ҳадиси шариф кўрсатмаларига биноан хонлар, беклар, амалдорлар, катта ер эғалари, савдогарлар, руҳонийлар савдо-саноат иншоотларини вақф деб таъсис этган. Ўз мулкни вақф қилган шахслар мазкур мулкка нисбатан эғалик ҳуқуқини йўқотган. Вақф қилинган мулк бедахл, яъни Оллоҳники ҳисобланган. Вақф мулкни сотиш, гаровга қўйиш, мерос қолдириш, совға қилиш, давлат тасарруфига ўтказиш шариатда ман этилган. Масжид, мактаб, мадраса ва бошқа диний муассасаларнинг вақф мулклари давлат ва қозилар томонидан назорат қилинган, мутаваллилар эса уларни бошқарган. Вақф мулкларидан тушган даромад диний ва таълимий муассасаларнинг

моддий асосини ташкил этган. Вақфномага биноан, вақф мулкларидан келган даромаднинг ўндан бир қисми мутаваллига ажратилган. Қолгани, биринчи навбатда, мадраса ва бошқа ёрдамчи биноларни таъмирлашга сарфланган, ўндан ҳам органи эса тўрт қисмга бўлиниб, бир қисмининг учдан бири мударрисга берилган, шу қисмининг икки улуши эса бешга тақсимланиб, икки қисми имомга теккан, уч қисми муаззин, қоровул, сартарош ўртасида бўлинган. Даромаднинг қолган тўртдан уч қисмини талабаларга аъло, аусат ва адно даражаси бўйича стипендия қилиб тақсимланган.

Хонлар ўз маблагига қурдирган ҳашаматли мадрасаларга катта мол-мулкни вақф қилиб берган. Катта ер эғалари, савдогарлар, умуман, мулкдорлар қурдирган мадрасалар хонлар ва уларнинг авлодлари бунёд этган мадрасаларга нисбатан сон жиҳатдан кўпроқ, ҳажман эса ихчамроқ бўлган. Уларга вақф этилган савдо-саноат мулклари ҳам кам бўлган.

Қишлоқ мадрасалари шаҳар мадрасаларидан кичикроқ бўлиб, одатда уларнинг дарсхона ва ҳужралари кам сонли талабаларга мўлжалланган. Шу сабабли қишлоқ мадрасаларига ҳада қилинган савдо-саноат вақф мулклари кўп бўлмаган. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 19-рақамли Фарғона вилояти бошқармаси архив фондида

Андижон уезди Қорасув қишлоғидаги мадраса вақфномаси сақланган. Унга кўра, ҳижрий 1278 (милодий 1861) йили Қорасув қишлоғида Мулла Алиқул Ҳасанбой бий мадраса қурдирган. Қорасув қишлоғида жойлашган карвонсарой ва Марғилон шаҳри бозоридаги 5 та дўкон бу мадрасанинг вақф мулки ҳисобланган. Мадрасага яна Қўргонтепаннинг Полвон мавзеидаги ер майдонлари ҳам вақф қилиб берилган. Вақфномага уни тасдиқлаш учун қози, аълам ва муфтиларнинг муҳри босилган.

Масжидлар фақат намоз ўқиладиган жой бўлмай, маданий-маърифий марказ вазифасини ҳам бажарган. Маҳалла аҳолисининг диний-маданий тадбирлари ҳам масжидда ўтказилган. Масжидлар оддий, жоме ва намозгоҳ масжидларига бўлинган. Оддий масжидларда кундалик намозлар ўқилса, жоме масжидларида жума намози ўқилган, намозгоҳлар фақат хонлиқ пойтахтларида бўлган. Уларда Йиди Рамазон ва Йиди Қурбон намозлари ўқилган. Шунинг учун айрим мадрасалар масжидлар билан бирга қурилган. Масжидларнинг иқтисодий таянчи ҳам вақф мулкидан олинадиган даромад бўлган.

Хонлар онаси, умр йўлдоши ва бошқа яқин қариндошлари номига мадраса қурдириши анъана бўлган. Шундай анъанага кўра Маъдалихон 1840 йили онаси Моҳларойим (Нодира) номига мадраса қурдирган. Мадрасанинг дархонадан ташқари талабалар истикомат қилувчи 37 та хужраси ҳам бўлган. Мадрасага Маъдалихон вақф қилиб берган экин ерларидан ташқари, бир карвонсарой ва 17 та дўкон даромади ҳам тегишли бўлган. Мадраса ходимлари вақфномада белгиланган тартибда маош олган. Талабаларга тегишли вақф мулки даромадини мутавалли тенг бўлиб берган.

Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси анча илгари (XVI асрда) барпо этилган бўлса-да, унинг вақф мулки XIX асрда 69 та савдо расчасини ташкил этган. Бироқ 1865 йил генерал М.Черняев буйруғи билан бу савдо расталари бузиб ташланган.

1869 йил 28 мартдаги маълумотга кўра, Лашкарбоши мадрасаси ва унда таълим олувчи муллалар, бева-бечоралар учун жорий этилган Тошкентдаги Назарбой вақф мулклари ҳам тортиб олинган.

Кўкон хони Худоёрхоннинг укаси – Марғилон ҳокими Султонмуродбек Кўкон шаҳрида мадраса билан бирга қорихона ҳам қурдирган ва

савдо дўконларини вақф қилиб берган. Маълумки, қорихоналар ўзига хос бир ўқув маскани бўлиб, бу ерда катта ёшли кўзи ожиз эркаклар қорибоши ёрдамида Қуръон сураларини ёд олган. Қорихоналар кичикроқ мадраса кўринишида бўлиб, аксарият ҳолларда йирик мадрасалар таркибида жойлашган.

1869 йил Худоёрхон Кўкон шаҳрида онаси Ҳоким Ойим номига мадраса қурдирган. Шаҳардаги энг катта (105 та хужра, бир неча дархона ва китобхонаси бўлган) бу мадрасага Худоёрхон экин ерларидан ташқари иккита карвонсарой ва 32 та дўконни вақф қилиб берган.

Мисоллардан кўриниб турибдики, мадрасалар ва бошқа диний ташкилотлар иқтисодий жиҳатдан бир-бирдан фарқ қилган. Уларнинг иқтисодий аҳволи вақф мулкларидан оладиган даромадига боғлиқ бўлган. Шу боис Туркистондаги рус маъмуриларини мадраса ва масжидларнинг вақф мулкларидан қанча даромад келиши қизиқтирган. Чунки қайси масжид ва мадрасанинг иқтисодий салоҳияти юқори бўлса, унинг халққа таъсири ҳам кучли бўлиши маълум эди. Шу сабаб чор маъмурилари масжид ва мадрасаларнинг вақф ерлари билан бирга савдо-саноат вақф мулкларини ҳам ҳисоб-китоб қилган. В.Наливкин келтирган маълумотларга кўра, айрим мадрасаларнинг савдо-саноат мулкларидан тушган даромади жуда катта бўлган. Масалан, Тошкентдаги Эшонқули Додхоҳ мадрасаси 1894 йили ўзига қарашли 40 та дўкон, 165 та дўкон таг жойи, 2 та карвонсарой ва 1 та тегирмондан, мадраса биносини таъмирлашга сарфланган харажатдан ташқари, 2000 рублга яқин даромад олган; Тошкентдаги Хожа Аҳрор мадрасаси 52 та дўкон, 300 та дўкон таг жойи, 1 та карвонсарой ва 2 та каппондан 670 рубль даромад қилган. Зангиота мадрасаси Тошкент шаҳридаги вақф хаммомидан 600 рубль даромад олган. XIX асрнинг 90-йилларида битта кўй 4-5 рубль, сизир 8-10 рубль бўлгани ҳисобга олинса, мадрасаларнинг юқорида зикр этилган даромади ростакамига катта сармоа эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, вақф мулклар даромади таълим-тарбия ишлари сифатига ижобий таъсир этган.

Муҳаммаджон АЛИҲОЖИЕВ,

*Андижон давлат университетининг
катта ўқитувчиси*

Ulug' buxoriylardan biri

Абу Бакр Калободий (вафоти ҳижрий 385, милодий 995) бошлаб берган йўналиш – тасаввуф таълимотини турли хурофот ва бидъатлардан ҳимоя қилиш, уни шариат илми билан чамбарчас боғлаш, бу йўлда ҳанафия мазҳабини асос қилиб олиш – исломий тафаккур уфқларини кенгайтирадиган ўзига хос янги бир илмий-назарий мактаб шаклланаётганидан дарак берарди. Бу мактаб Х аср охирига келиб улуг' мутасаввиф, муфассир, муҳаддис ва мутакаллим Имом Бухорийнинг (вафоти ҳижрий 434, милодий 1042) ибратли ҳаёт йўли ва мазмунан бой илмий-маънавий мероси туфайли юксак бир мақомга кўтарилди. Бухорий тасаввуф тарихи, ирфон фалсафаси, калом, фикҳ ва мантиқ илмларига доир асарларида инсон ва Худо, инсон ва борлиқ, ҳаёт ва ўлим, азалият ва абадият, ақл ва ҳиссиёт, илм ва амал, ишқ ва муҳаббат, жабр ва ихтиёр, ваҳдат ва касрат, зоғ ва сифот, анбиё ва авлиё, имон ва эътиқод, касб-ҳунар ва меҳнат, зуҳд ва тақво, ихлос ва ишонч, тажрид ва тафрид, ғайб ва шухуд, тавҳид ва маърийат каби қўллаб-қўлловчи, диний ва ахлоқий масалаларга оид мантиқий таҳлил ва қарашлари билан тасаввуф таълимотининг кейинги тараққиёти учун муносиб замин яратиб берди. Абу Бакр Калободий шариат ва тарикат ўртасидаги ихтилофни бартараф этишнигина мақсад қилган бўлса, Мустамлий Бухорий бунга қўшимча тарзда тасаввуф ва илм, дин ва дунё муносабати масаласини ҳам ўртага қўяди. Унинг кучли мантиқча асосланган теран таҳлиллари туфайли тасаввуф таълимоти шариат аҳли ва ислом рационалистларининг бидъатчилик, маърифатсизлик айби билан ижтимоий ҳаёт саҳнасида супури ташланаш хавфидан омон қолди. Шундай экан, Мустамлий Бухорий ҳаёти ва илмий меросини ўрганмасдан туриб тасаввуф тарихи ва назарияси хусусида якуний хулоса чиқариб бўлмайди.

Мустамлий Бухорий ҳаёти ва шахси ҳақида маълумот берадиган илк тарихий манба Абдулқарим ас-Самъонийнинг (1113-67) "Ал-Ансоб" ("Насабнома") асаридир. Ас-Самъоний ўзидан олдинги оғзаки ва ёзма манбаларга таянган

ҳолда Мустамлий Бухорий ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: "Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ал-Мустамлий ал-Муфассир Бухоро аҳлидан бўлиб, муфассир эдилар. Бухорода кўп олимлардан таълим олганлар" (*Абдулқарим ас-Самъоний. Насабнома (Ал-Ансоб). "Бухоро", 2003, 107-108-бетлар*). Абу Бакр Калободий ва Мустамлий Бухорийга ихлоси баланд бўлган Хожа Муҳаммад Порсо ҳам "Фасл ул-хитоб"нинг биринчи фасли – "Дар баёни улуми суфия ва шарҳи калимоти онон"да Мустамлий ҳақида юқоридаги тавсифни тасдиқлайди: "Ва шайх, имом, ориф Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Музаққир, ал-Муфассир ал-Бухорий ал-маъруф бил-Мустамлий қаддасаллоху таъоло руҳаху..." (*Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ул-хитоб. 71-бет*).

Мустамлий Бухорий ҳаёти ва шахсига оид баъзи маълумотларни (исми, унвони, даражалари, шухрати, туғилган жойи, устозлари, шогирдлари, таҳсил олган илми турлари, асарлари ва ҳатто вафот этган санасини) тарихий ва тасаввуфий манбалардан топиш мумкин. Аммо унинг туғилган санаси ва йили хусусида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Бизнингча, бунинг сабаби ўрта асрларда ёзилган манбаларда шахсларнинг туғилган санаси ва йили келтирилмагани билан боғлиқ бўлса керак. Мустамлий Бухорийнинг вафоти ҳақида жумладан, Ас-Самъоний шундай деб ёзган: "Ҳижрий 434 (милодий 1042) йил зулкаъда ойининг 16-сида, душанба куни пешиндан кейин вафот этган" (Абдулқарим ас-Самъоний. *Насабнома. 108-бет*). Муҳаммад Порсо эса 10 кунлик фарқ билан шу маълумотни келтирган: "Ҳижрий 434 йили зулкаъда ойининг 26-сида душанба куни пешиндан кейин Бухорода вафот этган". У Мустамлий қабри Бухоронинг қаерига эканини ҳам айтиб ўтган: "Қабри Буғробекка мансуб тепалиқдадир" (*Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ул-хитоб. 71-бет*). Мустамлийнинг вафот этган йилига қараганда у Х асрнинг улуг' мутафаккирлари – Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Шайх Абу Саид Абул Хайр, Дақиқий, Фир

давсий, Фаррухий ва Манучехрийлар билан бир даврда яшаб, ижод этган.

Калободийдан фарқли равишда Мустамлий Бухорийнинг ном-насаби у ҳақда маълумот берадиган манбаларда бир хил шаклда (Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Мустамлий ал-Бухорий) келтирилади. Бу улуг олим ҳаёти ва шахсига доир энг муҳим фактлардан бири – унинг устоз ва шогирдлари ҳамда ўрганган илм соҳалари ҳақидаги тафсилотлардир. Жумладан, Хожа Муҳаммад Порсо унинг тасаввуф илмини кимдан ўргангани хусусида куйидаги мазмунда маълумот беради: Шайх, олим, ориф, зоҳид Аба Бакра ибн Аби Исҳоқ Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Яъқуб ал-Калободий ал-Бухорий билан суҳбат қурган. Тасаввуф тариқини ундан олган.

Ас-Самъоний Мустамлий Бухорийга "фиҳр ва ҳадис аҳли эди", деб баҳо бергани ва "сиҳохи ситта" тўпламларидан бирининг муаллифи – Имом Муслимни унинг устози сифатида тилга олганидан Мустамлий биринчи навбатда муҳаддис бўлган экан, деган хулоса келиб чиқади. Зеро, ҳадис илми билан шуғулланиш ва уни тўплаш IX–XI аср мутасаввифлари орасида расм бўлган. Ҳаким ат-Термизий, Абу Бакр Калободий, Абдуллоҳ Ансорий ва бошқалар шундай мутасаввифлар сирасига киради. Ас-Самъоний бир ўринда Мустамлийнинг ҳадис илмидаги шогирдлари ҳақида бундай деб ёзган: "Бу кишидан (Мустамлийдан – К. Р.) Абдулазиз ибн муҳаммад

ан-Нахшабий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Жаъфарий ҳадис ривоят қилганлар" (*Абулқарим ас-Самъоний. Насабнома. 107-бет*). Ас-Самъоний Бухоронинг Хужода деган қишлоғида туғилган Абу Али Муҳаммад ибн Али ал-Хужодийнинг бошқа бухоролик машойхлар қаторида Мустамлийдан ҳам ҳадис илмини ўрганганини айтиб ўтган. Бундан, Мустамлий ҳадис илмига оид бирор асар ёзмаган бўлса-да, бу соҳада етух мутахассис бўлган, дея хулоса чиқариш мумкин. Манбаларда Мустамлий асосан муфассир ва муҳаддис сифатида тилга олингани билан кўпроқ тасаввуф аҳлининг суҳбатида бўлгани ёки улардан таълим кўрганга ишора этилади. Жумладан, Ас-Самъоний Мустамлийнинг "Ат-Таъаруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф" ("Тасаввуф йўлини таништириш") асарига шарҳ ёзгани ва Омул (ҳозирги Чоржўй) шайхларидан ҳам таълим олганини қайд этиб ўтган. Мустамлий устози Калободий сингари, аҳли сунна вал-жамоанинг ханафия мазҳабида бўлган, ақидада Абу Мансур Мотуридийга эрашган.

Умуман олганда, бизгача етиб келган тарихий ва тасаввуфий манбалардаги маълумотлар етарли бўлмаса-да, уларга ва Мустамлийнинг асарига таянган ҳолда, алломанинг ислом маънавияти тарихида тутган ўрнини белгилаш мумкин.

Комилжон РАҲИМОВ,

*Давлат ва жамият қурилиши
академияси тадқиқотчиси*

Fariduddin Attorning borliq haqidagi qarashlari

Фаридуудин Атор Шарқнинг серқирра ва маҳсулдор ижодкорларидан бўлган. Адабиёт-шунос олим Иброҳим Ҳақул таъкидлаганидек, "Унинг шахсиятидан баҳс юритганда, чин фақирлик, дарвешлик, валийлик вазълардигинида назардан четда қолдирмаслик лозим. Аторга нисбатан "файласуф" сўзи унча мувофиқ эмасдек туюлади. Аслида дил нигоҳи дунё бағрини кесиб ўтган шу ҳақир шоир файласуфларнинг файласуфи, мутафаккирларнинг муршиди эди".

Дарҳақиқат, Атор меросини ўрганиш жараёнида фалсафанинг долзарб масалалари бўлган онтология, гносеология, мантиқ ҳамда ахлоққа оид ғояларини таҳлил қилиш жоиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Атор ўтмиш аждодлар ва келажақ авлодлар ўртасида кўприк вазифасини ўтади. Ушбу фикр исботи учун "Тазкират ул-авлиё" рисоласи ва у ёш Жаллоиддин Румийга туҳфа этган "Асрорнома" китобини эсга олиш кифоя.

Аттор онтология, яъни борлиқ ҳақида ниҳоятда теран фикрларни баён этган. Маълумки, борлиқ ҳақидаги масала фалсафада ҳар доим марказий ҳисобланган. Файласуфларнинг ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидаги ўрни ҳам ақсар шу саволга жавоби нуқтаи назаридан белгиланган.

Аттор фикрича, оламни яратган ягона Оллоҳни инсон онг ва ҳиссиёти билан қамрай олмайди. "Илоҳийнома" асарида ул зот Оллоҳни бундай таъриф этади:

*У шундоқ зотки, мулки безаволдир,
Хирад аҳли уни айтмоққа полдир.*

*У қудрат илки бирлан олди ерни
Фалак чавгонига сўнг солди ерни.*

Аттор таълимотида борлиқ нимадан пайдо бўлди, деган саволга қуйидагича жавоб берилади:

*Ҳар чи буду хаст хоҳад буду низ,
Жумла зон партав гирифтаст исми чиз.
Ному он партав ба ҳақ жон уфтод,
Ҳар ду оламро модад он уфтод.*

Мазмуни: нима мавжуд эди, ҳозир ҳам мавжуд ва мавжуд бўлади, ўз исмини ўша нурдан олди. Бу нурнинг ҳақиқий номи қалб эди, шу қалб сабабли икки олам яратилди.

Қалб субстанцияни (асос) қамраб олди ва бунинг порлаши натижасида Арш юзага келди. Арш порлаши осмон ва юлдузларни пайдо қилди. Осмон ва юлдузлар порлаши натижасида тўрт унсур – олов, тупроқ, сув ва ҳаво пайдо бўлди. Тўрт унсурнинг вужудга келиши порлаш кучини камайтирди, натижада тўрт унсурнинг аралашув жараёни юз берди, бунинг оқибатида қушлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар пайдо бўлди.

"Асрорнома" асарида Аттор бундай ёзади:

*Маодин мағзи аркон аст лекин,
Набот аст он гаҳе мағзи маодин.*

*Ваз у мағзи набот афтодт ҳайвон,
Вай он пас мағзи ҳайвон гашт инсон.*

Мазмуни: тўрт унсурнинг асоси – ўғит, аини вақтда ўғит асоси – ўсимлик. Ўсимлик асосидан ҳайвонлар, улар асосидан эса инсон пайдо бўлди.

Демак, Атторнинг фикрича, инсон босқичма-босқич пайдо бўлган. Бу жараён Яратувчининг хоҳиши билан амалга ошган. Оламда бирор бир ҳодиса унинг аралашувисиз юз бермайди. Инсон яралгандан сўнг жараён тўхтаб қолади. Энди инсон олий онг даражасига кўтарилмоғи лозим. Бироқ одамда бир вақтнинг ўзида қалбий ва жисмоний, ҳайвоний ва арши наботий хусусиятлар мавжудлиги боис улар ўртасида доимий кураш кетади. Кимда ҳайвоний хусусиятлар ғалаба қилса, олий қалб даражасига етолмайди, кимда арши наботий хусусиятлар ғалаба қозонса, Яратувчини англайди. У нима қилса, нима гапирса, Оллоҳ номи билан қилади ва гапирди.

Аттор асарларини чуқур тадқиқ қилган олим Е.Бертельс ҳам Аттор оламнинг яратилишини бир нуқта, яъни бир субстанцияга боғлаганини айтиб ўтган. Ушбу субстанция Аттор асарларида "жавҳар" атамаси билан ифодаланган. Бертельс Атторнинг олам ва одам пайдо бўлиши чизмасини қуйидагича кўрсатади: нур – онг – қалб – тўрт унсур – етти қават (арш) – ноба отлар – ҳайвонлар – инсон.


Аттор ғояларида маънавий, руҳий, ғоявий ва ҳатто қалбий жараёни илгари суради ва унинг тўлдирувчиси сифатида моддийликни (тўрт унсур) таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Аттор борлиқ пайдо бўлишида Олий Қалбнинг ўрнини юқори деб белгилаб, инсонда ҳайвоний ва арши наботий хусусиятлар билан бирга мавжуд бўлишини таъкидлайди ва бу ўзаро зид қутбларнинг башарията таъсирини ифодалаб беради.

Санжар МУРОДОВ,

*Бухоро давлат университети
аспиранти*

SUMMARY



In his interview entitled “Man Lives While Seeking His Star of Fortune” professor Shuhrat Egamberdiyev tells how a program on monitoring little planets i.e. asteroids is implemented in the observatory of the Institute of Astronomy located in the Maydanak mountains. The discovery of a new planet by the scientists of the observatory is a confirmation of the fact that astronomy has risen to a world standards level in Uzbekistan in the years of independence, he says. While scientists in Russia are concerned about excluding astronomy out of school curriculum it is taught in Uzbekistan not only at schools and lyciums but in the institutes of higher education too. The only problem astronomers face today is their non-proficiency in foreign languages. Nowadays it is impossible to engage in any research in the field of natural sciences without speaking English.

TV as a greatest discovery of the humankind has been engrossing the mind of people in a rapid way since the second half of the 20th century. It became clear that watching it for a long time increases a wish for comfort and quiets down creating capacities. The results of a research on threats of foreign TV programs to the information security of Uzbekistan and problems on their neutralization show that viewers take them both consciously and unconsciously. An article “A False World behind the TV Screen” by Elbek Holiqov tells what sort of measures must be taken against destructive ideas of TV programs penetrating into the information field of Uzbekistan.

In his article entitled “Soft Power” Abror Yusupov tries to disclose the true meaning of the “soft power” phrase which has triggered intensive discussions in world politics and international relations. At the same time he analyzes it as a thing drawing the attention of the world community, and reasons and objectives why some powers use it as a tool in pursuing their strategic objectives. A war and peace issue has been urgent throughout the human history. The main idea of this article is that compromise, peace, culture and cooperation (“soft power”) must dominate over struggles

and wars (“hard power”) the world has been tired of. On the one hand it is a kind of laying claim to idealism but on the other hand there is no alternative way to maintain peace.

Th

e only objective of philosophical criticism is search for truth and attempts to increase opportunities for finding it. In this process one forms his own skills on raising philosophical issues, comprehending and explaining consequences of such ones. In their turn these skills serve as a foundation in forming philosophical thinking and criticism. As a result we rise above the issues concerning our personal and group interests and we get used to research them in an objective way. In the article “Is There any Benefit from Philosophy?” Hurshid Yoldoshev tells about skills which become efficient as a result of regular engaging in philosophy are of great importance in bringing up an intelligent citizen who has got independent thoughts and who is enough protected from ideological attacks.

F

rench author Honoré de Balzac promised himself to create a series of works which could to exert a significant influence on the life of the 19th century. He decided to depict events he had witnessed and the multilayer and complicated life of his contemporaries in his works but not of those of the after-life. The short story by Balzac “The Unknown Masterpiece” is about a poor man who cannot display his unique creativity. In this short story the author showed not only his incomparable writing skills but his great knowledge of people, events and fields he wrote about. Literary critic Naim Karimov translated this short story through Russian into Uzbek and offers it to the attention of the Tafakkur readers.

G

reat Uzbek poet of the Medieval Ages Alisher Navai said that each person had to be committed to an idea of self-blaming. According to him there is a bright future, pure life and spiritual clarity behind this view. In his work “The Beloved of Hearts” he notices that helping people, showing a right way for the lost, providing a backstop for the fallen, giving a hope for the hopeless, supporting the poor and seeking treatment for those who suffer from separation with their beloved are regular works to be done by dervishes. The article “A Symbol of the Perfect Belief” by Shavkat Hayitov is dedicated to the interpretation of this topic.

Тўн

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархда

ТАФАККУР

ТАФАККУР 1/2011

